

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

# БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

*Саргузашт-детектив роман*

Учинчи китоб

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2012

УДК 821.512.133-3

84(5Ў)6

И 81

КБК 84(5Ў)6

— Ўзб. араб.

«Бургут тогда улғаяди» асарининг биринчи ва иккинчи китоблари нашр этилгач, ўтган вақт мобайнида муаллифга кўплаб мактублар келди. Аксарият муҳлислар асар қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти билан қизиқишаётганини ёзишганди. Муаллиф сиз азиз муҳлисларининг талаб ва истакларингизни инобатга олган ҳолда, қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти, қалб кечинмалари ва орзу-истакларини ўрганиб, асарнинг давомини ёзишга қарор қилди.


Қадрли муҳлислар! Бугун эътиборингизга «Бургут тогда улғаяди» асарининг учинчи китобини тақдим этяпмиз. Умид қиласизки, қаҳрамонларининг янги-янги саргузаштлари, куттимаган тўқиашувлар ва уларнинг ҳаётий ечимлари сизларни бефарқ қолдирмайди.

Исмоилов, Нурилдин.

Бургут тогда улғаяди: Саргузашт-детектив роман: К.3 / Н.Исмоилов. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. — 256 б.

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-03-459-4



10 - 39590/2/3

ISBN 978-9943-03-459-4

© Н.Исмоилов  
© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа уйи, 2012.

\* \* \*

Улар зилол суви майда тошчаларга урилиб, жимирлаб оқаётган жилға ёнида тұхташди.

— Дада, — Достонга жавдираб қаради Фирдавс, — сув ичгим келяпти. Чанқаб кетдим.

Достон кулимсираб, болакайнинг бошини силади. Кафти иссиқлик түйди.

— Ўғлим, бошинг оғримаяптими? — деди хавотирланиб.

— Йўқ, дада. Лекин роса чанқадим. Манави сувдан ичсам майлими?

— Майли, ич. Мен ҳам чанқадим. Оёғимдаям дармон қолмади. Ўзи сени бекор опкелибман. Бошингдан иссиқ ўтиб кетди. Ҳали бувингдан балога қолмасам гўргайди, — деди Достон ўғлининг кўкрагини ерга босиб, лабини жилғага ботириб сув ичишини томоша қиласкан. «Бузоқчага ўхшайди, умрингдан барака топтур. Ишқилиб, мен, ота-онанг кўрганларини сен кўрмагин. Оддий одам бўлсанг ҳам, ҳалол, покиза яша. Кўлингни қонга ботирма. Бахтли умр кечир», хаёлидан ўтказди ва бирдан кўз олдига Фаррух келди. Кўзлари бургутларникiday ўткир, бургутдай кудратли, бургутдай жиддий одам гавдаланди. «Йўқ, Фирдавс унга ўхшамайди. Унинг ишини давом этказмайди. У олим бўлади», деган хаёлда жилғага тикилиб қолди.

Чанқоғи қонган Фирдавс ўрнидан туриб, отасига юзланди:

— Дада, мен ичиб бўлдим.

Достон чўчиб тушди. Кейин ўғлига қараб жилмайди.

— Яхши, энди мен ҳам ичаман.

У ҳам худди Фирдавс каби кўксини ерга босди. Тумшүфини сувга тиқиб, култ-култ ютинди. Муздай ажиб бир таъмни түйди.

— Дада!.. Дада, қаранг, — деб қичқириб юборди Фирдавс, — осмонда жуда катта қуш учиб юрибди.

Достон бошини күтариб, ўрнидан турди. Сұнг Фирдавс күрсатған томонда, күкда парвоз қилаётган бургутни күрди.

— Қанақа қуш у? — сүради Фирдавс осмондан күзини узмай.

— У-ми? У бургут, ўғлим.

— Жудаям баландда учаркан-а?!

— Ҳа, баланд учади. У мағрур қуш. У ана шу баландда туриб, ерда юрган қумурсқаниям күролади.

— Зүр экан-а, дада?

— Ҳа, зүр, — дея Фирдавсга юзланған Достон эндиғина олти ёшни қаршилаётган болакайнинг күзидағи ўтни күрди. Бир қалқиб тушди. Ҳатто эти жимирлаб кетди. Қачонлардир Фаррухни күрганида ҳам шундай бұлғанди. Юрагини ҳаяжон босиб, құркувни ҳис этувди. Ҳатто бир неча оний дақықалар ичида ўзини тобедай сезувди ўшанда. Ҳозир ҳам шуни түйди. Бирдан қони қайнади. Боягина меҳр билан боққан күзларida ғазаб, алам учқунлари пайдо бұлди. Юрмасдан, югурмасдан, манави шағал тошлари сочилиб ётган, ўтлари тизза бўйи келадиган, буталари мева туккан тоғнинг устига чиқмай туриб, ҳансирай бошлади. «Мен бу ерда бегонаман. Бу ер Фаррухники, манави болаям, бургутлару жилга... ҳамма-ҳамма нарса уники, — ўйлади у, — жўжа улғаймай туриб, суробини түғрилаш керак. Онаси... онаси ҳеч нарсани билмайди. У онгсиз... Ўзига келиб сўраса, боласи ўлганини айтаман. Кейин у менга ўғил туғиб беради. Ўзимга ўхшаган, баланд бўйли, елкалари кенғ, бир сўзли... Нималар деяпсан, номард?! Туллак! Қасамхўр ўғил туғадими?! Тўхта, Достон! Ўзингни бос, бола, нималарни ўйлаяпсан? Моҳирўйга бўлган муҳаббатинг шуми, севишинг шуми?.. Ич-ичингдан Фаррухнинг руҳига ваъда берувдинг-ку. Ярамас, ит, маҳлук! Юз метр наридаги жарликка ўзингни от! Бoshинг билан харсанг тош устига қулаб, минг бўлакка бўлинib кет! Шуям кам сен маразга! Муштдайгина болачани ўлдирмоқчи бўлдинг-а?»

Фирдавс нигоҳини бир зум бўлсин, бургутдан узмас, кўкка тикилиб, қотиб қолганди.

— Нима қиласайпсан, ўғлим?! — деди қўнглида болакайга нисбатан ўзгача меҳр уйғонган Достон энганишб уни қучоқларкан.

— Дада, ўша бургут-чи, менга қараётганга ўхшайди. Чумолиларни кўраётган бўлса, мениям кўраяпти-я, да-дажон! — деди завқ билан Фирдавс.

— Кўраяпти, ўғлим. Катта бўлсанг, сен ҳам мендай зў-ўр бўласан, бургут бўласан, деяпти.

— Мениям қанотларим чиқадими, мен ҳам учамани?! — деди Фирдавс беғубор соддалик билан.

— Йўқ, сен ердаги бургут бўласан, арслон бўласан... Шошма, нималар деяпман ўзи? Мен сени ўқитаман. Катта олим бўласан. Ҳамма сенга ҳавас билан қарайди, болам, — деди Достон.

Шундай деди-ю, кўзидан тирқираб ёш оқиб кетди. Фирдавс кўрмасин деб, қаддини ростлади-да, кўзидаги ёшни шоша-пиша артди. Бироқ болакай аллақачон кўришга улгурган эди. Онасиникуга ўхшаган киприклини пирпиратиб:

— Нега йигладингиз, дада? — деб сўради.

— Йигламадим, болам, кўзимга нимадир кириб кетди.

— Алдаяпсиз, алдаяпсиз. Иккала кўзингизгаям бирдан кириб кетмайди, — деди Фирдавс шўхлик билан қиқирлаб куларкан. — Ҳали уйга борганимизда, йифлаганингизни бувижонимга айтиб бераман.

Достон ҳам унга қўшилиб кулди. Сўнг боласининг бошини силаб:

— Сотқинлик қиласанми? Ўғил болалар сотқин бўлишмайди, — деди ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб.

— Ҳазиллашдим. Ҳеч кимга айтмайман. Ўзингиз ўғил бола йигламайди, дейсиз-ку... Мен ҳам сизнинг йифлашингизни истамайман. Ана, тоғдан тушаётганимизда, йиқилиб тушдим, қўлимга тикон кириб кетди. Лекин йигламадим.

— Маладес, энди кўп маҳмадоналиқ қилма. Қўйларимиз нариги сойда қолган. Бирон ёқقا кетиб қолса, роса қидирамиз. Кетдик.

Улар тоққа чиқа бошлашди. Тог анча ётиқ, ясси эди. Икки йилдан бери төгма-тоғ кезаверид, оёқчалари чайирлашган, күзи пишган Фирдавс учун бундай жойларга чиқыш унчалик қийин эмасди. Ҳатто баязы қияликларга Достондан аввал югуриб чиқыб кетарди. Ҳозир эса ортда қолди. Бунинг устига, күм-күк ўтга сирпаниб, икки-уч марта йиқилди. Олдинда кетаётган дадасини чақырмай, бурнини тортиб күйиб, юришда давом этди. Аммо тездә чарчади. Бүртиб турган тош устига ўтириб олди-да, тобора узоқлашиб кетаётган отасининг орқасидан ола қараб қўйди.

— Билсанг, ўғлим, бу тогу тошлар жуда кўп нарсаларни кўрган. Бу ерларда бўрилар, айиқлар, кийиклар яшаган. Одамлар, — дея Достон юришдан тўхтаб, ортига ўгирилди-ю, қотиб қолди. Чунки Фирдавс йўқ эди. Достоннинг жон-пони чиқыб кетди.

— Фирдавс! — дея бақирди бор овозда. — Фирдавс! — Достон ортига қараб югуриб кетди. Хаш-паш дегунча ўғли ўтирган жойга етиб келди.

— Эшак, нега финг этмайсан, юрагимни ёрдинг-ку!  
— деб бақирди у пешонаси тиришиб, кўзи косасидан чиққудек чақчайиб.

— Ўзингиз.... ўзингиз, — дея пиқ-пиқ йиглай бошлиди отасининг важоҳатидан қўрқиб кетган болакай,  
— мени ташлаб кетдингиз-ку.

Достон дами чиққан пуфакдай бўшашиб, Фирдавснинг ёнига ўтириди ва ўғлини кучоқлаб, хаста товушда гап бошлади:

— Орқамдан келаяпсан деб ўйлабман. Кейин қарасам, йўқсан, ўтлар орасида кўринмаётган экансан-да, майли, хафа бўлма, боя ўзинг айтдинг-ку, эркаклар йигламайди, деб. Бўлмаса, мен ҳам сени бувингта айтиб бераман.

Фирдавс бошини кўтариб, дадасига қаради. Юзида табассум пайдо бўлди.

— Ана биру бир бўлди. Сен мени сотсанг, бувингга мен ҳам сени сотаман, — дея Достон ўрнидан турдида, кўнглидаги гашлик тарқаб, ўглига қўл узатди. — Кел, сени орқамга опичлаб оламан.

Қўйлар ҳам секин-аста ақлли бўлиб қолишаркан. Тўрт ойдирки, туш маҳали Достон қўйларини жилғанинг сўл тарафидаги қир ортида, сойлик ўртасида шохлари тарвақайлаган баланд ёнгоқ остида тўплайди. Қўйлар кун тафти сусайгунча шу сояда ётишади. Достоннинг ўзи ҳам белбоғини ёзиб, дастурхон қиласди. Эшагининг хуржунидан нон, пиёз, бир чимдим яхна гўшт, шиша-да сув олиб, дастурхон устига қўяди ва ўғли билан бирга маза қилиб овқатланишади. Сўнг ухлашади. Бу пайтда тўрт ёшли олапар соқчиликни бўйнига олади.

Кундузги уйқудан кейин таналарига яна қувват энган ота-бала кечгача қўй боқищди. Шафақ қизара бошлагач, Достон элликдан зиёдроқ қўйларини бир жойга йифиб, қишлоққа ҳайдади. Достон тоғ ичкарисидаги узоги билан йигирма хўжалик яшайдиган Тугмасой қишлоғига келган йили бор пулига ўнта қўй сотиб олганди. Мана, йиллар ўтиб, элликдан ошди. Ҳалиям Достон бир-иккисини сотди. Саккиз-тўққизтасини сўйди. Бўлмаса, етмишнинг тагига бориб қоларди.

Куни билан еб, юриб толиққан қўйлар қишлоқнинг энг чеккасидаги, пастқамгина деворлари тоғ тошларидан бўлган ҳовлининг кун ботаридаги қўрага киришгач, Достон эшакдан тушиб, ўслини ҳам ерга олди-да, жониворнинг эгарини ечиб, ўзини қўйлар орасига қўшиб юборди ва қўра эшигини ёпди.

Фирдавс эшакдан тушган заҳоти уйга югурди. Ичкарида жондан ортиқ қўрадигани бувиси ва шу кунгача ҳали бир оғиз ҳам гапирмаган ойиси ўтиарди. Ўғли билан набираси келганини деразадан кўрган кампир дарров урчуғини айлантиришдан тўхтаб, инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Ўтираверганидан увушиб қолган белини уқалади-да, урчуғини или билан бирга токчага қўйиб, тахмондаги кўрпани олди. Уни ерга тўشاшига улгурмасидан, эшик очилди.

— Бувижон, — бақирди Фирдавс одатдагидай шўх овозда, — биз келдик.

У чопқиллаб келиб, бувисини қучоқлаб олди. Кампир одатдагидай эгилиб, болакайнинг иккала юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди. Фирдавс кампирнинг қучо-

ғидан чиқиб, уй тўрида бир нуқтага термилиб ўтирган  
Моҳирўйнинг ёнига бориб, чўккалади-да, уни қучоқлади.

— Ойи, биз-чи, қўйларнинг қорнини роса тўйғазиб  
келдик. Дадам-чи, иккита совлиғимиз уйга боргунча ту-  
ғиб қўймасайди, деб қўрқди... Ойи, нега гапирмайсиз?  
Ҳамма гапиради, мен, бувим, дадам, ҳаммамиз. Фақат  
сиз гапирмайсиз, ойижон. Гапларимни эшитмаяпсиз-  
ми? Нега шунақасиз? — деб Моҳирўйнинг юзига тер-  
милиб қаради у.

— Фирдавс, болам, ойингни безовта қилма, — деди  
кампир одатдагидай, — менга қарашиб юбор. Даданг ҳам  
чарчаб келганга ўхшайди. Дастурхонни токчадан олиб, ма-  
нави ерга ёз... Ҳа, шошма, аввал яхшилаб ювениб кел-чи.

Бу гаплар ҳар куни айтилади. Кампирнинг бисотида  
бошқа сўз йўқдай, гўё фақат шу сўзларнигина ёд ол-  
гандай. Ювениш масаласи кўндаланг қўйилиши би-  
лан Фирдавс ҳам одати бўйича:

— Уфф, — дейди қовоғиии уйиб, сўнг оёғини суд-  
раб босиб, ташқарига чиқиб кетади.

Бу уйнинг одамлари ярим кечагача бедор ўтириш-  
майди. Аввал Фирдавс ухлаб қолади. Кейин ўғли билан  
Фирдавснинг уйда эканидан кўнгли тўқ кампир пинак-  
ка кетади. Достон икки марта ярим кечада келган. Қўйла-  
ридан учтаси йўқолиб қолганди ўшанда. Кампир дераза  
ёнига кўрпача солиб, ташқарига термилганча ўғлини  
кутган, аксига олиб, чироқ ҳам ўчиб қолганди, бундан  
кампирнинг кўнгли баттар зулматга айланган эди.

Кафтини юзига қўйиб, бир маромда нафас олганча  
ухлаётган Фирдавсни томоша қилиб ўтирган кампир  
ўғлига юзланди.

— Болам, қачонгача шундай юрмоқчисан? — дея  
сўради у ҳар доимгидаи.

Достон бошини кўтарди. Моҳирўига юзланди. Бур-  
чакда бир нуқтага термилиб ўтирган жувоннинг юзида  
ним табассум бор эди. Табассумки, одамнинг юрагини  
ўйнатиб юборади. Борибоқ бағрингга босгинг, юзининг  
табассумли жойидан бўса олгинг келади. Достон чу-  
қур хўрсинди.

— Ойи, бир куни ўзига келиб қолар, дўхтириштаги айтганку, бунинг давоси вақт, деб, — деди.

— Ўғлим, ўша дўхтирининг айтганингаям беш йилдан оиди. Тузалса тузаларди-да, шу пайтгача. Бекорга умрингни хазон қиласыпсан. Қиз бола бўлгандаям, майли эди. Эр кўрган жувон бўлса...

— Ойи, Фирдавсни яхши кўрмайсизми? — дея онасининг гапини бўлди Достон.

Кампир пишиллаб ухлаётган гудакка қаради. Унинг ҳар куни тонгда: «Бувижон, биз кетаяпмиз, сиз ҳечам кўрқманг. Қўйларимизнинг қорнини тўйдирдикмиз-у, дарров қайтиб келамиз», дея бувисининг ажин босган юзидан чўлпиллатиб ўпиди қўйиши, кечқурун қайтганида, шўх-шодон қийқириши, кўрганларини бидиллаб гапириб бериши кўз ўнгидан ўтди. Кампир бу болакайга ўрганиб қолди. Энди уни бир кун кўрмаса туролмайди.

— Яхши кўраман, — деди кампир мунгли товушда, — лекин болам, Фирдавсга ўзим қарайман. Сен битта жувоннинг бетига термилиб, умрингни ўтказма.

— Ойи, бир одамга ваъда берганман. Унинг хотини билан боласини кўз қорашибидай асрарим керак, бўлмаса, ўлган одам гўрида тик туради, — деди Достон бошини эгиб.

— Ўзинг-чи?.. Бева хотинни деб, умрингни ўтказмоқчимисан?

— Моҳирўй тузалса...

— Тузалмаса-чи. Ҳой бола, кўзингни оч, бўлди, ҳаммаси ҳалқумимга келди. Бунақаларга қарайдиган балниса бор, шу ерга обориб ташла. Эрталаб ҳожатга оборасан, кейин бетини ювив қўяссан, пешинда мен овқатлантириб қўяман. Кечқурун яна сен. Бу нима деган гап? Инсофинг борми ўзи?! Ҳеч вақт эркак киши аёлнинг авратини тозалаб қўядими?!

Достон ток ургандай илкис бошини кўтарди. Унинг юзи қизарган, сўл қоши учайтганди. Чиндан ҳам у ойиси айтган ҳамма нарсани бажаарди. Айнан шунинг учун ҳам никоҳ ўқитиб қўйганди. Номахрам бўлиб қолмасин, деган мақсадда. Лекин кампир шу кунгача бирор марта бўлсин, бетига солмаган.

Үғил сапчиб ўрнидан турди. Онасига бир сўз демай, ташқарига чиқиб, узумдай осилиб турган юлдузларга боқди. Ўксинди. Чўнтагини ковлаштириб, қадисини олиб, кафтига нос тўқди. Сўнг уни тилининг тагига ташлаб, деворга суюнди. Орадан беш, ўн, ўн беш дақиқа ўтди. Тоза ҳаво, майнин шабада кўнглидаги губорни бир мунча аритгандай бўлди. Илгарилари бундай пайтда у сира ўзини босиб ололмас, уйга қамалиб олиб, маст бўлиб думалаб қолгунча ичарди...

Моҳирўйни биринчи марта уйига олиб борганда, онаси шунақанги жанжал қилгандики, гаплари Достоннинг суяк-суюгидан ўтиб кетганди.

— Сенсанқи, бемаза болаларни дўст тутиб, отангнинг бошига етдинг! Энди уйимга умрини ҳаром-ҳаришда ўтказган жувонни боласи билан етаклаб келдингми?! Ҳозироқ кўзимдан йўқот! Агар йўқотмасанг, берган сутим ҳаром бўлсин! — дея титраб қарғаганди.

Достон ўзини тутолмай қолди. Кўз олдини қалин туман қоплади. Югуриб хонасига кирди. Эшикни ичкаридан қулфлаб, ўзини осмоқчи бўлиб, камарини ечди. Шунда эшик ортидан онасининг овози эшитилди.

— Болам! — дея ингради онаси. — Бу ёққа чиқ, ўзингни бос. Гаплашиб олайлик, болам! Сен менинг суянчигимсан!

— Ойи, укамдан сўрасангиз, Миразиз деган ўртогимнинг телефон номерини беради. Яхши бола. Милисада ишлайди. Айтинг, келиб Моҳирўйни олиб кетсин. Боласиниям. Менинг уйимга сифмаган қиз уни кига сифади, — деди онасига жавобан Достон ва полга оёқларини чалиштириб ўтирди.

— Кўй, болам, ундан гапларни гапирма, эшикни оч. Отанг ҳаққи-ҳурмати, оч, болам, — дея ёлворди она.

Достоннинг кўз ўнгига отаси гавдаланди. Эгнига эски чопон кийган, пешонасини ажин босган, қарашлари мунгли, қадди букилган отаси.

— Ота, мени кечиринг. Мени кечиринг, отажон! Сизга муносиб фарзанд бўлолмадим. Сизга ташвишдан бошқа нарса келтирмадим. Умрингизга зомин бўлдим, отажон, мени кечиринг! Қанийди ҳозир тирик бўлсан-

гиз, қанийди мени ўз қўлларингиз билан бўғиб ўлдирсангиз! Шунда гуноҳларимнинг озгинасидан бўлсаям кутулардим, отажон! — дея пичирлади у.

— Болам, ўғлим... — она ортиқ сўзлай олмади. Ташқаридан Суҳробнинг:

— Ойи! Ойижон, сизга нима бўлди?! — деган овози келди.

Достоннинг юраги ёрилиб кетай деди. У шоша-пиша зулфакни тушириб, қарсиллатиб эшикни очди. Онасининг полга ўтириб қолганини, ранги докадай оқариб кетганини кўрди.

— Ойи! — деб бақириб юборди ва онасини қучоқлаб, ҳўнг-ҳўнг йиглади.

Суҳроб ташқарига чиқиб, кўз очиб юмгунча челякда сув олиб келди. Бунгача Достоннинг опаси билан синглиси келган, улар ҳам дув-дув йиглашарди.

Ҳартугул, она ўзига келиб, озгина сув ичгач:

— Болам, — деди Достонга юзланиб, — майли, қолсин.

Гап нимада эканлигини ҳамма биларди, шу боисдан опа укасига ўқрайиб қаради. Сингил ҳам акасига алам билан тикилди. Суҳроб тишини тишига босиб, қўлини мушт қилди. Лекин ҳеч бири лом-мим демади. Онанинг бутунлай ўзидан кетиб қолишидан чўчишиди.

Кечга бориб, аёлнинг аҳволи анча яхшиланди. Шунгача Достон уйига кирмади. Ҳовлида у ёқдан бу ёққа ивирсив юраверди.

— Агар ойимларга бир нима бўлса, биз сени кечирмаймиз, — деди паст овозда Мафтуна бошини ҳам қилиб ўтирган укасининг ёнига келиб.

Достон опасига ўқрайиб қараб қўйди. Бироқ гапиришга забони йўқ эди унинг.

Кечқурун онаси Достонни ёнига чақирди. Йигитнинг боши эгик эди. У куни билан ўй сурди. Куни бўйи азобланди. Лекин қани энди бир тузукроқ фикр келса. Қани бу чигал вазиятга осонгина ечим топса. Йўқ. Ҳамма йўлнинг боши берк. Моҳирўйни бирон жойга олиб кетолмайди. Чунки унга қаровчи керак. Бунинг устига, чақалоқ ҳам бор.

— Болам, ақл-хүшингни йиғиб ол. Мен сенга манави телбасифат жувонни оберишим мумкин. Фақат кейин ўзинг афсусланасан. Иккинчи томондан сенга рўпара келадиган хор-зорликкайм тайёр тур. Яна бошқа бир томони, касал бечорани қийнама. Яхиси, дўхтирга олиб бор. Улар вақт-бевақт ҳолидан хабар олишади. Дори-порисини бериб туришади. Ўглини эса болалар уйига топшир. Опангни узатганимизгаям анча бўлган. Ўзини иккита норасидаси бор. Синглингниям ҳали замон турмушга берамиз. Укангдан умил қиласаем бўлади. Мен ярим жонман. Чақалоққа қарайдиган аҳволдамасман, — деди она мунгли қўзларини боласига тикиб.

— Ойи, мен бир ўйлаб қўрай, бирорта чораси чиқиб қолса ажабмас, — деди-ю, Достон ҳовлига чиқди. Сигарет тутатиб, бояги тахлит у ёқдан бу ёққа юрди. Кейин Моҳирўй ўтирган хонага кирди. Унинг ёнида синглиси чақалоқни ўйнатиб ўтирганди. Моҳирўй эса бир нуқтадан кўз узмас, гўё жонсиз ҳайкалдек қотиб қолганди.

Достон хонада кўп ўтиромади, аввал ҳовлига, кейин кўчага чиқиб кетди. Тўғри дўконга борди. Икки шиша ароқ сотиб олди ва уйига келиб хонасига беркинди-да, чордона қуриб ўтирганча ароқ ичди. Аввал биринчи шиша бўшади. Кейин иккинчисидан ҳам бир пиёла ичилди. Қолганига Достоннинг кучи етмади. Маст бўлиб, гурсиллаб ёнига қулади ва шу алпозда ухлаб қолди. Шу кўйи эртасига тушгача донг қотиб ётди. Уйғонса, кимдир устига кўрпа ёпиб кетибди. Яна ёнида бир кося чой турибди. Боши гувиллаб айланаяпти. Оғзи ачиб, қўланса ҳид келаяпти. Шу боис чойни ичолмади.

Ювиниб-тараниб, ошхонага кирса, укаси ўтирибди. Достонни кўрди-ю, еб қўйгудек тикилди. Қани энди қўлида тўппончаси бўлса-ю, акалигига ҳам қарамай, пақпук отиб ташласа. Унинг қовоқ-тумшугини кўрган Достон лом-мим демай, ўзига совиб қолган чойдан қўйди.

— Ойимни балнисага ётқизиб келдим, — деди Сухроб хўмрайиб.

— Нега ётқизасан? — сўради ҳайрон бўлган Достон.

Шунда Сухроб унга яна бир бор нафрат билан қараб қўйди.

— Эрталаб яна мазалари бўлмади. Сиз бўлсангиз, шишиб ухлаётгандингиз...

— Ёнларида ким қолди? — сўради Достон укасининг қовоқ-тумшуғига эътибор бермасликка ҳаракат қилиб.

— Опамлар. Иффатой сизнинг хотинчангиз билан ўғилчангизга қараб ўтирибди. Бечора синглим уй қамоғида энди...

— Ўчир овозингни! — бақириб юборди Достон. — Сен аралашма!

— Мен аралашмайин, — кесатди Суҳроб, — унда сиз ҳам уйдагиларнинг тинчини бузманг, анави манжалақини...

— Ҳов бола! — укасининг ёқасидан олди Достон. — Овозингни ўчир деяпман!

— Нима қиласиз, ўлдирасизми?! Ҳа, бу иш сизнинг кўлингиздан келади!

Достон муштумини ҳавога кўтарди.

— Ака-а-а! — деб бақириб юборди шу пайт ошхонага кирган Иффатой. — Нима қилаяпсиз?! Шунча кўргилик камми?!

Достон Суҳробни урмади. Укасининг ёқасини қўйиб юбориб, кўлини туширди. Икки ҳатлаб, ташқарига чиқиб кетди. Чўнтагини пайпаслаб, сигаретини топди, кўли қалтираб сигарет тутатди. Шу маҳал дарвоза қўнғироги жиринглади. Лекин у дарвозани очишга бормади. Боролмасди. Бутун вужуди титраётган, бошига қаттиқ оғриқ кирганди. Кўзини чирт юмиб, тишини тишига босиб, қоқкан қозиқдай тураверди. Қўнғироқ эса, аксига олгандай, жиринглашда давом этди. Агар синглиси чиқиб, дарвозахона томонга югуриб кетмаганида, сўкиниб юбориши аниқ эди. «Нима гуноҳ қилдим?! Ҳамма нарсага ўзим кўндаланг бўлайпман-ку, ҳеч кимни аралаштираётганим йўқ-ку. Моҳирўйни қабул қилишса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку... Она-боланинг қандай яшаши, уларни қандай боқиш менинг муаммом бўлса! Бировга оғирлигим тушмайди-ку, нега булар тушунишни исташмайди... Падарингга лаънат, звонок! Аллақачон бузиб ташлаш керак эди уни. Шун-

дай пайтда бало борми бу ерга уйга келишгә?!» хаёлидан ўтказди Достон синглиси бориб, дарвозани очгунича.

— Ака, — деди Иффатой ботиниб-ботинмай, изига қайтиб келгач, — сизни сүраб келишибди. Исмини Миразиз деди. Ёнида яна битта қыз бор.

Достоннинг юзи ёриши. «Хайрият, мени тушунадиган одамлар келишибди», дея хаёлидан ўтказди у ва дарвоза томонга икки қадам ташлади-ю, тұхтаб ортига ўғирилди. Синглиси жойидан қимирламай, акасига термилиб турарди.

— Миразиз милиционер, у билан келган қыз — хотини. Улар менинг дұстларим. Шунинг учун ҳар хил нарсаларни ўйлайверма. Анави томи кетген Сұхробгаям айтиб қўй.

Иффатой акасидан кўзини олиб қочди. Сўнг югурриб, уйга кириб кетди.

Миразиз Достон билан кўришар-кўришмас:

— Нима бўлди? — дея сўради.

— Эй-й, сўрама, оғайни. Роса дабдалам чиқиб кетди, — жавоб берди Достон.

— Моҳирўй яхшими, яхши ўтирибдими? — деди Миразизнинг ёнида турган Руҳшона.

— Ҳа-а, ўтирибди, — Достон Миразизга юзланди, — лекин ойим уни қабул қилмаяпти. Роса бошим қотган. Кеча ойимнинг мазаси бўлмай қолди. Кейин яхши бўлувди. Бугун яна оғриб қопти. Ҳозир балнисада, нима қилишга ҳайронман. Уйдагиларнинг ҳаммаси менга душманга қарагандай қарайапти.

— Унда машинага ўтирибди, — деди Достонга тикилиб турган Миразиз, — мен ўзим ойингга тушунтираман.

— Мен қоламан, — деди Руҳшона, — Моҳирўйнинг ёнида бўламан.

— Синглим қараб турибди.

— Майли. Кечаси билан алгов-далғов туш кўриб чиқдим. Достон ака, илтимос, йўқ деманг. У менга қадрдондай бўп қолган, — деди Руҳшона ялинчоқлик билан.

— Юринглар, — Достон уларни ичкарига бошлади. Моҳирўй ётган хонага яқинлашганда, синглисини чақириб, унга Руҳшонани таништирди. — Сен билан ўтириб турди. Биз Миразиз билан ойимни кўргани бориб келамиз.

— Хұп, — деди Иффатой итоаткорлик билан.

Касалхонага боргунларича Достон дүстига бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир айтиб берди. Охирида чукур уҳ тортиб:

— Нима қилишгаям ҳайронман, оғайни. Моҳирӯйнинг балнисадаги аҳволини ўзинг кўрдинг. Яхшиям, сен бор экансан. Бўлмаса, падарингга лаънатилар битта укол билан ўлдириб юборишарди. Лекин буларни қандай қилиб ойимга айтаман? Яна хавотирга тушади. Бошқача хаёлга боради, — деди.

Достоннинг гапларини диққат билан эшигтан Мирализ из йўлдан кўзини узмай, машина ҳайдаб бораркан, хаёлан мулоҳаза қилди. Моҳирӯйни ўзи севиб, унга жонини бергудай бўлиб, орқасидан юрганларини эслади ва ҳозир Достоннинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди. Ахир у ҳам шундай аҳволга тушиши аниқ эди-ку.

— Хавотир олма, — дея ёнида ўтирган йигитга таскин бермоқчи бўлди у, — чора топамиз. Менимча, ойинг тушунади. Хато аввал сендан ўтган. Сенга: «Аввал бориб, ойингга ҳаммасини тушунтир, уни тайёрла!» дегандим. Лекин шошқалоқлик қилдинг. Фақат ўзингни ўйладинг. Моҳирӯйни уйимга оборсам бўлди, муаммоларнинг бари ўз-ўзидан йўқ бўп кетади, дединг. Мана, оқибати нима бўлди? Лекин одам ҳар нима бўлгандаям кўнглини чўктирмайди. Яна ўзингни осмоқчи бўлганингга бало борми? Яхшиямки, онанинг кўнгли ҳамма нарсани олдиндан сезади. Тасаввур қилиб кўр, ўзингни осганингда, онангнинг аҳволи нима кечарди?

— Бўлди, оғайни, — Достон Миразизга қараб қўйди, — эслатма. Ўзи зўрға кетаяпман.

Миразиз жим бўлди. Шу билан иккиси ҳам ўзича хаёлга берилди.

Касалхонага етганларида Миразиз Достонни машинада қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди. Шу қўйи қарийб бир соатлар чамаси йўқ бўлиб кетди. Достоннинг тоқати тоқ бўлди. Машинадан тушиб, бир нечта сигарет чекиб ташлади. «Ишқилиб, ойимнинг аҳволи оғирлашиб қолмаган бўлсин-да. Агар бирор нима бўлса,

ўзимни ҳеч қачон кечирмайман. На Моҳирой, на унинг ўғли менга тасалли беролади. Ўзимни ўлдираман. Ҳамма қутулади. Шу билан ҳамма тинчийди. Моҳирой билан боласидан хавотирланмасам ҳам бўлади энди, ана, Миразиз, Руҳшона бор. Уни ёлғизлатиб қўйишмайди. Шошма, эйй, эшакмия, нималарни ўйлаяпсан?! Онанг... Йўқ, ойим соғайиб кетишлири керак», дея хаёлидан ўтказган Достон эшикдан чиқиб келаётган Миразизни кўриб, ичига ёруғлик кирди ва унга пешвоз юрди.

— Нима бўлди, оғайни?! — деди ҳовлиқиб.

Миразиз кулиб Достоннинг елкасига қўлини ташлади.

— Адашмаган эканман, ошна. Ойинг тушунадиган аёл эканлар. Юр. Ўз қулоғинг билан эшит, — деб Достонни касалхона томонга бошлади.

Достон палатага кириб борганда, ойиси ва опаси сим каравотда ғамга ботиб, ёнма-ён ўтиришарди. Улар Достоннинг саломига алик ҳам олишмади. Йигит индамай бориб, уларнинг рўпарасига стул қўйиб ўтириди. Орага нокулай жимлик чўкди.

— Ўртоғинг келди, — деди ниҳоят жимликни бузди Марҳабо, — таниш-билишларингнинг ҳаммаси кўча болалари бўлса керак, деб юрадим. Ҳар қалай, одамга ўхшаганиям бор экан.

Опасининг гапи Достоннинг суяқ-суягигача бориб етди. Лекин тишини тишига босди.

— Опа, — деди оғринганини яширмай, — мен ҳам одамман. Ўтган кунларимни юзимга солишингиз шартмас.

— Қўйинглар, тортишманлар, — деб иккала фарзандини муросага келтирмоқчи бўлди она. — Бўлар иш бўпти. Эшитдик, қизнинг бошидан анча-мунча кўргуликлар ўтган экан. Майли, яшайверсин уйимизда. Амаллаб боласи икковига қарапмиз.

— Ойи, бунингизнинг туришига қаранг, — деди Марҳабо укасини кўрсатиб, — бир оғиз соғлиғингизни сўрашниям эпламади. Киргандан бери бўзрайиб ўтирибди.

— Мени кечиринглар. Хаёлим қочибди, ойи, — деда Достон онасиға термилди, — нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаяпман. Сизни жуда кўп қийнадим. Худо хоҳласа, опам айтгандай одам бўламан.

— Ойимга, — дея кўзига ёш олди кутилмаганды Марҳабо, — шаҳарнинг ҳавоси тўғри келмаскан. Болали хотинга қайғургунча, онангни ўйласанг бўлмайдими?!

— Қизим, — деди она Марҳабога ўтирилиб қарапкан, — шошмай тур. Қизишма. Ҳаммаси изига тушади...

\* \* \*

Юлдузларга термилиб, шулар ҳақида ўй суреб турган Достоннинг хаёли бўлинди. Ичкаридан онасининг овози эшитилди. Оғзидағи носини туфлаб ташлаб, уйга кирди. Онаси ўзи билан Фирдавсга жой солибди. Моҳирўйни ҳатто жойидан ҳам қимирлатмабди. Бу ерга келганларидан бери ҳали бирор марта Моҳирўйни эътиборсиз қолдирмаганди. Унга ёнгинасидан жой солиб берар, битта кўрпани у билан ёпиниб ётарди. Достон бўлса, бошқа хонада ухларди. Бугун эса ойиси фақат Фирдавсни бағрига босиб ётарди.

— Болам. Моҳирўйни никоҳингга олгансан. У сенинг хотининг, хонангга олиб ўт, — деди кампир ва оғир ҳўрсиниб қўйди.

— Ойи...

— Айтганимни қил.

Достоннинг кўнишдан ўзга чораси қолмаганди. Шу боис лом-мим демай, Моҳирўйнинг қўлидан ушлаб, ўрнидан туришига кўмаклашди. Сўнг етаклаб, нариги хонага олиб ўтди. Аввал қизнинг ўзига алоҳида кўрпа ёпмоқчи бўлди. Кейин онасининг гаплари эсига тушиб, ҳамон бир нуқтага тикилиб турган Моҳирўйни ўзининг ўрнига ётқизди. Кейин унинг ёнгинасидан ўзига жой солди.

Ташқарида чигирткалар тинимсиз чириллар, аҳён-аҳёнда итларнинг ҳургани эшитилиб турарди. Туғишига шай бўлган ой эса оппоқ нурларини Моҳирўйнинг юзига сочмоқда эди. Достон унинг соchlарини силади. Сўнг пешонасидан, кейин лабидан ўпди. Лаблари иссиқ тафт сезди. Ҳаёлида Моҳирўй ҳам ўз ихтиёри билан ўпишгандай бўлди. Достон энди ўзини тутиб туролмасди...

У қора терга ботди. Жувоннинг юз-кўзларидан, бўйнидан ютоқиб-ютоқиб ўпа бошлади. Шунда... шунда муъжиза юз берди.

— Жоним, — деб юборди Моҳирўй.

Достон аввалига унинг овозини эшитмади. Моҳирўйнинг нозик қўллари унинг юз-кўзини силай бошлағандагина, нима воқеа содир бўлаётганини англаб етди. Ҳатто қўрқиб кетди. Бироқ Моҳирўйни чўчитиб юбормаслик учун унга қаршилик қилмади, аксинча, жувоннинг соchlарини силаб, эркалай бошлади.

— Фаррух ака, — деди Моҳирўй.

Достоннинг ичидан зил кетди. Нима дейишини билмай қолди. Ахир бошқа одам эканини унга қандай айтсиз? Фаррухнинг аллақачон вафот этганини эшитса, Моҳирўй тағин аввалги ҳолига тушиб қолмайдими?! Достон тишини тишига босиб, кўзини чирт юмди.

— Фаррух ака, — такрорлади хийла баландроқ овозда Моҳирўй.

Жувон кўзини очганда, рўпарасида бошқа эркакни кўриб, ҳушини йўқотмаслиги учун Достон уни маҳкам қучоқлаб олди. Лекин токайгача уни шу тахлит ушлаб туради? Барибир, Моҳирўй унинг бегоналигини билиб, даҳшатга тушади-ку. «Эй, худо, нима қиласай? Шартмиди шу ишни қилишим? Ўлиб бораётганим йўқ эдик. Нега уни бутунлай ўзига келишини, онгли равишда менга тан маҳрамликка ўтишини кутмадим?» хаёлидан ўтказди йигит.

Моҳирўйнинг ҳансираши сусайиб, бир маромда нафас ола бошлади.

— Сизни йўқотдим, деб роса қўрққандим, — деб Моҳирўй типирчилаб Достоннинг қучогидан чиқди. Сўнг ўрнидан туриб:

— Сиз кимсиз?! — деб бақириб юборди.

Достон кутган нохуш воқеа содир бўлганди. Йигитнинг назарида ҳаммаси тамом бўлгандек эди. У юрагини ҳовучлаб, Моҳирўйнинг яна ўзидан кетишини, сўнг бир нуқтага термилиб, ним табассум билан қотиб ўтираверишини кутиб турарди.

— Сиз кимсиз деяпман? — дея бақирди Моҳирўй аъзойи бадани даг-даг титраб. — Нега жимсиз? Нега гапирмайсиз? Фаррух акам ўлганлар-ку, мени қаерга олиб келдингиз?

— Мен... Мен сизнинг эрингизман. Бир умрга ташлаб кетмайдиган, сизни авайлаб-асрайдиган, сизга садоқатли...

Моҳирўй ўзини секин-аста четга ола бошлади. Аввал сиргалиб кўрпадан тушди. Кейин ой нури тушиб турган дераза томонга юрди. Унга вазиятни тушунтиришга уринаётган Достон сўзлашдан тўхтади. Дераза михлаб ташланган, очилмайди. Лекин Моҳирўй ҳозир ўзини бошқарадиган аҳволда эмасди. Худо кўрсатмасин, ўзини деразага урса борми, ойна чил-чил синиб, бирон жойини кесиб олиши ҳеч гап эмас.

— Сизга ҳаммасини гапириб бераман, — деди Достон жувонга яқинлашиб.

— Йў-ўқ, — деди Моҳирўй бошини силкиб, — ҳаммаси тушунарли. Гапиришнинг ҳожати йўқ. Мен... мен Фаррух акамнинг ёнига...

У гапини охирига етказолмади. Достон ётган жойидан сакраб туриб, жувоннинг оёғидан ушлаб қолди.

— А-а! — дея бақириб юборди Моҳирўй.

Пайтдан фойдаланган Достон ўрнидан туриб, уни қучоқлаб олди-да, бир қўли билан оғзини бекитди.

— Тисс! Нариги хонада Фирдавс билан ойим ухлашяпти. Уйғотиб юборасан.

Моҳирўй ток ургандай сесканиб тушди. Сўнг Достоннинг қўлига ёпишган кўйи бир лаҳза қотиб қолди. Бадани музлаб кетди. Устида ҳеч бир кийими бўлмаганлиги боис унинг баданидаги совуқликни йигит ҳам ҳис этди.

— Биз тоғдамиз, ҳаво совуқ, шамоллаб қоласан. Дарров кўрпанинг ичига кир, мен чироқни ёқаман. Кейин ҳаммасини бир бошдан тушунтириб бераман, агар шундан кейин ҳам ташқарига югуриб чиқмоқчи, бақириб дунёни бузмоқчи бўлсанг, ўзинг биласан, — деди Достон.

У ўзи сезмаган ҳолда Моҳирўйни сенсирай бошлаганди.

— Йўқ, чироқни ёқманг. Мен ўзимнинг аҳволимни кўришни истамайман! — дея йиғлашга тушди жувон.

— Хўп, тинчлан, сен нима дессанг, шу. Қани, кўрпанинг ичига кир.

Достон Моҳирўйни амаллаб тинчитганидан кейин, кўрпанинг бир четига ўтириб, чуқур хўрсинди. Сўнг

бўлиб ўтган воқеаларни секин-аста гапириб бера бошлади. Жувон аввалига унинг бир оғиз сўзини ҳам эшитмоқчи эмасди. Бироқ Достоннинг бир-биридан даҳшатли гапларини эшитгач, йигитнинг оғзига термилиб қолди.

— Балки, — деди ҳикоясининг охирида йигит, — ойим касал бўлмаганида, шаҳарда яшашни дўхтирлар тақиқламаганида, сен ҳозир шаҳарда бўлардинг.

— Никоҳингизга ишонмайман. Мен ўзимни билмайдиган аҳволда бўлсам, розилик бермаган бўлсам, қандай қилиб никоҳлашди ахир?.. Қайси чаласавод мулла ўқиди? — деб эътиrozга чоғланди Моҳирўй.

— Ахир айтдим-ку, эркак қилмайдиган ишларниям бажаришимга тўғри келишини билардим. У ёгини айтмайман.

— Нега айтмайсиз? Нима сизни мажбур қилди мени никоҳингизга олишга?

— Биринчидан, сени яхши кўриб қолгандим. Иккинчидан, — дея Достон гапиришдан тўхтаб, бир муддат ўйланиб қолди. У кўнглидан ўтаётган гапларни қандай айтишни билмасди. Ниҳоят, йўлини топди. — Тўшакда қолиб кетадиган касаллар бўлади. Шунда унинг ёш боладан фарқи қолмайди. Чақалоқнинг таглигини алмаштириш керак бўлгандай...

— Бўлди, гапирманг, тушундим ҳаммасини, — деб кўзини чирт юмиб олди Моҳирўй.

У ўзини жуда ғарив, камситилган, ҳеч кимга кераксиз аёлдек ҳис эта бошлаган эди.

— Фирдавс қалай, яхши юрибдими?! — деб сўради у бир қанча муддат жим ётгач.

— Зўр. Олов бола. Иккаламиз эрталабдан кечгача қўй боқамиз...

— Нега? — деди ҳаяжон босган Моҳирўй.

— У олтига кирайти. Катта бола бўп қолди. Бунинг устига, ёшига нисбатан чаққон, ақлли. Бир кўрган нарсасини сира эсидан чиқазмайди. Ҳар куни кечкурун бўйнингта осилиб, эркалик қилади. Лекин сен уни эркаламайсан.

Моҳирўйнинг чаккаларидан ёш оқиб тушди. У қанчалик эслашга уринмасин, ўғлини кўз олдига келтирмади.

— Уни ҳозир күрсам бўладими?! — деб Достонга умид билан термилди жувон.

— Шошма. Тонг отсин. Кейин кўрасан. Бугун ҳаммадан аввал турасан. Ҳовли супурасан. Ўчоқда чой қайнатасан.

Моҳирўй хўрсиниб, ўтган умрини хаёлида тиклашга уринди.

Хўроzlар бирин-кетин қичқира бошлади. Тонг отди. Кун бўйи қўйлар ортидан югуравериб, роса толиқкан, устига-устак, алламаҳалгача ухлаёлмаган Достон одатдагидай эрта туролмади. Шу билан эрталабки томошадан қуруқ қолди.

Моҳирўй ташқарига чиқди. Тоғларга боқди. Муздай тоза ҳавода ўпкасини тўлдириб нафас олди. Кейин атрофга бир қур назар ташлагач, бўёғи аллақачон ўчиб кетган, қўлбола қўшни эшикнинг ёғочли зулфагини ушлади. У хонага тезроқ мўраласа-ю, ўғлини кўрса... Аммо эшикни шахт билан очишига нимадир тўскинлик қилиб тургандай бўлаверди. Йўқ, у эшикни очишга ботинолмади. Ортига қайтиб, Достон ухлаётган хонага кирди. Пишиллаб нафас олиб ётган йигитга термилди.

«У мени Фаррух акамдан тортиб оляяпти. Мен эса у билан ётиб, эримнинг руҳини чирқиратдим. Йўқ, бўлиши мумкинмас, мен унга ҳеч қачон турмушга чиқмайман. Фаррух акамга: «Нариги дунёга фақат сизнинг тўшагингизни кўрган аёл сифатида бораман», деб ваъда бергандим. Лекин ваъдамда туролмадим. Нега ақлу хушим жойига келди? Аввалгида ҳеч нарсани сезмай турсам бўлмасмиди?.. Шошма, шошма, бу йигит мени рухсатимсиз никоҳига олган. Устига-устак, раъйимга қарамай, тўшагига ётқизган одам нима учун жазоланмаслиги керак? Ҳозир у тошдек қотиб ётиби. Худди мендай ҳеч нарсани сезмайди. Бемалол бўғишим мумкин. Йўқ, кучим етмайди. Уйғонса, ўзимни бўғиб кўя қолади. Яхшиси, оғирроқ бир нима билан бошига шунаقا урайки, уйғонмай нариги дунёга равона бўлсин. У ёқда қилмиши учун Фаррух акамга жавоб беради», дея хаёлидан ўтказган Моҳирўй атрофга аланглаб, оғирроқ нарса қидира бошлади.

Жувоннинг нигоҳи печка ёнида турган оташкура» да тушди. У билан кетма-кет беш-олти марта бошга урилса, одам соғ қолмаслиги аниқ. Моҳирўй оташкуракни қўлига олаётган пайти хаёлига Достоннинг гаплари келди: «... касал одам гўдакка ўхшаб қолади...»

«Ўлдирдим ҳам дейлик. Кейин-чи, кейин нима булади? Нариги хонада ётган онасини ҳам ўлдирманми? Ўғлимнинг, беш ёшли боланинг кўз ўнгидаги?.. Кейин Фирдавсга нима дейман? У ақл-хушини таниб қолган. Достоннинг гапига қараганда, онаси уни жуда яхши кўраркан. Шундай экан, қилмишларимга гувоҳ бўлган Фирдавс мени кечирармикан? Ҳеч қачон кечирмайди. Ўғлимсиз ҳаётнинг менга кераги йўқ... Достон кечқурун нима деганди? Ҳа, ҳовли супуришимни, ўчоқда чой қайнатишими айтуди. Дабдурустдан бунақа ишларга киришиб кетсан, кампир нима дейди?.. Достон мени никоҳига олган экан, демак, унинг жуфти ҳалолига айланганман. Илгари қайнонам бўлишини қанчалар орзу қилгандим. Аксига олиб, Фаррух акамнинг ҳам оналари ўтиб кетган эканлар».

Моҳирўйнинг юзида ним табассум пайдо бўлди. Кўзи Достоннинг болиши ёнидаги рўмолга тушди. Бориб, уни қўлига олиб, айлантириб кўрди. Сари... Келинлардай сари ёпиниб, саломга кириш бошқача-да, барабибир.

\* \* \*

Намозини ўқиб бўлган аёл ўғлиға инсоғ, Фирдавсга умр, Моҳирўйга соғлиқ тилаб, эндинигина жойнамозининг устидан турган ҳам эдики, эшик очилди. Унинг қулоги охирги пайларда анча оғирлашиб қолганди. Ёнига келиб, баландроқ овозда гапирмасанг, эшитмайди. Ҳозир ҳам эшик тарафга дарров кўз ташламади. Жойнамозини секин тахлаб, тахмони устига қўйди. Кейин елкаси очилиб қолган Фирдавснинг кўрпасини тортди. Ана шундан сўнг эшик тарафга кўзи тушди-ю, шу заҳоти қотиб қолди. Чунки оstonада турган жувон қайта-қайта эгилиб, салом қиларди.

— Вой ўлмасам, вой ўлмасам, қизим... Ўзингга келдингми?! Моҳирўй, ўзингмисан?..

У нима қиласини билмай, атрофини чир айлана бошлади. Нафас олиши тезлашди. Бир неча марта ютинди. Кейин тұхтаб, ҳали-ҳамон әгилиб салом беришда давом этаётган келинчакка тикилди. Құзидан икки томчи ёш юзига оқиб түшди. Бир-бир босиб, останага келиб, Моҳирүйнинг елкасидан тутди. Бошидаги рұмолини олди.

— Үзингга келдингми, болам? — деди шивирлаб.

Моҳирүй ибо-ҳаё билан секин бошини құтарып, ұпа расидаги аёлга қаради.

— Ҳа, ойижон, — деди әшитилар-әшитилмас.

Аёл унинг гапини аниқ-тиниқ әшитмади. Аммо лаблари қимирлашидан нима деганини тушуниб олди.

— Ойинг үргилсін, болам, — деб Моҳирүйни құчоқлади.

Уларнинг иккиси ҳам йиғлаб юбориши. Бу пайтда уйқуга түйган Фирдавс үрнидан туриб үтирган ва ҳайрон бўлиб останага термилиб турарди.

Кампир у томонга үгирildи.

— Болам, — деди лаблари титраб, — ойинг гапирапті. Ойинг тузалибди.

Фирдавс дик этиб оёққа турди.

— Ур-р-ра!!! — дея қичқириб, югуриб келиб үзини Моҳирүйга отди. — Ойижоним!!!

— Үғлим! Болам! — деб Фирдавсни бағрига босди Моҳирүй. Сұнг унинг юзидан чүлпиллатиб үпишга тушиб кетди. Болакай Моҳирүйда дадасининг ҳиди борлигини дарров сезди ва болаларча беғуборлик билан:

— Сиздан дадамнинг ҳиди келаяпти, — деди.

Кампир унинг гапига қотиб қолди. Моҳирүй бұлса, эътибор ҳам бермади. Боласининг юзига юзини ишқар, бағрига бошини тиқмоққа уринарди. Бундан қитиғи келган Фирдавс қиқирлаб кулар ва онасининг баттар завқини келтиради.

Кампир ҳовлиға чиқди. Шоша-пиша үғли ётган уйнинг эшиги ёнига борди.

— Достон! Достон, тур, болам! — деди баланд овозда ичкарига қарамай.

Йигит зўрға кўзини очиб, бошини құтарди. «Ухлаб қолибман, Моҳирүй ташқарига чиқолмай, абгор бўла-

«ётгандир», деб ўйлади тонг отиб, ҳаммаёқ ёришиб кетганини күргач. Сүнг устидаги күрпани олиб ташлаб, апил-тапил кийинаркан, болиш устида қоп-қора, узун икки тола сочни күриб, юрагига шодмонлик билан бирга хавотир кирди.

— Ҳозир, ҳозир, — деди у эшикка қараб қўяркан.

Шу куни қўйлар яйловга ҳайдалмади. Бунинг ўрнига иккита қўчқор сўйилди. Достон онасининг гапи билан бутун қишлоқ эркакларини, аёлларини уйига чақирди, шу билан бирга, катта қозон, самовар ҳам топди. Яқин қўшниларнинг хотин-халажиу эркаги ёрдамга келди. Тўй бўлди. Мулла қайтадан никоҳ ўқиди. Кечга бориб эса Достон бутунлай маст бўлиб қолди. У нуқул йиглар, йигисини бировга кўрсатмаслик учун кўзини яширишга уринар, аммо, барибир, онасига билдириб қўйганди.

— Тавба, — деди ўғлининг қилиғидан хафа бўлган кампир, — қизлар эрга тегса, йиглашарди. Сени нима жин урди?!

— Ойи, шу кунни жудаям кўп кутдим. Умидим кундан-кунга сўниб бораётганди. Сизга раҳмат, ойи, сиз сабаб бўлиб, Моҳирўй ўзига келди. Ана, эшилдингиз, ўзиям менга хотин бўлишга розилигини айтди...

У бошқа гапиролмади. Боши оғиб кетаверди. Ҳартугул, бу пайтда меҳмонларнинг ҳаммаси кетиб бўлишганди. Моҳирўй дарров унинг қўлтиғига кирди. Суяганча уйга олиб кириб, ётқизиб қўйди. Кейин ўзи қайнонаси билан суҳбатлашмоқчи бўлди. Аммо кампир уна мади. Чарчаганини баҳона қилиб, уйига кириб кетди.

У бугунги тўйга ўзи бош-қош бўлган эса-да, ичи илимади. Жувонга уйланётган ўғлининг никоҳига қариндош-уругидан бирортаси ҳам қатнашмади. Аслида, худди мана шу нарсани кампир ҳам сира ўзига сингдира олмаётганди. У Моҳирўйнинг соғайиб кетишига ишонмасди. Бир куни ўғлининг ундан кўнгли қолишини кутарди. Аммо у ўйлаганича бўлмади. Жувон кутилмаганда соғайди. Бунга, албатта, ўзи сабабчи бўлиб қолгани ҳаммасидан ошиб тушаётган эди. Кампир ўғлини Моҳирўйга тегинади, деб сира ўйламаганди. Ахир шунча пайтдан бери бунаقا гап бўлмаганди-да. Кампир неча марталаб уларни ёлгиз қолдирувди. Ҳар сафар тонгда

пойлаганида, түшаклари бошқа бўларди. Бир ойча бурун иккала қизига ҳам шаҳардан келин топишни тайинловди. Балки, улар топиб ҳам қўйишгандир. Лекин... лекин... кутилмаганда манави жувон ўзига келди-ю...

Кампир гарчи эл-улус олдида кулиб турган бўлса-да, қиличдай ўғлининг жувонга уйланаётганига чидай олмай, аламини ичига ютиб, ич-ичидан ўксиниб йиглади. Ўғлининг кўз ёшини кўрганда эса гами икки ҳисса ошди.

Моҳирўй ўғли билан бирор соатча ўйнади. Боласидан сира айрилгиси йўқ эди. Аммо қайнонаси қўймади.

— Бориб, эрингиздан хабар олинг. Mast одам тўнтарилиб, оғзи қопланиб қолмасин, — деди у.

— Мен ҳам ойим билан ётаман, — хархаша қила бошлади Фирдавс.

— Мен-чи, бир ўзим кўрқаман-ку, ташлаб кетасанми, болам? — деди кампир мунфайиб.

Фирдавс бир ойисига, бир кампирга қараб мўлтиради.

— Ҳимм, сизними? Майли, сиз билан ётаман, — деди у шўхлик билан.

— Ойижон, ўғлим билан озгина ўтирайин, — дея киприкларини пирпиратиб, кампирга жавдиради Моҳирўй.

— Қизим, айтдим-ку, эрингиз mast, бундай пайтда ҳар нима бўлиши мумкин. Ёнида бўлинг, сизга буни ўргатмасам ҳам яхши биласиз-ку.

Моҳирўйни чақмоқ ургандай бўлди. Бир қалқиб тушди. Иккала кўзи жиққа ёшга тўлди. Лекин унинг жувонлигини юзига solaётган қайнонасига лом-мим демади, тишини тишига босиб, бошини ҳам қилганча индамай чиқиб кетди.

Достон тун ярмидан ошганда уйғонди. Боши гувиллаб оғрир, танаси зил-замбидай оғир эди. У ўрнидан туриб ўтириди-да, соchlарини фижимлаб, атрофга аланглади. Томоги куруқшаб кетганди. Ёстигининг ёнида қорайиб кўринаётган косага кўзи тушди. Ич-ичидан онасидан миннатдор бўлди. Косани икки қўллаб ушлаб, қулқуллатиб сув иди. Сўнг яна қайтиб ётмоқчи бўлганида, у билан битта ёстиқда ётган аёлни кўрди. Кеча бўлиб ўтган воқеалар бир зумда кўз ўнгидан ўтди. Секин Моҳирўйнинг юзини силади. Шунда келинчак унинг қўлини ушлаб олди.

— Битта нарсага ваъда беринг, — деди у илтижо билан.

— Биттагина деганинг нимаси, юзлаб нарсани айт. Ҳаммасига ваъда бераман. Бахтли қилишим шарт сени, — деда Достон келинчакнинг юзидан бўса олди.

— Ҳеч қачон ташлаб кетманг, илтимос, мен куйиб кетганман, — деда йиғлаб юборди Моҳирўй.

— Эй, бу нима деган гап? Қани, йигини бас қилиб, эрингизни қучоқланг-чи, хоним.

Улар ҳақиқатан ҳам бахтли эди. Моҳирўй ҳаммадан аввал туриб, бошқалар уйғонгунча нонушта тайёрлар, ҳовлини супуриб-сидириб қўярди. Достон нонуштадан кейин қўйларни тоққа ҳайдаб кетар, қуёш ботаётган маҳал уйига қайтарди. Ҳаммадан Фирдавснинг қувончи чексиз эди. У энди дадаси билан кетмас, уйда қолиб, ойисига ёрдамлашар, қўшниларнинг болалари билан ўйнагани чиқиб кетарди.

Бу уйда биргина кампирнинг ҳаловати йўқ эди. Оёқ-қўли чаққонгина келинининг ишларидан унинг сира кўнгли тўлмас, ундан бирор айб топиб, Моҳирўйни гап билан чақиб олишга уринарди. Аслида-ку, бир умр шаҳарда яшаган қизнинг рўзгор юмушларини бинойидек эплаётганидан қойил қоларди. Айниқса, қўшни хотин ёрдамида ҳафта ўтмай, нон ёпишни ўрганиб олгани уни роса таажжублантирганди. Бироқ унинг айби — Достонга қиз бола ҳолида тегмади-да... Ахир кампирнинг ўғлига кимлар қизини бермасди?! Мана шу нарса кампирнинг кўнглини фаш қиласди.

Ҳаш-паш дегунча ёз ўтиб кетди. Бу орада кампирнинг шаҳарда қолган фарзандлари беш-олти марта келиб кетишиди. Айни саратон маҳали келишганида эса шаҳар иссиқ, одамлар дала ҳовлиларига чиқиб кетишиган, кўпчилик Уgom дарёси бўйидан бери келмайди, деб бир ҳафта туриб кетишиди.

Моҳирўй эса кампирнинг қизлари билан опа-сингилдай иноқлашиб кетди. Буни кўрган кампирнинг баттар қовоғи осилди. «Жувон ўлгур, ҳаммасини иссиқсовуқ қилиб, ўзига оғдириб оляяпти», деда хаёлидан

ұтқазди у қовогини уйиб. Бироқ күнглидан үтаётган үйларни қызларининг ҳеч бирига айтмади. Норозилиги фақат үзиники. Қыздар уни қабул қилишибдими, үzlари билишади. «Онаси бўлиб туриб, ўғлимга гапимни үтказолмадимми, буларнинг қўлидан нимаям келарди?» деб үзини овутиб қўя қолди.

Фирдавс биринчи синфга борди. Ҳали ёши етмасди-ку, лекин бўйининг узунлиги, үзини катталардай тутиши, қолаверса, қишлоқда биринчи синфга борадиган болалар камлиги учун мактабга олишди. Мактаб кичкинагина, бор-йўғи тўртта хонаси бор. Болалар бу ерда учинчигача ўқишиади. Кейин эшакларига миниб, қўшни қишлоқдаги мактабга бориб, сабоқни охирига етқазишиади.

Моҳирўй ўғлининг ўқишига алоҳида эътибор берди. Ҳар куни Фирдавс дарсдан келиши билан унинг сумкасини очиб, ўтилган дарсни қайтадан тушунтиради.

Йиллар бир-бирини қувиб үтаверди. Моҳирўй сочлари орасидан иккита оқ тола топди. Аммо юзида ажин деган нарсанинг ўзи йўқ. Қизлик даврида қандай силлиқ бўлса, ҳозир ҳам шундай. У ҳушини йўқотган йилларда вужудида мутлақо ўзгариш содир бўлмаган. Унинг учун ҳаёт тўхтаб қолганга ўхшарди. Шу бойисданми ҳозирги кўринишида йигирма ёшли қизни эслатади. Гоҳ-гоҳида Достон унга суқланиб боқаркан:

— Мен қариб қолсам, ёшгина йигитга турмушга чиқиб кетасанми, деб қўрқаман, — дея ҳазиллашарди.

Сочининг оқ толасига кўзи тушган Моҳирўй шуларни үйлаб, туриб қолди.

— Наҳотки қариган бўлсам, умрим ўтиб кетдими, ҳали замон мункиллаган кампирга айланаманми? Ҳали ёшлик завқини татиб ҳам кўрганим йўқ, — деди ўксиниб.

Сўнг болалик даври, улғайгани, Фаррух, ўтай ота-онасининг қилмишлари... Йўқотишлар... ҳамма-ҳаммасини бирма-бир хаёлидан үтқазди. Ўтган умри жуда узоқдай туйилди. Худди кўп яшаб қўйганга ўхшар, назарида, босидаги икки дона оқ соч кеч пайдо бўлгандек эди.

«Достон акамнинг эркалашлари фалати, мен қариб қолаяпман, сен ўн етти билан ўн саккиз оралигидаги

қызга ўхшайсан, кундан-кунга ёшариб кетаяпсан, дейди», хәёлидан ўтказди у ва қозон остига ўт ёқиши учун ўчоқ бошига борди. Бурнига ғалати ҳид урилиб, күнгли айниди. Қайт қилмоқчи бўлиб энгашди. Аммо қуруқ ўқчигани қолди. «Тавба, ёқмайдиган бирон нарса еб қўйдимми, нима бало?» деб ўйлади у. Сўнг қайтадан гугурт чақиши учун ўчоқ томонга энгашди. Шу маҳал эрининг овози қулогига чалиниб, тағин қаддини ростлади.

«Бизга фарқи йўқ! Бизга фарқи йўқ! Най-най, на-най, на-най! Най, на-най, на-най! Яшасин озод Испания! Ура!» дер эди у бор овозида қичқириб.

Моҳирўй ҳайрон бўлди. Зоро, шу кунгача Достон бирор марта бунақа телба-тескари гаплар айтиб қайтмасди. Бунинг устига, эндиғина аср маҳали. «Нима бало бўлди?» деб ўйлаган жувон овоз келган томонга юрди. Эри худди маст одамлардай тебраниб келар, баъзан қоқилиб йиқилиб тушар, шу пайти овози сусаяр, кейин яна ўрнидан туриб, юришда давом этарди.

Моҳирўй югуриб унинг ёнига борди.

— Достон ака, нима бўлди?! Нега бундай аҳволда келаяпсиз?! — деди у хавотир билан.

— Эй-й, маликам, ўзингизмисиз?! — дея ўшшайди Достон. — Сизнинг васлингизга етмоқ учун не-не тоғларни ортда қолдириб, не-не дарёларни кечиб, дараҳтларни чопиб, ўтларни вайрон этиб, душманни қон қақшатиб, қўйларнинг қорнини дўмбира қилиб келаяпти шаҳзодангиз!

— Жим, қўни-қўшнилар эшитса, нима дейишади?

Достон юришдан тўхтади. Бўйини чўзиб, сўл тарафдаги ёнғоқлар томонга қаради. Энг яқин қўшниси Болтавой аканинг уйи шу тарафда. Икки ўғилли, уч қизли чўпон Болтавой ака бир умр колхознинг қўйини бокиб, устидаги жулдур чопондан бошқасига эга чиқмаган.

— Нима бўпти, эшитсин? Менинг буюклигимни ҳамма билиб қўйиши керак! — қичқирди Достон янам баландроқ овозда.

Моҳирўй унинг гирт маст эканлигини дарров сезди. Бошқа гапириш ортиқчалигини англаб, эрининг қўлти-

ғига кирмоқчи бўлди. Аммо эр рўйхушлик бермай, ерга ўтириб олди.

— Сиз ҳам ўтиринг, хоним, — деди зўрга бошини кўтариб Моҳирўйга қааркан, лабини ялаб.

Моҳирўй ортиқ чидолмади. Кўзидан дув-дув ёш оқа бошлади.

— Ойим билиб қолсалар, хафа бўладилар. Достон ака, илтимос, уйга кириң! — дея ёлворди.

— Уй... Уйга кирдим ҳам дейлик, кейин-чи?.. Кейин нима бўлади?.. Йў-ўқ, мен уйга кирмайман. Менга шу ер яхши. Тоза ҳаво. Кайфу сафо. Билсангиз, хоним, Болтавой ака билан ичдим. Рихсивой тракторчининг боғида. Нимага ичганимизни биласизми, хоним? — дея кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб силкитди Достон. — Хотини туғибди. Бешинчи боласини! Ҳе, ҳаммаси ўғил! Қойил! Бешта! — деди кўзини сузуб, Моҳирўйга хунук иржайиб қараган Достон. — Бешта ўғилни туғиб ташлаган хотинга қойил!

Унинг нима демоқчилигини Моҳирўй дарров англа-ди. Ич-ичидан зил кетди. Лаблари титради.

— Юринг, — дея эрининг қўлидан ушлаб тортди.

— Хоним, нега «Қўйлар қани?» деб сўрамаяпсиз? Лекин-чи,вой, — деб бир қўлини ерга тираб, зўрга ўрнидан туриб олди Достон, — Фирдавс маладес бола бўлган. Мактабдан кепти-ю, ёнимга югурибди. «Дада, сиз уйга боринг, мен қўйларни боқаман», дейди. Мен сенга айтсам, ақлли бола бўлган у. Ҳимм, худди ўзимга ўхшаб, ақлли бўлган, ҳимм...

Кесатиқлар ортидаги мазмун Моҳирўйнинг юраги-ни баттар тилка-пора қилиб ташлади. Унинг нафас олиши тезлашиб, кўкраги кўтарилиб туша бошлади. Айни чогда эрининг оғзидан келаётган ачимсиқ ҳил кўнглини бехузур қилаётганди. У Достонни қўйиб юбо-риб, ерга энгашди-да, яна ўқчий бошлади.

— Нима бало?! — деди турган жойида ҳиринглаган Достон. — Сенам бошқоронги бўлдингми? Ё... ҳамсоя-нинг туққанини эшитиб, сениям қорнингга...

У гапиришдан тўхтаб, шимининг чўнтагини ковлаб, носқовоғини олди. Кўзларини зўрга очиб, кафтига нос

Қўйди. Сўнг тилининг тагига ташлади. Хотинининг аҳволига эътибор ҳам бермай (бунақанги пайтда эътиборга бало борми?), уй томонга икки қадам ташлади-ю, кўзи тиниб, гурсиллаб ерга кулади. Моҳирўй бир муддат ўзи билан ўзи овора бўлиб, эрининг йиқилганини пайқамай қолди. Аммо уйда деразадан ташқарига қараб ўтирган қайноаси ҳамма нарсани кўриб турганди. Унинг жон-пони чиқиб кетди. Этагини кўтариб, ташқарига отилиб чиқди. Ўзича бир нималарни фудраниб, ерда ётган ўғлининг ёнига келди.

— Моҳирўй! Нимага эрингта қарамайсан? — деб бақирди.

Эндиғина қайт қилиб бўлган жувон қайноасининг бақириғини эшитиб, чўчиб тушди.

— Ойижон...

Унинг қолган гаплари ичиди қолди.

— Ёрдам бер! — ўшқирди қайнона.

Достон оғзидағи носни ютиб юборган экан, шу боисдан ҳам ўликдай маст бўлиб қолган эди. У ўзини мутлақо эплай олмас, фақат ўқчиб, қайт қиласди. Кампирнинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. У ўзини зўрға кўтариб юради. Шунинг учун ҳамма юк Моҳирўйга тушди. У эрини судраб, ўрнидан турғизишга уринди. Қора терга ботиб кетди. Қуёш уфққа ёнбошлиётган маҳал бир амаллаб ҳовлигача олиб келди. Кейин... Яхшиям бахтига Фирдавс қўйларни ҳайдаб келди. Бўйлари янада чўзилган, тўртинчи синфда ўқийдиган йигитча дадасининг аҳволини кўриши билан эшакдан сакраб тушди-да, ойисига ёрдамга етиб келди. Моҳирўй ўғлига куч энганини, у ҳам кап-катта йигит бўлиб қолганини англаб, ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди.

Эртасига эрталабдан кампирнинг жағи очилди. У ўғлини роса даккилади, гап орасида келиннинг бепарволигини, эри бир аҳволда келсаям, эътибор бермай, ўзи билан ўзи овора бўлиб юрганини қистириб ўтди.

Нонушта маҳали эди, Моҳирўй ҳар доимгидаёт ўчоқ бошида, Фирдавс унга ёрдамлашаётган, уйда она-бала ёлғиз эдилар. Достон бошини кўтариб, ташқарига мўрлади. Рихсивой аканинг кўксига муштлаб мақтангани-

ни эслади. «Бизни хотин хотинларнинг эркаги. Ўғил бола хотин шунақа бўлади, болани қаторлаштириб туғиб беради», деган эди у. Шунда Достоннинг хаёлига: «Меники-чи?.. Меники хотинларнинг қисирими, эркак бола тугул, қиз ҳам туғолмайдими?» деган гап келганди. Шунинг учун ҳам у бостириб-бостириб, пиёласини тўлдириб-тўлдириб ароқ ичди. Бошқалар ширақайф бўлишганида, у гирт мастга айланганди.

У хаёл билан бўлиб, Моҳирўй ўчоқнинг ёнида энгашганини кўрмай қолди.

— Ана, битта сутниям икки соатда опкеладиган бўп қолган, бу ёғи қўйлар очликдан маърашаяпти, Фирдавс мактабга кеч қолаяпти. Бу хотиннинг қўлидан олифталиқдан бошқаси келмайди. Кеча қарасам...

Онасининг кейинги гапларини Достон эшиitmади. У ўрнидан туриб, ташқарига чиқсан эди. Бироқ кўнглига келган ишни қиломади. Чунки кўзи қайт қилаётган Моҳирўйга тушганди.

— Нима бўлди? — сўради хотинининг ёнига бориб.

Моҳирўй ёшли кўзлари билан эрига қараб қўйди. Боядан бери ойисига хавотир билан қараб турган Фирдавс эса:

— Ёмонроқ нарса еб қўйганга ўхшайди. Кечаям шунақа қайт қилганини кўргандим, — деди.

— Сен косани олиб, бувингга оборавер, — леб Достон ўғлини уйга киргизиб юборди. Ўзи эса хотиннинг пешонасидан ушлади.

— Нима бўляяпти? — деди хавотир билан.

— Билмадим. Икки кундан бери кўнглим айнияпти. Ўчоқнинг ҳидига чидолмаяпман.

— Эҳ, худога шукур, — дея Достон Моҳирўйнинг қаддини ростлашига кўмаклашиб юборди-да, меҳрибон товушда: — Раҳмат, хоним. Ўзимизнинг уйга кириб тур, ҳозир орқангдан бораман, — деди.

Ичкарига киргач, Достон Моҳирўйни маҳкам бағрига босди. Юз-кўзларидан тинимсиз ўпди. Кейин кўтариб олди.

— Туширинг, ҳали Фирдавс мактабга кетгани йўқ, кўриб қолса, икковимиз ҳам уялиб юрамиз, — деди Моҳирўй жилмайиб.

- Үнда яхшилаб ўпид қўясан.
- Ўпдим-ку.
- Сенмас, мен ўпдим.
- Хўп.

\* \* \*

Қиши ўтиб, баҳорнинг илиқ тафти тоғ этакларига ёйилган, ҳаммаёқ кўм-кўк либосга бурканиб, ўриклар оппоқ гуллаб, қалдирғочлар шўх-шодон қўшигини бошлигаган, қўзичоқлар майсанинг таъмини сезган маҳалда Моҳирой қиз фарзандни дунёга келтирди. Достоннинг уйида баҳордай гўзал, эркатой қиз туғилди.

Ҳаммадан ҳам Фирдавснинг қувончи чексиз эди. У осмонга иргишилар, «Энди менинг синглим бор, биз энди икки кишимиз!» дея қичқирап эди.

Бироқ қувонч билан қайгу ҳар доим ёнма-ён бўлади, деганлари рост экан. Моҳинанинг (чақалоққа шундай исм қўйиши) ҳали қирқи ҳам чиқмасдан, Достоннинг онаси қазо қилди. Уша кезлари у шаҳарда эди. Кичик қизини узатишга кетганди. Тўйга Достон ҳам борган, бироқ тўй ўтиши билан ортига қайтиб келганди. Орадан ҳафта ўтар-ўтмас, онасининг ўлганлиги ҳақидаги шум хабарни укаси етказди.

Кунларнинг ўтиши жуда тез эди. Ҳаш-паш дегунча у аввал ойларни, кейин йилларни ўзи билан бирга олиб кетди. Достоннинг билагидан кучи кета бошлади. Фирдавс эса, аксинча, кундан-кунга бақувватлашиб, бўйи чўзилиб, қарашлари ўткирлашиб бораверди. Жажжигина қизалоқ Моҳина эса на шаҳарлик, на тоғлик эди. Унинг юзи оппоқ, худди онасиникига ўхшайди. Бироқ ҳавонинг тозалигиданми ё бошқа сабабданми, анча дуркун эди. Яна худди ўғил болаларга ўхшаб овқат ерди. «Катта бўлсам, — дерди у оиласи жамлигига, — Фирдавс акамга ўхшаган бақувват бўламан. Бир ўзим қўйларни боқиб келаман. Йўлимдан айиқ чиқиб қолса, бир уриб думалатиб юбораман». Беш ёшли қизчанинг гапларига ҳамма бирдан кулиб юборар эди. Бу пайтда Моҳиройнинг икки дона оппоқ сочига яна беш-олтита қўшилган, юзи эса ўша-ўша чиройли, силлиқ. Овози ҳамон жарангдор эди.

Ана шундай кунларнинг бирида Достон шамоллаб, уйида ётиб қолди. Тўққизинчидаги Фирдавс мактабга бормай, қўйларни боқиб кетди. Ўзига таниш бўлган жойларда аввалига роса сайд қилди. Тушга яқин уйидан тўрт сой наридаги ёввойи ўрик остига қўйларини ҳайдаб борди. Эндиликда юз элликдан ошиб кетган қўйларининг ҳаммаси кела-келгунча ўт ковшаган, ҳаммаси тўқ эди. Ўрик остига борганларидан кейин бирин-сирин ерга ётиб олишди. Фирдавс ҳам эшакдан тушиб, хуржунини қуриб қолган майса устига ёзди. Сўнг ундан бир бўлак яхна гўшт олиб, оғзига солдида, қўйнидан китоб чиқарди. Стендалнинг «Қизил ва қора» романи. Яқинда мактаб кутубхонасига келган экан, Фирдавс уни ҳаммадан биринчи олди. Икки-уч бет ўқиб кўргач, қизиқиб кетди. Ҳозир ҳам зўр иштиёқ билан китобни очди-ю, қулоғига от дупури эшитилиб, ниятидан чалғиди ва диққатини товуш келаётган томонга қаратди. Туёқ товуши секинлашаверди. Фирдавс зумда қишлоқ чўпонларини кўз олдидан ўтказди. Биргина Болтавой чўпонда от бор. Лекин у қўйларини бошқа ёқда боқади. «Ким келаётган экан?» деган ўй унинг хотиржам ўтиришига йўл қўймади.

Ўрнидан туриб қаради-ю, бир эмас, беш отлиқقا кўзи тушди. Улар анча яқинлашиб қолганди, елкалагрига илиб олган милтиқларини Фирдавс аниқ кўрди. «Илгари сира бунақа одамларни кўрмаганман. Ким экан булар?» дея ўйлади у ва яқинлашаётганларнинг ҳар бирига диққат билан тикилди. Иккитаси костюм-шимда, қолганлари спортчилар кийимини кийиб олган, анча вақтдан бери от устида юришган, шекилли, чарчаганидан бошларини эгиб олишганди.

— Ҳов бола, — деди улар Фирдавснинг ёнига етишларига беш-олти қадам қолганида костюм-шимлилардан бири. Унинг товуши хириллаб чиқишидан чанқаганини сезиш қийинмасди. — Сувинг борми?

— Бор. Лекин ҳаммангизга етмайди, — жавоб берди Фирдавс улардан кўз узмай.

— Беравер. Томоқни бир ҳўлласак етади, — деди бошқа бири.

Фирдавс белбоги устида турган газли сув шишиасини олди. Бунгача меҳмонлар отларидан сакраб тушишди. Сўнг Фирдавс берган шишадаги сувдан бир қултумдан ичишди.

— Кўйлар ўзингникими? — сўради ёши ўтиб қолганидан бошидаги сочи ҳам тўкилиб кетган, қовоқлари сўлғин, оқсоқ киши.

Фирдавс аввал қўйларига, кейин сўроқ берувчига қаради.

— Ҳа-а, ўзимизники, — деди истар-истамай.

— Бой экансан. Бирор икки юз-уч юз боров.

— Йўқ, юз элликта.

— Яхши, юз эллик ҳам каммас. Энг паст нархда юз сўмдан ҳисобласанг ҳам, шу ернинг ўзида бир яrim минг сўм ётибди. Яша. Менга қара, отинг нима?

— Фирдавс.

— Фирдавс, болам, гап бундай. Биз овга чиқувдик. Каклик овламоқчийдик. Лекин кўриб турибсан, каклик тугул, чумчуқ овлаш ҳам қўлимиздан келмади. Шунга битта қўйингни бизга сот. Биринчидан, савобга қоласан. Иккинчидан, тўрт-беш сўм ишлаб оласан, — деди чўлоқ киши.

— Сотолмайман, амаки, дадамга нима деб жавоб бераман?

— Менинг отим Нормат. Ўртоқларим «чўлоқ» деб чақиради, — дея ҳиринглади қария. — Балки эшитгандирсан, болам.

— Йўқ, эшитмабман. Мен қишлоқдан ташқарига чиқмайман, амаки. Шунинг учун ён атрофдаги қишлоқларнинг одамлариниям танимайман.

— Ҳов бола, — деди спортчилар кийимидағи ўттизлар атрофидаги узун бўйли, елкалари кенг йигит, — хўжайн ҳалиям сотиб оламан деяпти. Хурсанд бўлмайсанми? Гапингни қара-ю, дарров битта ширбозингни ушла-да, оёгининг тагига сўй.

— Вали, ўзингни бос. Эшитмадингми, қишлоқдан чиқмаганман деяпти? Кўринишидан ҳам ҳали жуда ёшга ўхшайди. Сотиб оламиз. Бор барака, икки юз сўм бераман битта ширбозга, — деди Нормат чўлоқ.

— Амаки, сотмайман дедим-ку, — дея бошини эгди Фирдавс.

Чўлоқ йигитларига қараб, кўз қисиб қўйди-да:

— Ана, уч юз сўм, — деди мийифида кулиб.

— Сотмайман.

— Беш юз.

— Хўжайнин, — деди костюм-шимли йигитлардан бири, — битта хўкизнинг пулидан ҳам ошировордингиз-ку! Ширбоз жа оғир бўлса, ўн беш кило келар. Шунда биттаси тўқсон сўмга айланади.

— Ишинг бўлмасин. Қани, йигитча, қўлингни бер, беш юз сўм, ҳозир санаб бераман. Ўзиям-чи, фақат эллик сўмлик. Бунаقا пулни умрингда кўрмаган бўлсанг керак.

— Сотмайман.

Норматнинг юзидағи табассум ўрнини қаҳр эгаллай бошлади.

— Беш юзгаям кўнмайсанми? Ўнта қўйнинг пулини айтаяпман, болам.

— Сотмайман.

— Мендан кетса кетсин, етти юз. Бер, биз битта шашлик пишириб, эллик-эллик отиб, маза қилиб кетайлик.

— Бўлмайди.

— Онангни эмгур, — деди Норматнинг Вали исмли йигити, — инсоф ҳам шунчалик бўлар-да. Хўкиз туғул, отнинг пулини бериб юбораяпти-я.

Фирдавс унга ўқрайиб қаради.

Унинг қарави Норматнинг иззат-нафсиға тегди. У қайсар чўпон боланинг адабини бериб қўйиш учун кулоқ-чаккасиға шарақлатиб шунаقا шапалоқ туширдики, Фирдавс орқаси билан гурсиллаб ерга йиқилди.

\* \* \*

Моҳирўйни чақмоқ ургандай бўлди. У ўчоқ бошидан уйига кетаётганди. Негадир бирдан юраги безовта ура бошлади. Ҳаво етишмаётгандек бўғилди. Тўхтаб, бошини кафтлари билан чангллади. Бир муддат шу тахлит ўтирганидан кейин ҳаммаси жойига тушди. «Тавба, яна бўйимда бўп қолдими нима бало? — деб ўйлаб,

мийигида кулди у. — Нима бўпти, бир ўғил, бир қизнинг ёнига яна битта фарзанд қўшилса ёмонми?»

Шу хаёллар билан тагин беш-олти қадам юриб, яна тўхтади. Бу сафар юрагини ғашлик эгаллаб олганди. Назарида, қўйларини боқишига кетган Фирдавсга бир нима бўлгандай эди. Жувон тоғ томонга ўгирилиб, узоқузоқларга кўз ташлади. Зора, ўғлининг қораси қўринса, зора, кўнгли жойига тушса. Бироқ узоқларда иссиқнинг сузиб юрганидан ўзга нарса қўринмасди. Унинг юраги баттар ғаш тортди. Шоша-пиша уйига кириб, шифтга қараб ётган эрига:

— Туриң! Фирдавснинг ёнига боринг, бўлинг тез! — дея бақирди ҳовлиқиб.

Хотинининг майин сўзлашига, чиройли жилмайшига ўрганиб қолган Достон ҳайрон бўлиб, унга ўгирилиб қаради.

— Нималар деяпсан? — деди пинагини бузмай.

— Бир нима бўлганга ўхшайди, Достон ака! Бемалол ётавермасдан, турсангиз-чи!

— Оббо, турған-битганинг ваҳима сенинг... — деб оғриниб ўрнидан турди Достон. — Касал ҳолингдаям қўйишмайди. Бир кун жўнатганимга шунча минфири-минфири... Агар ҳар куни менга ўхшаб тоғма-тоғ кезса, мени уйдан ҳайдаб юбораркансан-да, а?

— Достон ака, шу гапларни сиз айтаяпсизми? Бўпти, уйда ўтираверинг, ўзим бориб келаман, — дея аччиқланиб, ташқарига чиқиб кетди Моҳирўй.

Ташқариде унинг қизини жеркиб бергани эшитилди. Достон афтини бужмайтириб, пешонасидаги терни артди. Сўнг чопонини елкасига ташлаб, ташқарига юрди ва йўлга отланаётган хотинини тўхтатди.

— Шошма, ўзим бориб келаман. Дарров қайтамиз. Сен аччиққина суюқ овқат тайёрлаб қўй, — деди.

Моҳирўй унга ўқрайиб қараб олгач, тоғ томонга нигоҳ ташлади. Хаёлида узоқ-узоқларда, қайсиидир қирда ўғли дармони куриб, ташналиқдан оғзини катта-катта очганча осмонга қараб ётгандай эди.

Достон ярим йўлга етмай, жиққа терга ботди. Ҳатто чопоннинг остидаги кўйлаги сиқиб оладиган даражага-

да ҳўл бўлиб кетди. «Кувватсизликдан, — ўйлади у, — бир томондан яхши бўлди. Тер билан бирга қасаллик ҳам чиқиб кетади».

Бироқ яна озгина юргач, чарчаб, дармони куриди. Юришга мадори йўқ. Бирпас дам олиш мақсадида қирнинг кўксини ёриб чиқкан тошга ўтиреди. Беш, ўн дақиқа ўтди. Чарчиқ орқага сурилди-ю, эринчоқлиги тутди. «Шу ерда кутиб ўтирасам, Фирдавс кўйларни ҳайдаб келиб қолмасми кан? Баҳонада сарсон бўлмасдим», кўнглидан ўтказди у ва яна бир муддат шу ўй нашъасида ўтиреди. Аммо кўз олдида Моҳирӯйнинг аразлаган чехраси намоён бўлди-ю, тиззалига таяниб, ўрнидан турди ва тағин юришда давом этди.

У Фирдавснинг қаерда эканлигини тахминан биларди. Шу боисдан тўғри Букрисой этагидаги улкан ўрик томонга кетди. Сойнинг сўл қанотидаги қирнинг устига чиқиб, қўлини пешонасига соябон қилиб, пастликка қарди. Кўйлар ўрик остидан чиқиб кетган, ўша атрофда ўтлаб юришарди. «Ухлаб қоптими дейман?» хаёлидан ўтказди Достон ва аста-секин сойга эна бошлади.

Ўрикка етишига ўттиз-қирқ қадамча қолганда, дарахт танасига боғланган одамни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

— Фирдавс!.. — унинг лаблари пицирлади ва бирдан югуришга тушди.

Кўкси, оёғи ўрикка қўшиб арқон билан чандиб боғлаб ташланган Фирдавснинг боши эгилиб қолганди.

— Ўғли-и-м! Болам! — дея бақириб юборди Достон ва югуриб келиб, Фирдавснинг бошини кўтарди. — Сенга нима бўлди?! Ким сени бу аҳволга солди??

Фирдавснинг кўзи юмуқ эди. Лабидан сизиб чиқкан қон қотиб қолганди.

— Қайси итдан тарқаганинг иши бу?!

\* \* \*

У чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди-ю, Нормат чўлоқнинг оёғига тепди. Чўлоқ анчадан бери калтак нималигини билмасди. Калтаклаш тугул, охирги пайтларда бирор унинг юзига тик қаролмас, бурнидан баланд гапирмасди. Бунга ҳеч кимнинг ҳадди сифмасди. Чунки алғов-далғовлардан омон-эсон ўтиб олган

Нормат энди ҳақиқий муштумзўрга айланганди. Атрофидаги одамларининг сони ҳам бирор элликтага етиб қолганди. Машина ўғирлаш, бўлакларга бўлиб сотиб юбориш, дўконлардан, ресторанлардан чўтал йигиш, вокзал ва аэропортдаги зўравонликлар, аффон афюонини транзит қилиб, Россияга ўtkазиб юбориш, бир қисмини ўзида олиб қолиб, тарқатиш, заводлардан ўзининг ҳақини ундириш унинг касбига, ҳаётининг ажралмас қисмига айланганди. Унинг мушугини бирор пишт демасди. Сабаби мафия сардорларининг Одессадаги йигилишида унга худуд «смотряйши»си — қаровчиси унвони берилганди. Шундай одамнинг оёғига, яна оқсоғига қаердаги гўдак, чўпон бола тепса...

Норматдан бурун унинг гумашталари сакраб тушиши. Худди уларни манави тирранча тепгандай.

— Вой, зинқарча! — деди кўзлари олайиб кетган Нормат. — Ҳали сен менга қўл қўтарадиган бўлдингми?!

Унинг гапи тугар-тугамас, аввал Вали, кейин бошқалар Фирдавснинг устига ташланиши. Бирпаста бечора болани ерга ётқизиб, обдан тепкилашди. Сўнг ўрикка чандиб боғлаб ташлашди-да, ширбозларининг энг семизларидан иккитасини ушлашди. Улардан бири оппоқ эди. Юзи қонга белангтан, зўрга нафас олаётган Фирдавс ўша ширбозни жуда яхши кўрарди.

— Сенинг ўрнингга, — дея иржайди Нормат Вали пичоқнинг тифини қўйнинг гарданига тираганида, — қўчкорчангни қурбонлик қиласяпмиз! Шунинг учун ўлмай қолганингга шукур қил!

Мўйлови сабза ура бошлаган йигит унинг бирор оғиз гапини эшитмади. Чунки у ҳушсиз эди.

Норматнинг йигитлари ҳаш-паш дегунча иккала қўйнинг ҳам гўштини майдалаб сихга тортиб, кабоб тайёрлашди. Хурсандчилигининг чеки йўқ Нормат чўпон болани бутунлай эсидан чиқарган, айшу ишрат домига чўккан эди.

— Шу пайтгача еган қўйларимни бир жойга тўпласа, бир отардан ҳам ошиб кетади. Лекин бунаقا ширин гўшт емаганман. Ширбоз биз учун тоғдаги доривор гиёҳларни еган экан-да, — дея хаҳолаб куларкан, оғзини тўлдириб Фирдавс яхши кўрадиган қўзининг гўштини чайнарди у.

Унга шотирлариям қўшилишиб хаолашар, ҳали каклик овлай олмай сарсон бўлганлари бекорга эмаслигини, бу ёқда мана бундай ризқ-насиба уларни кутиб турганини айтиб, Норматнинг кайфиятини янада чоғ қилишга уринишарди.

Кайфи ошиб, қорни тўйган чўлоқ яқинда ўзи қурдирган сув ҳавзасида чўмилишни ихтиёр этиб қолди. Шотирлар дарров унинг тулпорини етаклаб келишди.

Нормат отга югурдаклари ёрдамида амаллаб ўтириб олгач, дараҳтда боғлиқ ҳолда бошини эгиб, ҳушидан кетган чўпон болага кўз ташлади.

— Баччағар, — деди ҳаммага эшиттириб, — қайсар экан. Ўзи чўпонлар шунаقا бўлишади-да. Бошқа ёқдан келиб, қўпориб кетишишам, ишлари бўлмайди. Лекин эркакчасига сотоволаман десанг, оёғини тираб туриб олишади. Бўшатманглар, шу аҳволда тураверсин. Үлмаса, шоқол-поқол еб кетмаса, ақли киради. Кейинги сафар бизни кўриши билан ўзи қўйини етаклаб келиб, оёғимизнинг тагида сўяди.

Унинг гапига шотирлар хаолаб кулишди. Нормат эса отининг қорнига ниқтади.

\* \* \*

Моҳирўйнинг назаридаги эри жуда узоқ қолиб кетганга ўхшарди. Уйга киради, эшикка чиқади. Қани энди, кўнгли хотиржам тортса. Қани энди, қора қуюндай хаёлини эгаллаб олаётган бир-биридан даҳшатли ўйлар ортга чекинса. Йўқ, аксинча, бунаقا пайтда кўнгилга сира яхши ўй келмайди. Нуқул ваҳимали хаёллар ёпирлади. «Бу аҳволда жинни бўп қоламан. Ҳозироқ боришим, боламни кўришим керак. Бўлмаса, улар келгунча бир ёқли бўламан», дея кўнглидан ўтказиб, шу заҳотиёқ йўлга тушди. У эри, ўғли каби атрофни яхши билмасди. Шундай эса-да, боши оққан тарафга кетаверди. Узоқ юрди. Қўлини пешонасига тираб, олисларга термилди. Лекин на ўғлининг, на эрининг қораси кўринар эди. Бу ёғи қўёш ҳам уфққа ёнбошлаб борар, ҳализамон оқшом тушиши аниқ эди. Бироқ жувон бу ҳақда мутлақо ўйламас, тезроқ ўғлини топса-ю, бағрига босиб, уйига қайтариб келса... У кетаверди,

кетаверди. Алалхусус, йўлдан адашди. Тўхтаб, атрофга аланглади. Ҳаммаёқда туюнинг ўркачига ўхшаш паст-баланд адирлар. У энди қаёққа боришни, эри билан ўғлини қай макондан қидиришни билмасди. Шу боис анча муддат бир жойда туриб қолди. Кўзи уфққа тушгач эса кўрқиб кетди. Энди унинг ўзи адашганди-да. Ортига бурилиб, эндигина қадам босганида, оёғи қайрилиб кетди. Бир нарсанинг қирт этганини аниқ-тиник эшилди. Оғриқ зўридан инграб юборди. Кўзидан тирқираб ёш отилиб чиқди. Лўқиллаётган тўпигини силади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, оғриқ сусайгандай бўлди. «Энди юрсам бўлади. Кўп узоқлаб кетмагандим. Ҳаракат қилсам, жуда қоронфилик тушмай, уйга етволаман», дея хаёлидан ўтказди у. Бироқ ўрнидан туриши билан додлаб юборди ва секин соғ оёғига оғирлигини ташлаб ўтириб.

— Эй худо, ҳали шу ерда қолиб кетаманми, шунча кўргиликларинг каммиди, ҳали тортган азобларим озими?! — деди бақириб.

— Тинчликми? — деган овоз келди шу пайт унинг орқа томонидан. Моҳирўй оғриқни ҳам унугиб, кўрқаписа ортига ўгирилиб қаради. Нигоҳи эшак устида ўзига ҳайрон бўлиб тикилиб турган, фуфайкали, бошига қулоқлари осилиб ётган телпакни бостириб кийиб олган, соқоллари ўсиб кетган одамга тушди. Моҳирўй умрида бу одамни кўрмаганди, шу боис юраги товонига тушиб кетди ва эшаклининг:

— Нима гап? — деган сўроғига жавоб беролмай, довдираф қолди.

— Ҳозиргина, — деди баттар ҳайрон бўлган эшакли одам, — дод-вой қилаётувдинг. Нега бирдан жим бўп қолдинг? Кимсан, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Мен... ҳалиги, эрим... ўғлимни излаб юрувдим, йўлдан адашдим. Оёғим қайрилиб кетди. Энди уйга кетолмаяпман. Уйимиз анча олисда, — деди унга жавобан Моҳирўй тутила-тутила.

Нотаниш киши ҳиринглаб кулди ва бир сакраб эшагидан тушиб, жувоннинг ёнига яқинлашиб кела бошлади. Унинг важоҳати шунақсанги қўрқинчли эдикি,

Моҳирўй беихтиёр ўтирган кўйи сурилиб, қочишга чоғланди.

— Нима, мени еб қўяди деб ўйлаяпсанми? — дея ҳиринглаб кулди фуфайкали. — Лекин айтиб қўяйин, шу пайтгача одамхўрлик қилмаганман. Оёғингни кўриб қўймоқчиман. Ўзинг ёрдамга чақирдинг-у, яна суриб қолишга уринаётганингга бало борми?

— Ҳалиги... Ҳалиги, менинг оёғимни кўришингиз шартмас. Эшагингизни бериб туринг, уйга етволай. Эрим сахий одам, яхшилигинги учун битта қўй беради.

— Ҳе, сахиймиш. Эшагимни берсам, битта қўй бе-рармиш. Менга қара, агар хоҳласам, мингта қўйни со-тволишим мумкин... Сенга шундогам яхшилик қилиш учун келган бўлсам-у, гапларингни қара, — дея Моҳирўйнинг ёнига келди у.

— Раҳмат... Мен... Мен, биласизми, шошиб қолганимдан... юрагимни олдириб қўйганман-да...

— Тушунарли, бу адирларни, тоғларни билмасанг, ёлғиз чиқмагин-да. Оёғингни кўрсат, — деб соқолли одам Моҳирўйнинг ёнига тиззалаб ўтири.

Жувоннинг асло унга оёгини ушлатиш нияти йўқ эди. Ахир бегона одам бўлса, яна кўринишидан от хуркса. Бу ёги қоронғилик аста-секин қуюқлашиб бора-япти. Жувон иложисиз қолганди. Нотаниш киши унинг оёғини ушлаб, озгина силаб турди-да, қаттиқ тортди. Оғриқдан Моҳирўйнинг кўзи олдида юлдузлар чақна-гандай бўлди. Оёғи яна бир марта қирт этди ва шу заҳоти оғриқ сусайди.

— Раҳмат, ака, мендан қайтмаса, худодан қайтсин. Тўйларингизда хизмат қилайин, — дея шоша-пиша ўрнидан туришга ва мумкин қадар бу ердан эртароқ қочиб қолишга шайланди Моҳирўй.

— Худони безовта қилма. Мен мана шу кенгликларнинг эгасиман. Ўн йилки, санқиб юрибман. Ўзим ун-чалик қаримасман. Лекин соч-соқол олинавермаса, одамни кексайтириб қўяркан. Оёғингдан билдим, сен ҳам айни пишиб етилган давринг экан. Қарзингни адо этишини бошқа пайтга қолдириб нима қиласан. Ҳозирнинг ўзида тўлаб қўя қол.

Моҳирўй баттар ваҳимага тушди.

— Нима... Нима деганингиз бу?.. Ҳозир ёнимда ҳеч вақойим йўқ-ку, ҳали уйга борсам...

— Аёл бўлсанг. Қарзингни бирон нима билан тўлаб нима қиласан?!

— Мен сизни тушунмаяпман...

— Ҳамма нарсани тушуниб турибсан, ўзингни гўлликка солма. Узоги билан ўн беш минутда тўлайсан-у, кутуласан.

— Йўқ! Йўқ!

— Ҳа!..

\* \* \*

Юзига теккан намлиқдан сўнг Фирдавс қўзини очди. Тепасида дадасини кўрди.

— Ўзингга келдингми, болам. Мени роса қўрқитиб юбординг, — деди Достон йигламоқдан бери бўлиб.

— Қаердаман, дада? — сўради ҳали ҳеч нимани англаёлмаган Фирдавс.

— Ким сени бундай аҳволга солди, болам? Ким?! Ким дараҳтга боғлаб ташлади?!

Достон бутунлай ўзини йўқотиб қўйган эди. Шу боисдан ҳам ҳозир бақираётганини сезмаётганди. Айни чоғда зўриқаётганидан юзи қизариб кетганди.

— Дада, менга нима бўлди ўзи? — сўради яна Фирдавс отасининг сўроқларига жавоб бермай.

— Сенгами? Ўғлим, сенга ҳеч нима бўлгани йўқ. Факат айт, бу ерга кимлар келди? Ким сени бу кўйга солди? Айтгин, жон болам?!

Фирдавс бир муддат дадасига гарангсиб қараб ётди. Кейин унинг хотирасида чўлоқ ва унинг гумашталари тикланди ва барчасини бирма-бир гапира бошлади. Унинг сўзларини эшитаётган Достоннинг гоҳ пешонаси тиришса, гоҳ қўзи каттарар, тишларини бир-бирига маҳкам босиб олганидан жафи тарам-тарам бўлиб шишаради.

— Дада, улар бу ерлик эмас, бошқа жойдан келишган, — дея ҳикоясини тугатди Фирдавс.

— Ҳа, ўғлим, шундай, мен уларни танийдиганга ўхшаяпман. Лекин бу ерларда нима қилиб юришгани-

га ақлим етмаяпти, — деб пешонасига кафтини қўйди Достон.

— Ёмон одамларми улар?

— Ёмонлигини ўзинг ҳам кўрибсан!

Достон бошқа гапирмади. Аввал ўғлининг юзини совуқ сувда яхшилаб ювди. Кейин кўкрагини, биқинини ушлаб кўрди. Оғриқ бор-йўқлигини сўради. Хайрият, юзининг моматалоқ бўлиб кетганини ҳисобга олмаса, ҳамма жойи соғ-саломат экан.

— Аянгга қандай баҳона топишни билмай турибман, — деди у ўғлига маслаҳатомуз тикилиб.

— Бир-иккита болалар билан жанжаллашиб қолдим, улар қўйларимизни минишмоқчи бўлишди, дейман. Аям дарров ишонади, — дея қўл силтади Фирдавс. Унинг кўзлари кулиб турарди. Ичиде эса ўч олиш алангаси пайдо бўлганди. «Ҳаммасини йўқотаман, биттасини ҳам соғ қўймайман», деган ўйда томиридаги қони гупиллаб ураётган, шу қарорга келганидан ҳатто кўзларида қулги чақнаганди. Бир пайтлар отасининг кўзлари шундай чақнаб турарди. Унинг отаси — Фаррухнинг қандай одам бўлганини Достон яхши биларди. У ҳам мана шундай кулиб турган кезлари даҳшатли қарорлар қабул қиласди. Бунга Достон бир неча марта амин бўлганди.

— Ўғлим, — деди унинг хаёлини чалғитишга уринган Достон, — ўқисанг, катта одам бўлсанг, отда санқиб юриб, зўравонлик билан шуғулланаётганларни обдан додини берадиган бўласан. Ишонавер менга, шу кунлар келади ҳали.

Ваҳоланки, ҳозир Достон ўзини зўрга тутиб турар, ўғлини калтаклаб кетган Нормат чўлоқ эканига шубҳа қилас, уни ушлаб олиб, бўғизлаб ташлашга ҳам тайёр эди. Шу тобда у боласи, хотини ва қишлоқда тўплаган озми-кўпми обрўсини унугтан, нияти бузилганди. Ўғлининг кўнглини юмшатишга уринаяйти-я, аммо ўзи тўлиқиб кетяпти. Бақириб-бақириб сўкингиси, ўғлини бағрига олган манави дарахтни тепкилаб ташлагиси келаётганди. Дарахтни тепкилаши-ку, қийинмас, лекин, кошки, шу билан хуморидан чиқса. У ўзини жудаям ожиз ҳис этди. Илгари ҳам шунаقا туйғу бир-икки марта пайдо бўлганди. Аммо у

маҳаллари ожизликнинг бир чеккасида шумлик ҳам ётарди. «Вақти келса, жойингга солиб қўяман», деб қўнглига тутарди. Ҳозир эса қўлидан ҳеч иш келмайди.

— Эшакка миниб, уйга жўна, мен ортингдан қўйларни ҳайдаб кетаман, — деди Достон аламини ичига ютиб.

— Дада, кўрдингиз-ку, ҳеч нима қимапти менга. Икковимиз ҳайдаб кетаверамиз.

Достон эътиroz билдирмади. Қўлига чўпон таёқни олди.

Улар уйга етиб келишганида, қуёш ботишига бир терак бўйи қолганди. Достон нигоҳи билан Моҳирўйни қидирди. Бироқ у ҳеч қаерда кўринмасди. Шунда қизчаси югуриб келди.

— Аям қани? — сўради у бир дадасига, бир ундан сал орқароқда келаётган акасига қараб.

— Уйдамасми аянг? — деди ҳайрон бўлган Достон.

— Йўқ, — дея бошини сарак-сарак қилди қизча, — менга уйдан ҳеч қаерга чиқмай ўтири, мен даданг билан акангни топиб келаман, деб чиқиб кетувди.

— Уфф, шуниси камлик қилувди. Қайси томонга кетди?

— Сиз ҳар куни қўйларни ҳайдаб кетадиган томонга, — жавоб берди қиз.

— Сен, — деди Достон ўғлига ўгирилиб, — уйда қимиirlамай ўтири. Кейин орқангдан излаб чиқмайин тағин.

У Моҳирўй кетиши мумкин бўлган томонларни чамалаб кўрди. Бошда ўзи доимий кетадиган йўл билан тахминан ярим чақиримча юрди. Сўнг тўхтади. Энди қаёқقا боради? Моҳирўй қайси томонга бурилиши мумкин? Ахир у йўлни билмайди-ку. Бу атрофлардан мутлақо бехабар. Чунки неча йиллардан бери мана шу масканни макон этганларига қарамай, бирор марта бўлсин, Достон хотинини ўзи билан бирга олиб чиқмаган, қир-адирлар билан таништирмаган. Шу пайт кутилмаганда унинг юраги тез-тез ура бошлади. Шунақа гупиллаб урадики, Достон довдираб қолди. Турган жойида чир айланиб, чор томонга нигоҳини ташлар, лекин қаёқقا боришини билмасди. Охири таваккал қилиб, кунботарни мўлжал қилди.

Аввал секин-секин юрди, кейин югуришга тушди. Шу аснода бир неча марта «Моҳирў-ӯ-ӯй! Моҳирў-ӯ-ӯй!!!» деб бақири. Аммо чақирувларига жавоб қайтмади. Бундан баттар тұлиқиб кетган Достон қадамини тезлаштириди.

\* \* \*

Башарасини чүтирип босған, бир неча ойлардан бери юзига сув тегмаган, соқолигача кир-чир бұлиб кетган, жирканч нусха Моҳирўйнинг күйлагини йиртиб ташлашга улгурди. Жувон унга қаршилик қилиб, бақира бошлади. Жирканч нусха, ҳарчанд уринмасин, бошқа ҳеч нарса қололмади. Хотинининг чинқирганини бир чақирим наридан эшитган Достон елдай учеб келди ва кела солиб, ўзини зўравоннинг устига отди. Кўп юргурганидан ўпкаси шишиб кетган, дармони қуриб, билагида кучи қолмаганди. Шу боис Моҳирўйнинг устидан эҳтирос ўтида ёнаётган кимсани ағдариб ташлади-ю, бир зумда ўзи унинг остига тушиб қолди. Анчадан бери тоғда яшаган, асосий озуқаси гўшт бўлган нотаниш одамнинг кўллари бақувват эди. Кўзларида шафқатдан асар ҳам йўқ эди, шу боис сира қийналмай Достоннинг томоғига чанг солиб, бор кучи билан уни бўға бошлади. Достоннинг нафаси қайтиб, кўзи олайди ва ранги бўздай оқариб кетди. У жон-жаҳди билан рақибиға қаршилик қилди. Аммо буларнинг ҳаммаси бесамар эди. Атроф баттар қоронғилаша бошлади. Достоннинг билагидан қувват кетди. Шу маҳал жуда ўткир бир нарса биқинига ботиб, этини тешиб ўтди. Кейин нафас олиши осонлашди. Шу маҳал:

— Мана сенга! Мана сенга! — дея бақира бошлади хотини.

Достон bemажол ётаркан, хотинига аста қўз ташлади. Моҳирўй қўлидаги тош билан зўравоннинг бошига аямай урап, эси оғиб қолган одамдек тинимсиз бақиради. Шу тобда унинг кўзига ҳеч нарса қўринмас, нима қилаётганини англаёлмасди. Зўравоннинг боши бир тарафга қийшайиб, атрофга қон сачради. Шундан кейин ҳам Моҳирўй тўхтай демасди. Ҳатто у бир-икки марта эрини ҳам уриб юборишига оз қолди. Достон

устидаги юкни ағдариб ташлаб, ўрнидан сапчиб турди-да, хотинини маҳкам қучоқлади.

— Бас! Бўлди! Ўлди у!!! — деб бақирди.

Моҳирўй чақмоқ ургандай бир сесканди ва қулини кутарганча қотиб қолди. Кўзлари олайди.

— Нима?! Нима дедингиз?! — деди бир муддатдан сўнг. — Ким ўлди?!

— Кимлигини сен биласан!

— А-а? Мен? Мен кимлигини биламан?! Ҳа. Мен биламан. Сиз ўзингиз ким, Достон ака? Достон ака!

Ўкириб юборган Моҳирўй қулидаги тошни ташлаб юбориб, эрини маҳкам қучоқлаб олди. Яланғоч ҳолда қишининг қаҳратонида қолиб кетган одамдай дағ-дағ титрай бошлади. Лабини шунчалик маҳкам тишладики, қон сизиб чиқди.

— Эй худо, нима ёмонлик қилганди-и-м? — дея бор овозда бақирди.

— Жим. Ўзингни бос! Ҳаммасидан қутулдинг, ҳаммасидан. Ҳар ким экканини ўради. Юр, бирор келиб қолмасидан уйга етволайлик, бунақаларнинг тиригидан ўлиги қимматроқ туради. Қани, тез бўл!

— Мен одам ўлдириб қўйдимми?! Қўлимни қонга ботирдимми?! — деди ҳали-ҳануз ўзига келолмаган Моҳирўй.

— Юр! Бу итдан тарқаганни кечаси шоқоллар еб кетсин!

Достон мурдани тепди. Сўнг хотинини елкасидан кучиб, уйи томонга етаклади.

Моҳирўй бошпанасига етгунча гоҳ унсиз, гоҳ овоз чиқариб, титраб-қақшаб йиглади. Достон уни овutiшга ҳарчанд уринмасин, сира улласидан чиқолмади. У Моҳирўй яна үлгариги ҳолатига тушиб қолишидан жудаям чўчиётган эди.

Эр хотинини чўмилтириб, бошқа кийим кийдирди. Қонга белангандай йиртиқ кўйлакни ўчоққа ташлаб, ёқиб юборди. Бунгача фарзандлар уйдан чиқишимади. Иккаласи ҳам кўркув исканжасида ўтиришди.

Достоннинг қўнглида бир олам саволлар бор эди. Бироқ уларнинг ҳеч бирини хотинига айтмади. Қийнагиси келмади. Барини эртанги кунга қолдирди. Шунингдек, на

ўғлига ва на қизига бирон нима деди. Иккаласини ҳам жойига ётқизиб, чироқни ўчириб қўйди. Ўзи эса Моҳирўйни маҳкам қучоқлаб ётди. Жувон тунни бесаранжомлиқда ўтказди. Бир қанча муддат ухлаёлмай ётди. Эндиғина қўзи илинганди, тушига алтамбалолар кирап ва чўчиб уйғониб кетарди. Достон ҳам унга қўшилиб, деярли ухламади.

Эртасига у қўйларни ёйгани олиб чиқмади. Уйидан ҳеч қаерга чиқмади. Хотини эрталаб ҳам ўзига келмаганди, шу боис жойидан қимиirlамади. Нонуштани Фирдавс иккаласи тайёрлашди. Айни чоғда Достон Моҳирўйдан сўрамоқчи бўлган нарсаларини яна кейинга қолдирди.

\* \* \*

Кунлар, ойлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Киприк қоққунча бўлмай, ёз ўтиб, куз келар, сўнг дарров қиш ҳам эшик қоқиб қоларди. Фирдавснинг бўйи янада чўзилди. Билакларидан куч тошди. Мўйлаби сабза урди. Мактабни тамомлаб, кап-катта йигит бўлиб қолди.

— Юридическийга ўқишига кираман, — деди сўнгги имтиҳонни топшириб, уйига қайтиб келгач, дадасига.

Достоннинг сочидан қорасидан оқи кўпайиб, пешонасидаги ажинлари ҳам ортганди. Феъли ҳам аввалгидек қизикқон эмас. Мулоҳазали, етти ўйлаб, бир кесадиган кишига айланганди у. Шу боис ўғлига дарров бирор нима демади. Бироз ўйланиб ўтиргач, ҳалиям унча-мунча эркакни мафтун эта оладиган, юзидағи билинар-билинмас ажинларни айтмағанда, ҳали анча ёш кўринадиган Моҳирўйга қаради. Хотини ўша қуни боқсқинчи эркакка дуч келганидан буён юрак ўйноғини орттириб олган, чумчуқ пир этса, юраги шир этиб, атрофга чўчинқираб аланглайдиган одат чиқарганди. Достон унга «Сен нима дейсан?» дегандек тикилиб қолди. Аёлдан садо чиқмади. У эрининг нигоҳига жавоб беролмагач, қўзини олиб қочди.

— Дунёда бошқа касблар ҳам кўп, — деди Достон бир бурда нонни қўлига олиб. — Шартми шу... бош оғриғини танлаш?

— Дада, анчадан бери орзу қиласман. Шунинг учун жўраларим билан кўп ўйнамадим. Ҳуқуқшунослик би-

лан тарихни ёд олдим. Китобнинг хоҳлаган жойини очиб, савол беришингиз мумкин. Бахтимга рус тилидан дарс берган муаллим асли институтда инглиз тилига ўқиган экан...

— Лекин, ўғлим, фақат билим билан ўқишга кирадиган вақтлар ўтиб кетди. Бир пайтлар домлаларнинг ўзлари қишлоқма-қишлоқ юриб, болаларни ўқишга олиб кетишиган экан. Отам шундай девди. Энди бутунлай тескариси...

— Пулинг бўлмаса, киролмайсан, овора бўлма, демоқчимисиз? Мана кўрасиз, кириб кетаман, ҳаммасини бешга топшираман...

— Йўқ! — деди кутилмагандага Моҳирўй ўғлига термилаб. — Бошқа хоҳлаган ўқишингга киришинг мумкин. Лекин жиноятчилар билан ишлайдиганига кирмайсан, йўл қўймайман! Етади шунча ташвиш тортганим.

Фирдавснинг ранги докадай оқариб кетди. У аяси билан дадаси унинг ниятини эшитгандан кейин хурсанд бўлиб, жилмайиб қўйишиди, ҳатто: «Баракалла, ҳақиқий ўғил боланинг касбини танлабсан», дейишиди, деб ўйлаганди. Шу аснода ўзини уриб, дараҳтга боғлаб, қўйларидан иккитасини сўйиб, айшу ишрат қилганларни ҳам эсидан чиқармаган: «Ўқиши битирсам, ҳаммасини жазолайман», деб қўнглидан ўтказганди. Бирпасда бари ҳавога учди.

— Дўхтирикка ўқи, — гапида давом этди Моҳирўй, — охирги пайтда кунда-кун ора касал бўляяпман. Дўхтири излаб ўтирмайман, ўзинг даволаб қўясан.

— Менгаям маъқул, шу десанг, аянг сочимнинг оқини кўролмаяпти. Ҳали ўн саккиз билан ўн еттининг оралигидаман-у, «мункиллаган чол» дейди. Зора, сочимни қорайтириб қўйсанг, аянгнинг шу гапидан қутулсам, — дея ҳазиллашган бўлди Достон.

У ўғлининг нима мақсадда ҳуқуқшунос бўлмоқчилигини англаб етганди. Унинг ҳам хаёлига Фирдавснинг Нормат томонидан калтаклангани келганди. «Ўшандаёқ бу бола тушмагур қасос олишни қўнглига тушиб қўйган, худди отаси Фаррухга ўхшаб», дея ўйлаганди.

Фирдавс ота-онаси билан күп үтиrmади. Бир пиёла чой ичиб, бир бурда нонни амаллаб ямлади, сүнг имтиҳондан кейин боши оғриётганини баҳона қилиб, уйга кириб кетди. Шу бўйи анча вақтгача қайтиб чиқмади. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, у ёқдан-бу ёққа афдарилиб ётди. Ҳукуқшунос — прокурор бўлмоқчи эди, онаси бутунлай бошқа касбни айтди. Дадаси ҳам унинг гапни маъқуллади. Лекин куни кеча синфдошларига «юридическийга кираман» деб мақтаниб қўйганди. Шу гапнинг ўзига қанча йигит-қиз унга ҳавас билан тикилди. Қизлар аввалдан унинг атрофида гирдикапалак эдилар. «Онасининг боласи, ўғил болаям шунаقا чиройли бўладими?» дейишарди. Ёнига келиб: «Бизга қўшиқ айтиб бер, сенга қўшиқ айтиш ярашади», деб ҳолижонига қўйишмасди. Фирдавс қизларнинг гапларига бирдан қизариб кетар, сўнг: «Мен қўшиқ айтишни билмайман, билган тақдиримдаям, артистлик қилмайман», деб жавоб берарди. Шунда қизларнинг шўхлиги тутар: «Эшитдик, қўй ҳайдаб келаётганингда, қўлингдаги чўпон таёқни рубоб қилволиб, бир нималарни куйлаётганингни», дейишарди ёлғондакам. Фирдавс уялганидан ерга киргудек бўлар ва тезда қочиб қоларди. Ана шу қизлар қишлоқнинг энг олди йигитининг ҳукуқшунос бўлишини эшитгач, бутунлай оромини йўқотишиди. Бир-иккиси: «Келажакда ким бўлишингиз билан ишим йўқ, фақат юракларимиз ёнма-ён уришининг ўзи етарли», деган гапни ҳам айтишди. Фирдавс ҳеч кимга жавоб бермади. Икки хаёли кўзларини кўкартирган, оғзи-бурнини қонга белаган чўлоқни топиш ва уни қамаш эди. Гоҳ-гоҳида унинг хаёлига ўша зўравон билан эркакчасига гаплашиб қўйиш ҳам келарди-ю, аммо дарров бу ниятидан қайтарди. Сабаби жондан азиз кўрадиган аяси: «Бирор билан муштлашсанг, бирорнинг бурнини қонатсанг, зўравонлик қилсанг, сенга берган оқ сутим ҳаром бўлсин», деган эди. Шу боис у қони қайнаган дамлари ҳам ўзини босишга уринар, ҳар қандай кўнгилхиралик рўй бергандаям, тилини тишлаб, нигоҳдарини ерга қаратар ва дилини оғритган одамнинг ёнидан жимгина узоқлашарди.

Эшик очилиб, Моҳирўй кириб келди ва тиззасини қучоқлаб ўтирган Фирдавснинг ёнига бориб ўтирди. Боласининг соchlарини силади.

— Ўғлим, мени кечир, тўсқинлик қилаётганим учун, — деди паст овозда.

Фирдавс аясига юзланди. Унинг қараши, киприклиниг пирпираши, юз ифодаси худди отасиникига ўхшарди. Моҳирўй тўлқинланиб кетди. Ўғлини маҳкам қучоқлаб олди-да, кўзини юмди. Ёшлигини хотирлади. Чўпон йигит тоғ тепасидан пастликка ўзини тўхтатомай югуриб келаётган қизнинг белидан қучоқлаб қолади. Кейин йигит билан қиз бирга думалаб кетишади. Думалашдан тўхтаганларида, қиз кўзлари ёниб турган чўпоннинг сеҳрли нигоҳига асир бўлади... Кейин севги ўти пайдо бўлди...

Моҳирўйнинг кўзларида ёш пайдо бўлди.

— Ая. Мен сизнинг айтгандарингиздан чиқмайман. Лекин дўхтир бўлишга уқувим йўқ. Шунга...

— Майли, — деди кўзидағи намликинг елкасига артган аёл, — одамлар билан қарама-қаршиликка бормайдиган касблардан истаганингни танлайвер.

— Хўп, ая, сиз сиқилманг. Мен агроном бўламан.

Аммо у ҳужжатларини йифиб, шаҳарга отланаётганида, уни кузатгани чиққан аяси:

— Болам, баҳтинг боғланиб қолмасин. Ҳар қандай одам ўзи хоҳлаган касбни қилиши керак. Шунинг учун қайси ўқишига киришни ўзинг ҳал қиласпер, — деб ўғлининг юзидан ўлиб қўйди-ю, Фирдавснинг режаси яна ўзгариб кетди.

Шаҳарга келганидан кейин эса юраги сиқилди. Бу ерда ҳаво дим эди. Бунинг устига, унинг назарида қўчакўйда юрганларнинг бари асабийга ўхшарди. Шунинг учун ҳам бирор билан гаплашмади. Дадаси берган манзилни қидириб топди. Ҳужжат қабул қиласиган йигит унга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сунг ёнгинасида ўтирган оппоққина қизга юзланди. Қиз қофоз титкилаш билан овора эди. Шу боисдан йигитнинг нигоҳини дарров сезмади. Бир муддат ўтиб, қайсицир қофозни папкага жойлаштираётib, ўзига қадалган кўзлардан воқиф бўлди. Жилмайди.

— Барнолар барноси, — деди қизнинг гўзаллигидан ўзгача завқ олган йигит, — манави болакай бизнинг факультетда ўқиш учун келибди.

Қиз Фирдавсга бир қур назар ташлади. Мийигида кулди.

— Ҳурматли прокурор жанобларининг арзандаси — Одилжон ака, билими бўлса киради, қаранг чиройлигина йигит экан, — деди қиз ва яна ишини давом этираверди.

— Ҳозирги замоннинг қизларини сира тушунмайсан. Чиройнинг фарқига боришмайди. Билими бўлсамиш, костюмда оҳор қолмаган, кўйлагиям ёшини яшаб, ошини ошаб бўлганга ўхшайди, ҳализамон пол латтадан бошқасига ярамай қолса, ажабланмайман. Дарвоқе, барнолар барноси, сиз қайси билимни назарда тутдингиз?..

— Чунтакдаги билим сизни ўқишига киритиб қўйган, мен калладаги билимни айтаяпман, — жавоб берди қиз ва бошини кўтариб, Фирдавсга тикилди. Талаба бўлиш истагида келган йигит хужожат қабул қўйувчи студентнинг бурнини кўтариб гапиришидан жаҳли чиққанди. Ҳатто «бор деб, ҳаммасидан воз кечиб кеттиси ҳам келди. Аммо қизнинг нигоҳи хаёлларини чалкаштириб юборди. Жаҳлдан дарров тушди. Иккала юзи ҳам қизарди. Бошини эгди.

— Қойил, — деди Одил исмли йигит, — қойил! Барнохон, бир қараашда болапақирнинг бошини эгиб ташладингиз-а?

— Сизга ўхшаган безбет эмас экан-да.

Қизнинг гапи Фирдавсга нашъя қилди. Унинг юзида табассум пайдо бўлди. Ана шу табассумни кўрган Одил дарров ўқрайди. Ҳужжатларни наридан- бери кўрди.

— Бу расмлар бўлмайди. Мехнат дафтарчаси йўқ, — деди жаҳл билан.

— Қани, менга беринг-чи, — деди қиз у томонга қўлини чўзиб.

— Нима, менга ишонмаяпсизми?

— Ишонганим учун беринг деяпман-да.

Одил Фирдавснинг ҳужжатларини қизнинг олдига отиб юборди. Қиз қизарди. Қошлари чимирилди. Лা-

бини тишлаб, Фирдавсга тегишли бўлган қоғозларни кўздан кечирди.

— Ҳаммаси жойида. Расмлариям. Меҳнат дафтарчалигининг эса ҳожати йўқ, — деди қиз жиддийлик билан. Сўнг Фирдавсга қараб жилмайди: — Ҳужжатларингизни олиб қоламиз. Бориб бемалол имтиҳонга тайёргарлик кўраверинг. Агар туар жойингиз бўлмаса, ётоказна комендантига қоғозча ёзиб берамиз.

Фирдавс индамай бошини эгиб, ортига кетди. Дадаси: «Амакингникига бор. Шуларнинг уйида турасан, имтиҳонга тайёrlанасан, иссиқ-совуғингдан хабар олишади, биз ҳам хотиржам ўтирамиз», деганди.

У ташқарига чиқиб, чуқур нафас олди. Шу онда ўқишига бўлган иштиёқи сўнганини англади. Уйдан чиқаётганида, хурсандчилиги кўксига сигмай, иргишилагиси келаётганди. Ахир у: «Шаҳарга бораман-у, ўқишига кираман. Тезроқ бормасам, бошқалар кўпроқ ўқиб кўйишади ёки менинг ўрнимни олиб кўйишади», деб ўйланганди. Беш йил ҳам унинг назарида жуда қисқа муддатдай эди. У ўзини талаба эмас, прокурор, изкувар сифатида ҳис этаётганди. Мана, ўша шаҳар деганларигаям келди, университет аталмиш даргоҳнинг юридик факультетига ҳужжатларини топширди. Аммо бирдан ҳафсаласи пир бўлди. «Ҳали шунга ўхшаган нусхалар билан ўқийманми, ҳали шунақалар билан битта жойда ишлайманми?» деб ўйлади.

\* \* \*

Эшикни ўрта ёшлардаги аёл очди. Сўзсиз-сўроқсиз қаршисидаги йигитчага бошдан-оёқ қараб чиқди. Бурнини жийирди. Шунда унинг юзини қоплаган упа остидаги сепкилларга Фирдавснинг кўзи тушди.

— Келинг, — деди жувон беписандлик билан, — нима хизмат?

— Мен, — деди Фирдавс қаршисидаги аёлнинг кибранишидан довдираб, — ўқишига келувдим...

— Биз ҳеч қаерга ўқишига қабул қиламиз, деб эълон ёпиштириб қўймагандик, шекилли, — дея қошларини учирди йигитчанинг гапларини охиригача эшитмаган аёл.

— Дадам: «Укамнинг уйида турасан. Мен катта бўлган уйда яшайсан», деганди, — деди бироз жаҳли чиққан Фирдавс.

— Ҳимм, анави қишлоққа қочиб кетган мулла акамизнинг ўғиллари бўласизми ҳали? Шунақа демайсизми, болакай? Энди афти-ангордингизни кўпдан бери кўрмаганимиздан кейин танимаймиз-да. Майли, туратуринг, — деб аёл қарс этказиб дарвозанинг кичик табақасини ёпиб қўйди. Дарвоза ёпилмади. Фирдавснинг юзига келиб урилди. Фақат ўзи эмас, бир олам камсишиш-у, туپуклар билан бирга келиб урилди йигитнинг назарида. Унинг товонигача музлаб кетди. Секин ортига бурилди.

Оқшом дим бўлди. Одам нафас олишга қийналади. Кўп қаватли уйларнинг деразалари ланг очиқ, айримларининг пардалари ташқарида ҳилпирайди. Кўчадаги машиналар сони камайган, ҳар замонда биттаси гув этиб ўтиб кетади. Туни билан юриб чиқишга қасд қилган Фирдавснинг тинкаси қуриган, бир-бир қадам босганча бошини осилтириб кетиб бораяпти. Ҳеч нима билан иши йўқ. Қани, яхшироқ жой топса-ю, ўтириб, оёқларини узатса. Лекин катта кўчанинг бўйида унақа жой бўлиши амри маҳол. «Ётоқхонадан жой олсан бўларкан, бунақа дайдиб юрмасдим. Ҳозир каравотда чўзилиб ухлаётган бўлардим. Саҳарлаб уйгонардим. Дарс тайёрлардим. Ўзи китобларнинг ҳаммасини деярли ёд олганман. Шундай бўлсаям, қўзимни юмиб...» дэя хаёлидан ўтказган йигитнинг ҳақиқатан ҳам кўзи юмилди. У энди катта кўча бўйида кетиб бораётганини унутганди. Юриб кетаётиб, ухлаганини ўзи ҳам билмасди.

Ундан бирор эллик қадам нарида тўрт йигит пайдо бўлди. Уларнинг учтаси фирт масти, бири шерикларига нисбатан тетикроқ эди. Айнан ана шу тетиги бошқаларини бошқариб кетаётганди. Фирдавс чўчиб кўзини очди.

— Ў-ў-ў! — деб ўкирди унга яқинлашиб қолган масларнинг биттаси. — Сигаретинг борми?

Фирдавс унинг нима деганини тушунмади. У ҳатто қаерда кетаётганини ҳам англолмаётганди.

- Кармисан, ў-ў? — дея такрорлади маст.  
— Й-ў-ў-қ, — жавоб берди Фирдавс бошини қимирлатиб, — чекмайман!  
— Чекмасанг, оқшом номаъкул... номаъкул... Опке сигарет! Эшшак... ҳайвон, опкүйибди, — дея ғўлдирали маст.

Айни чогда нима деяётганини унинг ўзи ҳам билмаётганди. Билгани, хумори тутаяпти. Бир шиша ароқни қўлига тутқазсангиз, ичмаслиги мумкин, аммо тамаки турунини ютмаса, ёрилиб кетади.

Фирдавс тўхтади. Секин ортига тисарила бошлиди. Шунда хаёлига чўлоқ бошлиқ зўравонлар келди. Улар уни обдан тепкилашганди. Кейин яхши кўрган ширбозларидан иккитасини сўйган, бирпасда кабоб қилиб ташлаганди. Йигитнинг назарида, мастрлар айнан уларга ўхшаб кетаётгандай туйилди. Шу боис ғазаби қўзиди. Майхўрларнинг устига тўғри бостириб бораверди. Шерикларига қараганда эс-ҳушини йўқотмаган йигирма бешлар атрофидаги йигит сергак тортди.

— Эътибор берма буларга, йўлинигда кетавер. — деди у  
Фирдавс унинг гапига қулоқ солмади. Кела солиб, ўзидан сигарет сўраган мастрнинг қулоқ-чаккасига мушт туширди. Шундогам оёғида зўрга турган майхўр бирдан гуп этиб йиқилди-ю, буни кўрган улфатларининг қони қайнаб, бетакаллуф йигитчага ташланиб қолишиди. Лекин уларнинг ширакайфлиги уришишларига халақит берди. Шунинг учун ҳам Фирдавснинг муштуми тегар-тегмас қулайвериши. Соғи эса жанжалга мутлақо аралашмади. Кузатиб турди. Фирдавс мастрларнинг барини ерга кулатиб бўлгач:

— Шу ишни бекор қилдинг, ука. Энди буларни қандай қилиб ўзинга келтираман? Келиб-келиб, масть билан тенг бўласанми? Мана, мен билан муштлаш, — деб у енгини шимарди. — Мени Ҳаким сариқ дейишиди. Башарасини бузиб қўйганларим юздан ошади! Қани, бу ёққа кел.

Унинг жуссаси Фирдавснидан кичикроқ эди. Ўзиям озгин. Учта майхўрни ерга афдарган Фирдавс руҳланиб кетганди. «Бир муштда буниям ер билан битта қила-

ман», деб ўйлади. Шунинг учун рақибининг ёнига югурди ва шу заҳоти жағига шунақа зарба тегдики, кўзидан ўт чақнаб кетди. Бир муддат кўз олди қоронғилашиб, довдиради. Қўлларини туширди. Бундай ҳол Ҳаким учун айни муддао эди. Фойдаланмаса, кейин кеч бўларди. Чунки унинг ўзи қарийб ҳеч ким билан муштлашмаган. Иложи борича ур-сурдан узоқда булишга уринарди. Ул-фатларининг ерга қулагани унга алам қилди ва умрида биринчи марта жанжаллашишга чоғланди. Чоғланди-ю, қўрқди. Аммо рақибининг фўдайиб, ҳимоясиз яқинлашгани қўл келди ва у нишондан адашмай мушт туширди. Мана энди қорнига тепишнинг ҳам имкони туғилди.

У энди оёгини кўтарган маҳали оний лаҳзада ўзига келган Фирдавс ортига чекинди. Ҳакимнинг оёғи тегмагач, ўзи уни қучоқлаб олди-да, ердан даст кўтариб, ҳавода бир айлантириб, асфалът йўлга ташлади. Бели билан тушган Ҳаким жони кўзига кўриниб, инграб юборди.

Фирдавснинг капалаги учеб, ранги бўздай оқариб кетди. «Ўлдириб қўйдим! Энди нима қиласман?!» дегани хаёлда қочишга тушди. Катта йўл бўйлаб юрмади. Кўп қаватли уйларни оралаб кетди. Кўп югурди. Пешонасидан дувдув тер қўйилди. Охири нафаси бўғзига тиқилиб, тўхтади ва секин ортига ўтирилиб қаради. «Ҳартугул, ҳеч ким қувмаётган экан. Кутулганга ўхшайман. Лекин бу атрофда туришим хавфли, бирорта милиса кўриб қолган бўлса, қидириб келади. Сал узоқлашайин», деб у энди юришда давом этди. Назариди, талай масофани босиб қўйгандай эди. Аммо бор-йўғи иккита тўрт қаватли уйнигина айланаб ўтганди, холос. Охири чарчади. Юришга кучи қолмади. Нигоҳи билан ўтирадиган жой қидирди. Қоронгигда қаёққа қарамасин, бирорвнинг эътиборини тортмайдиган, ўтирса бемалол эрталабгача оёгининг чигалини ёзадиган кўринарди. Бироқ ёнига бориб қараса, сира ўтиришнинг иложи йўқ. Қидира-қидира, охири тўққиз қаватли иморатнинг ҳовлисидан ўзи учун кулай жой топди. У бир томони чинорга туташ ўриндиқ эди.

Қўзини юмган йигит ҳаш-паш дегунча уйқуга кетди ва бирор келиб, кўйлагини ечиб кетса ҳам, сезмайди-

ган даражада қотиб ухлади. Шу күйи вақт энг охирги тезлигиде ўтиб кетганини сезмади ҳам. Бир пайт қулоғига қиқир-қиқир кулги эшитилди. Овоз жуда узокдан келаётгандек эди. «Туш күраётганга ўхшайман. Лекин жудаям шириң кулги экан. Ўйғонмайман. Маза қилиб эшитиб ётавераман, кейин унинг ўзи күриниш беради. Менимча, жудаям чиройли қиз бўлса керак. Анави ҳужжатларимни қабул қилган қиздан ўн чандон гўзал. Агар чиройли бўлмаганида, овози бунаقا ширали бўлмасди. Ана, мактабимизда ким сулув бўлса, шу ингичка товушда гапиради», деб ўйларди йигит уйқу ичидা.

— Ичиб олганга ўхшайди. Маст бўлиб, шу ерда қолиб кетган. Тавба, ёшгина йигит-ку, ичишига бало борми? — деди кулги соҳибаси.

Ана шундан кейингина Фирдавс чўчиб уйғонди ва шоша-пиша атрофига аланглади. Беш-олти қадам нарида икки қиз унга тикилиб турарди. Ҳар икковиниям лабида табассум, ҳар икковиниям қўлида супурги. Икковиям бир-бирига икки томчи сувдай ўхшайди.

«Ҳали уйғонмаганга ўхшайман», деди Фирдавс. Ваҳоланки, у шунаقا деб ўйлаган эди. Ўйлаш баробарида гапириб юборганини сезмай қолди. Қизлар бўлса, оғизларини бир хилда бекитиб, кулиб юборишли. Фирдавс дув қизарип кетди ва секин ўрнидан туриб, кийимларини тўғрилаган киши бўлди.

— Ҳимм, — деди шунда қизлардан бири лабини буриб, — ёшгина йигит ичиб, дуч келган жойда юмалаб ётавераркан-да?

— Бизнинг подъезд ёнида унга нима бор? Бошқа жой куриб кетибдими? Одамнинг юрагини ёриб юборди, — деди иккинчи қиз.

Фирдавснинг ичидаги бир нима узилгандай бўлди. У шартта бурилди-да, дуч келган томонга кетди.

Университетга борганида, ҳовлида энди битта-иккита одам пайдо бўлганди. Дараҳт сояси тушиб турган ўриндиққа ўтириди ва яна ухлаб қолмаслик учун пешонасини қашлади. Шунда унинг ёдига аясининг айтган гаплари тушиди. «Бирорнинг бурнини қонатсанг, зўравонлик қилсанг, берган сутимга рози эмасман!» деган

эди она. Фирдавс чўчиб кетди. Бошини чангллади. «Ая, аяжон! Мени кечиринг, мен билмасдан шундай қилиб қўйибман, шайтон мени йўлдан урди», дея пи-чирлади. Сўнг ўзини оқлаш учун баҳона қидирди. Йўқ, тополмади. Айб ўзида эди. Шунчаки маастлар ёнидан индамай ўтиб кетганида, олам гулистон эди. Пиёнисталар фўлдираганча қолаверишарди. Бироқ у қизиққонлик қилди. Тўрт кишини уларнинг ичганлигидан фойдаланиб, дўппослашга тушиб кетди. «Нима бўлса бўлди. Ўқишига кириб олай, аямнинг оёғига бош ураман. Қарғишингизни қайтариб олинг, дейман. Ҳартугул, ёлгиз ўғлиман, яна дадамдан қолган ёдгорлик, кечиради», деб ўйлаб, чуқур хўрсиниб қуиди.

Орадан бир муддат ўтиб, университетта келувчилар сони кўпайди. Улар орасида елкасига қизил сумкачини илган, куни кеча Фирдавснинг ҳужжатларини қабул қилиб олган қиз ҳам бор эди. Уни узоқдан таниган йигит дарров ўрнидан турди.

— Кечирасиз, — деди Фирдавс қиз кечаги жойига ўтиргандан кейин ёнига бориб, — мен келувдим.

— Тинчликми? — сўради қиз унинг афт-ангоридан хавотирланиб. — Кўзларингиз киртайган, соchlарингиз тўзиб ётиби. Юзингиз сўлғин. Кеча бутунлай бошқача эдингиз-ку.

— Ҳалиги, амаким бор эди шаҳарда. Лекин борсам, уйида йўқ экан, бирон жойга кетганга ўхшайди...

— Қаерда тунадингиз? — сўради қиз унга ажабланиб тикиларкан.

— Борадиган жойим йўқ эди, шунга кўчада сайр қилиб, тонг оттирдим.

Фирдавс гапирган сайин қизариб кетаётган, ўзини ноқулай сезаётганди. Қизнинг унга жон куйдираётгани суяқ-суяғигача бориб қадалаётганди. Чунки ёшлигидан қиз боланинг ачиниб қарашига чидолмасди. Ўзини жуда ожиз ҳис этар, бунақа аҳвол ўғил болага хос эмас, деб ҳисобларди.

Хозир қизнинг уни эслаб қолганидан бироз хурсанд ҳам эди. Чунки ҳар куни унинг ёнига озмунчаabitу-

риент келиб кетадими? Агар улар билан бирга келган ота-оналарни ҳисобга олса, ҳар бирини эслаб қолиш жуда мушкул бўларди. Лекин Барно уни эслаб қолибди.

— Кеча ётоқхонага қофозча берайин, дедим, ўзингиз бурилиб кетвордингиз. Ҳозир, — дея қиз стол тортмасидан кичкина қофозча олиб, унга бир нималарни ёзди-да, Фирдавснинг қулига тутқазиб: — обшижит бир остановка нарида. Беш минутда етиб оласиз. Коменданга учрашсангиз, дарров жойлаштириб қўяди, — деб жилмайиб қўйди.

Қизнинг айтганича бор экан. Фирдавсга дарров кўрпа-ёстиқ беришиди. Сўнг тўртинчи қаватнинг йигирманчи хонасига жўнатишиди.

Фирдавс борса, эшик очиқ. Бир йигит деворга қадаб қўйилган каравотда узала тушиб, китоб ўқиб ётарди.

— Мумкинми? — деди Фирдавс эшикни тақиллатиб.

Йигит китобни ёпиб, бошини кўтарди ва бўйини чўзиб, унга қаради-да:

— Сизниям шу ерга жўнатишдими? — деб сўради.

— Ҳа, — дея жавоб берди Фирдавс бошини қимирлатиб.

— Келганингиз яхши бўлди... Бир ўзим тўрт кундан бери зерикканимдан ёрилиб кетай деб ўтиргандим. Киринг, — деб каравотини гичирлатиб, ўрнидан турди. Сўнг Фирдавсга пешвоз чиқиб, қуришиш учун қўлини узатди.

— Асқар, — деди илжайиб.

— Менинг отим Фирдавс.

— Яхши, жўра. Сиз бемалол жойлашаверинг, мен бориб, юз-қўлимни ювиб келайин. Китоб уйқумни келтириб юборди.

Фирдавс бўш каравотга кўрпа ёзиб, ёстиқ қўйди. Сўнг ўтириб, хонани кўздан кечириб чиқди. Битта шкаф, иккита каравот ва стол-стулдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. «Ухлайман, — хаёлидан ўтказди Фирдавс, — тўртбеш соат қимирламай ётаман. Сўнг дарс тайёрлайман».

У сумкасидаги кийимларини шкафга илгач, туфлисини ечиб, энди каравотга чўзилмоқчи бўлганида, ўзини Асқар дея таништирган, озгин, юзини сепкил босган сариқдан келган йигит икки букилиб кириб келди. Уни кўрган Фирдавс ўрнидан туриб кетди.

— Нима бўлди? — сўради шоша-пиша.

— Қорним... қорним оғрияпти, — деди афтини буж-майтирган Асқар ва энгашган кўйи каравотининг ёнига келиб, ўзини кўрпа устига ташлади.

— Ёмонроқ нарса еб қўйган бўлсангиз керак. Мен аптекага чиқиб келаман.

Асқар қўлини силтади.

— Унгамас. Уч кундан бери туз totмайман. Фақат сув ичиб юрибман!

— Нега? — сўради ажабланган Фирдавс.

— Чўнтақда ҳемиримам йўқ. Тинчтишиди.

— Ким?

— Кейин айтаман, жўра. Агар пулингиз бўлса, бир донағина нон олиб келинг.

Фирдавс қайтадан туфлисининг боғичини боғлади ва югуриб ташқарига чиқиб кетди.

Ётоқхонадан унчалик узоқ бўлмаган жойда кички-нагина бозорча бор экан. Унинг ўзи кичкина бўлгани билан нархи ҳар қандай катта бозорни бемалол ортда қолдириб кетарди. Шунга қарамай, Фирдавс шошилинчда, нондан ташқари, помидор, бодринг, бешта сомса, тарвуз сотиб олди-да, яна ётоққа югурди.

Асқар ҳали-ҳамон икки букилиб ётарди. Фирдавс йўқлигига йиғлаб, ёстигини ҳўл қилиб ҳам ташлабди.

— Мана, ошна, — деди Фирдавс кира солиб, — бош-қа нарсалар ҳам опкелдим. Ўзимниям қорним очқаб кетувди.

Асқарнинг юзида табассум пайдо бўлди ва мамнун ўрнидан турди.

Икки йигит ҳаш-паш дегунча олиб келинган егу-ликларни паққос туширишиди. Икковиям хурсанд эди.

— Мен энди ухлайман. Кўзим юмилиб кетяпти, — деди қўлини сочиққа артган Фирдавс.

— Мен овқатдан кейин битта чекмасам, хуморим босилмайди. Сизга халақит бермаслик учун коридорга чиқаман.

Фирдавс кийимларни ечиб, шкафга илиб қўйди-да, каравотга чўзилди. Бир хаёли катмонини олиб, ёстигининг остига бекитмоқчи бўлди-ю, яна қўл силтади.

«Күринишидан тузукка ўхшайды-ку. Бунинг устига, икки булланиб ётганида, қорнини тўйғазиб, одам қилдим. Ўрилик қилмас», деган хаёлга борди. Аммо ухлагач, жуда ғалати туш кўрди.

Тунда у билан тўқнашган мастрлар келганмиш, тўртвиям иржайган. «Қалайсан энди? Мастилигимиздан фойдаланиб, қўлингнинг чигалини ёзиб олдинг. Ҳатто аянгнинг қарфишиниям эсламадинг. Хонадошинг бор пуллингни тинчитиб кетди. У абитетиентмас, шунчаки комендантнинг таниши. Энди очингдан ўласан», дейишди улар бири қўйиб, бири гапириб. Фирдавс кўзи юмуқ, чўнтагини пайпаслаб кўрди. Лекин унинг... шими йўқ эди. Қўрққанидан ўрнидан сапчиб туриб кетди. Шоша-пиша шкафни очиб, шимининг чўнтагини ковлади. Пуллари қандай қўйган бўлса, шундайлигича турган эди. Уялганидан унинг иккала юзи ҳам қизариб кетди ва китобини юзига қўйганча ухлаётган Асқарга кўз ташлади. Ҳартугул, у уйғониб кетмабди, ҳартугул, Фирдавснинг bemaza қилифини кўрмабди. Кўрганида борми?.. Фирдавс уятдан ерга киргудек бўлар, нафақат бу хонага, ҳатто ётоқхонага ҳам қадам босолмай қоларди.

У секин каравотга ўтирди. Бир муддат ерга тикилиб, тағин ёстиққа бош қўйди.

Асқар анчагина очиқкўнгил бола экан, Фирдавс билан тезда тил топишиб кетди. Ўша куни кечки пайт қандай қилиб пулини йўқотганини ҳам гапириб берди.

— Ишонсангиз, шаҳарга отланишимдан аввал пул ҳақида жуда кўп ўйладим. Чунки чўнтағим қуп-қуруқ эди. Эшигимизда битта сигир билан боласи, яна иккита қўйимиз бор. Отам бешта болани дунёга келтирган-у, ўзи кетворган. Энам бечора бир умр кетмон чопган. Паҳта мавсуми бошлангунча эртадан кечгача ишлаб, ўттиз-қирқ сўм ойлик олади. Мендан катта иккита опам ҳам институтда ўқийди. Тўғри, улар стипендияга яшашади-ю, лекин кийим-кечакларини энам бечора обериши керак. Қаттиқ меҳнат, тинимсиз сиқилиш унинг қаддини букиб қўйди. Хуллас, мени ўқишга келишим учун ҳатто йўлкирагаям уйда пул йўқ эди. Тўрт-беш сўм бўлиши мумкин. Лекин мен уни олмайман. Мендан кейин битта укам, битта синглим бор, улар ҳам нимадир ейишлари

керак-ку. Қанийди, колхоз кассири пулни банкдан олиб келаётганда, машинасининг багажи очилиб кетса-ю, пулни тушириб қўйса... Шунда уни биринчи бўлиб мен қўриб қолсам... Кейин ярмини олиб, уйга келсам. Ҳам кийим-бош сотовлардим, ҳам йўлкирам тугул, еб-ичишингаям бемалол етарди, деб ўйлаб юрдим.

— Қойил, — деди Фирдавс мийигида кулиб, — осонгина. Менинча, кассирлар анойи бўлмайди.

— Биламан. Лекин пул йўқотган кассирлар тўғрисида эшитганман-да. Майли, бу ёғини қўйинг. Бу менинг хаёлпарамстлигим, холос. Ҳуллас, ҳеч қаерда ҳеч ким пулини тушириб қолдирмади, мен тополмадим. Энам шўрлик астойдил ўқишига кириш ниятим борлигини билгани учун битта қўйни етаклатиб, бозорга жўнатди. Бир йил олдин ҳам шундай қилувди, лекин ўтган йили мен ўқишига киролмадим. Балки, бошқасига топширганимда, бемалол ўтиб кетардим. Лекин юридический бутунлай бошқа масала экан. Учта беш, битта уч билан оёғимни осмондан қилиб юборишиди. Ўшандаям битта қўйнинг бошига етганман. Бу сафар ҳам биттасининг пулини чўнтакка урдим. Ўқишига кириб, омон-эсон битирсан, керак бўлса, бир қўра қўй сотиб оламан, деб ўйладим-да, поездга чиқдим. Орадан бир оқшом ўтиб, тонг саҳарда шаҳар вокзалига этиб келдим. Тушдим. Ҳамма вокзалдан ўтиб, шаҳарнинг турли томонига тарқади. Мен бўлсан, ҳожатхонага кирдим. Енгиллашиб, сумкамни елкамга илиб, автобус бекатига кетаётсан, ёнгинамдан мендан каттароқ бир бола югуриб ўтди-ю, чўнтағидаги қопчиғи ерга тушди. Хаёлимга лоп этиб колхоз кассири келди. Буни қаранг, қишлоқдаги орзум шаҳарда ушалиб турибди. Ҳурсанд бўлганимдан эндиғина қопчиқни олиш учун энгашганимни биламан, меникidan чақонроқ қўл илиб кетса бўладими? Қаддимни ростлаб қарасам, қошининг устида тириғи бор, бети чўтирир бир бола ўшиша-йиб турибди. «Оғайни, эрталабдан худо берди. Пулни сен қўрдинг, мен олдим, кел, иккаламиз бўлишамиз-да, куён бўламиз!» деди у кўзлари чақнаб. Биз дарров четроққа ўтдик. «Биттадан чекайлик», деб ҳамтовогим чўнтағидан си-гарет чиқазди. Бироқ тутатишга улгурмади. Чунки пу-

лини йўқотган бола югуриб изига қайтиб келиб, икка-  
ламизга ёпишиб кетганди. «Биламан, қопчиғимни сен-  
лар олгансан, бермасанглар, ҳозир ақаларимни бошлаб  
келаман, беринглар!» дерди у овозини баралла қўйиб.  
«Қанақа пул? Пулингни кўрганимиз йўқ. Мана, икки  
сўмим бор, шундан бошқасини топсанг, сеники! Бу  
пулниям ўртоғимга бериб қўяман!» деди ҳамтовоғим.  
Бунгача у қопчиқни шими билан камарининг орасига  
қистириб қўйганди. Энди ўйлайман. Анави падаринг-  
га лаънат шеригим унинг пулини қаерга яшираётгани-  
ни кўрувди-ку, нега индамади? Хуллас, ошнамдан  
йўқолган пул чиқмагач, мен текширилдим. Табиийки,  
мен ҳам ўзимнинг бор пулимни ҳамтовоғимга бериб  
қўйдим. Шу маҳал шеригим пул йўқотган боланинг  
белига ўхшатиб муштлади-да: «Йўқол!» деб бақирди ва  
бирдан ўзи қочишга тушди. Мен ҳанг-манг бўлиб қол-  
гандим, шу боис жойимдан қимирламай, тошдай қотиб-  
ман. Бир пайт қарасам, мени текшираётган бола ҳам  
қочаяпти. Бирдан унинг ортидан қувдим. Лекин у вокзал  
ошхонасига кирди-ю, кўздан йўқолди. Ошпазлар, хиз-  
матчилар йўлимни тўсишди. «Сенга бу ерда пишириб  
қўйибдими?!» деб дўқ-пўписа қилишди. Йиғламоқдан  
бери бўлиб у ердан чиқсан, иккита мелиса турибди.  
Ёнларига бориб, дардимни айтдим. Иккиси ҳам аввал  
ён-атрофга қараб олишди. Кейин новчароги ўқрайиб:  
«Кўзимдан йўқол, бўлмаса, тиқиб қўяман!» деди.

Кўзиди ёш пайдо бўлган Асқар бошини эгди.

— Индамай қайтиб келавердингизми? — деди ҳая-  
жондан кўзлари каттариб кетган Фирдавс.

— Нима қилай, мелисанинг ўзи улар билан ош-қатиқ  
бўлса? Яхшиям, бошқа чўнтағимда тўрт-беш сўм қол-  
ган экан. ВУЗгородоккача келволдим. Ётоқхонанинг  
пулини тўладим. Шу билан ўтирибман, худо деб. Мана,  
бахтимга сиз келдингиз. Икки марта қорним тўйди...  
Амаллаб имтиҳонларни топшириб олсан, мардикор-  
лик қилмоқчиман. Тўрт-беш кун.

— Сиқилманг, — деб унинг елкасига қўлини қўйди  
Фирдавс, — менда пул бор, яхшилаб тежасак, иккови-  
мизгаям етади.

— Жұра, алам қилиб кетаяпти. Нимагаям бирорларнинг пули йүлга тушиб қолишини, үшани мен топиб олишимни орзу қилған эканман? Агар шунақа ёмон ният қилмаганимда, чорасиз қолмаган бўлармидим?..

Асқар ўрнидан туриб, йўлакка чиқиб кетди. Фирдавс унинг ортидан бормади. «Майли, ўзига келиб олсин», деган хаёлга борди.

\* \* \*

Ёзма имтиҳондан хонадошларнинг иккови ҳам беш олди. Фирдавс сира кўзларига ишонмас, фамилияси тўғрисига қўйилган баҳога қараб тўймасди.

— Жўражон! — деб унинг елкасига қоқди Асқар. — Энг қийинидан ўтиб олдик. Бу ёги чикора. Чунки оғзаки. Ёқалашсан ҳам беш оламан.

Хурсандлигидан терисига сигмаётган йигитлар энг аввал бозорга тушишди. Каттагина тарвуз сотиб олишди. «Ҳозирча шу билан ювамиз, агар имтиҳонлардан охиригача шундай беш олиб борсак, каттароқ қилиб ювамиз», дейишли.

— Мен сизни уйга обораман, бизнинг қўйларимиз жудаем кўп. Даламга биттасини сўйдирман. Ҳақиқий байрамни шу ёқда қиласми. Тоғда байрам қилиш бошқача бўлади-да, — деди Фирдавс Асқарга жилмайиб боқиб.

Асқарнинг ичидаги бир нима чирт этиб узилгандаи бўлди. Албатта, Фирдавс бу гапларни уни ўкситиш учун айтмаганди. Бу унинг юзидан ҳам қўриниб турарди. Бироқ у Фирдавсдай орзу қилолмас, бунга унинг чоғи келмасди. Шундай эса-да, у ичидагини ташига чиқармади. Тарвузхўрлик маҳали эса иштағаси бўғилди. «Нимагадир қорним шишиб кетди», деган баҳона билан ўзини каравотта ташлади.

Кейинги имтиҳонга ҳам улар тинимсиз тайёрланишиди. Китобнинг қайси сўз билан бошланиб, қайси сўз билан тугашигача деярли ёд олишди. Шундай эса-да, такрорлашдан тўхташмади. Аммо имтиҳон улар ўйлаганчалик кечмади. Фирдавсга қўлидаги билетдан ташқари яна саккизта бир-бирига ўҳшамаган, бири тоғдан, бири боғдан келадиган савол беришди. Кун иссик

эди. Имтиҳон хонасининг ҳавоси дим эди. Йигитчанинг пешонасидан реза-реза тер оқарди.

— Яна битта савол қолди, — деди озғин, қиррабурун ўқитувчи, Фирдавсга ўткір нигоҳини қадаб, — шунгаям жавоб берсанг, беш оласан. Хұш, — деди у стол устидағи қоғозларни айлантириб күрган киши бўлиб, — республикамизда арчалар қачон пайдо бўлган?

Фирдавснинг бошига бирор гурзи билан ургандай бўлди. Имтиҳон олувчиларнинг қолган иккитаси бирдан ялт этиб савол берувчига қарашди.

— Рўйхатда йўқ, — деди арчанинг пайдо бўлиш вақтини билишни хоҳлаган ўқитувчи пинак бузмай, ҳамкасларига пичирлади.

— Мен ҳамма тарих китобини варақтаб чиққанман, — деди юзига қизиллик юргурган Фирдавс. — Лекин ҳеч бирида «Арча дараҳтини республикамизга ким олиб келган? У қачондан бери ўсади?» деган саволларга жавоб...

— Етарли, — деди бирдан унинг гапини бўлди боядан бери энсасини қотириб ўтирган имтиҳон олувчиларнинг бири, — менинг ўзим ҳам дуч келмаганман. Фан номзоди бўлсан ҳам. Баҳонг беш.

Фирдавс товонигача музлаб кетди. У «Энди тамом, булар мени имтиҳондан ийқитиб юборишади», деб ўйлаганди. Аммо, мана, ораларида битта тозаси бор экан. Биттаси инсофли, виждонли экан.

— Шу ишни чатоқ қилдингиз, — деди вишиллади аҳмоқона савол эгаси.

— Мен бўғилиб кетдим. Бошим ҳам оғрияпти. Битта сигарет чекиб келайин, — деб Фирдавсни қўллаган ўқитувчи ўрнидан турди.

Фирдавснинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. Оёгини судраб босиб, зўрга ётоқхонага келди. Аслида, у Асқар билан имтиҳондан кейин учрашмоқчи, бирга қайтмоқчи эди. Лекин уни кутиб тургиси келмади. Бошини ёстиққа бостириб ухламоқчи бўлди. Бироқ бориб қарасаки, Асқар ундан аввал ётоққа келиб, қарвотда чўзилиб ётган экан.

Фирдавс аввал эшикни тақијлатди. Асқар ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Кўзини чирт юмганча ётаверди.

«Имтиҳондан ўтломадими, нима бало?» деган хавотирга бориб, ичкарига кирди.

— Асқар ака, Асқар ака, — деб хонадошини чақирди.

Шундагина каравотда чўзилиб ётган Асқар кўзини ярим очди.

— Тинчликми? — сўради ундан Фирдавс.

— Тинчлик бўлмай қаёққа борарди? Тўрт олдим. Кеининг имтиҳонда уч бўлади, охиргисида икки. Аканг қарағай шу билан иккинчи қўйнинг бошига етаман ва қишлоғимга бўйнимда бир дунё қарз билан жўнайман. Бориб учинчи қўйниям сотаман-у, студент бўлган Фирдавснинг қўлига тутқазаман. Чунки мени шунча кун у боқди, кўнглимга қаради. Демак, мен қарзимдан қутулишим шарт.

— Асқар ака, менимча, томингиз кетиб қолганга ўхшайди. Тўрт олган бўлсангиз, кейингисида беш оласиз. Яна мен чўнтағимдаги пулни қарз учун ишлатаётганим йўқ. Шунаقا бўлиши керак экан, бўлаяпти. Иккинчи бу ҳақда оғиз очманг. Келишдикми?

— Фирдавс, биласизми, хаёлимга нима келди?

Фирдавс елка қисди.

— Вокзалдаги зўравонлардан пулимни қайтариб олмоқчиман. Ҳозирмас, ўқишим бир ёқли бўлсин, кейин.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлди Фирдавс. — Мелисаям улар томонда бўлса. Сизни бир ўзингиз... Бунинг устига, девдай одам бўлсангизки, бир уришда учтўртгасини учирив юборсангиз.

— Йўли бор, ошна. Йўли... Шошманг, имтиҳон нима бўлди, неччи олдингиз?

— Беш.

— Зўр-у! Қойил лекин сизга.

— Яхши-ку-я, онангни эмгурлар сиқиб, сувимни ичишди. Мен рўйхатда йўқ эмишман, йиқитишлари керак экан, шунга арчанинг пайдо бўлиш тарихини билгилари кеп қолди.

— Нима деб жавоб бердингиз?

— Билмайман, дедим. Менинг ўрнимга битта домла жавоб берди. Бу болага беш қўишиш керак, деди.

— Мен ҳам рўйхатда йўқ бўлсан керак. Бўлмаса, бешолтита саволга киприк қоқмай жавоб бердим. Шундайм: «Жавобларингиз аниқ эмас. Мужмал жавоблар, аравани қуруқ олиб қочдингиз», дейишиди. Тўрт қўйишиди.

— Сиқилманг, кейингисида беш оласиз.

Фирдавс тўғри башорат қилган экан. Кейинги имтиҳондан Асқар беш, ўзи эса тўрт олиб қайтди. Сўнгтисида эса омад қуши тағин икковининг бошига қўнди. Лекин на униси, на буниси хуш кайфиятда эди. Университет ҳовлисида студентликка қабул қилингандарнинг шоду хуррам қийқиришаётганига шунчаки қараб қўйишиар, ҳатто иккисининг ҳам энсаси қотарди.

— Ўқишга кириш катта байрамлигини илгари билмаган эканман, — деди Фирдавс. — Биз ҳам ўтдик. Сентябрдан ўқишга келамиз, лекин шу билан дунё бoshқа бир томонга ўзгариб қолмади-ку.

— Эсингиздами, биринчи имтиҳондан кейин қанчалик қувонгандик...

— У пайтда, — дея шеригининг гапини бўлди Фирдавс, — оғзаки имтиҳонда аҳмоқликлар бўлади, деб ўйламагандим-да.

— Бўлмаса, ўша аҳмоқликлардан қутулганимизни ювамиз, нима дейсиз?

— Ичамизми?

— Ичиш, — деб бирдан Фирдавсга юзланди Асқар, — лекин мен чекканим билан илгари сира ичмаганди. Тўғри, вино ичганман, лекин шунақанги bemaza эдикি, қайтиб оғзимга олмайдиган бўлганман. Лекин ҳозир, агар бўлса, думалаб қолгунимча ичардим.

— Йўқ, бу ерда ичмаймиз. Бизникига кетамиз. Айтутдим-ку, қўй сўяман, деб. Дадамга кўрсатмасдан бир шиша ароқни яхши қовурилган...

— Раҳмат, — деб бирдан кўзини олиб қочди Асқар, — сиздан қарзим жудаям кўп. Лекин уйга бориб келишим керак. Энам кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтиради. Келганимдан кейин балки бирга борармиз. Лекин кетищдан олдин бир иш қўймоқчиман. Пулларимни қайтариб оламан.

— Асқар ака, қўйинг шуни. Ўқишга кирдингиз. Энди кўзингизни юмиб, «кечдим» денг, тамом-вассалом.

Асқар индамади. Шу тахлит у ётоқقا етгунларича жим кетди. Фақат ора-чора хұрсинаш күярди.

— Уйга мен пул беріб тураман. Бундан бу ёғига бирга үқиймиз, узарсиз, — деди Фирдавс хоналарига киргандаридан кейин Асқарнинг күнглини күтариш мақсадида. Лекин хонадошидан яна садо чиқмади. У үзини каравотга ташлади-ю, ухлаб қолди. Фирдавснинг эса күзига сира уйқу келмасди. У ёққа ағдарилар, бу ёққа ағдарилар, бироқ, қани энди, уйқу деган зорманда унинг ёнига яқинлашса. Бевафо санамдай қочиб кетган, қайтишни хаёлигаям келтирмайды. Унинг Асқарга ҳаваси келди. Каравотга чўзилди-ю, «пиш-пиш»ни бошлаб юборди.

Ётавериш жонига теккан Фирдавс айланиб келиш учун ташқарига чиқиб кетди. Чинор остига қўйилган ўриндиқда бир қанча вақт ўтирди. Бир хаёл амакиси-никига бориб, үзининг келганини, университетга үқишга кирганини айтиб келмоқчи бўлди-ю, бирдан дарвозада рўпара бўлган аёлнинг қовоқ-тумшуғи хаёлига келиб, ниятидан қайтди. Сўнг ётоқхоналар оралаб сайр қилди. Ундан сўнг бозорчага кирди. Мева-чева, нон, сомса сотиб олиб, изига қайтди.

Асқар уйғонган, дераза ёнида сигарет чекиб турган экан.

— Ия, — деди у Фирдавснинг қўлидагиларни кўриб, — айтганингизда, бирга бориб келардик. Аслида, бир кун очлик эълон қилмоқчидим. Одам қанча вақт оч юриши мумкинлигини синамоқчидим. Режани бузиб қўйибсиз-да.

— Синовнинг сизга ҳожати йўқ, синаб қўйгансиз аллақачон. Битта чой қўйиб келсангиз, бозорга бормаганингизнинг ҳиссасини чиқарардингиз, — деди Фирдавс қулиби.

У кечки овқатдан кейин узоқ ўтиролмади. Ймтиҳон, сайр кучини кўрсатди. Болишга бошини қўяр-қўймас, пинакка кетди.

Эртасига уйғонганида эса соат миллари саккизга яқинлашганди. Кўзини ишқалаб ўрнидан туриб қараса, ёнидаги каравотда ҳеч ким йўқ. «Ювинишга кетган бўлса

көрак», деб ўйлаган Фирдавс сочиғини елкасига ташлади. Аммо Асқар у ёқда ҳам йўқ эди. Ҳайрон бўлган йигит қайтиб келиб, шкафни очди. Ҳонадошининг кийимлари илинган ҳолда турарди. «Ташқарига чикқан бўлса керак», деган хаёлда каравотига ўтири.

Орадан ярим, бир соат ўтди. Бироқ Асқардан дарак йўқ эди. Фирдавс уйига кетишни мўлжаллаб қўйганлиги боис тоқатсизланди. Бир неча марта деразадан пастга қараб келди. Асқар қўринмасди. Шунда Асқарнинг вокзалга бормоқчилиги эсига тушди. «Вой аҳмоғэй, мендан бир ёш катта бўлсаем, калласи ишламас экан унинг. Еб қўяди-ку улар. Ўқишига кирдинг, бир куни битириб, прокурор бўласан, ана ундан кейин суробини тўғрилайверардинг ўша ярамасларни», қўнглидан ўтказди Фирдавс ва шоша-пиша оёғига туфлисини илди-да, йўлакка чиқди.

У вокзалга етиб борганида, у ерда одам жуда оз эди. Кутиш залида беш-олтитаси ўтирибди. Уларнинг ҳам иккитаси аёл. «Демак, у келмаган ёки бирон жойда пайт пойлаб ўтирибди. Яхиси, озроқ кутаман. Кўрсан, қўлидан ушлаб, ётоқقا олиб кетаман. Йўқ, яхиси, билет оламиз. Уйига бирдан жўнатиб юбораман. Кийимларини бўлса, коменданта топшириб қўяман. Қайтиб келганидан кейин олади», деб ўйлаган Фирдавс ўриндиқлардан бирига бориб ўтири. Кўп ўтмай, поезд вошвошлаб вокзалга кириб келди. У тўхташи билан вагонлардан одамлар бирин-сирин сакраб туша бошлади. Шу пайт Асқар таърифлаган «учар»ларга Фирдавснинг кўзи тушди. Улар атрофга олазарак алан-глар, афтидан, ўлжа қидираётганга ўхшашарди. Охири ўша ўлжа топилди. Жомадон кўтарган, кун иссиқ бўлишига қарамай, костюм-шим кийган ўрта ёшлардаги одам уларнинг диққатини тортди. Қаллоблардан бири унинг ёнидан югуриб ўтди. Табиийки, чўнтағидан қопчиғи тушди. Костюм-шимли одам энгашиб, қопчиқни олмоқчи бўлганида, ундан аввал қизил футболка, жинси шим кийган йигит чақонлик қилиб, тушиб қолган бойликни қўлига олди. Фирдавс вокзал ичкарисида эди. Воқеа эса ташқарига кечётган, у деразадан кўриб ту-

рарди. Унинг йўловчига ичи ачили. Ахир у шўрлик бир неча сониядан кейин ҳеч вақосиз қолади-да. Фирдавс ўрнидан сакраб туриб, юргурганча ташқарига, поезд тўхтаган томонга чиқди ва илдам одимлаб, қопчиқнинг ичидагини бўлмоқчи бўлаётгандарга яқинлашди. Шунда чаққоннинг: «Четроққа ўтайлик, бу ерда одам кўп, ҳар нарса деб ўйлашлари мумкин», деган гапи қулогига чалинди.

— Йўқол! — деди у қароқчининг ёнига етганидан кейин. — Тегинма!

— Сен кимсан? Нималар деб валдираяпсан?! Ҳозир акаларим...

У бошқа гапиришга улгурмади. Фирдавс унинг иягига чунонам мушт туширдики, бунаقا бўлишини кутмаган йигит «ҳийқ» деган товуш чиқарди-ю, орқаси билан ерга қулади.

— Амаки, — бақирди Фирдавс тузоққа тушишига оз қолган одамнинг қўлидан ушлаб, вокзал ичкарисига торт-қиларкан, — тезроқ қочинг, ҳозир шериклари келади. Бор пулингизни шилиб олишади!

Нима бўлаётганига ақли етмаётган йўловчи Фирдавснинг ортидан эргашди. Бу пайтда бояги олғирнинг шериклари қўзгалишга улгуришган, йўқ жойдан пайдо бўлган «қаҳрамон»ни ушлаш учун учиб келишаётганди. Улардан иккитасига Фирдавснинг кўзи тушди. Шу боисдан аввал йўловчини вокзал ичкарисига киритиб юборди. Ҳар қалай, унинг ёши ўтиб қолган, Фирдавс дай тез югоролмасди ва, табиийки, қароқчиларнинг қўлига тушиб қоларди. У сигарет қолдиги ташланадиган темир идишни ушлаб, қароқчиларнинг етиб келишларини кутди. Биттаси анча яқинлашиб қолганди. Яна тўрт-беш қадам ташласа, уни ушлаб оларди. Фирдавс темир идиш билан югуриб келаётган қароқчининг оёғига солди. Бу идиш тунуқадан тайёрланган бўлсада, четлари темирдан ишланган бўлиб, айнан ўша темир йўлтўсарнинг оёқ суюгига тегди. Йигит умбалоқ ошиб йиқиларкан, жон аччиғида ўкириб юборди. Фирдавс ўзини вокзал ичкарисига урди-ю, шу ондаёқ қўлларидаги резина таёқларини юқорига кўтарган милиционерларга дуч келди.

\* \* \*

Моҳирўй ўғли кетганидан кейин анчагача ўзига келолмай юрди. Эшикка чиқсаям, уйга кирсаям, Фирдавсни ўйлаб, кўз ёши тўқади. «Ишқилиб, боламни ўз паноҳингда асрар! Ёмонлар, каззоблар қўлига тушишдан сақла!» дея худога ёлворади. Бошда унинг дийдиёларини эшитган Достон индамади. «Майли, боласини соғинади. Бир-икки кун ўтса, кўнишиб кетар», деб юрди. Қараса, хотинининг йигиси адоги қўринмайдиганга ўхшайди.

— Ҳой барака топгур, боланг уруш-жанжалгамас, ўқишга кетган. Ҳозир имтиҳон топшириб юрибди, келади яна беш-олти кундан кейин. Қолаверса, Соҳиб бор. Иссик-совуғидан хабар оладиган келин бор. Йиғинг билан дунёни бузиб юбординг-ку! — деди у охирни тутокиб.

— Нега ўзингиз бормайсиз, хабар олмайсиз? Ўқишга борган болаларнинг оталари бирга юрибди. Сиз бўлсангиз...

— Инсон!.. Бу ерда менга озмунча иш қараб турибдими? — дея хотинининг гапини бўлди Достон. — Қўйларнинг ўзи иккита одамни тентак қип ташлайди. Ундан кейин қизинг икковингни тоғу тошга ёлғиз ташлаб кетамани?!?

— Бизни бўри ермиди? Ҳеч қурса, бир кунга, эрталаб бориб кечқурун қайтиб келсангиз бўларди-ку, — деди аламини ичига сифдиролмаган Моҳирўй.

— Бўпти. Эртага эрталаб кетаман. Кўнглинг жойига тушдими?!

Моҳирўй жавоб бермади. Индамай ўчоқ бошига кетди. Йўл-йўлакай қизи Моҳинани чақирди.

«Ҳалиям Фаррухни ўйлади. У тирик бўлганида, ёнида бўлганида, унга ҳам шундай дермиди? Демасди. Ҳожатиям йўқ эди. Чунки Фаррухнинг бир оғиз гапи билан ўз-ўзидан ҳамма ишлар ҳал бўп кетарди. Ҳатто Фирдавс ҳужжат топширишгаям бормасди... Менинг қўлимдан эса бунаقا ишлар келмайди. Қолаверса, шаҳардан қочиб келиб ўтирибман. Кучим бир тўда қўйла-римга етади, холос. Лекин шу болага меҳр бердим. Оқ ювиб, оқ тараб, катта қилдим. Ҳозир ҳам Фирдавсдан

хавотир олганимдан ичим күйиб кетяпти. Аммо, қани энди, буни Моҳирўй тушунса. «Боламни бегона қилаяпти, агар қизи кетганида, бир кун ҳам тек ўтиромасди, деб ўйлаяпти. Тушунмайдики, менга Фирдавс ҳам, Моҳина ҳам бирдай фарзанд», ўйлади Достон ичи ўртаниб. Сўнг секин хотинининг ортидан борди.

— Нима овқат қилмоқчисан? — сўради унинг ёнига етиб.

— Билмасам, — Моҳирўй ўзоқ ёнидаги чўпларни қўлига ола бошлади.

— Кечаги қўйнинг гўштидан яхшилаб димлама қил. Эртага ўғлимизгаям обораман. Овқатингни росаям соғинган бўлса керак, — деди мийифида кулиб.

Бу гапни эшитган Моҳирўйнинг юзи ял-ял ёнди. Жилмайиб эрига боқаркан:

— Шуни сизга айтмоқчи бўлиб турувдим. Ичимдагини топдингиз, — деди.

Бироқ унинг мана шу қисқа муддатли хурсандчилигини қизи дарров ҳавога совурди. У аяси чақирганида, қўшнисиникидан ҳовлиқиб келаётган эди. Онасининг товушини эшитиб, қадамини тезлатди.

— Ая, дада! — деди у ота-онасига бир-бир қараб олгач, нафаси бўғзига тиқилиб. — Намуналарникига мелиса келибди!

— Шунга нима қипти? Қариндошидир, меҳмонга келгандир ё ўтиб кетаётиб, сув-пув ичгани киргандир, — деди Достон Моҳирўй ёмон ўйларга бормасин, деган ниятда.

— Йў-ў-ўқ, дада, — дея бошини сарак-сарак қилди Моҳина, — унақамас. Улар одам суягини топган эмиш. Ўз қулогим билан эшитдим. Ярим сойнинг этагида битта чўпон дуч келибди. Кейин мелисага айтибди. Мелиса уйма-уй юриб, кимки қўйини шу томонларга ёйган бўлса, ана шу суякни кўрган-кўрмаганини суриштираётганмиш.

Моҳирўйнинг ранги докадай оқариб кетди. Эри билан ўғлини қидиришга чиқиб, адашиб қолгани, кейин анави турқи совуқ одамга дуч келгани, сўнг баҳтига Достон келиб қолгани, ўша зўравон билан олишгани ва ўша балбахтнинг бошига тош билан урганини эслади. Шу аснода жавдирағина эрига қаради.

— Қадим замонларда бу ерларда урушлар күп бўлган. Одамлар ўлган. Уларни кўмишган. Энди қабрларни сув ювиб кетган бўлса, ичидаги суюклари ташқарига чиқиб қолгандир-да. Аҳмоқ чўпон, мелисага чопгунча яна бир марта жанозасини ўқиб, кўмиб қўйса, олам гулистан бўларди, — деди Достон хотинининг кўнглини хотиржам қилиш, қизининг ваҳимасини босиб қўйиш учун.

— Дада, — дея киприкларини пирпиратди содда Моҳина, — қачон бўлган ўша уруш?

— Эй-й, кўп йиллар ўтиб кетди. У маҳалда ҳали мен ҳам туғилмагандим. Энди бошимизни қотирмагин-да, уйга кириб, дастурхон ёз, мен қўйлардан хабар оламан. Аянг битта аччиқ чой дамлайди, кейин овқат қиласди.

— Хўп, — деди Моҳина итоаткорлик билан бошини қимирлатиб ва чопқиллаб уйга кириб кетди.

— Дадаси! — деди қўллари қалтирай бошлаган Моҳирўй. — Билиб қолишиса, нима қиласмиш?!

— Ваҳима қилма, ҳеч ким ҳеч нимани билмайди. Лекин мана шунаقا довдирайдиган бўлсанг, қилмаган ишингни йўқ жойдан бўйнингга олиб қўйишинг мумкин. Сен уйдан чиқмагансан, мен ҳеч балони кўрмаганман. У томонларда аллақачон ўтлар қуриб-қақшаб кетган. Калласи бутун одам қўйини у ёққа ҳайдаб бормайди. Кўрқаётган нарсанг анча илгари бўлиб ўтган. Тушундинг-а? Уйдан ҳеч қаёққа чиқмагансан, ҳеч балони кўрмагансан!

Моҳирўй кўзидан ёшини дув-дув оқизиб, бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди.

Ўша куни уларнинг уйига ҳеч ким ҳеч нима сўраб келмади. Эртасига шаҳарга кетмоқчи бўлган Достон ниятидан қайтди. Чунки хотини тагин ўзини йўқотиб қўйганди. Бўлмаса, эр кечаси билан унинг кўнглини овлаш учун нималар қилмади. «Жоним, юрагимсиз», деб Моҳирўйнинг ўзи ҳам унга эркаланди. Бироқ тонг отганидан кейин Достон қарасаки, хотини яна аввалги аҳволда, ранги докадай оқариб, бир нуқтага тикилиб, киприк қоқмай ўтиради. Эрнинг юраги товонига тушиб кетди.

— Моҳи... Моҳи, яхшимисан, нима бўлди сенга?! — деди ҳовлиқиб уйқудан уйғонар-уйғонмас.

— Билмайман, — жавоб берди аёл бурнини тортиб қўйиб, — қўрқиб кетаяпман.

— Эй худо, ўзингта шукур, — дея енгил хўрсинди Достон ва ҳали ухлаётган қизига қараб қўйди-да, хотинини қучоқлаб, — айтдим-ку, ҳеч нарсадан қўрқма, ҳаммаси ўтиб кетади. Мелисанинг юргани оддий ҳол. Номига юришибди. Кейин ҳаммаси босди-босди бўп кетади.

— Достон ака, мен шу воқеанинг эртасига Фирдавснинг кўзлари кўкариб кетганини кўрувдим, лекин ўзим билан ўзим овора бўлиб, бирон нима сўрашга боти-нолмадим. Ўшанда нима бўлганди, у биронтаси билан жанжаллашган эканми?

— Ҳа-а, ундами? Ёш бола жанжаллашади-да. Қўшни қишлоқлик битта ўзи тенги чўпоннинг қўйлари бизникига қўшилиб кетибди. Фирдавс уни ҳайдаб юборишига қанчалик уринмасин, кетмабди. Кейин эгаси кепти. «Сен менинг қўйларимни ўғирламоқчи бўлгансан», дебди. Ўғлингни биласан, сал нарсага лов этиб ёниб кетади. Хуллас, иккови муштлашибди. Борганимда, иккови икки томонга ажралиб кетган экан. Нариги боланиям кийимлари йиртилиб, бурни қонаган, кўзлари кўкарибди. Ўзим ёнига бориб, кўриб келдим. Шунга қайтишимиз чўзилиб кетувди, — деб жавоб берди Достон хотинига.

Ёлғони ўзигаям майдай ёқиб тушди. Ич-ичидан маза қилиб қулди. Агар Моҳирўй ўша пайтда шу саволни берганда, бунақа жавоб беролмасди-да. Мана, кутимаганда хаёлига ҳаммаси ўз-ўзидан оқиб келди. Хотин ҳам эр тутилмай гапиргани учун ишонди-қўйди. Шундан сўнг бошини ёстиқقا қўйиб, қўзини юмди. Достон ташқарига чиқиб кетди. Қўйларидан хабар олиб, ювиниб-тараниб қайтиб кирса, Моҳирўй ҳалиям қўзини юмиб ётибди.

— Аяси, бугун шаҳарга боролмайман, — деди Достон уни уйғоқ ёки ухлаётганини билиш мақсадида.

Моҳирўй қўзини очди. Бир муддат хаёл сурди, сўнг:

— Майли. Беш минут ётай, кейин туриб, чой дамлаб бераман, — деди.

Достон чүнтағига қўлини тиқиб, носқовогини олди. Кафтига бир чимдим нос ташлаб, ўзгача иштиёқ билан тилининг тагига жойлади. Сўнг эшик томонга юрди.

У ҳовлига чиққан эди ҳамки, уйлари томон яқинлашиб келаётган «Виллис»га кўзи тушди. Шу ондаёқ хәёлидан қизи топиб келган гаплар ўтди.

Машина тұхтади. Икки тарафидан икки одам тушди. Улардан бири милиция кийимида эди. Хўппа семиз, қадамини зўрға кўтариб босарди. Достон бир муддат келувчиларга тикилиб тургач, уларни қарши олиш учун юрди.

— Мен участковойман, — деди Достон билан қўл бериб кўришган хўппа семиз киши. — Тайинланганимга энди бир ой бўлди, отим Ҳотамтой.

— Яхши, — деди жилмайишга ҳаракат қилган Достон, — мен...

— Биламан сизни. Ўзингизни кўрмаганман-у, лекин орқаворатдан эшитганман. Қишлоқда кеча бўлган гапларни эшитгандирсиз, — деб Ҳотамтой шапкасини қўлига олди.

— Кечаким бир нарсалар дегандай бўлувди, лекин ҳеч нарсага тушумадим.

— Мурда топилди. Ўлганига унча кўп бўлмаган. Ўлганидан кейин итлар еб кетган. Фақат суюклари қолган. Лекин биз экспертизадан ўтказиб, унинг ўлганига унчалик кўп бўлмаганини аниқлаштирилди. Кейин бошига қандайдир оғир нарса билан урилган. Мана шу, тамом. Сиз ҳам кўй боқаркансиз, қишлоқ одамлари айтишди.

— Ҳа, кунда бир марта оёқларини ёзиб келаман.

— Ярим сойни биласизми?

— Биламан.

— Охирги марта у ёқقا қачон боргансиз?

— Тўғриси, эслаёлмайман. Бу йил бормадим, буниси аниқ. Чунки хабарингиз бор, ёғингарчилик яхши бўлди. Ўт мўл. У ёқлар жуда олислик қиласди бизга.

— Шунақами? Эшлишимга қараганда, бу қишлоққа яқинда келган экансиз.

— Бирор йигирма йилга яқинлашиб қолдиёв. Ҳозир шу ерда туғилиб ўсгандай бўп кетганмиз.

— Нега энди шундай катта шаҳарни ташлаб, кичкина, яшашга шароити бўлмаган қишлоққа келдингиз?

— Онам раҳматлининг мазалари йўқ эди. Шаҳар ҳавоси ёқмай қолди, шунга кўчиб келавердик.

— Хотинингиз бошда гапирмаскан, бу ерга келганингиздан кейин бирдан тилга кирибди.

— Ҳа-а, шундай бўлганди. Ҳаво даволадими ёки худо марҳамат қилдими, ишқилиб, забон битиб қолди.

— Яхши, демак, сиз ҳеч нарса кўрмагансиз, ҳеч ни-мадан хабарингиз йўқ. Тушунарли, бўпти, — деб Ҳотамтой қўйнидаги папкани очиб, ундан бир дона қофозчани олди, — энди шундай деб ёзиб берасиз!

Достон енгил тортиб, ҳозиргина Ҳотамтойга нима деган бўлса, ҳаммасини бирма-бир қофозга туширди. Сўнг тагига имзо қўйиб, милиционерга узатди.

— Хотинингиз кўринмайди, — дея сўради Ҳотамтой қўзларини қисиб.

— Уйда, — жавоб берди Достон.

— Нима қилаяпти?

— Ухлаяпти.

— Ҳе, — деб кулди Ҳотамтой ва шеригига қараб қўйди-да: — бу тоғликлар тонг отмасдан уйғониб, тирикчилигини қиласди, деб эшифтандим. Лекин ораларидан тушгача сасиб ухлаётгандариям бор экан-да, — деди.

— Сал оғзингизга қараб гапирсангиз. Қачонгача ухлаши сизнинг ишингиз эмас?

— Нима? — лабини чўччайтирди Ҳотамтой. — Менга қандай гапиришни ўргатаяптиларми? Ҳов бола, машинага тиқаман-да, отделга обориб, бир-икки эзғилайман, ана ундан кейин кўрасан кимлигимни.

Достоннинг бирдан жаҳли чиқиб кетди, шундай эсада, мумкин қадар ўзини босишга уриниб, деди:

— Зўравонман демоқчимисиз? Участковойман, билганимни қиласман демоқчимисиз?

— Теша, — деди ёнидаги йигитга бир қараб қўйган Ҳотамтой, — бу бир балони билади. Ҳозироқ машинага тиқ. Мен хотинчасини уйғотаман.

— Шартмас, — дея бирдан шаштидан тушди Достон, — уни ўзим ташқарига олиб чиқаман, кейин қаёқка десанглар, кетавераман.

— Ана, дарров одам бўлдинг-қолдинг. Сенга ўхшаган бўйни йўғонларнинг нечтасини кўрганман, бир секундда мулла минган эшакдай қип қўйганман. Энди бор, хотинингни чақириб чиқ.

Моҳирўй деразадан эри билан милиционернинг гаплашаётганини кузатиб турди. Бироқ ҳеч нимани эшиитмади. Аммо унинг юраги шунақсанги тез ура бошладики... Сўнг боши айланиб, кўзи тинди. Икки қадам ортга чекинди. Аввал ёстиқقا ўтириб қолди. Сўнг ёнига ағанади. Эри кириб келганида эса кўзини юмганча ётарди.

\* \* \*

— Ака! — дея бақирди Фирдавс милиционерларга. — Аnavи ерда учтаси бир-бирини пичоқлаяпти! Биттасининг қорни ёрилиб кетди.

Киприк қоқмай, ҳеч нимадан чўчимай гапириб юборган йигит бу гаплар хаёлига қаердан келиб қолганига ҳайрон эди. Резина таёқ кўтарғанлар унинг гапига лаққа ишонишиди. Бўлмаса, неча йиллардан бери вокзалда тирикчилигини ўtkазиб юрган, ўттиз ёшлардаги Чаён лақабли Пўлатнинг оёғига Фирдавс ахлат ташланадиган темир идиш билан қандай урганини улардан бири кўрганди. Аммо йигитнинг сўзлари жуда ишонарли эшитилди, шекилли, икки милиционер ҳам шоша-пиша у кўрсатган тарафга йўл олди. Милиционерлар қўлига тушишдан омон қолган Фирдавс қувонганидан кўзлари чақнаб, вокзал ҳовлисида мижоз кутиб турган таксичилардан бирининг машинасига ўтириди-ю:

— Ҳайданг! — деб бақириб юборди.

Ҳайдовчи шошиб қолди ва дарров моторни ўт олдириб, газни босди. Аммо бирор беш юз метр юрар-юрмас, тормозни босиб, ортига ўгирилди.

— Сен бола нима деб қичқираяпсан?! — деди жаҳл билан.

— Таксичимисиз, ишингизни қилмайсизми?! Ҳайданг-да машинани, бўлинг тез, ҳали финотделда ишлайдиган тогамнинг ёнига ҳам боришим керак. Ё... унга кўрсатган кароматингизни айтиб, машинангизнинг но мерини ёзиб берайинми?!

Фирдавснинг миясига гаплар қўйилиб келаётганди. У шунчалик ишонч билан сўзлардики, бунга ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қолаётганди.

Ҳайдовчининг мияси гувиллади, беихтиёр орқа ўриндиқда ялпайиб ўтирган боланинг буйругини адо этди. Машина жойидан силжигач, Фирдавс секин ортига ўгирилиб, бўйнини чўзди-да, вокзал тарафга қаради. Вокзал ичкарисидан югуриб чиқиб, мижоз кутиб турган таксилардан бирининг ҳайдовчисини ўрнидан суғуриб олиб, башарасига мушт тушириб, ағдариб ташлаган икки қароқчига кўзи тушди. «Орқамдан қувишади, яна озгинадан кейин пиёда қочаман. Таксини дарров ушлаб олишади улар», дея хаёлидан ўтказди йигит ва йўл ёқасидаги иморатларни кўздан кечириб бораркан, «Темир йўл кассаси» деган ёзувни кўрди. Шу заҳоти ҳайдовчининг елкасига туртди.

— Шу ерга тўхтатинг! — деди бақириб. — Бир нарсам қолиб кетибди, опкелишим керак.

Ҳеч нарсани тушунмаётган ҳайдовчи орқа ўриндиқда ўтирган йигитчанинг хурмача қилиқларидан тутоқиб, уловини йўл четига буриб, қаттиқ тормоз берди. Фирдавс унинг ўринидиги орқасига ёпишиб қолди.

— Тогамга айтиб, машинани сиздан олдириб қўянман! — дея машина эшигини очган йигит сакраб тушдию, пештоқига «Темир йўл кассалари» деб ёзиб қўйилган бино томонга югуриб кетди.

Кўз очиб юмгунча қароқчилар машинаси етиб келди ва ҳалиям нима бўлаётганига ақли етмай, йўл ҳақини тўламасдан қочиб кетган боланинг ортидан сўкиб ўтирган таксичининг сариқ «Волга»си орқасига гурсиллаб урилди. Ҳайдовчи бечора пешонасини олд ойнага уриб олди. Кўзидан ўт чақнаб кетди. Аммо бир лаҳзада ўзига келди. Шоша-пиша сўкиниб, эшикни очиб, пастга оёғини қўяр-қўймас, йўлтўсрарлардан бири етиб келиб, унинг ёқасидан олди:

— Мараз! Ит! Қаёққа қочириб юбординг шеригингни?

Таксичининг кўзи чақчайиб кетди.

— Мен... Мен, билмайман...

Бошқа гап айттолмади. Қароқчи унинг жағига чунонам мушт туширдики, белини машина эшигининг қиррасига уриб олган ҳайдовчи:

— Вой ўлди-и-им! — деб бақириб юборди.

Бу пайтда Фирдавс чипта сотадиган бино билан унинг ёнидаги түрт қаватли иморат оралиғидан ўтиб кетаётганди.

— Күйвор уни! — ўқирди қароқчилардан бири шеригига. — Анавининг орқасидан қув, ушлаймиз!

Унинг товуши Фирдавснинг ҳам қулогига чалинди ва қадамини янада теззатди. Күкка бүй чүзган қайрағочу чинорлар ёнидан югуриб ўтиб, йўлакчага чиқди. Чиқди-ю, бирдан тўхтаб қолди. Чунки йўлак охирида баланд девор кўксини кериб турарди. Йигитнинг юраги шувиллаб кетди. Тезда ортига ўгирилиб қаради. Қароқчилар кўринмайди. Бироқ орқасидан қувиб келишаётгани аниқ, ҳализамон пайдо бўлишади. Қочиш керак. Қочиш... Фирдавс атрофга аланглаб, йўл қидирди. Сўл тарафда девор ёқалаб борилса, узилган жойи бор экан. Битта одам бемалол сифади. У ўша тарафга югурди. Бироқ нажот манзили бўлиб кўринган жойга етиши билан ҳафсаласи пир бўлиб тўхтади. Чунки деворлар оралигига темир панжара қўйилган бўлиб, у узоқдан кўринмас экан. Бир муддат иккиланиб турган йигит бошқа чора тополмагач, панжарага чирмашиб, амаллаб унинг тепасига чиқиб олди ва нариги тарафга ўтаркан, ортидан қуюндай қувиб келаётган йўлтўсларларга беихтиёр кўзи тушди. Улар шунаёнги тез югуришардики, оёғи ерга тегмаяпти деб ўйлайсан киши. Фирдавс ерга сакраб тушди. Аммо қочмади. Оёқ остида сочилиб ётган тошлардан иккита теннис коптогидай келадиганини қўлига олди-да, деворга орқасини бериб, душманларининг етиб келишларини ва темир панжарага осилишларини кутди. Унинг юраги гурсиллаб урар, оёқлари қалтиарди. Айни пайтда кўнглида бу балолардан омон-эсон қутулиб кетишига ишонч бор эди. Ниҳоят, шеригидан илдамроқ югураётган қароқчи панжара ёнига етиб келди-ю, тезликда унинг тепасига чиқа бошлади. Ана шунда унинг рўпарасида Фирдавс пайдо

бўлди. Йўлтўсар бир лаҳзага ҳаракатдан тўхтаб, қаҳр-ғазаб ёғилиб турган нигоҳини тирикчилигига ҳалақит берган, бу ҳам етмагандай, ҳамтовоқларидан бирининг оёғини синдириган йигитчага қаратди. Ана шу бир лаҳзалик тўхташ унга қимматга тушди. Фирдавс унинг бошини мўлжаллаб, қўлидаги тошни улоқтириди. Тош қароқчига тегмади-ю, аммо у ўзини муҳофаза қилиш учун иккала қўлини ҳам ҳавога кўтарган маҳали мувозанатни йўқотиб, орқаси билан ерга қулади. Гурсиллаган товуш қароқчининг инграши билан уйғунлашиб кетди. Бечоранинг нафаси қайтиб, типирчилай бошлади. Фирдавс эса тагин оёғини қўлига олиб, югуриб кетди.

У хавфдан тўла қутулиб олганида, жиққа терга ботган, оёқларидан мадор кетганди. «Бекор қочдим. Иккинчисиниям пешонасини ёришим керак эди. Шунда қайтиб вокзалга оёқ босмасди бу итлар», дея хаёлидан ўтказган йигит бир-бир қадам босиб, машиналар зувиллаб қатнаётган катта йўл ёқасига чиқди.

Чўнтаgidаги пули озроқ эди. Ётоқхонагача таксида борса, кейин қишлоққа етиб олиши катта сўроқ остида қоларди. Бироқ шу аҳволда автобусга чиқишга унда хоҳиш йўқ эди. Оёқ кийими тупроқ бўлиб кетган, панжарарадан ошиб ўтаётганда, шимининг бир чеккаси йиртилганди.

Такси ҳайдовчиси аввал унинг афт-ангорига синчиклаб назар солди.

— Ўгриликдан келаяпсанми, нима бало? — деди оғзини қийшайтириб, мийигида куларкан.

— Топдингиз, ака, бирорвонинг уйини ўмарид, бир ҳовуч тиллали, икки қоп пулли бўлдим. ВУЗгородок-кача обориб қўясизми? — деди Фирдавс унинг кинояли гапига эътибор бермай.

Таксичи кийим-боши бир аҳволда, соchlари тўзғиган, чаккаларида тер қотиб қолган йигитчадан бунаقا дадил гапни кутмаган эди. Шу боисдан беихтиёр:

— Ўтири, — деб юборди.

Фирдавс орқа ўриндиққа жойлашди ва ҳоргин хўрсинашиб қўйди. Сўнг бемалолроқ ўтириб, оёқларини чалишитирди.

— Ука, студентмисан? — сўради кўзгу орқали йигитга кўз ташлаган ҳайдовчи.

— Йўқ, ўғриман. Ўзингиз шундай дедингиз-ку, — дея жавоб қайтарди Фирдавс.

— Аҳволингга қара, кўринишингдан ўхшаркансанда. Лекин ВУЗгородокка бораётганингга қараганда, бирон жойда ўқисанг керак. Ажабмас, мардикорликдан қайтаётган бўлсанг... — деди ҳайдовчи ортига ўгирилиб, йигитга яна бир бор синчилаб қараб оларкан. — Иш ҳақингни яхши бердими, ишқилиб?

— Қаёқда? Домланикида ишладим, сариқ чақаям бермади.

— Домлаларда инсоф қолмади. Қаёққа қарасанг, порахўрликка кўзинг тушади... Менинг ўғлим ҳам политехникада ўқийди, — деди ҳайдовчи ҳамдардлик билан.

Сўнг яна ортига кўз ташлади. Мижози кўзини юмиб олган. Демак, ишлайвериб чарчаган. Бундай пайтда қулоққа ҳеч нима ёқмайди, деган хаёлга борган ҳайдовчи гапининг қолганини ичига ютди.

Бир амаллаб ётоққа келиб олган Фирдавснинг чўмилишга ҳам чоғи келмай, ўзини каравотга ташлади-ю, дарров ухлаб қолди. Тушига аяси кирибди. «Мен сенга нима дегандим? Қаргишларимниям сариқ чақага олмайсанми? Нега бирорларнинг жонига озор бериб юрибсан? Болам, кўзингга қара, оқ қилсан, охиратинг куйиб кетади», деди у жиддий қиёфада. «Аяжон, атайлаб шундай қилмадим. Бошқа иложим йўқ эди. Мени кеширинг, кечиринг!» дея Фирдавс нола қилди. Аммо негадир оппоқ матога ўралиб олган она унинг гапига қулоқ солмай, ортига бурилди-ю, қуюқ туман орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Қўрқиб кетган Фирдавс унинг ортидан югорди. Бироқ аяси ҳеч қаерда йўқ эди. Аясини қидира-қидира ҳолдан тойган йигит тиз чўкиб, кафти билан юзини бекитиб, йиғлаб юборди ва шу аснода уйғониб кетди.

Ўрнидан сапчиб туриши билан қандайдир қўшикни хиргойи қилганча помидор тўграётган Асқарга кўзи тушди. Каравотнинг гичирлашини эшитган Асқар ўтирилиб, унга қаради.

— Айиқ полвон, турдингизми? — деб сўради жилмайиб.

Фирдавс карахт бўлиб қолганди. Хонадошининг гапига жавоб бермай, бир муддат унга тикилиб қолди ва кўзларини ишқалади.

— Уйготиб юбордимми? — деди саволига жавоб ололмаган Асқар.

Фирдавс тагин индамади. Сўнг ўрнидан туриб, шкафни очди-да, сочиғини елкасига ташлаб, хонадан чиқиб кетди.

Ювиниб қайтиб келганида, Асқар стол устини турли хил ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлаганди.

— Қаердайдингиз? — сўради Фирдавс сочиқни жойига илиб қўяётиб.

— Ошна, сиз сўраманг, мен айтмайин. Ишонсангиз, омад қуши бошимга қўнди. Саҳарлабдан мардикор бозорига бордим, — дея гап бошлади қувонганидан кўзлари чақнаётган Асқар. — Соқоли кўксига тушган битта чол келиб, уйимнинг фундаментини қуиш керак, деди. Бозорда мендан бошқа яна тўртта одам бор эди. Шулардан иккитаси алкаш. Чол уларни ишга олмади. Бизга эргашишганди, «Икковинг ҳам орқангга қайт. Сизларни ишлатиб уй қурсам, уй ҳаромга айланади», деди. Чол ўғлининг машинасида келган экан. Ўтирик. Шаҳар ташқарисидан ер олган экан. Кечгача бетон қайдик. Чол намозхон одам экан. Ўғли иккаласи бизга қўшилишиб, тенгма-тенг ишлашиди. Уч маҳал овқат берди. Яна тушда бир соат ухлаб ҳам олдик. Кетаётганимизда қўлимизга йигирма беш сўмдан пул тутқазди. Одамга жуда нокулай бўп кетди. Қирқ ёшлардаги шеригимиз: «Ота, кўп пул бердингиз», деганди, чол кулиб унга эътиroz билдириди. «Бетон иши оғир иш. Тинкани қуритиб қўяди. Бир кунда ҳамма бетонни қуийб ташладинглар, чала бўлганида, эртага яна одам опкелардим. Уларгаям пул берардим. Иш менга арzonга тушди. Рози бўлиб бераяпман, олаверинглар, лекин ҳаромга сарфламанглар, буюрмайди», деди, — Асқар ўрнидан туриб, бир бўлак тўғралган помидорни оғзига солди. — Тўғриси, ошна, ароқ опкелмоқчийдим. Имтиҳонлардан қийна-

либ бўлсаям, ўтиб олдик. Бирорга бир тийин бермадик. Эшитдим, бошқалар йигирма минг, ўттиз минглаб кўтариб келган экан. Оёғи осмондан бўп кетибди. Шундай байрамни нишонламасак, уят бўлар. Лекин чолнинг гапидан кейин ниятимдан қайтдим.

— Боплабсиз, — дея кесатди Фирдавс, — мен эса, сал бўлмаса, ўлиб кетай дедим. Сизни деб.

Ҳайрон бўлган Асқар ҳамхонасига тикилиб, киприклини пирпиратди.

— Мен сизни вокзалга кетган деб ўйлабман. Кеча шундай деяётгандингиз-ку, — деди Фирдавс норози бўлиб.

— Ошна, — мийифида қулди Асқар, — ўзингиз йўлдан қайтардингиз-ку. Улар қўпчилик, бир нарса қип қўйишади, прокурор бўлганингиздан ке-йин биттабитта ҳисоб-китоб қиласиз, дедингиз...

— Эрталаб уйғотмасангиз ҳам, битта қофозга ёзиб кетсангиз бўларди-ку, мен сизни қидириб вокзалга борибман, — деб ўзини каравотга ташлади Фирдавс.

Асқар яна битта помидорни оғзига ташлаб, бурнини тортаркан, Фирдавснинг тўғрисига столни қўйиб ўтириди-да:

— Қани, бир бошидан гапиринг-чи, — деб қизиқиш билан унга тикилди.

Фирдавс ҳеч нарса демоқчи эмасди. Лекин бўлиб ўтган воқеани ичиди бир умр асрар юриш нияти ҳам йўқ эди, шу боисдан нимаики содир бўлган бўлса, бир бошидан шошилмасдан, дона-дона қилиб гапириб берди. У сўзлагани сайин Асқарнинг ранги ўзгарар, шунинг билан бирга, орага бир оғиз ҳам сўз қўшмай, диққат билан тингларди.

— Айтдим, нимага уст-бошингиз бунақа чанг бўлиб ётиби деб, туфлингизгаям қараб бўлмайди. Сиз ҳам менга ўхшаб мардикор бозорига борибсизми, деб ўйлабман. Лекин-чи, ошна, боплабсиз. Асли бирга борсак бўларкан, мен ҳам аламимни олардим... Иккинчи томондан узр... Ўзимни айбдор...

— Қўйсангиз-чи, — ўзининг қилган ишларини фавқулодда қаҳрамонлик ҳис этиб руҳланган Фирдавс унинг

гапини бўлди, — кечирим сўрашингиз учун қилмадим бу ишларни... Лекин ўзим ғалати бўп қолдим. Қандай қилиб милиционерлар билан таксичиларни довдира-тиб ташлаганимга ҳайронман. Бўлмаса, оддийгина қишлоқ боласиман. Агар билсангиз, пўписа қилгим кела-япти, кимки менга қарши чиққан бўлса, сариқ чақага олмаяпман. Ёлгон ғаплар ҳам миямга қуишиб кела-япти. Агар шундай қилмаганимда, аниқ қўлга тушардим. Ўлдиришмасаям, камида майиб бўлардим. Кейин менинг ўрнимга ҳам ўзингиз ўқийверардингиз.

Асқар қўлларини юқорига кўтарди.

— Бўлди, мен таслиммани, — деб ўрнидан турди. Шкафни очиб, шимининг чўнтағидан беш сўм олдида, Фирдавсга узатди.

— Тушунмадим, — деди бирдан жаҳли чиқиб кетган Фирдавс, — мен сиздан пул сўрадимми?!

— Ошна, анави чол мен берган пулни ҳаром нарсага ишлатсанг, буюрмайди, деганди. Сиз бу пулни эртага йўлга ишлатасиз, ўзингизнинг пулингизга бўлса, бориб ароқ опкеламиз. Тўғриси, сиқилиб кетдим. Агар озгина ичмасам, бўлмайди, — деди Асқар асабийлашган кўйи.

— А-а, унгами? — кулди Фирдавс. — Мен бўлсам... Менга қаранг, аввал ҳам ичиб юрганмисиз, нима бало?

— Қаёқда? Лекин бу сафар ичаман. Битта кинода кўрувдим. Қаҳрамон роса эзилади. Кейин ароқ ичадида, енгил тортади. Биз ҳам ичсак, балки енгил тортармиз.

— Ўша зормандани қаердан оламиз?

— Ачавотдан. Мен ҳужжатларимни топширган куним ваҳтёрдан сўраб билгандим. Соат саккиз яrimдан ошиб қолди. Борсак, бемалол топамиз. Кетдикми?

— Узоқми?

— Икки бекат нарида.

— Кетдик.

Йўлнинг ҳар икки томонида чироқлар хира нур та-ратиб туради. Одам гавжум. Харидорлар асосан ароқ сотиб олишар, айримлари кунботар томондаги айвон остидаги столлар атрофида ўтиришар, кабоб-хўрлик

билан бирга майхұрлық ҳам қилишарди. Эндигина талабалик унвонига сазовор бұлган йигитлар қаршиисидан үzlаридан тұрт-беш ёш кичик бола чиқди.

— Ароқ оласизларми? — сұради ёшига ярашмаган оқанғда бироз кеккайиб. — Зұрлари бор. Додаси. Москваники. Бир пиёладан ичсанглар, кайфларинг ошиб қолади. Томоқдан сариёғдай үтади.

— Үзинг ичиб құрганмисан, нима бало? — сұради ундан Асқар.

— Вой, нима девоссан? Бир үтиришда иккі бутилкани думалатиб ташлайман. Оласанми? — деди болакай киприк қоқмай.

Боланинг беписанд гапириши, сенсираши Фирдавснинг жаҳлини чиқарди. Шундай эса-да, яна бир касофатни бошлаб қўймаслик учун тишини тишига босди.

— Агар ичкарига кирсанглар, шашликларниям до dasi бор. Шесть секундда тайёрлаб беришади. Майшат қиласизлар, — деди бола иржайиб.

Асқар Фирдавсга қаради:

— Үтирсак, бир үтирайлик.

Бола йўл бошлади. Бир ойдан бери шаҳарнинг ногини еб юрган иккى йигит гўё үzlарини шу ерда туғилиб ўстгандай тутишиб, унинг ортидан эргашишди. Кичик ариқнинг устига ўрнатилган тор қўприқдан үтиб, сўл тарафдаги эски уйнинг рўпарасида тўхташди. Йўлбошловчи эшик қўнгирогини босди. Кичик табақа очилиб, қориндор бир киши чиқди.

— Тоға, мана, яна иккита клиент бошлаб келдим, — деди болакай зўр ишни уddeлаб қўйган одамдай ғўдайиб.

— Яхши, ҳовлига опкир-да, тўғридаги кичкина хонага киргиз. Манзурага айт, заказ олсин, — деб тоға аталмиш қоринбой улардан олдин ичкарилади.

Уй ҳовлисига беш-олтита стол қўйилган, уларнинг ҳар бири атрофида учта-тўрттадан одам үтирад, баланд, дагал овозда гаплашишарди. Фирдавс мумкин қадар уларга эътибор бермасликка уриниб, ёnlаридан үтиб, қўрсатилган кичкина хонага кирди. У ер тўрт кишига мўлжалланган экан.

— Нима ейсизлар, шашлик опкирайми? — сўради болакай улар жойлашиб ўтириб олишгандан кейин бир Асқарга, бир Фирдавсга қараб.

— Икки сихдан шашлик. Тўғралган помидор, кейин битта ароқ, — деди Асқар.

Болакай ўшшайиб қўяркан:

— Менинг отим Мурод, яна бирон нима керак бўп қолса, айтарсизлар, — деб ташқарига чиқиб кетди.

— Асқар ака, — деди Фирдавс, — шу ароқни олиб, изимиизга қайтиб кетавермадик-да. Нимагадир кўнглим...

— Ошна, қўяверинг, бир яйраймиз. Бунга қаранг, ўзларига ошхона очволишибди. Менимча, ревизорларми, мелисами келиб қолса, тўрт-беш сўмини бериб, жўнатиб юборишса керак, — деди Асқар кулиб. — Ўқишига кирган кунимизни қандай қилиб нишонлаганимизни бошқаларга мақтаниб юрамиз. Ташқарида ўтирганларга эътибор қилдингизми? Гарантия бериб айтаман, ҳаммаси студент. Менимча, бойларнинг болалари бўлишса керак. Бизнинг-ку, бунақа жойга ҳар куни келишга имконимиз йўқ. Лекин юридическийга ўқишига кирдик.

«Гапинг тўғри-ку-я, лекин шу ердан тинчгина кетволсак, яхши бўларди», хаёлидан ўтказди Фирдавс. Лекин кўнглига келган гапни айтмади. «Айтсан, қўрқоқлик қилаётгандай бўлиб қоламан», деб ўйлади.

Ҳаял ўтмай, дўмбоққина қиз патнис кўтариб келди. Унинг устида кабобдан бошқа буюртманинг ҳаммаси бор эди. Асқар кўкрагини одатдагидан кўпроқ очиб олган қизга зимдан тикилди. Аммо сўз қотишга иродаси етмади.

Йигитлар бир пиёладан ароқ ичишгач, бошлари қизий бошлади. Овозлари ҳам баландлаб қолди. Асқар яна биттадан оламиз, деб эндиғина пиёлаларни тўлдираётган маҳал улар ўтирган хонанинг эшиги очилиб, соқолини неча кунлардан бери олмаган, сочи жингалак, жинси шим билан футболка кийиб олган, сурбетлиги шундоққина кўриниб турган бир йигит кириб келди.

— Ҳа-а, шоввозлар, базму жамшид авжида-ку, — деди у ўшшайиб, — бу дейман, би-и-и-ир кайф қилайлик дебсизлар-да, а?

Йигитлардан садо чиқмади. Улар бир-бирига кўз уришириш билангина чекланишиди.

— Қарасам, — дея гапида давом этди чақирилмаган меҳмон, — ғудайиб ўтиб кетаяпсизлар, лекин юришларинг икковинггаям жа ярашаркан. Бойнинг боласи шундай юради-да ўзиям.

Фирдавс ўзининг олдидаги пиёлани меҳмонга узатди. Унинг бу иши меҳмонга хуш келмади, шекилли, ҳозиргина иржайиб турган бегонанинг бирдан афти ғижимлашди.

— Тиланчига ўхшайманми? — деди у кўзларини олакула қилиб.

— Йў-ў-қ, биз билан бирга битта-битта олинг деб...

— Аввал сўраш керак! — дея бирдан Фирдавснинг гапини бўлиб, бўйнини чўзди соқоли олинмаган йигит. — Нарушения қилдиларинг. Энди ҳақини тўлайсанлар!

— Биз ҳали ҳеч нима қилмадик-ку! — деди киприклини пирпиратган Асқар.

— Ҳали бирон нима қилиш нияting ҳам борми?! Тушунмадим, гапингга отвечаёт қиласанми?! Карочче, икковинг ҳам беш сўм, беш сўм чиқар.

— Бизда унақа пул йўқ, — деди қизариб кетган Асқар.

— Пулинг бўлмаса, бу ерга маймунжонни кўргани келдингми?! Бўл, тез чиқар, ё ўзим ёрдамлашиб юборрайинми?!

\* \* \*

— Моҳирўй! — деб бақириб юборди жон-пони чиқиб кетган Достон. Унинг товушидан қизи ҳам уйғониб кетди.

— Сенга нима бўлди? Кўзингни оч, Моҳирўй... — Достон тиззалаб ўтирди-да, хотинининг бошини кўтарди.

— Ая! Аяжон! — Моҳина ҳам ўрнидан тура солиб, дадасининг ёнига югуриб келди. — Дада! Дада! Аямга нима қилди?! Нега кўзини очмаяпти, дадажо-о-он?!

Достон билан Моҳинанинг ваҳимали овозини ташқа-

ридагилар ҳам эшитишганди. Улар бир-бирига ҳайрон булиб қараб олишди. Ҳотамтойнинг кўзи чақчайди.

— Бориб қара-чи, — деди ўзи билан келган ҳайдовчи йигитга, — бирон гап бўлганга ўхшайди.

Ҳайдовчи уйнинг ёнига етишга улгурмай, Достон Моҳирўйни кўтариб, ташқарига чиқди.

— Моҳина, тез сув опкел! — деди бақириб у.

— Ака, тинчликми?! — сўради ундан ҳайдовчи йигит.

— Касали бор эди, қўзиб қолди. Балнисага обориш керак.

— Эшмат! — бақирди Ҳотамтой турган жойида бетоқатланиб. — Бу ёқقا кел. Буларнинг қайси бириникига келсанг, битта палакат оёғинг остидан чиқади. Юр, кетдик, машинани ҳайда.

Эшмат гоҳ Ҳотамтойга, гоҳ Достонга қаараркан, чорасиз бир аҳволда елка қисди.

— Район марказига... касалхонага, — деди Достон ҳайдовчига қараб жавдираб.

Унинг гапи оғзида қолди.

— Иложим йўқ, ака, хўжайин қўймайди, — деди Эшмат иккала қўлинни ёнига ёзиб.

— Онасини эшак тепсин ўша хўжайинингни! — бақириб юборди нафрат билан Достон.

Унинг гапини Ҳотамтой аниқ-тиниқ эшитди-ю, бироқ ўзини эшитмаганга олиб, машина ёнига яқинлашиб, эшигини очди. Достоннинг аъзойи бадани титраётганди, шу боисдан ҳам қизи келтирган сувни кафтiga оламан деб тўкиб юборди.

— Юзига қуй, қизим, юзига! — деди у ранги докадай оқариб кетган Моҳирўйдан қўзини узмай.

Моҳина дарров дадасининг айтганини қилди. Аёлнинг қовоги билинар-билинмас қимиirlади.

— Эй худо, ўзинг шарманда қилма, шарманда қилма, худойим! — деб Достон хотинининг юзини уқалай бошлиди.

Аёлнинг аввал қўли қимиirlади, сўнг қўзини очди.

— Моҳина, қизим, ҳамсояникига югур, Эшбури ака-га айт, машинасини ҳайдаб келсин, аянгни балнисага

обормасак бўлмайди, бўл тез! — деди Моҳирўй кўзини очганидан бироз ўпкасини босиб олган Достон.

Бу пайтда Хотамтойнинг «Виллис»и ортига бурилиб, аста-секин узоқлашаётган эди. Достон унинг ортидан қараб: «Аввалги ҳолим бўлганида, онангни учқ-ўргондан кўрсатардим, ит эмган!» дея сўкинди.

— Дадаси, — деб пичирлади Моҳирўй бемадор товушда, — менга нима бўлди?

— Хайрият, гапирайпсан, — деди кўзидан икки томчи ёш юмалаб тушган Достон, — гапирайпсан... Лекин одамни ёмон қўрқитдинг-да, жоним. Сенгами, сенга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Озгина бошинг айланганди, ҳозир дўхтирга обoramан. Битта укол қиласди, яхши бўп кетасан. Фақат бошқа кўзингни юммагин.

— Хў-ў-ўп, — деди Моҳирўй базур пичирлаб.

Лекин у эрининг айтганини бажаролмади. Қурби етмади. Ўз-ўзидан кўзи юмилиб кетаверди.

— Йўқ! Йўқ! Ундей қилмагин, кўзингни юммагин, болаларингни ўйла, мени ўйла, сенсиз бир кун ҳам яшолмайман, ўзинг биласан-ку.

Достон шоша-пиша яна унинг юзига сув сепа бошлади.

Моҳирўйнинг лаблари қимиirlади. Оғзи бирозгина очилди. Достоннинг бутунлай капалаги учеб кетди.

Ана шу маҳал қўшни хотин ҳаллослаганча югуриб келди.

— Вой ўлмасам, нима қилди?! — сўради у Достоннинг ёнига етиб-етмай.

— Билмадим. Ўзидан-ўзи шундай бўп қолди, — йифлаб юборди Достон.

— Ҳозир акангиз машинани ҳайдаб келади. Яхши бўп кетади. Чарчаганга ўхшайди-да, шўрлик, — деб Достонни овутган бўлди Ойша хола. Сўнг тағин ҳушидан айрилаётган аёлнинг қўлини уқалай бошлади. — Келин, ҳай, Моҳирўй, кўзингизни очинг, одамни қўрқитманг. Кўзингизни очинг... Ҳай...

\* \* \*

Қовоқ-тумшуғи осилган Хотамтой Достоннинг уйидан анча узоқлашиб кетгунча миқ этмади. Йўлдан кўз

узмай, силтаниб кетаверди. Эшматнинг эса юзи қизарип кетганди. Хотамтой унга кўз ташлади. «Раисга шу сариқдан бошқасини беринг дедим, кўнмади. Бунақалар сал нарсага шол-ғомдай бўлади-кўяди... Ўзи шу охирги кунлар палакатли бўляпти. «Жигули»ми сим-ёғочга уриб олдим. Турсунпўлатнинг уйини текширгани борсам, сигири думалаб ётибди. Жалилнинг уйидаги хотин жиққамушт. Бу ёқда падарингга лаънатининг хотини касал...» хаёлидан ўтказди у. Шу пайт машина нинг филдираги чуқурчага тушиб ўтди. Хотамтой хаёлга берилиб, ўзини жуда бўш қўйган экан, бошини қар силлатиб эшикка урди.

— Мараз! — дея бақириб юборди у ҳайдовчига нафрат билан кўз ташлаб. — Кўзинг қаёқда?!

— Кўрмай қопман! — деб бақирди Эшмат ҳам ундан қолишмай.

— Сенларнинг ҳаммангни бўйнинг йўғонлашиб кетибди, шошмай тур, бир-иккитангнинг умрингни қамоқда чиритмасам, юрган эканман. Машинани тўхтат, рацияни ишлат! — деб ўшқирди Хотамтой томоги йиртилгудек бўлиб.

Эшмат шу заҳоти зарда билан тормозни босди. Машина филдираклари сирпаниб кетди. Ҳавога чанг-тўзон кўтарилди. Участка инспектори бу сафар, сал бўлмаса, бошини олдинги ойнага уриб олаёзди. Ўзини ўнглаб, ҳайдовчига ўгирилиб, уни обдан сўқмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, Эшмат унинг бурни тагига рацияни тикиди.

— Мана, — деди бўғилиб, — керак бўлса, ўзингиз раисга телефон қилинг. Лекин мен мараз эмасман, иккинчи марта мени бунақа ҳақорат қилманг!

— Буларнинг ҳаммасини томи кетган, жинни бўп қолган булар! — деди сўкишларини базўр ичига ютган Хотамтой рацияни юлқиб оларкан.

— Бор-эй!

Эшмат юлқиниб эшикни очди-да, машинадан сакраб тушиб, нари кетди.

Машина тўхтаган жой адирлик эди. Яна озгина юрилса, қиялик бошланарди. Атрофда яккам-дуккам дарахтлар ўсган, уларнинг остидаги ўт-ўланлар аллақачон

қуриб, қовжираб қолганди. Ҳотамтой узоқлашиб кетаётган Эшматнинг ортидан ғазаб билан тикилиб қоларкан, унинг қулоғига етмайдиган овозда алам билан бўралаб сўкинди. Унинг оғзидан чиққан ҳақоратни тоғнинг боласи эшишиб қолса борми, Ҳотамтойнинг милиционер эканига ҳам қараб турмайди. Кела солиб, ёқасидан олади.

Ҳотамтой қанчалик чиранмасин, рацияни ишлатолмади. Алами келди. Қўлидаги матоҳни орқа ўриндиқقا отиб юбориб, машинадан тушди. Чўнтағидан сигарет олиб, лабига қистирди. Машинани адирликда қолдириб, тўғрига қараб илдамлаб бораётган Эшматнинг ортидан қараб тураркан, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тутун ютди. Шу асно бироз шаштидан тушгандай бўлди. «Раиснинг ўғлини қамоқдан опқолувдим. Бир оғиз гапимни икки қилмайди. Ёудайган Эшматдан машинани тортиб ол, дейман унга. Йўқ демайди», дея хаёлидан ўтказди. Сўнг ҳайдовчининг ўриндигига ўтириб, «Виллис»ни ўт олдирди. Газни икки-уч марта босиб қўйиб, машинани эндигина жойидан қўзғатмоқчи бўлганида, хаёлига гаройиб фикр келди. «Шошма, нимага энди у падарингга лаънатнинг хотини айнан мен борганимда ўзидан кетиб қолди?.. Шошма... Шошма, бу ерда бир гап бор. Бир гап бор. Демак, демак... унинг эри ўлдирган анави одамни. Бундан хотиннинг хабари бор. Эримни қамаб қўйишади деб ўйлаб, қўрқиб кетган, шунинг учун тоби қочиб қолган. Дарров қайтиб бориб, эр-хотинни машинага босиб, отделга оборишим, роса эзиб сўроқ қилишим керак. Озгина уни чиқса бўлди, бўйнига илвораман!» — дея ўзига ўзи гапирган Ҳотамтой юзи ёришиб, ортига қайтишга чоғланди. Ортига бурилгач, кўп юрмади. Ёнидан тупроқни чангитиб, катта тезликда «Жигули» ўтиб кетди. Ҳотамтой гарчи машина салонидагиларни кўрмаган бўлса-да, Достон хотинини касалхонага олиб кетаётганини тахмин қилди. «Химм, тушунарли... лекин яхши бўпти. Ўзинг оёғинг билан районга борасан. У ерда уйингдагидай ўдаёлмайсан. Наряд кўз очиб юмгунча етиб келади. Оёқ-қўлингта кишан уриб, обориб тиқиб ташлайман. Ана ундан кейин

Күрамиз, куч-қувватинг қаергача бораркан? Шошма, қанаңа күч-қувват?.. Асабийлашаверганимдан ҳар балоларни гапирадиган бўп қопман... Шеф бир-икки ойдан бери ола қараб юрибди. Ишни эплаёлмай, нўноқлик қилаётганмишман. Яхшиям, область управлениеесида тоғам ишларкан, бўлмаса, шеф аллақачон оёғимни осмондан қип ташларди... Агар мана шу ишнинг бўйнига қўйиб ташласам, хўжайиннинг олдида обрўйим ошарди. Юлдузчам ҳам биттага кўпайиб қолса, ажабмас. Айблими, айбизми, менга фарқи йўқ. Бўйнига шу жиноятни илиб қўяман!» дея хаёлидан ўтказган Хотамтой худди ҳозир район марказига етиб борибоқ Достоннинг қўлига кишан соладигандай кувониб кетди. Ҳовлиқиб тезликни оширди. Аммо машина жуда имиллаб кетаётгандай туйилди. «Падарингга лаънат ғўдайган шофёр, бўйнингни чўзгунча машинага қарасанг, ўласанми? Эшакдан фарқи қолмабди-ю бу шалдироқ аравангни!» дея ҳайдовчини бўралаб сўкиб, газни охиригача босди. Зўриққан «Виллис»нинг ҳаммаёғи шагиллаб кетди ва ҳар сафар чуқурга тушганда қўкка сапчиб, чавандознинг қамчисидан қўрқиб, жиққа терга ботган отдай илдамлади. Хотамтой кўп ўтмай, жаҳл билан илдамлаб бораётган ҳайдовчига дуч келди. Бироқ уни дарров кўрмади. Яхшики, йигит қуюндай учиб келаётган уловни кўриб, ўзини четга олишга улгурганди. Бўлмаса, машинанинг тагида қолиши ҳеч гап эмасди.

— Эй, эшак! — деб ўшқирди йигит қўли билан чангтўзонни ҳайдаркан, машина ортидан қараб. — Бу кетишингда, бир жойга кириб кетасан!

«Виллис»нинг «соchlари оқариб» қолган, ортиқча зўриқиши кўтаролмасди. Шу боисдан ҳам бирор чақирим юргандан кейин орқасидан қоп-қора тутун билан бирга пот-пот дея товуш чиқарди-ю, силкиниб-силкиниб тўхтади. Хотамтойнинг жони чиқиб кетаёзди, жаҳл билан қўл тормозни тортди-да, сакраб тушди.

— Падарингга лаънат, эгангга ўхшамай ўл! — дея бақириб, машинанинг гилдирагига тепди. Сўнг бошидаги шапкасини олиб, пешонасини артаркан, олд томондаги қияликка кўзи тушиб, юраги гупиллаб уриб

кетди. Эрталаб келаётганларида, анави турқи совуқ ҳайдовчи ўтган йили худди мана шу жойга битта трактор тушиб кетганини айтувди. Тракторчи вақтида сакраб қолибди, йўқса, тулпори билан бирга майда-майда бўлиб кетаркан.

— Худо мени асрари. Худонинг ўзи сақлади. Эй, «Виллис»гина, мени кечир, билмай тепиб қўйибман. Аслида, пешонангдан ўпишшим керак экан. Босган изингни кўзимга суришим керак экан, — деди у шодлигидан машина билан суҳбатлашаркан.

Ҳаял ўтмай, ортда қолиб кетган сариқ ҳайдовчи етиб келди ва индамай ўтиб кетаётганди, Хотамтой тўхтатди.

— Сен бола, — дея ўшшайди зўрма-зўраки, — мендан хафа бўлма. Ўзи бугун чап томоним билан турганга ўхшайман. Ишонсанг, ҳеч ким ёқмаётганди. Мана машинанг, ўзинг ҳайда.

— Ҳе... бузилганидан кейинми? — деди йигит истеҳзо билан тиржайиб.

— Гап уни бузилганидамас, ёнингдан қувиб ўтганимдан кейин ўйлаб қолдим. Ахир сенда нима айб, тўғрими? Буни қара, худди кўнглимдагини билгандай, «Виллис» ўчиб қолса дегин. Тушиб қарасам, айни пайтда ўчибди, барака топгур. Ишқилиб, бир томондан хаёлим қочиб, жаҳлим чиқсан бўлса, иккинчи томондан омадим келди.

Ҳайдовчи унга қараб жилмайиб қўйди ва машина капотини очди. Мотор устида тўпланган буғ бирдан ҳавога кўтарилиб, йигитнинг юзига урилди.

— Бўлди, — Хотамтойга юзланди йигит, — етиб келибди. Буни энди фақат трактор-практор шатакка олиб, опкетмаса, жойидан қимирламайди.

— Шуниси етмай турувди. Бу ердан катта йўлгача анча боров.

— Пиёда юрсангиз, икки соатда етасиз.

— Бўлмаса, мен пешком кетавераман. Сен ўзинг трактор топарсан.

\* \* \*

Моҳирўйни текшириб кўрган дўхтири пешонасини тиришириб, ҳамширага қаради:

— Реанимацияга опкиринглар. Ёнига ҳеч кимни киритманглар. Манави уколларни қилинглар, — деб кичкина қофозга уч-түрттә дорини ёзиб, ҳамширага тутқазди ва қабулхонадан чиқиб кетди. Достон унга эргашди. Йұлакда құлидан ушлаб тұхтатди.

— Дұхтири, ақволи оғирмасми?

— Оғир. Сенлар доим үйқылғандан кейин құтариб келасанлар. Бу дард аввал ҳам белги берган. Үшанда, ҳеч бүлмаса, текширтириб кетмайсанларми?! — деди жаҳли чиққан врач.

— Энди нима бүлади?!

— Нима бүларди, даволаймиз. Ҳалиям организми бақувват экан. Агар шу қасаллик билан ҳавоси бузук жойда яшаганида, аллақачон хотинингдан айрилган бүлардинг. Микроинсульт.

— Микроинсульт ёмонми?!

— Қасалнинг яхиси бүлмайди. Лекин буни даволаса бүлади. Бүпти, менинг вақтим йўқ, — деб дұхтири Достоннинг ёнидан узоқлашди.

Достон бошини эгиб, ташқарига чиққанда, ҳамқишлоғи бетоқатланиб уни кутаётганди. У қишлоқдошига жавоб бериб юбориб, ўзи қасалхона ҳовлисидаги ўриндиқда кечгача ўтиреди. Хаёлига нималар келмади. Қаровсиз қолган қўйларини ўйлаб, кўнглига хавотир оралади. Бу ёғи уйда қизи ёлғиз қолган. Қўшниси ҳабар олиб туришга ваъда берган бүлсаем, қиз боланинг қаровсиз қолиши яхшимас-да... Устига-устак, ўқишига кетган ўглининг дараги бүлмаётганиям отанинг кўнглини хижил қиласарди. «Ишқилиб, сиқилаверганимдан менга ҳам бирон нима бўлиб қолмасин. Унақада бутун оилам барбод бүлади. Уларга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Моҳирүй бўлса... Шўрлик сира рўшнолик кўрмади. Агар яхшилаб ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, қувнаб яшаган кунлари бармоқ билан санагулик. Ваҳоланки, бошқаларга ўхшаб шоду хуррамлиқда яшашга унинг ҳам ҳақи бор эди. Бўлгандаям унча-мунчамас. Унинг кўнглига қарадим, сиқилмасин деб уриндим. Лекин бўлмади. Барибир, бирида бўлмаса, бирида ташвишли кунлар топилиб турди... Нега бу ерда ўтирибман? Бо-

райин, кўра-йин, балки Моҳирўй ўзига келгандир. Миям айниб қолди, шекилли. Кириб бир мартаям, нима бўлди, нима қўйди деб сўрамабман. Садқайи эр-как, садқайи эр кет», дея ўйлаган Достон эндиғина ўрнидан турганди ҳамки, касалхона дарвозасидан кириб келаётган бақалоқ милиционерга кўзи тушди. Семириб кетганидан юришга қийналётгани шундоққина кўриниб турарди. Тағин шапкасини қўлига олиб, бошини эгиб келаяпти. Уни кўриши билан Достоннинг кўнгли бузилиб: «Нима палакатни бошлаб келаётган экан бу ит?» дея хаёлидан ўтказди ва чўнтағига қўлини тиқиб, носвойини олди. Тилининг тагига бир чимдим нос ташлаб, Хотамтойнинг яқинроқ келишини кута бошлади.

— Қалай? — деди Хотамтой ҳарсиллаб ўриндиққа ўтиаркан. — Келин яхшими?

— Сизга нима? Опкелиб қўйишга ярамадингиз-ку, — тўнғиллади Достон. — Қўлингиздан бирорни қамашдан бошқа балонинг калтагиям келмаскан. Қойил, яхшилик қилайн демадингиз-а?

— Ҳе-ҳе-ҳе, — дея ҳиринглади Хотамтой, — ҳа, қасал қилган ўзинг. Бу ёғиниям эпла-да. Эплаёлмассанг, нима қилиб юрибсан эр бўлиб? Ана, биз ҳам учтасини туғдириб ташлаганмиз. Улар ҳам нон ейман дейди. Худога шукур, эплайпмиз. Энди ҳар биттангнинг дардингга қулоқ соловерсам, қўлимдан келаркан, деб ҳар биттангга ёрдам бераверсам, қачон одамга ўхшаб яшайман? Сенлар бизга осон деб ўйлайсанлар-да. Бир кунда нечта тешикка кириб чиқамиз, нечта одам билан гаплашамиз, неча марталаб асабимиз бузилади. Мана, биттаси сен. Ўзинг чўпонсан. Яна шу ҳолингга кекирда-гингни чўзишингга бало борми?! Сендан одамга ўхшаб хотинингнинг ҳолини сўрасам, мендан ўпкагина қиласан. Ўйнаб қўйдим, тушундингми? Хоҳласам, ҳозироқ қўлингга наручникни уриб, қамоққа обориб тиқиб ташлайман. Ундан кейин кўраман ғўдайишингни!

Достоннинг қони қайнаб кетди, қўллари мушт бўлиб тугилди. Бу ярамас бақалоқни ўрнидан турғазиб, меш

қорнига обдан туширишни истади-ю, лекин ўзини босди. Секин четга үтиб, тилининг тагида ҳали тузукроқ Эришга улгурмаган носини туфлаб ташлади.

— Носкаш, — ғўлдиради Ҳотамтой унга ола қараб. Сўнг чўнтағидан сигарет олиб, лабига қистирди.

Достон унинг ёнига бориб ўтиргач:

— Сигаретдан олинг, — деди.

Ҳотамтой унга ажабланиб қараб қўйди-да, қутидан бир дона сигарет олиб узатди.

— «Родопи», тозаси. Ҳар сафар шаҳарга борганимда, тўрт-беш блок опкелиб қўяман. Юмшоқлик қилмайдими? — дея мазах қилган бўлди у.

— Юмшоқлик қилади. Бизга «Прима», «Астра» бўлса, жойигача обориб қўяди-да.

— Нос босмадими?

— Ўзи носдан сози йўқ. Лекин мана бунаقا, бировни уриб, ўлдириб қўйгинг келаётганда, сигарет чекишинг керак. Ўзингни босволасан.

— Нима?! — афтини буриштири Ҳотамтой.

— Тўғрисини айтсам, ҳозир сизни думалатиб тепгим келаяпти.

— Бошқа нарсани хоҳламайсанми?

— Хоҳлардим. Лекин иложим йўқ. Ёндиргалкани ёқинг, — деб илжайди Достон.

Ҳотамтой беихтиёр унинг амрига бўйсунди. Аммо Достон тамакини тутатар-тутатмас, оловни ўчириб, ўшшайиб олди. Чунки ҳамсуҳбатининг гапи энди миясига урганди.

— Сен бола, — деди Ҳотамтой тутунни кўпроқ тортиб, сигаретни яхшилаб тутатиб олишга уринаётган Достонга, — ўзингдан кетаяпсанми, дейман-да!

— Ўлибманми? Чўпон бўлсам, тўртта қўйнинг ортидан ҳай-ҳайлашдан бошқа нарса қўлимдан келмаса...

— Нега бўлмаса сайраяпсан?

— Хотиним ўлим билан олишиб ётибди. Асабларим тамом бўлган. Шундай пайтда менинг ёнимда маймунжон борми сенга, ит эмган? — деб бақириб юборди кутилмаганда Достон.

Хотамтойнинг кўзи чақчайиб, лаби бир тарафга қийшайди ва ўзи сезмаган ҳолда қўлидан сигарети тушиб кетди. Достоннинг эса газаби қайнаб, кўзи олайиб борарди. Фира-шира қоронғилик тушгани боис унинг ҳолатини милиция ходими яхши илғай олмади.

— Йўқол, бўлмаса, қилмаган нарсамни қиласман. Балниса яқин, икки минутда тўшакка михланиб қоласан, — деди Достон ғазабдан тишларини фижирлатиб.

Хотамтой ўрнидан турди ва бир сўз дейишга чоғи келмай, ғазаб ўтида қовурилаётган Достоннинг ёнидан узоқлашди.

— Қайси нодон сенга шу исмни қўйган ўзи?! Ҳайф! Бунинг ўрнига эшак деган, чўчқа деган номни олганингда, минг марта яхшироқ эди, — деди алам билан Достон ва тез-тез, чуқур-чуқур нафас олиб, тутунни ичига юта бошлади. Бармоқлари орасидаги сигарет дарров тутаб тамом бўлди. Достон уни бир четга улоқтириб, ўрнидан турди.

Навбатчи ҳамширадан Моҳирўйнинг ўзига келганини ва ҳатто гапирганини эшитгач, Достоннинг кўнглига ёргуллик киргандай бўлди.

— Сизни сўради. Қаерда эдингиз? Қидириб чиқиб, то полмадим сизни, — деди оппоқ ҳалати ўзига жудаям ярашган, ўтгиз ёшлардаги ҳамшира юзида табассум билан.

— Бориб кўрсам, майлими?! — сўради шошиб Достон.

— Фақат, илтимос, кўп қолиб кетманг. Ҳали жудаям ўзига келгани йўқ.

— Майли, бир минутга кираман-у, чиқаман, — деб Достон тез-тез юриб, Моҳирўй ётган хонага кириб кетди.

Дарҳақиқат, Моҳирўйнинг кўзи очиқ, шифтга термилиб ётарди. Эр бир муддат унга қараб турди. Эшик очилиб ёпилганини Моҳирўй сезмадими, ёки сезган бўлсаям, ҳамширалардан бирортаси кирди, деб ўйладими, ишқилиб, ҳатто қимирлаб ҳам қўймади.

— Моҳий, гулим, — гап бошлади Достон паст ва майин товушда.

Шундан кейингина аёл киприкларини пирпиратиб, бошини бироз эгиб, эшик томонга кўз ташлади.

— Мен келдим, — дея жилмайди Достон.

Жувоннинг икки чаккасидан ёш оқиб тушди.

— Нега йифлайпсан? Ҳаммаси яхши бўлади, — дея хотинининг кўз ёшларини эҳтиёткорлик билан артди. — Дўхтирлар айтишди, бир ҳафтага бормай, отдай бўп кетаркансан.

— Сизни жудаям қийнаб қўйдим. Қачон қараманг, бирорта ташвишни бошлайман, — деди Моҳирўй йифламсираб.

— Унақа деманг, хоним, — деб Достон хотинини эркалади, — уйимизга ўша савил қолгур тўнка адашиб кепти. Бошқаларнига кириб чиққаниният Моҳина айтганди-ку, шунга сен қўрқиб... Мениям қўрқитиб юбординг. Аслида, сенга ҳар қандай эркалик ярашади. Лекин бунақасини бошқа қўлламагин. Ҳадемай келин оласан...

Моҳирўйнинг юзида майнин табассум пайдо бўлди ва эрининг қўлидан оҳиста ушлади. Шу тобда эрини ҳар қачонгидан ҳам яхши кўриб кетди. Одамнинг юрагига йўл топиш, кўнглини кўтариш бундан ортиқ бўлмас.

— Қишлоқдошлар, — дея жувонни чалғитишда давом этди Достон, — барака топишсин. Эй, бунақа меҳроқибатни шаҳарда кундуз куни чироқ ёқиб ҳам тополмайсан. Битта қўшни қўйларга қарашни бўйнига олди, бошқа биттаси Моҳинани уйига олиб кетди. «Қараб турамиз, сиз сира хавотир олманг. Ишқилиб, Моҳирўй келин тезроқ тузалиб кетса бўлгани», дейишли улар.

Достон ўйлаб топаётган ёлғонларидан ўзи ҳам руҳланиб, кўнглидаги фашлик бир муддатга унут бўлди.

— Фирдавсдан хабар борми? — сўради ожиз овозда Моҳирўй.

— Очил ака бор-ку, қишлоқнинг нариги бошида турдиган. Ўшанинг Фирдавс тенги ўғлиям ҳужжатларини ўқишига топширган экан. Фирдавсни кўрибди. Ҳаммаси яхши бўляяпти, деганмиш. Кейин укам Соҳиб билан бирга юрган экан. Шунинг учун ўғлингдан сирайм хавотир олма.

— Ишқилиб, боламнинг омади чопсин-да, — деди кўнгли бироз таскин топган Моҳирўй.

«Худога шукур, ишонтиrolдим», деб ўйлади Достон ва аёлининг қўлидан секингина ўпиб қўйди. Шу пайтда палатага ҳамшира кириб келди.

— Кўп қолиб кетдингиз, менга гап эшилтирасиз, ҳозироқ чиқинг, — деди у Достонга.

Достоннинг сира кетгиси йўқ эди. Ҳатто эрталабгача қолгиси келаётганди. Лекин иложи қанча? Ҳалиям ҳамшира ёрдам қилди. Бўлмаса, хотинини бугун кўролмасдан кетарди.

У Моҳирўй билан хайрлашиб, йўлакка чиқди ва бошини ҳам қилганча кета бошлади.

Ташқарида ҳаво салқинлашган, одамга хуш ёқарди. Достон ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди. Шу маҳал унинг қулогига кимнингдир:

— Ана, ушланглар, — дегани эшитилди. Эркакнинг кўнгли алланечук безовталанди ва бирдан овоз келган томонга ўгирилди. Ҳотамтой билан бирга яна олтига милиция кийимидағи одамга қўзи тушди. Достоннинг илгариги даври бўлганда, айни дақиқада нима қилишни яхши биларди. Бироқ ҳозир қўлидан ҳеч нима келмайди. Шу боисдан уларнинг ёнига ўзи борди.

— Қўлини орқасига қайириб, наручник солинглар, — дея буюрди Ҳотамтой.

Достон тишини тишига босиб, ортиқча уринишга ҳожат қолдирмай, иккала қўлини ҳам олдинга чўзди. Милициянинг чаққон ходимлари кўз очиб юмгунча унинг билакларига кишан тақишли.

— Мен сенга нима дегандим? Ихтиёринг билан отелга юр, демаганмидим? Сен бўлсанг, менга пўписа қилдинг. Ана энди туғилганингга пушаймон едираман, — дея илондай вишиллади хўппа семиз Ҳотамтой. Сўнг йигитларига юzlаниб: — Буни машинага тиқинглар, — деди.

Достонни дарвоза ортида турган машина томонга судраб олиб кетишли.

\* \* \*

Фирдавс бир зум нима қиласини билмай қолди. Кутулишнинг чораси нолга тенг эди. Икковлашиб манави зўравонни бир ёқли қилганлари билан ҳовлида ўтирганлари югуриб келишади. Ана ундан кейин икковини ҳам ўласи қилиб тепкилашлари турган гап. «Муштдай бoshингдан «ювиш»ни ким қўйибди сенга? Тинчгина уй-

ингга бориб, талаба бўлганингни уйингдагилар, қишлоқ дошларинг билан бирга нишонла эди. Бало бормиди, ўзинг билмаган, кўрмаган, бунинг устига, ишкалнинг макони бўлган жойга келиб?» — хаёлидан ўтказди Фирдавс ва хўроздай кўксини кериб турган йигитга қаради.

— Нимага ўлик кўзингни лўқ қиласан, одам кўрмaganmisان? — деди зўравон оғзини қийшайтириб.

— Кўрганман. Лекин бунақасини биринчи марта кўришим, — жавоб берди Фирдавс ва секин ўрнидан туриб, шимининг чўнтағига қўлини тиқди. — Жинси шим кийишга кучимиз етмайди. Шундай бўлсаем, рабочийлар киядиганидан — жинсининг укасидан эгнимизга илволганмиз. Лекин палакатнинг чўнтағига қўлтиқиши қийин бўларкан.

Фирдавс гапириш асносида Асқарга бармоғи билан эшикни кўрсатиб ўтди. Ҳартугул, шериги тушунди.

— Бошқа жойингга тиққин эди пулингни, — деб ҳиринглади кутимаган меҳмон.

— Ака, энди ўқишига кирдик. Икковимиз ҳам қишлоқнинг боласимиз. Бошқалар фалон сўм билан кироммаган жойга биз калламиз билан кирдик. Шунга сал эркинсиниб келувдик, — деди Фирдавс зўравондан бирон ёруғлик чиқармикан деган умидда.

— Эй, зўр-ку. Пул бермай кирган бўлсанг, ўша бермаган пулингни чўз. Бирга нишонлаймиз, айш қила-миз. Кўнглимизга ўтиришиб қолсанглар, сафимизга қўшиб оламиз. Кейин ўзингга ўхшаганларни етаклаб келасизлар, чўнтагини шиламиз, нима дединг?!

— Чўтири! — деган овоз келди ташқаридан меҳмон гапини тугатар-тугатмасдан. — Тухум босаяпсанми?!

Зўравон эшик томонга кўз ташлаб қўйди. Иржайди. Бироқ шу заҳоти башараси тундлашди.

— Бўл тез, икковинг ҳам, йўқса, ичакларингни бошингга салла қилиб қўяман. Мен сенларга маймун ўйнатяпманми?! — деб ўшқирди у.

Фирдавс учун ўзи мўлжаллагандан ўзга чора қолмаган эди. У чап қўли билан чўнтағини ковлаган киши бўлиб турди. Чўтири бир лаҳзага ундан кўзини узиб, Асқарга қаради.

— Сен нега иштонини ҳұллаб қўйган болага үхшаб ўтирибсан, соққани чўзмайсанми?!

Худди шу пайт қарс этган овоз эшитилди. Чўтири-нинг кўзи олайди. Бошидан отилиб чикқан қон сочла-ри орасидан сизиб ўтиб, юзига оқиб тушди ва гурс этиб ёнига қулади. Иккала йигитчанинг ҳам капалаги учеб кетди.

— Қочинг! — деди Фирдавс Асқарга кўзини олайтириб.

Ранги докадай оқариб кетган Асқар қарсиллатиб эшикни тепди-ю, ташқарига отилди. Унинг ортидан Фирдавс ҳам югуриб чиқди. Кўркув билан бирга ақли ҳам яшин тезлигига ишлаб кетди.

— Бер пулни! Бер! Фақат мен тўлайманми, касофат? Ўзинг бошлаб келгандинг-ку бу ёққа! — деб бақирарди у югуриш асносида.

Ҳовлида битта стол атрофини тўлдириб ўтирганлар ҳайрон бўлиб қувишаётганларга қарашибди. Кейин ўзаро кўз уриштиришибди. Улар гўё сеҳрлангандай қотиб қолишганди. Маишатпастларнинг айни аҳволи ўпкасини қўлтиқлаб қочаётган икки йигитга қўл келди. Иккови ҳам дарвозадан ташқарига чиқишга улгурисида.

— Чўтири! — деб бақирди ўтирганлардан бири.

Жавоб бўлмади.

— Нима бўлди? Нега индамаяпти?! Қовун тушириди-ми тағин?! — дейишибди ўтирганлар бир-бирларига. Сочи жингалак, соқол-мўйлови қиртишлаб олинган, лабига сигарет қистириб олган, елкалари кенг, Рожа лақабли йигит ўрнидан турди ва бармоқлари орасидаги сигаретни ерга ташлаб, товони билан эзди. Сўнг битта битта қадам босиб, чўтири чўзилиб ётган хонага борди ва ичкарига кирап-кирмас:

— Уриб кетишибди! — деб бақириб юборди.

Ўтирганлар ҳам шундай бўлганини тахмин қилишашётганди. Шу боис ҳаммаси отилиб турди. Ярми дарвона-за томонга, қолганлари Рожанинг ёнига югуришибди.

Қочаётганларнинг эса оёқлари ерга тегмаётганди ҳисоб. Улар ҳатто орқаларига қарашиб ҳам кўрқишар, иложи борича узокроққа кетишибга интилишарди. Бир маҳал олдинда кетаётган Асқарнинг оёғи нимагадир урилди-ю, умбалоқ ошиб тушди ва шу заҳоти додлаб юборди. Фирдавс тўхтаб, орқасига ўтирилди. Кенг, катта йўл. Турна-

қатор машиналар чироқларини ёқиб келишарди. Күнглида бир олам ҳадик бўлган йигит ҳансираб, Асқарнинг ёнига югуриб келди ва гужанак бўлиб, бошини чанглаб инқиллаётган шеригининг қўлтиғидан ушлаб кўтарди:

— Туриңг, туриңг, кеп қолишади, бўлинг тез! — дерди у ҳовлиқиб.

Боши асфальтга теккан Асқар тинимсиз инграр, ерга оёқ босишга ҳоли йўқ эди унинг. Фирдавснинг унинг тепасида ўйланиб ўтиришга вақти йўқ эди. Шу боис даст қўтариб олди. Бахтига Асқар қушдай енгил экан. Уни йўл четидаги йўлакка олиб ўтган Фирдавс дуч келган дарвозани қоҳа бошлади. Анча пайт-гача ҳеч ким жавоб бермади. Фирдавс эса жон ҳолатда эшикни тақиллатишда давом этди.

— Ким? — деган овоз эшитилди бир пайт.

Фирдавс товушнинг йўғонлигидан уй соҳиби ёши катта одам эканини фаҳмлади.

— Менман, амаки! Эшигингизни тезроқ очинг! Фирдавсман! — деди йигит дарвозага умид билан термилиб.

Уй эгаси дарвозасини тақиллатаётганинг овози ташвишли эканини сезди. Одатда, бунаقا пайтда у сира эшигини очмасди. Лекин дарвоза ортидаги йигит исмини айтди. Демак, қандайдир таниши. Эҳтимол, ноҳушроқ хабар олиб келгандир. Тоғасининг хотини оғир касал бўлиб ётувди. Бечоранинг жони узилганга ўхшайди. Мана шундай хаёлга борган хонадон соҳиби дарвозанинг кичик табақасини очиши билан Фирдавс ўзини ичкарига урди.

— Кимсан?! — деди қўрқиб кетган уй эгаси.

— Амаки, қутқаринг. Орқамиздан қувиб келишаяпти. Ушлаб олишса, ўлдиришади! — деди Фирдавс йифламоқдан бери бўлиб.

— Ким қувади? Нега қувади?!

— Безорилар, амаки. Пулимизни тортиб олмоқчи бўлишганди, қочиб қолдик. Биттаси қуваман деб, оёғини қайириб олди. Энди бизни соғ қўймайди. Ошнам ҳам йиқилди, ёрдам беринг, амакижон! Мана шу ерда, эшигингиз тагида озгина ўтирайлик!

Бемаҳалда келиб, унинг тинчини бузганларга бир муддат қараб турган киши дарвозанинг табақасини очиб, секин ташқарига қаради. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, ёпиб, зулфакни тортиб қўйди. Бу пайтда унинг хотини, иккита қизи ва ўғли ҳовлига чиққанди.

— Адаси, нима гап?! — сўради аёл овозини бир парда кўтариб.

— Ҳеч гап йўқ. Сув олиб кел, — деди хонадон эгаси хотинига. Сўнг Фирдавсга юзланиб: — Айвонга юр, — деб ўзи йўл бошлади.

Асқар ингради. Унинг бошидаги оғриғи чекиниб, энди ўзига келаётган эди.

— Мени пастга туширинг, — деди у инқиллаб Фирдавсга.

— Озгина шошмай туринг, — жавоб берди Фирдавс.

Улар айвонга етиб бормасларидан косани тўлдириб сув олиб келган аёл Асқарнинг бошидаги қонни кўрди-ю:

— Войбўй, — деб юборди, — нима бўлди ўзи?!

— Саёқ юргандан кейин шу-да! — деди йигитларни уйга киритган киши. — Назокат қани? Чакиринглар, дори-дармон қилиб қўйсин. Сен бўлса, бу ёқقا юр. Шошма, аввал сув ич.

Фирдавс аёлнинг қўлидаги косадан икки-уч ҳўплам сув ичди-да, кейин идишни қайтариб берди. Эллик ёшларга бориб қолган, соchlари қордай оппок, пешонасини ажин босган, бир умр эгилиб, этиқдўзлик қилганидан қадди хийла букилган, оёғига чориқ судраган, икки ўғил ва икки қизнинг отаси бўлган Неъмат исмли киши Фирдавсни уйига бошлаб кирди. Уларнинг ортидан ўн беш ёшли кенжатой ўғли — Ботир ҳам кирди.

— Бемаҳалда кўчада нима қилиб юрибсан? — дея сўради Неъмат aka Фирдавс кўрпачага ўтиргандан кейин.

— Ўқишига келувдим. Имтиҳонлар тугади. Мандатдан ўтдим. Шунга ошнам билан кинога тушувдик. Қайтаётганда шу ернинг нони яхши бўлади...

— Ада, — деди Ботир Фирдавснинг гапини бўлиб, — у ерда беш-олтитаси ин қуриб олган. Бегона одам пайдо бўлдими, дарров чўнтағини шилиб жўнатишади. Куни кеча битта болани четга чиқариб тепишаётганини кўрувдим.

— Йўғ-э, ҳалигина ўзим ўша ёқдан келдим. Ҳеч гап йўғиди-ку, — деди Неъмат ака ишонқирамай.

— Кўрмагансиз-да. Лекин булар, — деб Ботир Фирдавсни кўрсатди, — қандай қилиб қочиб қолишганига ҳайронман. Чунки у ергагиларнинг чаңгалига тушган одам осонликча қутулмайди. Биттаси ўтириб чиқсан, каллакесар. Унинг отини эшитган одам ёнига яқинлашмайди. Ўзича мафия тузиб олган.

Неъмат аканинг ранги ўзгарди. Бир ўглига, бир Фирдавсга қаради.

— Яна-чи, — дея гапида давом этди Ботир билагонлик қилиб, — бирортасига тегиниб қўйсангиз, тамом, топмагунча қўйишмайди. Топганларидан кейин...

— Бўлди, кўп сайрайверма, аканг қани? — сўради Неъмат ака қўнглига фулгула тусиби.

— Билмасам, ўша ёққа кетган, шекилли.

Неъмат ака бетоқат бўлиб, ўрнидан туриб кетди ва Фирдавснинг борлигиниям унубиб, ташқарига чиқди. Чорпоя устида Асқарнинг жароҳатини боғлаётган хотини билан қизига яқинлашди ва хотинини четга тортди:

— Бу ёққа юр.

Аёл эрига ҳайрон бўлиб бир қараб қўйгач, дарров чорпоядан тушди.

— Ўзинг қаерда? — сўради Неъмат ака нарироққа борганларидан кейин паст овозда.

— Қайси бири? — деди аёл алланечук бўлиб.

— Мараз. Қайсилигини ўзинг яхши биласан. Қаёққа чиқариб юбординг?! — деди Неъмат ака пўписа билан.

— Ҳалигина шу ерда эди. Менимча, ўртоқларидан бирортаси келган бўлса, ўша билан...

— Ҳаммангни уриб ўлдираман! Ерга тиқаман! Ҳозироқ топиб кел!

Аёлнинг уни ўчди. Бунақа пайтда гап қайтариш қандай оқибатларга олиб келишини у жуда яхши биларди. Эри уни четга чақиргандаёқ юраги нохушлик борлигини сезган, бу нохушлик ҳарбий хизматдан яқинда қайтиб келган катта ўғли Умид билан боғлиқлигини ям тахмин қилганди.

У секин ортига бурилиб, жароҳатни боғлаб булаёзган қизининг ёнига борди ва Назокатга мўлтирабгина тикилди.

— Уфф, — деди Назокат сигарет чека бошлаган отаси томонга норози қараб қўйиб, — бошладиларми яна?

— Жим. Ишингни битирган бўлсанг, ичкарига кириб, Ботирни айтиб чиқ. Бир жойга бориб келишимиз керак.

Назокат чорпоядан тушди. Худди модель қизлар каби нозланиб қадам ташлаб, уйга кирди. Кирди-ю, кўзи Фирдавсга тушди. Терлаб кетганидан соchlари ҳўл бўлган йигитча жудаям кўзга яқин эди. Кутимагандан қизнинг юраги гупиллаб уриб кетди. Нимага келганини унутиб, бир муддат туриб қолди.

— Ҳа, опа, қоққан қозиқдай туриб қолдингиз, — деди унинг туришидан жаҳли чиққан Ботир.

— Ҳалиги, — дея бироз довдиради қиз, — ойимлар сани чақирайтилар, бир жойга бориб келарканлизлар.

Ботир ўрнидан туриб, ўзи билан бирга опасини ҳам етаклаб, ташқарига чиқиб кетди. Қиз чиройли эди. Юзлари сутга чайилгандек оппоққина, қоп-қора соchlари елкасига тушиб турарди. Елкалари очиқ кўйлак кийиб олган. Бир қараашдаёқ ҳар қандай эркакни ўзига ром этарди. Лекин Фирдавс унга қараёлмади. Қиз билан кўзлари тўқнашган заҳоти нигоҳини олиб қочди.

Орадан ярим соатча ўтиб, Неъмат ака Фирдавс ўтирган хонага қайтиб кирди. Унинг қошлари чимирилганидан фазаб отини эгарлагани кўриниб турарди. Фирдавс дик этиб ўрнидан турди.

— Амаки, ошнам ўзига келган бўлса, биз кетайлик. Тинчингизни бузганимиз учун узр.

Неъмат ака тўлиқиб турганди, шу боисдан индамай ортига бурилди.

Айвонга чиқишгач, Асқар ёрдам бергани учун Неъмат акани ўзининг раҳматлари билан кўмиб ташлади.

— Бўпти, — деди яна битта сигаретни лабига қистирган Неъмат ака, — кечаси юрманглар, саёқ юришнинг оқибати ёмон бўлади. Ўқишига кирдингми, яхши қилибсан. Энди ётогингдан чиқмай, дарсингни қилларинг.

— Амаки, ўзимиз ҳам роса пушаймон бўлдик. Сизга катта раҳмат, — деди Фирдавс қўлини кўксига қўйиб. Сўнг Асқар билан дарвоза томонга юрди.

Ховлидан чиқиб, бирор йигирма қадамча юрганларидан кейин иккиси ҳам таққа тұхтади. Чунки уларнинг шундоққина рўпарасида тўрт киши гаплашиб туришар, гап оҳангি бузукроқдай эди. Янаям аниқроғи, улар тортишаётганга ўхшашарди. Улардан бири Фирдавснинг кўзига таниш кўриниб кетди. «Уни қаерда кўрган эканман?.. Вокзалдами ёки анави ошхонадами?» деб ўйлаган йигитнинг кўнглига хавотир оралади.

\* \* \*

Достонни бўлимга келтириб, дарҳол камерага тиқиб қўйишиди. У ҳам индамай кирди-ю, деворга орқасини тираб ўтириб, чуқур хўрсинди: «Қанча-қанча қамоқларга чап бериб кетгандим. Барибир, пешонамда бор экан, ўтириб чиқишим шарт экан. Начора. Лекин аввалроқ қамалиб чиққанимда, яхши бўларди. У пайларда ташвишим камроқ эди. Отам, онам бор эди. Тўғри, уларнинг сиқилишлари турган гап эди-ю, лекин яшашга қийналишмасди. Бир-бирига суюнчиқ бўлишарди. Ҳозир... ҳозир эса Моҳирўй оғир касал, уйда қизим ёлғиз қолган, бу ёқда Фирдавс... Агар у ўқишига кирса ҳам, кейинчалик, барибир, обрўли жойларда ишлолмайди. Қамалган одамнинг боласини ким ҳам ички ишларга қабул қиласарди?.. Эрта бир кун қийналиб юрмасин, кўзга кўринмас тўсиқларга дучор бўлмасин, деган мақсадда уни ўзимнинг фамилиямга олгандим. Бўлмаса, Фаррухнинг фамилиясида юрса ҳам бўларди. Ҳарна отасидан ёдгорлик... Лекин... Ҳа, майли... Манави айбловни эса ўлсам ҳам бўйнимга олмайман. Қани, исботлаб кўрсин-чи. Бир неча йил олдин ўлдирилган одамнинг қотилини топишнинг ўзи бўлибдими? Ҳа, мен... тўғрироғи, хотиним уни ўлдириб қўйди. Лекин атайлаб қилмади. Ўзини, мени муҳофаза қилиш учун шундай ишга қўл урди у. Аслида, ўша одам бундан-да баттарроқ жазога лойиқ эди. Ҳар қалай, дунёда битта бўлсаям зааркунанданинг камайгани яхши. Бунинг учун Моҳирўйни сираям айбламайман!» дея хаёлидан ўтказган Достон кўзини юмди. Бироздан сўнг де-ворнинг захи елкасидан ўтиб, эти жунжикди. Ўрнидан

туриб, камера бўйлаб у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Шу маҳал эшик шарақлаб очилиб, шапкали иккита йигит кириб, унинг ташқарига чиқишини буоришиди. Достон йўлакка чиқиб, юзини деворга қадаб, иккала қўлини ҳам орқасига олди. Йигитлар камера эшигини қулфлаб, уни Хотамтой ўтирган хонага олиб боришиди. Қўлига география ўқитувчиларининг харита кўрсаткич таёқчасини ушлаб олган Хотамтой столга ястаниб ўтириб, бурқситиб сигарет чекарди. Унинг оғзидан чиқаётган паға-паға тутун хонани эгаллаб олганди. У Достонни кўриши билан бармоқлари орасидаги сигарет қолдигини қулдонга эзганча ушшайди.

— Димоги баланд йигит, келинг, — деди гүё ҳазиллашган бўлиб. Шу аснода қоровул йигитларга қўли билан «чиқаверинглар», деб ишора қилди. Достоннинг энсаси қотди. Иккинчи томондан жаҳли чиқди. Тишларини бир-бирига босиб фичирлатди. Хотамтойнинг «G» ҳарфини ифодаловчи столининг паст томонидаги эски стулга индамасдан ўтириб, бошини эгди.

— Ўпканг жойига тушдими, баччагар? — деди Хотамтой унга ўқрайиб.

Достон илкис бошини кўтарди. Унинг кўзлари ўт бўлиб ёнаётган эди. Унга қўйиб берса, шу тобда манави турқи совуқни тепкилаб ташларди. Лекин қони қанчалик кўпирмасин, ўзини босишга мажбур эди. Азбаройи хотини ва бола-чақасининг тинчи учун ҳам шунга мажбур эди у.

— Жа бурро-бурро тилинг бориди-ку, қаерга йўқолди? Ё... бир соат камерада ўтириб, иштонингни ҳўллаб қўйдингми? Ҳе, сендақа ғудайганни...

Хотамтой сўқинди. Сўкканда ҳам ўхшатиб сўқди. Достоннинг суякларигача қақшаб кетди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Шунда ҳам жойидан қимирламади. Бир нуқтага тикилиб ўтираверди.

— Индамайсан-а, индамайсан... Ҳали шундай сайрайсанки... Индамай қаерга борардинг, ит?

Хотамтой ўрнидан туриб, битта-битта қадам босиб, Достоннинг ёнига келди. Қўлидаги таёқчани айлантириб ўйнади. Шу аснода Достоннинг аввал айтган гап-

ларини бир-бир хотирлади. Азбаройи ўзининг қонини баттар қиздириш, раҳм-шафқатдан узоқлашиш учун ҳам атайлаб шундай қилди. Сўнг таёқча ҳавога кўтарилди.

Зарба жуда қаттиқ эди. Достоннинг елкаси зирқираб кетди.

— Ҳайвон! — деди у титраб. — Қанча саваласанг савала, лекин иккинчи марта оғзингга сўкишни олма, йўқса, мен ўзимга жавоб беролмайман!

— Эй, ҳали сен бўйни йўғон, ўзингга келмадинг-ми? — дея ўшқирган Ҳотамтой уни аямай савалашга тушди. Достоннинг орқаси таёқ зарбидан ёрилиб кетди. Шунда ҳам у кўзини чирт юмид, миқ этмай чидади. «Оёғимга ётиб ялинади. Керак бўлса, туфлимни тили билан тозалаб қўяди», дея хаёл қилган Ҳотамтой Достонни ҳолдан тойгунча савалади. Сўнг чучварани хом санаганини тушуниб етди. Шундай бўлса-да, Достоннинг иродасига қойил қолганини сездирмаслик учун савалашда давом этди. Таёқча синди. Шундан кейингина у уришдан тўхтади. Тўхтади-ю, эшик томонга юзланди. Қорувул йигит унинг қилаётган ишини кузатиб турганини кўриб:

— Нега рухсатсиз кирдинг?! — дея бақириб юборди аламидан зўриқиб.

— Шеф чақирайпти. Областдан одам келган, тез бораркансиз, — деди елкасига икки йўл сариқ лента ёпиширилган сержант.

Ҳотамтой сергакланди, бурнини тортиб қўйди-да:

— Манавини, — деди ижирғаниб Достонни кўрсатаркан, — камерага тиқиб қўй, кейин гаплашаман, ҳозирча дамини олиб турсин!

Достоннинг боши айланиб, йиқилиб тушаёзди. Азбаройи гўрсўхтанинг оёқлари остида чўзилиб қолмаслик учун бутун кучини йиғиб, оёғида маҳкам турди. Сўнг сержантнинг буйруғи билан маст одамлардай тебранив, хонадан чиқиб кетди.

Ҳотамтой кийимларини тартибга солиб, дастрўмали билан пешонасидаги терни артди. Чукур-чукур нафас олди. Сигарет тутатиб, икки-уч дафъа тутун ютди. Шундан сўнггина бошлиқнинг ёнига кетди.

Бошлиқнинг креслосида вилоятдан келган киши ўти-  
рарди. Ҳотамтой унинг елкасига кўз ташлади. Учта катта  
юлдуз — полковник, демак, кичкина одам эмас. Ками-  
да каттароқ бўлинманинг бошлифи. Ҳотамтой унинг  
олдида пашшадай бир гап.

У чаккасига бармоқларини тираб, салом берди.

— Шу йигитнинг участкасида содир бўлған ўша  
қотиллик, — деди у кириб келиши билан бошлифи пол-  
ковникка.

— Бунинг йигитлиги қолмабди-ку, — дея жилмайди  
полковник. — Бу дейман, хотинининг ўрнига иккиват  
бўлволганми?

Унинг гапига бошлиқ ёйилиб кулди. Ҳотамтой ҳам  
ноилож тиржайди.

— Хўш, йигит, — дея гап бошлади полковник Ҳотам-  
тойга бошдан-оёқ назар ташлаб олгач, — топдингми  
қотилни?

— Бугун шубҳали бир одамни олиб келдим. Меним-  
ча, ўша қотил. Уйига боришим билан хотини ўзидан  
кетиб қолди. Бўлмаса, эрталаб эди, — жавоб берди фоз  
туришнинг эпини қилолмаётган Ҳотамтой.

— Ким экан ўша шубҳали одам?

— Достон Парпиев — чўпон.

— Нима? — кўзи олайиб бақириб юборган полков-  
ник Миразиз Файзиевич ўрнидан туриб кетди. — Яна  
бир қайтар!

— Достон Парпиев! — деди Ҳотамтой ўзининг бош-  
лифига қараб кўйиб.

— Қани у?

— Камерада, ўртоқ полковник.

— Бошла!

Ҳотамтой Достонни қидирилаётган хавфли жиноятчи  
бўлса керак, деб ўйлади. Ахир полковникнинг ранги бир-  
дан ўзгариб кетди-ку. Ҳатто ўрнидан сапчиб турди. «Ўҳ,  
Ҳотамтой, кунинг туғди! Амалинг ошади энди!» деган ўй  
ўтди унинг кўнглидан ва ўзига ярашмаган чақонлик би-  
лан ортига бурилди-ю, эшикни очиб, йўл бошлади.  
Миразиз шошарди. Шошгани сайин юраги гупиллаб  
урар, оёқлари қалтиарди.

Юзига тушган ёрглиқдан Достоннинг кўзи қамашиди. У деворга суяниб, зўрға ўрнидан турди.

Миразизнинг лаблари титрарди.

— Достон! Дўстим! — деди у ва кела солиб, чўпонни бағрига босди.

— Имм! — деб юборди Достон оғриқча чидолмай.

Миразиз бирдан уни бағридан бўшатиб, юзига синчков тикилди:

— Нима бўлди?

— Елкам!

Хотамтойнинг юраги товонига тушиб кетганди. У оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолди. Бир бошлиғига қарайди, бир икки қадам нарига боради, яна дарров изига қайтиб келади.

Гап нимадалигини англаган Миразиз:

— Қани юр, бу ер сен ўтирадиган жоймас, — деб дўстини ташқарига бошлади.

Бошқарма бошлигининг хонасига киришгач, у ортидан келаётганларнинг икковини ҳам ҳайдаб солди.

— Ҳозирча сизлар бўшсизлар, — деди у ўқрайиб. — Лекин ҳеч қаерга кетиб қолманглар. Ўзим чақираман.

Миразизнинг кўзидаги қатъиятни кўриб, бошлиқ билан Хотамтой ортига тисарилди.

Достон бир амаллаб стулга ўтириб, дўстига қараб алами жилмайди. Ўпкаси тўлди. Гапирса, кўзидан ёш оқиб кетишини сезиб, лабини тишлаб, беихтиёр бошини эгди.

— Достон!.. — деди унга тикилиб турган Миразиз.

Шундай деди-ю, бошқа сўз айтольмай, жим бўлиб қолди. У нима дейишни билмасди. Бошқа пайт, бошқа жой бўлганда-ку, гап топарди. «Чўпон бойларга саломлар», дерди ҳайқириб. Энди нима десин? Достон жиноятчи сифатида шубҳа билан қўлга олинган, бунинг устига, ўтмиши ҳам мақтагулик эмас...

— Саволларни кейинга қолдирамиз. Ошнам, қани, сеқин устингдагини ечгин-чи, — деб унинг ёнига келди Миразиз.

Достон бош чайқаб:

— Керак эмас, — деди.

— Керак. Керак бўлгандаям, жуда керак, — дея у ошнасининг ёқасини озгина кўтарди. Қизариб, қава-

риб турган калтак изига күзи тушиб, эти жимиirlаб кетди.

— Тушунарли, ечинма, ҳақиқатан ҳам керак эмас экан, — деди у хұмрайиб, сұнг тез-тез юриб әшикни очиб: — Пұлат Сайдакбаров! — деб чақирди.

— Лаббай, ўртоқ полковник! — деган овоз келди ташқаридан.

— Анави изқуварингиз билан бирга келинг!

Хотамтойнинг ичи тұқилиб бұлаёзганди. Ахир кимсан — вилоятдан келган полковник у шубҳа остига олған одамни дұстим деб турса... Ҳатто қучоқлади ҳам. Демак, қадрдони. Демак... Хотамтой хатога йүл қўйган.

Миразиз Хотамтойга еб қўйгудек тикилди. Шу қарашнинг ўзидаёқ Хотамтой иштонини ҳўллаб қўяёзди.

— Нимага асосланиб шубҳаландингиз, ўртоқ катта лейтенант?! — деди ғазабини ичига ютиб.

— Уйига борганимда, хотини бирдан ўзидан кетиб қолди. «Мени кўриб, кўрқиб кетди», деган хаёлга бордим, ўртоқ полковник, — жавоб берди Хотамтой.

— Кейин сиз қўлига киshan уриб, бу ёққа олиб келдингиз.

— Касалхона ёнида қўлга олдик, ўртоқ полковник.

— Шубҳандан бошқа гувоҳинг, даилинг борми?

Хотамтой жавоб беролмади. Қалтираб кетди.

— Жавоб беринг, ўртоқ катта лейтенант! — деди тоборағазаб отига миниб бораётган Миразиз.

— Йўқ.

— Үнда сен итга бегуноҳ одамни савалашга ким ҳуқуқ берди?

— Айборман, — дея бошини эгди Хотамтой.

— Айборман? — дея аччиқ кулди Миразиз ва майор Пұлат Сайдакбаровга юзланиб: — Айборман, — деб Хотамтойнинг гапини яна тақрорлади.

— Эшак! — деди майор ҳам эшитганларидан аччиқланиб, Хотамтойга юзланар экан.

— Демак, жиноятнинг яқинига ҳам йўламаган оддий чўпонни олиб келиб, обдан савалаб, йўқ жойдан бўйнига айб қўйиб, қаматиб юбориш эвазига лавозим, юлдузча олишни хоҳлабсизда, а, ўртоқ катта лейтенант? — деди

Миразиз кинояли овозда ва унинг ёнига келиб, икки елкасига икки қулини қўйди. — Сенга ўшаган ипирис-қиларнинг бунаقا погонни кўтариб юришга ҳаққи йўқ! Билдингми?! — деб Ҳотамтойнинг елкасидаги погонни юлиб олди.

Ҳотамтой сувга тушган мушукдай шалвиради. Алам, ўқинч билан ерда ётган погонларига тикилди. Кўзидан оқаётган ёшлари томчилаб полга тушди.

— Амалини суиистеъмол қилиб, бегуноҳ одамни шафқатсизларча калтаклагани учун собиқ катта лейтенант жиноий жавобгарликка тортилади, — деди Миразиз Пўлат Сайдакбаровга юзланиб.

— Ўртоқ полковник, — деда титраб-қашқаб Миразизга юзланди Ҳотамтой, — илтимос, кечиринг. Сизнинг дўстингиз эканлигини билмабман.

— Агар менинг дўстим бўлмаганида, bemalol қамаб юборардинг-да, шундайми?! — деди Миразиз тутоқиб.

— Йўқол кўзимдан! Бўлмаса, калтаклаш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман!

Пўлат Сайдакбаров Ҳотамтой билан бирга чиқиб кетди. Бу пайтда пешонасида реза-реза тер пайдо бўлган Достоннинг иситмаси қўтирилаётганди. У бошини зўрға қўтариб, дўстига қаради. Куруқшаган лабларини базўр қимиirlатиб шивирлади:

— Менинг даъвом йўқ.

— Лекин давлатнинг даъвоси бор. Бунаقا ит эмгандар салла деса, калланиям қўшиб олиб келишади! Йўқ жойдан айбизни айбдор қиладиганлар орамизга кириб олганини эшитсан, кўрсан, мана шу касбни танлаганимга пушаймон бўп кетаман. Бу ит бизнинг соҳа одамимас, институтнинг меҳнат факультетини ёки кўпи билан физкультурнийни битирган. Қонун-қоида булар учун ёт. Қайсиdir акаси, танишими, тоғасими ишга жойлаб қўйган. Мана энди бунақалар одамларнинг шўрини қуритиб юрибди... Қара, бекордан-бекорга сенинг бўйнингга қотилликни илади. Узоқ муддатга қаматиб юборади. Агар чўнтагини тўлдириб қўйсанг, сендан айловни олиб ташлайди. Тўлдирмассанг, бир калтаклайди, икки калтаклайди... — Миразиз гапдан

тұхтаб, Достонга тикилиб қолди: — Шошма, Моҳирүйга нима бұлды? Нега унинг мазаси қочади? Үзи қаерда ҳозир?!

Достон бирдан жавоб бермади. Аввал Миразиздан сигарет сұраб, тутатди. Бир муддат индамай чекиб үтириди. Миразизнинг тоқати тоқ бұлса ҳам, сабр-бардош билан күтди.

— Микроинсульт, — деди, ниҳоят, Достон тилға кириб.  
— Микроинсульт? — дея Миразизнинг пешонаси тиришиди. — Ҳозир ахволи қандай?

— Үзига келди. Құзини очди. Ҳозир яхши.  
— Нима бұлды үзи?

— Билмадим. Анча үзини олдириб қўйган. Умрида рўшнолик кўрмади. Фирдавс ўқишига кетган, шунгаям сиқилиб юрибди.

— Фирдавс, — деди бирдан юзи ёришган Миразиз, — шунча катта бола бўп қолдими?

Достон сўзсиз бош иргади.

— Руҳшона «мен ҳам борай» деб ҳоли-жонимга қўймаганди. Моҳирўйни соғинибди, Фирдавсниям... Ана келаман, мана келаман, дейман, лекин иш деб, бошқа ташвишларни деб сизларни бирровга кўрганиям келолмадим, — деди Миразиз афсус билан.

— Келганингда, мен бунақа ахволда ўтирибман. Уйда бўлганимда, оёгингнинг тагига қўй сўядим, — деди Достон тутунни ичига тортаркан.

— Ҳалиям сўясан, ошна. Бугуноқ уйингта борамиз, ҳар ҳолда, мен меҳмонхонада қолмайман-ку, тўғрими? Уйингача бу ердан бир соатлик йўлми? Аввал Моҳирўйни қўрамиз... Йўқ, ҳозир у ухлаётгандир, безовта қип кўямыз, соат ҳам ўндан ошиб қолди. Кетдик энди, огайни.

Улар ёнма-ён юриб, ташқарига чиқишиди. Достон юришга қийналаётгани учун Миразиз унинг тирсагидан ушлаб, юришига ёрдамлашди. Йўлакда бошқарма бошлигига дуч келишди.

— Бир пиёла чойимиз бор, ўртоқ полковник, — деди у бироз хижолат бўлиб.

— Раҳмат, Пўлат ака, оғайнимнинг уйига бораман. Қўришмаганимизга анча бўлган, озгина чақчақлашай-

лик. Сиз бемалол ишингизни қиласирилди, анави хумпар бизнинг соҳада бошқа кўринмасин, нима қилишини ўзингиз биласиз, — деди Миразиз унга.

Машина бироз юргандан кейин Достон Миразизга уловни тўхтатишни илтимос қилди. Миразиз савол назари билан дўстига қаради.

— Мехмоннинг олдига битта ароқ қўйишим керакку, — деди Достон кулишга уриниб.

— Ундан хавотирланма, оғайни, биз ўзимиз билан запас олиб юрамиз, — деб кулимсираб тезликни ошириди Миразиз.

Достоннинг уйига етиб келишгунча деярли гаплашишмади. Аслини олганда-ку, бир-бирига айтадиган гаплари жуда кўп эди. Лекин икковиям шу тобда гапни нимадан бошлашни билмасди. Достон икки-уч марта босиб-босиб сигарет тутатди. Назарида ҳаво етишмарётгандек туйилаётганди. Устига-устак, иситмаси ҳам бор эди. Лекин дўсти билан бирга кетаётиб, иситмаси тушганини ҳис этиб, енгил тортиди.

Қўшниларникида игнанинг устида ўтиргандай безовта бўлаётган Моҳина уйларига машина келганини кўриб, оёғини қўлига олиб югурди. Дадаси билан бирга келган одам машинадан тушиб, уйга яқинлашиб қолганда, қиз ҳам етиб келди.

— Дадажон! — дея кела солиб, Достоннинг бўйнига осилди Моҳина.

Достоннинг моматалоқ бўлган бадани зириллаб, афти бужмайди. Коронги бўлгани учунгина қиз отасининг юзидағи ўзгаришни кўрмади.

— Аям яхшими?! — сўради у ҳовлиқиб.

— Яхши, қизим. Ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетади ҳали, — жавоб берди у лабларини зўрга қимирлатиб.

— Эй, кап-катта қиз бўп кетибди-ку бу, — деди отаболага ҳавас билан қараб турган Миразиз. — Бўйлари анча чўзилибди.

Моҳина унга юзланиб, салом берди.

— Қизим, дарров ўчоққа олов ёқ, чой дамла, бу амакинг менинг энг яқин ўртоғим бўлади, — деди Достон Миразизни кўрсатиб.

Қизнинг кўзлари порлади. Ахир у дадасининг энг яқин дўсти борлигини сира эшитмаганди-да. Шу боис бирдан қувониб кетди ва иштиёқ билан ўчоқбошига югорди. Икки оғайни уйга кириши. Достон дарров дастурхон ёзди. Қанд-қурс, нон қўйди. Куйдирилган сариёғга аралаштириб қўйилган яхна гўштни лаганга солиб олиб келди. Кейин Миразиздан узр сўраб, ароқнинг қаерда турганини айтиб юборишини илтимос қилди. Ҳа, айнан илтимос қилди. Негаки, у шу ёшгача ҳали сирам мөхмонга ўзининг ароғини олиб келиб ичирмаганди.

Моҳина чой дамлаб келгунча икки пиёладан тўлдириб-тўлдириб ароқ ичишди. Достон тетиклашиб қолганди. Унинг тетиклиги ичаётган аччик суюқликка боглиқ эмасди. Ёнида қадрдан дўсти борлигидан, бошига кулфат тушиб турган бир пайтда пайдо бўлиб, қўллаб юборганидан мамнун эди у.

Кун бўйи оч юрган эмасми, тезда Достоннинг боши қизиб, кайфи ошди.

— Оғайни, — деди у чойни қайтараётиб, — маст бўлгунча ичмоқчиман.

Бу гапни эшитган Моҳинанинг ичидан зил кетди. Зеро, у аввал сира бундай гапни эшитмаганди. Илгарилари ҳам дадасининг ичганини кўп кўрган, лекин у бир пиёла, кўпи билан икки пиёла ичарди. Бунақа маст бўламан, деб қасд қилмасди. «Аямнинг аҳволи яхши эмасга ўхшайди», дея хаёлидан ўтказди Моҳина дадасига ташвишланиб қараб қўяркан.

— Оғайни, буни ўлгудай ичиб, барака топган одамни шу пайтгача эшитмаганман. Меъёрида бўлгани яхши. Ҳали сен билан қанча гапларимиз бор. Қара, қизингниям анча бўйи чўзилиб қопти. Худо хоҳласа, уни ўзим шаҳарга опкетаман.

Достон уй тўрида китобга тикилиб ўтирган қизига кўз ташлади.

— Менинг жигарим-ку бу. Бу қиз бўлмаса, мен ўлиб қоламан... Сен ўтириб тур, мен ҳозир, — деб Достон билганидан қолмай, Миразизнинг машинасидан тағин битта ароқ олиб келди. Ошнаси билан яна бир пиёладан ичди. Ана ундан кейин ҳасратини тўкиб солди:

— Фирдавс ўқишига ҳужжат топшираман деб кетганига бир ойдан ошиб кетди. Биламан, у укамницида, шунинг учун қўнглим хотиржам, ҳозир имтиҳонлариниям топшириб бўлгандир. Эрта-индин келиб қолади. Лекин Моҳирӯй шунгаям сиқилиб юрувди. Уйга анави падарингга лаънати келгандан кейин ростдан ҳам қўрқиб кетди, — деб Достон Моҳина томонга кўз ташлади.

Киз бошини ёстиққа қўйганча пишиллаб ухлаб қолганди.

— Фаррухнинг ким бўлганини яхши биласан, — деб Достон паст овозда гапини давом этказди, — мениям ёшлигимда нима ишлар қилганимдан хабардорсан. Шунинг учун Моҳирӯй сиқилиб кетди. «Отасининг изидан бормасайди», деб ўғлидан хавотирланади. Участковой келганида, ана шунинг ўйи тутиб, мазаси қочди. Бечора ўғлим бирон нимани бошлаб қўйдими, деган хаёлга борибди.

Миразиз Достоннинг гапларига заррача бўлсин шубҳаланмаётганди. Шу боисдан унинг сўзларини диққат билан эшиштар, тутуриқсиз Хотамтойни ғажиб ташлагиси келарди.

— Ташвишланма, оғайни, бундан бу ёғига бирор мушугингни пишт демайди. Тозагина ишлаб юрибсан, бирорга оғирлигинг тушаётгани йўқ. Тухмат ёмон нарса. У одамнинг ҳаётини остин-устун қилиб юборади... Ҳа, эсимдан чиқаёзибди, Фирдавс қайси ўқишига кирмоқчийди?

Достон жавоб беришдан аввал ўртогига қараб олди. Юзида жилмайиш аломатлари пайдо бўлди.

— Ҳали-бери пенсияга чиқмайсанми? — деди ҳазиллашиб.

— Бирор ўн йил ишларман, нимайди?

— Ажабмас, уни ўзингга шогирд қилиб олсанг.

— Нима, юридическийга кирмоқчими?

— Шундай, аяси иккаламиз роса қаршилик қилдик. Мундайроғини танла, одам билан ишлаш қийин дедик. Лекин ўжар, кўнмади.

— Зўр қипти. Ўзим унга йўл-йўриқ қўрсатаман. Ҳа, эртага тушга яқин шаҳарга кетаман. Бориб, обязательно топаман. Ота уйида турибдими ҳозир?

Достон «ҳа» дегандек бош ирғаб, шишага құл узатадында, Миразиз чаққонлик билан ундан олдин шишиши олиб қўйди.

— Бўлди, етади, оғайни. Мана, яхши гаплашиб ўтирибмиз. Кечаси билан бошни оғритиб чиқиш шартми?

— Бўпти. Мени кимни ўлдирганликда айбламоқчи бўлишувди?

— Уми? Ростини айтсам, ўша маразнинг кўкрагига қаҳрамонлик юлдузини тақиб қўйиш керак. Экспертиздан ўтказдик. Ярамас, ўн йилдан бери қочиб юрган ашаддий жиноятчи бўлиб чиқди. Унинг ҳисобида еттига қотиллик, ўн бешта номусга тегиш, талончилик, ўгрилик... Эй, санасанг, адоги йўқ. Бунақа одам осонлик билан ўлим топмаслиги керак, терисини шилиб, туз босиш керак, ана ундан кейин ўлдириб ташласаям бўлаверади. Иш, барибир, ёпилади. Ўлдирган одам, барибир, ўзининг ҳамтовоқлари, чунки бу яқин орадагиларнинг унга кучи етмаслиги аниқ. Устига-устак, ўлдирилганига анча бўлган.

Достоннинг хаёлида Моҳирой уни ўлдираётгани намоён бўлди.

— Қўй шу нарсани. Бундан кўра ўзингдан гапир, чўпонлик қийин эмасмикан? — деди гап ўзанини бошқа томонга буриш мақсадида Миразиз кулиб.

— Маза. Қўй деган жонивор шунақа беозор бўладики, қаёқча бошласанг, шу ёққа юради. Бу ёғи кенг дала, кўпайшиям осон. Ҳар қалай, бу ёқларга келиб қолганимдан пушаймон емаган эдим.

— Тушунарли. Рухшонага айтсам, мениям ишдан бўшатиб олиб, тўғри шу ёққа бошлаб келади. Қўй боқамиз, дейди. Бу ернинг ҳавоси тозалигини айтмайсанми? Айтганча, болалардан нечта бўлди?

— Учта. Икки ўғил, бир қиз. Қиз биздаям кенжатой. Шу йил тўққизга кирди, — леб Достон яна бир карра Моҳинага қараб қўйди.

— Устини ёпиб қўй, совуқ қотади. Энди биз ҳам оёқни узатсак бўларди. Эртага қиласиган ишларимиз кўп.

Миразиз Фирдавснинг хонасида ётди. Ўзиям кун бўйи юраверганидан бу ёғи ярим кечагача ўтириб, роса чарчаган экан, боши ёстиққа тегиши билан уйқуга кетди.

Эртасига икки ошна қўёш бир тут бўйи кўтарилганида, йўлга отланиши. Миразиз: «Соат саккиз яримда йиғилишим бор, унгача Моҳирўйдан хабар олсан, яхши бўларди», деб эрта кундан отланиб олди. Достонга қўисаку, дўстини бир-икки кун меҳмон қўлгиси бор эди, аммо бориб, хотинидан хабар олмаса бўлмайди. У оғайнисидан яқин кунларда бола-чақаси, хотини билан бирга келиш ваъдасини олгач, ноилож йўлга отланди. Кетар асносида Моҳина ҳам: «Аямни кўриб келай», деб оёқ тираб олди. Достон уни зўрға алдаб-сулдаб уйда қолдирди.

Касалхонага кираверишда ёши қирқлардан ошиб қолган ҳамшира уларни тўхтатди.

— Сизни дўхтирлар кечадан бери қидиришаяпти, хотинингизнинг аҳволи оғир, — деди Достонга юzlаниб.

\* \* \*

— Орқага қайтамиз, — деб Фирдавснинг енгидан торти Асқар, — такси тўхтатайлик.

Неъмат ака уйига кириб кетмаган, дарвозадан чиқиб, уларнинг ортидан кузатиб турган экан. Атрофга аланглаган Фирдавснинг унга кўзи тушиши билан кўнглида аллақандай хотиржамлик пайдо бўлди.

— Ҳа-а, — деб кулди Неъмат ака йигитларга яқинлашиб, — юрак дов бермаяптими? Қуён ҳам қадимда мард бўлган, сенларга ўхшаб.

— Нон олиб кетишими керак эди, бўлмаса кечаси билан оч қоламиз, шунга... орқамизга қайтувдик, — деди Асқар.

— У ёққа борманглар, пишириб қўйгани йўқ. Уйга киринглар, иккита нон бўлса, менинг уйимдан ҳам топилади, — деб Неъмат ака уларни уйига бошлади.

Назокат ширин хаёллар оғушида айвон устунига суваниб турарди. У ҳозиргина кўрган, оний лаҳзада шайдо бўлиб қолган йигитни яна кўргиси келаётганди. Шу боис отасининг ортидан кириб келган Фирдавсни кўриши билан юраги ҳаприқиб кетди.

— Назокат, — деди юриш асносида Неъмат ака, — уйдан иккита нон олиб чиқ.

Назокат қувнади. Югуриб уйга кириб, дарров ортига қайтди. Фирдавсга үз құли билн нон тутқазишина истади. Отаси «бер» деса қанийди! Лекин ота құрғур: «Қизим, нонингни үз құлинг билан йигитларга бер, токи улар бизнинг үйдан нон олиб кетишганини бир умр эслаб юришсан», демади-да... Қизнинг құлидан нонни олиб, айнан Назокат ёқтириб қолган йигитта узатди.

— Пули қанча? — сүради йигит.

— Пулини кейин берасан. Амалдор бүп кетганингда, ёнингга бораман, үшанды берасан.

— Менинг амалдор бұлишимни қаердан биласиз?

— Турқинг айтиб турибди, бола. Бергандан кейин олмайсанми?! — деди Неъмат ака тұтоқиб.

Фирдавс унинг құлидаги нонни ноилож олди.

— Юрларинг, үзим сенларни таксига үтқазиб юбормасам, яна битта ишқални бошлайсанлар, — дея үйнинг хұжайини уларни күча томонға бошлади.

Дарвозадан чиқиши билан саёқ юришни одат қилған үғлиға дуч келди. Унинг ёнида яна үзи тенғи бир йигит бор эди.

— Эшак, қайси гүрдан келаяпсан?! — деди ота овозини бир парда құтариб.

Үғил билан унинг ёнидаги шериги бир-бирига қараб, маңноли күз уриштириб олишди. Ота уларнинг күз қарашини бошқача тушунди. Яъни «Менинг үрнимга сен гапи्र ёки бу ёғига қандай баҳона топамиз?» қабилица.

— Сен бола одам бүлмадинг. Саёқ юришга одатланып кетаяпсан. Мен сен итваччани қанча азоб билан, не-не машаққат билан боқаётганимни биласанми?! — деди ота бу сафар бироз зарда билан.

— Ада. Ҳечқиси йўқ. Яқинда ҳаммасидан қутуласиз, үзим бутун оиласизни боқаман. Пул деганини уйга қоплаб ташийман, — дея ғұдайды үғил.

— Менга сенинг ҳаром пулинг керакмас. Ҳали сен мараз, анави күча безориларга құшилиб юрибсанми?

— Ада, нега унақа дейсиз? Ҳамма одам, — деб у Фирдавсга юзланды ва унинг биқинига күрсаткіч бармоғи билан никәттаб, — манавиям, — дея құшиб қыйди.

Ота күз ўнгидан үз үғлини эмас, сурбет күча безори-

сини күриб тургандай бир сесканди. Ич-ичида изти-  
робли, қийноқлы оғриқ пайдо бўлди ва қийналиб на-  
фас оларкан, бир қўлини чап кўкраги устига қўйди.

Бу пайтда Фирдавсга мафтун бўлиб қолган қиз ай-  
вонда турган, ҳали уйга кирмаганди. Аникроғи, ки-  
ролмаётганди. Отасининг баланд овозда, зардали га-  
пирганини эшитиб, сергак тортди. Кейин акасининг  
товуши ҳам қўшилди. Фақат унинг нима деганига ту-  
шуниш қийин эди. Шу боис югуриб дарвозахонага бор-  
ди. Чироқ ёруғида турган тўрт йигит ва отасига кўзи  
тушди.

Ўглининг қилифидан жаҳли чиқиб кетган Неъмат ака:

— Кечирим сўра, — деди буйруқ оҳангиди.

— Кимдан? Манави ҳарипданми?! — дея иршайди  
ўғил.

— Ака, нега адамларга бунақа деяпсиз? Уялмайсиз-  
ми? — деди Назокат уларнинг яқинига келиб. Айни  
чоғда Фирдавсга кўз ташлаб қўйишни ҳам эсидан чи-  
қармади.

Ака сингилга ўқрайди. Сўнг унинг тапини эшитма-  
ганга олиб, ёнидаги шеригига юзланди-да:

— Сен бориб, чақириб келавер, мен тўхтатиб тура-  
ман, — деди.

Шерик унинг нима демоқчилигини дарров тушун-  
ди, шекилли, ортига бурилиб, югуриб кетди. Асқар  
билан Фирдавс бир-бирларига қарашиди.

— Кимни чақириб келади?! — деди асабийлашгани-  
дан қалтирай бошлаган ота.

— Ада, сиз уйга кириңг. Мен ҳам ҳозир кираман. Бу  
болалар бизникида меҳмон бўлишибди. Энди уйлари-  
га кетаверишсин. Буларнинг уйлари чойхонада. Мен...

У юзига теккан тарсакидан орқасига тисарилди.

— Шу ишни бекор қилдийиз, ада, қаёқдаги болалар  
ўғлиздан устун бўп қолдими?! — деди кўзи олайиб кет-  
гани фарзанд.

— Йўқол, қайтиб қўзимга қўринма! — дея бақириб  
юборди ота.

— Адажон, — деб падарининг қўлини ушлади Назо-  
кат, — сизга асабийлашиш мумкинмас. Уйга кириңг,

акамни құяверинг, бир айланиб келсалар, үзларига кеп қоладилар.

— Кетаман, фақат манави иккита итваччаниям үзим билан бирга олиб кетаман! — дея үғил Фирдавснинг тирсагидан ушлади.

— Бошқа нарсани хоҳламайсанми, саёқ?! — деб бақирди ғазабдан қизариб бораётган Неъмат ака үғлига ўқрай-иб. Үглиниң үшшайиб туришини құриб, үзини тутолмай қолди ва юзига яна бир марта шапалоқ тортиб юборди. Айни чоғда күксіда санчиқ пайдо бўлиб, боши айланди ва ўнг қўли билан кўксини чангалиб, ерга ўтириб қолди.

Үғилнинг эса ота билан мутлақо иши йўқ эди. У чойхонадаги шериклари олдида обрўси ошишини истарди. «Ахир кимсан — фалончи, деган ном оласан. Давранинг тўрини сенга бўшатиб беришади, ичадиган, чекадиган нарсаларнинг энг аслии сеники... Бундан ташқари, турмада ўтириб чиққанлар ҳам сен билан ҳисоблашиб турса... Демакки, ошифинг олчи бўлади». Айни пайтда үғилнинг хаёлида мана шу ўйлар гужфон ўйнарди. Ерда мунгайиб ўтирган ота ўз пушти камаридан бўлган зурриётини таниёлмаётгандек, афсус-надомат ва даҳшатли ҳайрат билан қаршисидаги йигитга тикилиб қолганди. У мана, икки ойдирки, фарзандининг юриш-туришидан, орттираётган ошна-огайнисидан бехабар. Тўғрироғи, юраги оғриб, бир ярим ой мобайнида касалхонада ётиб чиққан, уйига келганда ҳам ўзи билан ўзи овора бўлиб, боласининг қадам олишини қўздан қочирганди. Шу икки ой битта үғилнинг чигал кўчага кириб қолишига етиб ортган, энди у отасига-да ташланишга тайёр маҳлуққа айланганди.

Юзига иккинчи марта тарсаки тушгач, үғил отанинг аҳволига парво ҳам қилмай, падарига қараб ҳезланди. Она билан кичик үғил айни пайтда саёқ йигитни қидириб тополмай, ортига қайтиб келишганди. Отасига қўл кўтармоқчи бўлиб турган акаси Дилшодга Ботирнинг қўзи тушди ва шоша-пиша унинг қўлидан ушлади.

— Нима қилмоқчи бўлаяпсиз, aka? — деди у бақириб.

— Сани ишинг бўлмасин! — унга қараб ўшқирди Дилшод.

Ота-боланинг жанжалини кузатиб турган Фирдавс-нинг хаёлига яшин тезлигиде бир ўй урилди.

— Сенга биз керакмизми?! Унда ушлаб ол, — деди у Дилшодга юзланиб ва кутилмагандан унинг қорнига мушт туширди.

Кўчанинг эгалигига даъвогарлик қилаётган йигитнинг афти бужмайиб, икки букилиб қолди. Бир-бирига қимтилган лаблари орасидан «Им-м-м» деган ингроқ отилди. Фирдавс билан Асқар эса шу заҳотиёқ ўзларини ташқарига уришди.

Бу сафар уларга омад кулиб бокди. Ортларидан бирор қувмади. Тўғри, Дилшод ўзига келиб, бироз югурди. Лекин уларга етолмади. Етолмаса-да, орқама-орқа бориши, ҳеч бўлмагандан, қочоқларнинг яшаш манзилини билиб, ортига қайтиши мумкин эди. Бироқ икковлашиб бир ўзини уриб қолишидан қўрқди. Йўл ўртасида тўхтаб, сўқинди ва бироз шундай тургач, ортига қайтди. Лекин уйига кирмади. Ҳушидан кетиб, йиқилган отасидан хабар олмади.

Ўқишга кирганини ювиш илинжида кўчага чиққан йигитлар тинка-мадори куриб, ярим соатларда ётоққа етиб келишди. Ҳартугул, ҳали ётоқ ёпилмаган экан. Шундай эса-да, уйқусираб ўтирган ваҳтёр боши боғланган Асқарга хўмрайиб қараб қўйди.

Йигитлар хонага киргандаридан кейингина енгил тин олишди. Асқар дарров лабига сигарет қистириб тутатди. Ютоқиб-ютоқиб тутунни ичига тортди. Сўнг каравотда бошини эгиб ўтирган Фирдавсга юзланиб:

— Ошна, бизга нима бўляяпти ўзи? Ўқиши ҳисобга олмагандан, қаерга бормайлик, битта ишкалнинг устидан чиқяпмиз, — деди.

— Билмайман, — елка қисди Фирдавс ва туфлисини ечиб, тўшакка чўзилди. Аясининг гапларини хотирасида тиклади: «Ноҳақдан бирорнинг бурнини қонатсанг, мен сени у дунё-ю бу дунё кечирмайман, берган сутимга рози бўлмайман», деган эди у. Фирдавснинг юраги сиқилди. Ўрнидан туриб, каравотга ўтириди ва хонадошига қаради.

— Асқар aka, биз ноҳақдан уриб қочдикми анави ярамасларни? — деб сўради.

— Нега энди ноҳақлик бўларкан? Ўзлари биринчи бошлашди-ку... Биз тинчгина еб-ичиб, чиқиб кетардик. Улар бўлса, бизнинг чўнтағимизни қоқиб олмоқчи бўлишди. Агар қочмаганимизда, пачофимиз чиқарди. Лекин сизга қойил қолдим. Энг тўғри йўлни топдингиз.

Фирдавс енгил тин олиб, яна каравотига чўзилди ва ухлашга жазм этди. Ўзиям жуда чарчаган экан, боши ёстиқقا тегиши билан ухлаб қолди.

Туш кўрибди. Онаси қариб, асога суяниб юрганмиш. Юзларини ҳам ажин босган, соchlари оқариб, тўзгиб кетганмиш. У Фирдавсга хўмрайиб қараб: «Сен мени мана шу аҳволга солдинг. Агар айтғанимни қилганингда, аввалгида яйраб-яшнаб, ёшгина бўлиб юрардим», дебди. Фирдавснинг кўзидан дув-дув ёш оқибди. Онасининг оёғига бошини қўйиб, кечирим сўрабди. Лекин онанинг чиройи очилмабди, у оёғини ўглидан ажратганча оқсоқланиб-оқсоқланиб, қандайдир қуюқ туман орасига кирибди-ю, кўздан фойиб бўлибди. Фирдавс энди онасининг ортидан югурмоқчи бўлганда, Асқар уни уйготиб юборди.

— Туринг, ошна, уйга кетамиз, — деди у. — Эртароқ йўлга тушайлик. Йўқса, яна бир балога гирифтор бўламиз.

Асқарнинг шошилтиргани яхши бўлган экан, Фирдавс ўзининг туманига қатнайдиган автобуснинг биринчи рейсига улгурди. Автобусда одам кам. Нари борса, ўн чоғли йўловчи бор. Фирдавс ўзининг жойига ўтириди-ю, сумкасини олдига олиб, кўзини юмди. Шу тахлит хаёл суриб кетмоқчи эди, бироқ бироз юргач, ухлаб қолди. Манзилга етиб, йўловчилардан бири уйғомтаганда, автобус ортига қайтиб кетгунчаям ухлайверарди.

— Оғайни, етиб келди-и-ик, — деб унинг елкасига туртиб ўтди кимдир.

Фирдавс чўчиб уйғониб, атрофига гарангсиб боқди. Даставвал туман марказини таниёлмади. Faқат автобусдан тушгандан кейингина оддий кийинган кишиларнинг офтобда тобланган чеҳралари кўзига иссиқ

кўрина бошлагач, манзилга етганини англади ва шоша-пиша қишлоғи тарафга қатнайдиган автобуснинг бекатига қараб югарди.

\* \* \*

— Аҳволи оғир дейсизми?! — деди қўрқиб кетган Достон. — Қанақасига оғир бўларкан, куни кеча яхшийди-ку?!

— Дўхтири билан гаплашсангиз, тушунтириб беради, — деб ҳамшира беморнинг эри олдида турган милиция кийимидаги одамга қараб қўйди.

Достон билан Миразиз бош врач қабулхонаси томон югуришди. Кабинетда соchlарига оқ оралаган, оқ хала-ти ўзига ярашиб турган киши қофоз титкилаб ўтиради. Достон билан Миразиз эшикдан киришлари билан бараварига:

— Нима бўлди?! — деб сўрашди.

Милиция полковнигини мутглақо кутмаган дўхтирир бирдан ўрнидан туриб кетди ва саволга жавоб бериш ўрнига ўтиришга жой қўрсата бошлади. Бироқ келувчиларнинг иккиси ҳам ўтирмади. Достон саволни такрорлади.

— Кеча, — деди врач, айтсамми, айтмасамми дегандек, уларга бир-бир қараб қўйиб, — битта терговчи келган экан, мен ишдан кетганимда. Навбатчилар мумкин-мас дейишса ҳам, зўрлик билан реанимацияга кириб, беморни сўроққа тутибди. Бир оғиз ҳам жавоб олол-мабди-ю, лекин аҳволини оғирлаштириб кетибди.

Достоннинг қони қўпчиди.

— Ўлдираман! Ўлдираман! — деди ғазаб билан.

— Сен қўявер, оғайни, бу иш билан мен ўзим шу-гулланаман. Ҳозир Моҳирўйнинг ёнига кир. Кўнглини кўтар. Проблемаларни оғзингга олма!

Достон ортига бурилиб, оғир қадам ташлаб хонадан чиқди. Моҳирўйнинг палатасига кирди. Аёл уйғоқ эди. Шифтга термилиб ётарди. Достон овоз чиқармай, унинг ёнига келди-да, қўлини олиб лабига босди. Кейин хотинининг юзига қаради. Унинг кўзи жиққа ёш эди.

— Нега йиглайсан?! — деди Достон зўрга жилмайиб.

— Достон ака, — унга жавдираб, айни пайтда синчковлик билан тикилди Моҳирўй. Сўнг ютиниб олиб, гапиришдан тўхтади. Бир муддат эрининг кўзларига

қараб тургач, гапини давом этказди. — Фирдавсни күрсам, армонсиз ўтардим бу дунёдан.

— Нималар деяпсан, Моҳий? Албатта, кўрасан, ҳали келин оласан, набираларингни етаклаб юрасан.

— Кўзим етмайди, Достон ака, умрим охирлаб бораётганга ўхшайди.

— Сен ҳеч қачон бу гапни оғзингга ола кўрма. Ҳаммаси яхши бўлади. Мен дўхтири билан гаплашдим. Соғлигинг тез тикланаётган экан, — деб Достон энгашиб, хотинининг қўлини яна бир марта ўпди. Шунда ёқаси кенгроқ очилди. Унинг баданидаги қаварган жойларга Моҳирўйнинг кўзи тушди.

— Нима бўлди сизга? Нега орқангиз қизариб кетган? — деди у.

— Қизарибди?.. Ҳа-а, уйда сен бўлмаганингдан кейин аҳвол шу-да, бир жойимиз кўкаради, қизаради. Ҳаёл билан бўлиб, ҳовлидаги олмага уриб олдим, — деб кулади Достон. — Ҳа-а, сенга битта янгиликни айтайми?..

— Фирдавс келдими?! — сўради қувончдан кўзлари порлаб кетган Моҳирўй.

— Бугун-эрта кеп қолар. Лекин уйга Миразиз келди. Кутилмаганда ўз оёғи билан кириб келса бўладими? Алламаҳалгача роса гаплашиб ўтиридик. Сенинг йўқлигингдан хафа бўлди. Биласанми, у полковник бўп кетибди. «Ҳали генерал ҳам бўламан, Фирдавсга ўзим устозлиқ қиласман», деяпти. Айтганча, у шу ерда.

— Ростданми, яхши бўпти-да, ишқилиб, яхшилаб меҳмон қилдингизми?

— Оёгининг остига кўй сўймоқчийдим, лекин қайсар кўнмади. Қачон Моҳирўйни уйга опкеласан, ундан кейин сўясан, дейди.

— Дадаси, кеча сиз кетганингиздан кейин, — деди Моҳирўй жиддий тортиб, — битта мелиса... Анави уйимизга борган...

— Эшитдим, Моҳий. Миразиз ҳозир у билан шуғулланаяпти. Бизни айбдор қилмоқчи бўлгани учун ўзини турмага тиқтириб юборади. Роса жаҳли чиқди. Энди бу ёгидан хавотир олма.

— Унақа қилмасин, айтинг. Уям худонинг бандаси. Иши-да, нима қылсın бечора? Кейин...

У ёғини Моҳирўй гапирмади. Бироқ Достон унинг нима демоқчилигини яхши англаб турарди, шу боис рафиқасининг қўлини икки қўллаб сиқди-да:

— У ярамас ашаддий жиноятчи экан. Унинг қилган ишларини эшитган одам тугул, илонинг ҳам териси пўст ташлайди. Неча йилдан бери қидирувда юрган экан. Миразизнинг гапига қараганда, ким шу ишни қилган бўлса, ўшанга геройлик бериш керакмиш.

Моҳирўйнинг юзида майин табассум пайдо бўлди. Буни қўрган Достон эшик тарафга кўз ташлаб қўйиб, ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, шодланиб Моҳирўй-нинг юзидан ўпид олди ва:

— Ўзимнинг геройим, — деди эркалаб.

Миразиз эшик ортида, ичкарига киришга ботинолмай турганди. Эр-хотиннинг бир жойдалиги унга ноқулайлик туғдираётган, қолаверса, бир вақтлар у Моҳирўйни жонидан ортиқ севган, ҳозир ҳам ўша муҳаббатининг милт-милт учқунлари бор эди. Достон ичкарида у севган аёл билан гаплашиб ўтиргани ғашига ҳам тегаётганди.

Миразиз кутилмагандага Достоннинг гапларини эшишиб қолди. «У Моҳирўйни «герой» деб атади. Демак... Демак... Ишонгим келмайди. Қандай қилиб, нозиккина Моҳирўй шундай даҳшатли маҳлуқни енгди экан? Эрхотин қандай сирни яширяпти? Наҳотки бақалоқ участковой сезган бўлса? Чўпонларнинг уруғи кўп, аммо у айнан Достоннинг қўлига киshan солган. Бундан чиқди, эр-хотин биладиган сирдан учинчи бир одам ҳам хабардор. Лекин ўша учинчи одам ким? Нега бақалоқ ҳеч нима демади? Ахир ўзининг ҳаёти қил устида турибди-ку. Мен бошқарма бошлиғига ҳозироқ уни қўлга олиб, қамаб қўйишни буюрдим», деб хаёлидан ўтказди Миразиз ва пешонасини қашлаб, гўё айб иш қилиб қўйган-у, бирор кўриб қолгандай йўлакнинг икки томонига кўз ташлаб олди. Сўнг эшикни секин тақиллатди.

Достон хотинидан кўзини олиб, эшик томонга ўгирилиб қаради. Ошнасини кўриб жилмайди.

— Мана, ўзиям кеп қолди, — деди у Моҳирўйга юзланиб.

Моҳирўйнинг ҳам юзида табассум пайдо бўлди. Мираизининг нигоҳи Достонни ёнлаб ўтиб, Моҳирўйга қадалди. «Ҳалиям ўша-ўша, зигирча бўлсин ўзгармабди. Рухшонанинг юзида анчагина ажин бор. Буники сипсиллиқ, худди йигирма ёшли қизларникдай», деган ўй хаёлидан ўтди.

— Моҳирўйхоним, нима бўлди сизга? Бу дейман, эркаланиб ётибсизми? — деди Миразиз кулиб.

— Келинг, — ним табассум билан Миразизга юзланиб, ўрнидан туришга урингандек салгина қўзғалди Моҳирўй.

— Қимиrlаманг, қимиrlаманг, уриниб қоласиз, лекин эркаланишга бошқа баҳона топилмабди-да, а? — дея ҳазиломуз оҳангда ҳол-аҳвол сўрашда давом этди Миразиз.

— Йўғ-э, — деди лабида латофатли табассум зоҳир бўлган Моҳирўй.

— Ҳар қандай эркалик сизга ярашади. Лекин, илтимос, бунақасини бошқа қўлламанг. Бўлмаса, манави болакай, — деб Достонни кўрсатди Миразиз, — ёнингизга ётволовади.

Палатада енгил кулги кўтарилиди.

— Ана, кўрдингизми, хоним? Бизнинг ёнимизни оладиганлар ҳам бор, — деди Достон Моҳирўйга юзланиб.

— Кўриб турибман, ўзингиз доим ютқазганингиз учун ўртоғингизни бошлаб келибсиз, — дея эрига ҳазиллашди Моҳирўй. Сўнг Миразизга қараб: — Мен сизларни бегоналашиб кетган деб ўйловдим, — деди.

Миразиз дадил юриб, Достоннинг ёнига келиб, елкасига қўл ташлади.

— Айбормиз. Иш билан бўлиб, ошна-оғайнигарчикликниям эсимдан чиқариб юборибман, — деб ўзини оқлаган бўлди.

— Рухшона қани? Нега униям бирга олиб келмадингиз?.. Бир ҳисобда яхши бўпти, уни уйга оборасиз, бу аҳволда у билан кўришиш яхшимас.

— Аввало, касалман, деб баҳона қилаётганингизни ҳамма билади. Шу баҳонангизни дугонангиз ҳам бир

кўриб қўйса, ёмон бўлмасди, — деб Миразиз гап оҳангини яна ҳазилга бурганида, палата эшиги очилиб, бош врач кирди. Кирди-ю, Достон билан Миразизга норози қиёфада кўз ташлаб қўйди:

— Кўп қолиб кетдинглар, — деди у, — мумкин эмас. Беморни ўйланглар.

— Бўлди, бир минутда кетамиз, — деб Миразиз унга қўзини қисиб қўйди.

Ховлига чиқишгач, Достон:

— Майли, сен боравер, мен озгина ўтирайин, сигарет-пигарет чекайин, сўнг қишлоққа кетарман, — деб Миразиз билан хайрлаши. — **Ҳа**, Рухшонага қўнғироқ қилиш эсингдан чиқмасин. Автобусга ўтирса, бир соатда етиб келади.

Миразиз илгари ниҳоятда пишиқ-пухта бўлган бу йигитни сода, тўпори қиёфада кўриб, бир томондан ҳайрон бўлган бўлса, иккинчи томондан кулгиси келди. Учинчидан эса юрагига ғайирлик соя ташлаб ўтди. Эски касали қўзгади. Бу айни Моҳирўйни кўрганда, у билан Рухшонани хаёлан таққослаганда авжга чиққанди.

«Қўлимда турибсан-ку, Достонбой, ўз оғзинг билан айтган гапларни эшилдим. Ўша сен ўлдириган одам жиноятчи бўлсаям, инсон эди. уни ўлдиришга мутлақо ҳақинг йўқ», кўнглидан ўтказди Миразиз машинасига ўтиаркан, касалхона ҳовлисидағи ўринидикда бошини эгиг, сигарет чекаётган Достонга қараб қўйиб.

\* \* \*

Фирдавс билан Асқарни қувиб етолмаган Дилшод шалвираб ортига қайтаркан, алам билан сўкиниб, уйи рўпарасида тўхтади. Бир хаёли, кириб отасига, укасига обдан ўпка-гина, керак бўлса, дўқ-пўписа қилмоқчи бўлди. Ахир улар унинг оғзидаги ошини олдириб қўйишга сабабчи бўлишида-да. Ўзларича беш-бегонага яхшилик қилиб, уни мўмайгина пулдан бенасиб қолдиришди. Бундай пайтда одам ўзининг яқинлариниям кечирмайди. Кечиролмайди. Дилшоднинг хаёлида мана шу ўйлар чарх уради. У чирт этказиб ерга тупуриб, бармоқларини алам билан қисирлатди. Сўнг тунни бедор ўтказишга ўрганиб қолган, ишратни, бирорларга

зұравонлик қилишни хуш күрадиган, аксарияти аллақаңон уйидан ҳайдалған шерікларининг ёнига кетди.

Үзи билан бирға юрган оғайнисига «болаларни бошлаб кел» деганди. У ҳеч нарсадан қайтмайдыган, жойи келса, Дилшодға үхшаб ота-онасини ҳам сотиб юборишигә тайёр тұртта йигитни ёнига олиб, шошганча келаётган экан.

— Ушлолмаймиз, Баха, — деди Дилшод уларға яқинлашиб қолғанда, — пахан подвадит қилди. Итлар, қочишигә улгурышди.

— Вой, нима қип қўйдинг, Дим?! — деди асл исми Бахтиёр бўлған, лекин неча йиллардан бери Баха деб чақирилувчи, Дилшод билан бирға унинг уйига борған йигит. — Дабдала бўпти-ку!

Ишнинг дабдалалигини Дилшоднинг үзи ҳам яхши билади. Бир қанча муддат илгари эришиши деярли нақд бўлиб кўринган обрў-эътибордан боши осмонга етаёзганди. Энди қовун тушириб қўйганлиги боис бир неча жин кўчаларни кўриб қўйган, қамоқнинг ҳам кўчасини чангитган, у ёқда обдан тарбия топган, ҳозирда белини оғритишни хуш кўрмайдыган, кўпроқ майшатни тусайдыган ўзига үхшаган саккиз чогли болани атрофига йифиб олиб, уларға «таълим-тарбия» бериш билан шуғулланиб, баҳонада шу атрофнинг шефига айланиб олган, ўзига Чапдаст деган лақаб қўйган, асли исми Шодмонқўлнинг сўроқларига қандай жавоб беришни ўйлаётганди.

Чапдаст ҳеч қачон бирорни авайлалған банда эмас, шотирларидан бирортаси айб иш қилдими, тамом, ўласи қилиб савалайди. «Менга сенга үхшаган бўшанг, лохлар керак эмас, музиклар керак», деб томоқ йиртади. Ана, бир ҳафта бурун Тош маҳаллалик Темирни нима кўйга солди? Бўлмаса, айби унақа катта ҳам эмасди. Бегона бир одам келиб, бозор қилиб кетганини кўрсаям индамаганди, холос. Чапдаст аввал унинг бурнини уриб синдириди. Кейин ерга ағанатиб, обдан тепкилади. Аяб ўтирмай тепкилайверди, тепкилайверди, охири ўзи ҳолдан тойди. «Кўринглар, — деди шотирларига, — ўлиб-нетиб қолган бўлмасин. Лекин ўлган бўлса-

ям ачинмайман. Шаҳар ташқарисига обориб ташлайсанлар, кўммайсанлар, итлар есин, қарғалар кўзини ўйиб олсин». Лекин Темир ўлмаган экан, шотирлар уни бошқа хонага олиб чиқиб, ўзига келтиришиди.

Дилшоднинг гуноҳи унивидан икки чандон огир. Ахир анави иккита қишлоқи бола уларга қарашли йигитнинг бошини ёриб қочишган ва келиб-келиб унинг ўйига яширинган. Яна Дилшодга дуч келиб қолишиган. Дилшод бўлса, қочириб ўтирибди.

— Сувга тушган мушукдай қайтибсан, — деди Чапдаст қошларини чимириб.

— Халақит беришиди.

— Нима?! Ким халақит беради?! Менинг томорқамда бўйинни чўзишга кимнинг ҳадди сифди?!

— Адам, уйда бирга...

— Ҳимм, — деди мутлақо кутилмагандан шаштидан тушган Чапдаст, — аданг бўлса, чатоқ. Уй адангники, унинг томорқаси, у ерга сен итниям ҳаддинг сифмайди. Қаерга қочди?

— ВУЗгородокка.

— Пишиди. Эртага пешинда саёҳат қип келасан. Ҳозир манавини ич-да, — деб стол устида турган ароқдан пиёлага тўлдириб қўйди у ва Дилшодга узатди. Дилшоднинг кўнглидаги ҳадик ҳали тарқамаганди. Ҳар қандай шароитда Чапдаст ўзгариб қолишини биларди. Шу боис пиёлага узатган қўли қалтиради.

У ҳали ароқни охиригача ичиб бўлмаганди. Чапдаст туфлисининг учи билан унинг чотига шунаقا тепдикни, тепкининг зарбидан Дилшоднинг кўзидан олов чиқиб кетди. Оғзида ҳали ютмаган аччиқ ичимлик бор эди, инграш асносида уни туфлаб юборди. Чапдастнинг шими ҳўл бўлди. Ана шундан кейин у кутуриб кетди. Бирор «қўй, ўлдириб қўясан», демайди. Кўзи қонга тўлган Чапдаст Дилшодни тепкилайверди, муштлайверди. Ниҳоят, ерда чўзилиб қолган Дилшод хушидан кетди.

— Маразни обориб, устига сув қуйинглар, ўзига келтиринглар! — ўкирди Чапдаст ва ўзига ароқ қуйиб ичдида, сигарет тутатди.

Дилшоднинг ўзига келиши чўзилди. Шотирлар уни ўлиб қолдими, деб ўйлашди. Лекин у ўлмаган экан. Кўзини очгач, йиғлаб юборди.

— Ма, — деди унинг лабига сигарет тиққан Баха, — чуқур-чуқур торт ичингга, ўзингга келасан.

Дилшод амаллаб қаддини ростлади. Сигаретни олиб, стол устига ташлади. Кейин туфлади. Бир парча қопкора қон отилиб ерга тушди.

— Ароқ бер, — деди у Бахага қараб илжаяркан.

— Тепки таъсир қилмадими? — деди Баха ҳайрон бўлиб.

— Аввал опке, кейин айтаман.

Баха чиқиб кетди ва орадан бир муддат ўтиб, Чапдаст билан бирга кириб келди. Дилшод ҳалигина ўзини тепкилаб, ҳаммаёфини кўкартириб ташлаган одамни кўриши билан унга ҳам иржайди.

— Ҳа-а, камлик қилдими? — деди Чапдаст хона тўридаги сўри устига қўйилган хонтахта атрофидаги қўрпачага ўтиаркан.

— Хўжайин! Сизнинг калтагингиз биз учун дори. Бир марта татиб кўрдикми, кейин хатога йўл қўймайдиган бўламиз. Мен сизнинг урганингиздан хурсанд бўлдим. Чунки энди каллам яхшироқ ишлайди.

— Ишламаса, айтасан, яна даволаб қўяман, — деб ҳиринглади Чапдаст ва Бахага кўзи билан ишора қилиб: — Куй, — дея қўшиб қўйди.

Бу сафар Дилшоднинг кўли қалтирамади. Пиёладаги ароқни бўлиб-бўлиб, ҳўплаб-ҳўплаб ичди. Ҳар ҳўплағанда, кўзини юмиб, «оҳ-оҳ» дея лаззатланаётганини бошқаларга кўз-кўз қиласарди.

Чапдаст билан Баха анграйиб қолишиди.

— Оғзингнинг ичиям йиртилиб кетган бўлса, ачишмаяптими бунаقا ичишда? — сўради Чапдаст.

— Ҳе, — деб кулди Дилшод, — хўжайин, ачишиш нимаси, майшат қиласяпман, кайф қиласяпман. Яна битта қўйинг, фақат пиёлани тўлдириб қўйинг, кейин мен томоша кўрсатаман. Сиз ҳам маза қиласиз.

Чапдаст ҳайрон бўлди ва унинг айтганини қилиб, пиёлани ароққа тўлдириди. Дилшод бу сафар ҳўплаб

ўтиrmади. Бир йўла пиёласини бўшатди-да, стол устига тўнкариб қўйди.

— Қалай?! — деди хунук иршайиб.

— Томинг кетганга ўхшайди сен боланинг, — деди жаҳли чиққан Чапдаст.

— Ўзим ҳам шундай ўйлаяпман. Битта илтимос, жагимга яхшилаб мушт туширинг, суякларим қарсиллаб синиб кетсин. Қарсиллаган товушни ўз қулоғим билан эшитайин, хўжайин!

— Ока, — деди Баха Чапдаст томонга бироз энгашиб, — криша тамом бўпти, обориб ташлайликми?

— Қаерга обориб ташлайсан, ит? — деди Дилшод унга ўқрайиб. — Ўзингни обориб ташлайман, мараз!

— Сан кимнинг олдидা тумшуғингни чўзаяпсан? — деб ўшқирди Чапдаст кўзи олайиб.

— Кимни бўларди, ит эмган? — дея Дилшод яшин тезлигига стол устидаги пиёлани олди-ю, Чапдастнинг бошига қарсиллатиб урди. Пиёла чил-чил синиб кетди. Чапдастнинг кўзи орқасига тортиб, ранги докадай оқарди ва ёнига шилқ этиб йикилди.

— Мана, кўрдингми, зик?! — деди Дилшод Бахага қараб. — Сен менинг олдимда ҳеч ким эмассан!

У секин ўрнидан тура бошлади. Баханинг капалаги учеб, нафаси ичига тушиб кетди. Чунки у Чапдастнинг номи жиноят оламида машхур бўлган одамлар билан гаплашганини кўрган, унга нисбатан ҳурмати икки ҳисса ошган, шу билан бирга, юрагидаги қўркув янаем кучайганди.

— Нима қип қўйдинг?! — деди у Дилшодга ўқрайиб.

— Кўрмисан? Миясининг қатиғини чиқариб ташладим-ку, кўрмаяпсанми?!

Баха гоҳ Дилшодга, гоҳ ерда юзтубан қулаб ётган Чапдаста қараб, меровсираб қолганди.

— Мозор икки қадам нарида, — деди Дилшод гапида давом этиб. — Кўчада деярли одам қолмаган. Темир икковинг обориб, кўмиб ташлайсан. Ё шаҳар ташқарисига ташлаб келасан, гўштини итлар, кўзини қарғалар есин!

Ҳалидан буён анграйиб турган Баха бирдан сергак тортди ва Дилшоднинг қулоқ-чаккасига мушт тушириди. Дилшоднинг калласи силтаниб кетди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! — дея икки чеккаси йиртилган оғзини кенг очиб кулди Дилшод. — Шуям уришми?

Дилшод масхараомуз кулиб, тағин ўрнидан турга бошлади.

Баха бу сафар унинг биқинига урди. Дилшод буқчайиб қолди. Бироқ юзида ҳалиям ўша-ўша масхараомуз кулги қотиб турарди.

— Шуям уришми, ит? Ургандан кейин бўлакларга бўлиб ташламайсанми? — дея Дилшод тағин қаддини ростлай бошлади.

Бу сафар Баханинг кўзи олайиб, ортига тисарилди. Дилшод унинг назаридаги ўлмас Кашшайга айланиб қолганга ўхшарди. «Ҳойнаҳой, баданига пичоқ санчсанг ҳам, ҳеч нарса қилмайди. Бундай пайтда қочиш керак», деган ўй ўтди унинг кўнглидан.

— Номардга ўхшаб қочмоқчи бўлаяпсанми? — деди Дилшод худди унинг ичидагини ўқиб олаётгандек иршайиб.

— Йўқ, қочмайман. Сени ўлдираман! — деб бақирган Баха ўзини Дилшоднинг устига отди. Калтакланаверганидан Дилшоднинг аъзойи бадани пўла бўлиб қолган эди. Шунга қарамай, у чаққон ҳаракат қилди. Баха унинг устидан ошиб ўтиб, сўри устига гурсиллаб йиқилди. Дилшод қўлига шишани олди ва яқингинада дўсти бўлган йигитнинг дуч келган жойига аямай ура кетди. Баханинг суюклари қақшаб, аъзойи баданида оғриқ турди. У ихраб-ихраб бир амаллаб сўри тўрига қочиб ўтди ва Дилшодга жавдираб қараб:

— Энди сиз менинг хўжайинимсиз! — деб бақириб юборди.

Дилшод қўлидаги шишани кўтариб, қултиллатиб ароқ ичди. Сўнг кафтининг орқаси билан лабини артиб, Бахага буйруқ оҳангига:

— Оёғимни ўп! — деди.

Баханинг ўзга чораси қолмаган эди. У секин-аста эмаклаб келиб, Дилшоднинг пойабзали устига лабини қўйди.

\* \* \*

Үйига бориб ҳеч кимни тополмаган Фирдавс ҳайрон бўлди. Қўйлар йўқ, демак, дадаси боққани олиб чиқиб кетган. Ҳа, бу жудаям одатий. Падари бузруквори қуёш уйғонмасидан аввал туриб, ниҳоятда ювош, қаёққа бошласанг кетаверадиган жониворларни ҳайдаб кетади. Ҳозир соат камида ўн бир бўлди. Лекин уйда ҳеч ким йўқ. Фирдавс қанча уринмасин, миясида чарх ураётган саволга жавоб тополмасди: «Моҳина билан аям қаёққа кетдийкан? Одатда, бу маҳалда улар уйда бўлишарди. Майда-чуйда ишлар билан куймаланиб юришарди. Ҳамсояларникига ўтишганмикан?..» деган хаёлда Фирдавс уйга кириб, кийимларини алмаштириб, тагин ҳовлига қайтиб чиқди ва шундагина кўзи ўчоқ бошида турган Моҳинага тушди. У пишиқ ғишт устида бошини эгиб ўтиради. Афтидан, жуда қаттиқ ўйга берилган, шекилли, уй эшиги очилиб ёпилганинг сизмади.

— Моҳи! — деди Фирдавс жилмайиб.

Моҳина бирдан бошини кўтариб, акасига бир муддат ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Сўнг ўрнидан сапчиб турди-да:

— Акажо-о-он! — деб бақирганча югуриб келиб, Фирдавснинг бўйнига осилиб, юзидан ўпди.

— Қачон келдингиз? — сўради у ҳовлиқиб.

— Анча бўлди. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Қаерда эдинглар?

Моҳина акасини қўйиб юбориб, ерга қараб маъюс тортиб қолди. Унинг кўзи жиққа ёш эди.

— Нима гап, Моҳи? Йиғламоқчимисан? Аям қани? — сўради кўнгли қандайдир ноҳушликни сезиб.

— Акажон, аям... аям касал бўп қолди.

— Нега касал бўлади? Мен кетаётганимда, соппасоф эди-ку. Нима бўлди ўзи?

— Анави куни эрталаб уйимизга битта мелиса келганди. Шуни кўриб, аямнинг тоби қочиб қолди.

— Қаерда ҳозир?

— Касалхонада. Дадам ҳам ўша ёқда. Кеча шаҳардан битта ошнаси келувди. Уям мелиса экан. Иккови эрталаб бирга чиқиб кетишиди.

Фирдавс пешонасини тириштириб, бироз ўйланиб тургач, ортига ўгирилиб, уйга кириб кетди ва кўп ўтмай, кийиниб чиқди.

— Мениям опкетинг, — деди ундан аввал кийиниб, тайёр бўлиб турган Моҳина, — бир мартаям бормадим. Эрталаб дадамга айтолмадим. Аямни кўргим келаяпти. Йўқ деманг, ака.

Фирдавс синглисига бироз тикилиб турди.

— Бўпти. Лекин марожний оберинг демайсан.

— Хўп, — деди юзида табассум пайдо бўлган Моҳина бегуборлик билан, — айтганча, ака, ўқишга ўтдингизми?

— Ўтдим.

— Ура-а! Ўзимнинг зўр акам бор-да!

Синглисининг қувноқлиги Фирдавснинг қўнглидағи фашликни бироз енгиллаштиргандай бўлди. У қизалоқнинг бурнидан чимчилаб қўйди. Сўнг ака-сингил йўлга тушишди.

\* \* \*

Достон дўстини кузатиб қўйгандан кейин талай муддат ўриндиқда ўтирди. Бир нечта сигаретни чекиб ташлади. Бир пайтлар Фаррухнинг гуруҳига қўшилиб қолганидан тортиб Моҳирўйни биринчи марта кўриб, қай аҳволга тушгани-ю, сал бўлмаса, жонидан азиз қўрадиган аёлидан айрилиб қолаёзганини бир-бир хаёлидан ўтказди. Албатта, шуларнинг қаторида ўғли, қизи ҳақида ҳам ўйлади. Ўйламай бўларканми? Ахир улар ҳаётининг бир бўлагига айланиб кетган. Моҳирўй Достон учун қанчалик қадрли ва керакли бўлса, Фирдавс билан Моҳина ҳам шунчалик ардоқли ва азиз. Тўғри, Достоннинг қалбидан уларнинг ҳар бири алоҳида ўрин эгаллаган, ҳар бирига ўзгача меҳр билан қарайди. Лекин уларнинг барчаси Достон учун жудаям керак. Уларсиз ҳаётини тасаввур ҳам этолмайди. «Жинни бўп қолаяпман. Қўй боқиб юрсам, хаёлим қочмасди». У худди бирорвни кутаётгандай йўл тарафга бўйинини чўзиб қараб қўйди. Кўп ўтмай, «Тез ёрдам» машинаси касалхона эшигининг ёнгинасига келиб тўхтади. Ҳайдовчи билан дўхтир бамисоли машинадан отилиб тушишди. Кейин машинанинг орқа эшигидан беморни тушириш-

ди. Носилкада. Достоннинг ичидан зил кетди. «Тағин битта шўринг қурғурнинг мазаси қочибди-да», дея хаёлидан ўтказиб, чуқур хўрсаниб қўйди. Сўнг тағин кўча тарафга бўйничи чўзиб қаради. Нигоҳи қизи билан ўғлига ўхшайдиган иккита болага тушди. Энтикиб кетди. «Наҳотки улар бўлса?!» деган ўй миясига лоп этиб урилди. Адашмаган экан, Фирдавс сал олдинроқда, Моҳина эса орқароқда келаётган эди. Ота фарзандлариға пешвоз юрди. Юраги гупиллаб уриб кетди.

Болалар уни кўриши.

— Дада! — деб бақирди Моҳина уни кўриши билан кўзлари чараклаб.

«Хаяжонланма, ўзингни бос, Достон. Болаларни чўчишиб қўясан», деб кўнглидан ўтказди ота.

Моҳина югуриб кела солиб, дадасининг юзидан чўлпиллатиб ўпди-ю, дарров онасини сўради.

— Аянг отдай бўп кетди, — жавоб берди Достон қизининг пешонасидан ўпиб қўяркан. Сўнг ўғлини бағрига босди. — Табрикласам бўладими? — деди фарзандлариниён, ўзиниям хаёлини чалғитиш учун.

— Ҳа, дада, ўз кучим билан ўқишга кирдим.

Достон Фирдавсни бағридан бўшатиб, юзига термилди.

— Мен тўғри эшитдимми? Сен ҳақиқатан ҳам ўз кучинг билан... Шошма, мен бирорвга бир нарса берганим йўқ-ку. Йўлкирангга, еб ичишингга пул берганман, холос. Айтсанг, бирор ишонмайди. Фалон жойга сариқ чақа тўламай ўқишга кириш... Ўғил боланинг иши бўптида, ўғлим, ўғил боланинг! — деб Достон Фирдавсни қайтадан бағрига босди-да, кўзларини чирт юмди. Шу онда унинг ўпкаси тўлиб кетганди. Йиғлагиси келди.

— Дада, — деб унинг қўлидан тортқилади Моҳина, — аямни эртароқ бориб кўрайлик. Тезроқ борайлик, дада.

— Ҳа, ҳозир, кетдик. Аянг икковингни кўрса, хурсанд бўлади, қани, юринглар.

Моҳирўйнинг нигоҳи шифтга қадалган эди. Эшик туқиҷи қимирлаши билан бирдан шу томонга ўгирилди.

— Ая! — деди ҳаммадан аввал палатага кирган Моҳина юзида табассум билан.

— Вой, вой, — дея Достонни лол қолдириб, Моҳирўй ўрнидан туриб ўтирди.

Кўзи ўғлига тушгандан кейин шодлиги икки ҳисса ошди. Она-болалар бир-бирларини анча вақт багрига босиб, ҳол сўрашди. Достон тоқатсизланди.

— Индамаса, кечгачаям шундай турасизлар, дўхтирлар ҳам қувиб юборишади. Ўзи зўрга рухсат олдим, — деди у.

Моҳирӯй ўғлининг юзига меҳр билан термилиб, оҳиста силаб қўйди. У баҳтиёр эди. Ўғил-қизи ёнида, эри жилмайиб турибди. Аввал бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган экан. Касалхонада бўлса ҳам, ҳозир ич-ичидан ўзгacha баҳтиёрикни ҳис этиб, юраги энтикиб кетди. Лекин қалбida аллақандай ғашлик уни қийнаётгандай эди. «Ҳозир яқинларимнинг бари чиқиб кетади-ю, шу билан мана шу баҳтиёргим тугайди. Юрагим яна хувиллаб қолади», деган ҳадик бор эди унинг кўнглида. Сўнг болаларини қўйиб юборишни истамай, эрига жавдираф қараб қўйди. Шу асно кўнглидан: «Йўқ, булар менсиз кетишмайди. Дўхтирни чақирамиз, рухсат оламиз, кейин бирга-бирга кетамиз. Жуда яхшиман, деб алдайман, тоққа борсам, тоза ҳаводан мириқиб-мириқиб нафас олсан, ҳеч нима кўрмагандай бўп кетаман, дейман. Шу билан олам гулистон», деган ўйни ўтказиб, «дўхтирни чақиринг» демоқقا оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Фирдавс гапириб қолди.

— Ая, мен ўқишга ўтдим.

Янгилик Моҳирӯйни хурсанд этмади. Аксинча, кўнглида хавотир пайдо бўлди. Ахир энди ўғли оиласдан ажralиб чиқади. Шаҳарда юради. Ойлаб уни кўришнинг имкони бўлмайди.

— Хурсанд бўлмадингизми, ая? — деди Фирдавс онасининг индамаганига ҳайрон бўлиб.

Моҳирӯй жилмайди. Жилмайишга мажбур эди у.

— Ўғлим, нега хурсанд бўлмас эканман? Фақат мен ўқимадим, даданг ўқимаган, шунга ўқишга кирганинг бошқача қилиб юборди мени, — деб Моҳирӯй ўғлининг юзидан ўпид қўйди.

— Бугуноқ қўй сўяман, онаси, би-ир байрам қилиб берай, қишлоқдаги ҳамма жўрасини чақиради, — деди Достон ғўдайиб.

— Унда, дадаси, байрамдан мен ҳам қолиб кетмай-ин. Дұхтирдан жавоб оберинг. Уйга кетаман, — деди Мөхирүй.

— Сенга күй гүшти ейиш мумкинмас.

— Емасам емабман. Болам билан ўртоқларига пишириб бераман.

Мөхирүй гапини тутатиши билан эшик тақиллади. Ҳамманинг нигоҳи бирдан шу тарафға қаради.

Эшикдан Миразиз, Рухшона, уларнинг икки фарзанди кириб келди. Меҳмон келишини Мөхирүй туғул, Достон ҳам хаёлига келтирмаган эди.

\* \* \*

Миразиз қасалхонадан бироз узоқлашып, үзини үзи яниди. «Аблақ, қанақа хәёлға бораяпсан үзи? Яна Мөхирүйга, үлим билан олишиб ёғтан аёлға күз олайтираяпсанми? Уни үз эридан қызғанаяпсанми? Қанақа әркаксан үзи? Ёшлигинде унинг орқасидан қанча югурдинг, лекин у күнмади. Сен ҳам Рухшонани учратғач, эсингдан чиқаришига мажбур бўлдинг. Ҳаттоқи Достон никоҳига олишига үзинг ёрдам бердинг. Энди нега ўйин қилмоқчисан? Елканѓаги погонингдан фойдаланиб, қанча ташвишни бошидан ўтказған одамни бадном қилишни мўлжалладингми? Бу ишингни худо кечирмаслиги аниқ. Лекин билса, бандасиям афтингта тупуради-ку. Биринчи ўринда Достон билан Мөхирүйнинг таънасига дуч келасан... Ёмон ниятга бордим, демак, айб иш қилдим. Ҳозироқ Рухшонага телефон қилишим керак. Таксига ўтиrsa, күз очиб юмгунча етиб келади. Унгача мен ҳам ишларимни саранжомлаб оламан. Кейин биргалашиб Мөхирүйни кўргани борамиз... Шошма, нега қизимни Достонга кенжатой дедим. Ахир у бош фарзандим-ку. Яна икки йилдан кейин мактабни битиради. Достон уни кўрса, нима деб жавоб бераман? Қизғандим. «Қизингни келин қиласман», дейишидан чўчишим. Ҳа-а, худди шундай қилдим. Лекин у менинг қизимни келин қиласими, йўқми, худо билали. Эҳ, миянг чирисин, Миразиз, қаёқдаги ишларни қилиб юрасан доим».

У бошқармaga кириши билан аввало хотинига қўнғироқ қилди.

— Болалардан бир-иккитасини олиб кел, Моҳирўй қасалхонада экан, автобусни кутмасдан, таксига ўтиришди.

У Рухшона икки ўглини олиб қелса керак, деб ўйлаган эди. Бироқ машинадан қизи билан кичик ўғли тушганини кўриб, пешонасини тириштирди. «Бефаросат, опкелишга опкелибсан, кўзга яқин қилиб кийинтиришингга бало бормиди? Шундоғам Мавзунани кўрган борки, ёпишади қолади. Ана, горкомнинг хотини, «ҳали мактабни битиргани йўқ» дейишимизга қарамай, кунда тоғора кўтариб келади», дея хаёлидан ўтказган Миразизнинг жаҳли чиқди. Бироқ дилидагини ташига чиқармай, аламини ичига ютди. Моҳирўй билан кўришишдан аввал хотининг дилини хуфтон қилгиси келмади.

\* \* \*

Бир зумда палата ҳақиқий бозорга айланди. Аввал узундан-узоқ саломлашиш ва ҳол-аҳвол сўрашишлар, кейин ҳазил-хузул, сўнг қаҳқаҳа авжга чиқиб, беморни кўргани келганлар палатани бошларига кўтаришиди. Рухшона Фирдавсни дарров танимай, шунчаки «Яхшимисиз?» деб қўя қолди. Моҳина аясига жуда ўхшагани сабаб:

— Бунча ширин қиз бу? Моҳи, худди ўзингиз. Дадаси, — деб у эрига ўтирилди, — оппоққиналигини қаранг. Ўзимнинг ширингинам!

Рухшона қизарип кетган қизни бир неча марта ўпиб қўйди.

— Фирдавсни танимаяпсизми? — сўради Моҳирўй.

Рухшона ҳаммадан ортда турган йигитчага юзланди.

— Вой, Фирдавс?! Бўйи чўзилиб, ҳақиқий йигит бўпти-ку бу.

Йигитча бошини эгди. Унинг ҳам икки юзи қизарди. Зеро, полковник билан хотинининг ёнида келган қиз йигитнинг юрагини жизиллатишга ултурганди. Шу қисқа вақт ичида уларнинг нигоҳлари уч марта тўқнаш келди. Тўқнашув ўзгача ва жуда сирли бўлиши билан бирга, тотли ва жозибали ҳам эдики, ҳар иккенининг да юрак уришини тезлаштириб юборганди. Қизга ойи-

си бу ёққа келаётгандариди, Фирдавс ҳақида гапирганди. «Сен ҳам уни кўргансан, фақат жуда кичкина эдинг, эслолмайсан. Ҳатто мен ҳам уни танимасам керак», деганди. Истарали, келишган йигит билан унинг нигоҳи тўқнаш келганда, дарров қўзини олиб қочолмади. Бир неча лаҳза унга тикилиб қолди. Кейин яна унга қарагиси келаверди.

Аёлларнинг баланд овозлари йўлаккача эшитилаётгани боис ҳамшира эшикни очиб бош сукди, аммо ҳеч нима демай, чиқиб кетди-ю, кўп ўтмай, бош врачни бошлаб келди. У бемор кўрдига келганларни ҳайдаш билан овора бўлаётганда, Моҳирўй ундан жавоб сўради.

— Нима деганингиз бу? — деди ёши олтмишни қоралаб қолган врач қошлирини кериб. — Ўзи куни кеча келдингиз, жавоб сўрашга бало борми? Яхшиям, бу киши бор экан, — деб у Миразизни кўрсатди, — шунча тўполон қилгандарингга индамадим. Бўлмаса, сизнинг ӯзингизгаям бутунлай жавоб бериб юборган бўлардим. Бу ер реанимация, қўшни хонада оғир касаллар ётибди.

— Бир қошиқ қонимиздан кечинг, — деди Миразиз жилмайиб, — икки дугона кўп йиллардан бери қўришмаганди. Шовқин қилмоқчи эмасдик...

— Нима бўлсаям, мумкинмас. Ўртоқ полковник, тартиб-қоида...

— Бу ерда камина ҳам ожиз, шунинг учун ҳаммамиз ташқарига чиқишига мажбурмиз. Моҳирўйхонни эса Қанчалик хоҳламайлик, олиб кетолмаймиз. Фақат дўхтирдан битта илтимосим бор, икки дугонанинг бироз гаплашиб олишига имконият берсангиз, қолган ҳамма уларни касалхона ҳовлисида кутади.

Таклиф касалхона бош шифокоридан бошқа ҳаммага маъқул келди. Полковникнинг қатъий илтимос қилишидан кейин охири дўхтир ҳам кўнди.

Ховлида асосан икки оиланинг бошлиқлари гаплашишди. Мавзуна Фирдавснинг зимдан боқишиларидан аввалига қочди. Йигитга қарамасликка ҳаракат қилди. Олдин укасига бир-икки оғиз гапирди. Сўнг Моҳинадан ёшини сўради. Аммо ич-ичидан тошиб келаётган

ҳаяжон уни күп сұзлашига қўймади. Ўз-ўзидан нигоҳи Фирдавс томонға қараб кетаверди.

— Уйга борасан. Бормасанд бўлмайди, оғайни, — деди Достон Миразизга.

— Моҳирўй соғайсин, кейин ҳаммамиз жамулжам ўтирамиз. Тоққа олиб чиқасан, табиат қўйнида шашлик қиламиз, оёқни узатамиз, ана ундан кейин пешонани пешонага теккизиб, эллик-элликни бошлаймиз, — дея жавоб берди унга Миразиз кулиб.

Қизнинг дадаси кетиш тўғрисида гапирганидан Фирдавс безовталаниб, катталарга қараб қўйди. Мавзунанинг ҳам қолгиси келаётганди. Лекин иккиси ҳам ичидаги дардини кошки айтольса.

Орадан ярим соатча ўтиб, Рухшона чиқди. Афтидан, роса йиғлаган, шекилли, кўзлари қизариб кетганди.

— Достон ака, дугонамни асранг, — деди у эркаклар ёнига келиб, болалар эшитмаслиги учун овозини бир қадар пасайтириб.

Достоннинг юзига гамгинлик қўнди. Гапиролмади. Бошини қимирлатиб, «хўп» ишорасини қилди.

— Бизга рухсат энди, оғайни, — деди Миразиз.

— Рухшона, бунинг гапини эшитаяпсизми? Шу ерга келиб, уйга бормасдан қайтиб кетасизларми? Жавоб йўқ. Уйга борамиз, бу ёғи Фирдавс ўқишига ўтган...

— Йўғ-э, — деди лабида табассум пайдо бўлган Рухшона Фирдавсга юzlаниб, — қаерга кирди?

Фирдавс жавоб бермади. Бошини эгиб, кўзи билан ер чизди.

— Бизга шогирд бўлади, юридическийга кирган, — деди Миразиз унинг ўрнига жавоб бериб.

— Табриклайман. Қойил! — деди чин қўнгилдан хурсанд бўлган Рухшона.

У йигитчанинг пешонасидан ўпиб қўйди. Мавзуна жилмайиб ерга қаради. Негадир у ҳам ич-ичидан қувонаётганди шу тобда.

— Бугун ювамиз, қўй сўяман. Миразиз билан ҳам чақчақлашиб ўтирганимизга анча бўп кетди.

— Куни кеча ўтирдик-ку, — дея эътиroz билдириди Миразиз.

— У ҳисобга ўтмайди. Бугунгиси ҳақиқий.

— Майли, Достон ака. Фақат Моҳирўй касалхонадан чиқсин. Ана ундан кейин бирга ўтирамиз. Агар бугун ўтирадиган бўлсак, мен ёлғизланиб қоламан, сизларни кўриб, ичим куяди. Бу ёқда Моҳирўй ҳам эшишиб қолса, обдан таъзирингизни беради.

— Бўлмаса, сизларга роппа-роса...

— Ўн кун, — деди бу сафар Миразиз Достоннинг гапини бўлиб.

— Оббо, — деб қўлларини ҳавога кўтарди Достон.

— Энди рухсат берарсиз, — сўради Рухшона.

— Иложим қанча?

Достон билан Миразиз қучоқлашиб хайрлашиши. Рухшона Фирдавснинг пешонасидан ўпаркан:

— Бизнинг уйда туриб, ўқишингга қатнайсан, — дея жилмайди, сўнг Моҳинани маҳкам бағрига босди.

Ўн кун ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Моҳирўй касалхонадан чиққач, Достон уни уйига олиб борди. Кейин ваъда қилинган қўйни сўйди. Ёз бўлганлиги боис ўрик остига жой тайёрлади. Унинг устига топган-тутганларини тўкиб сочди. Бир неча марта Моҳирўйни чақириб келиб, дастурхоннинг қандайлигини сўради. Дастурхон устида турган ноз-неъматлар-у егуликларни кўздан кечириб чиққан аёл мамнун жилмайиб:

— Бўлади, — деди. — Аслида, бунақа ишларни мен қилишим керак эди, дастурхоннинг қандайлигини сиздан сўрашим керак эди, шунгаям ярамай ўтирибман.

— Эй-й, хотин, сен ҳақиқий дам олиш нималигини билмайсан. Эркак одам дастурхон тузаса, маза қилали, дам олади. Чунки бошқа нарсалардан чалгийидида, — деди унга жавобан Достон кулиб. — Ана, ўғлингга қара, бир ой ўқишга топшираман деб, шаҳарга бориб келибди-ю, ишларини соғиниб қопти. Боя «Қўйларнинг оёғини бир ёзиб келсамми?» дейди. «Бугун улар ҳам бундай қўйга ўхшаб дам олсин, олдиларига емиш ташла», дедим. Энди бўлса, синглисини бир четга суриб қўйиб, ўчиққа ўзи олов ёқаяпти. Ҳали овқатниям ўзим пишираман деб туриб олмасайди.

Эр-хотин енгил кулиб олиши.

— Мехмонингиз қачон келади? — сўради Моҳирўй.

— Шу кунига келишибмиз-у, соатига қолганда, эсдан чиқаримиз. Менимча, улар бемалол келиб, тоғ ҳавосидан нафас олиб, яхшилаб дам олишни мүлжаллашади. Ҳозир йўлга чиқишган бўлса, ҳализамон кеп қолишсаям ажабмас, — деб Достон дастурхонга тикилиб, пешонасини қашлади.

Кутилган меҳмонлар пешиндан кейин келишди. Унгача Достоннинг тоқати тоқ бўлиб, бир неча марта қўчага чиқиб, шалвираганча қайтиб келди. Ҳатто бир сафар Фирдавсни: «Қирнинг баландроқ жойига чиқиб қарачи, бирор-ярим кўринмаяптимикан?» деб чиқарив юборди. Аммо бирордан кейин Фирдавс елкасини учирив: «Ҳеч ким кўринмайди», деб қайтиб келди. Ана шундан кейин Достон ҳаловатини йўқотди: «Нима бўлди? Келишга ор қилдими, айнидими? Йў-ў-ўқ, жа унчаликмасдир? Миразиз унақа боламас. Шунақа бўлганида, мени мелисаҳонадан опчиқармиди? Ўзини танимаганга олиб, ўтиб кетарди-да. Бирор иши чиқиб қолган бўлса керак. Ҳар қалай, кичкина одаммас», деган хаёлда талай муддат бир жойда ўтиrolмай, ҳовлида айланиб юрди. Неча марта лаб дастурхон устига ёпилган докани кўтариб, остидаги егуликларни кўздан кечирди. «Айнимабди. Айнимасаям керак. Тўрт-беш соатда айниса... Шошма, сиқилиб кетдим. Секи-ин, ҳеч кимга кўрсатмай, юзта отиб олсан-чи... Йўқ, бўлмайди, шундай одамнинг олдига қандай қилиб очилган ароқни қўяман? Кутаман», хаёлидан ўтказди у. Худди ана шу пайтда Миразизнинг машинаси кўринди. Достон енгил хўрсиниб қўйди.

— Келишди, — деди Моҳирўй шодланиб.

Миразиз машинани тўхтатди-ю, икки қўлинини кўксига қўйиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечмасанг, бундан бу ёғига кун кўришим қийин, ошнажон! — деди.

— Бунинг устомонлигини қара. Айб иш қилганини айтмасанг ҳам билади, шумликда ҳар қандай одамни ортда қолдириб кетади.

Машинадан Рухшона ва икки ўғил, бир қиз тушибди. Уларнинг кулгисига Моҳирўйнинг «Хайрият-эй!» деган гапи қўшилиб, Достоннинг сўнгти сўзларини кўмиб юборди.

Машинанинг қораси кўриниши билан Фирдавснинг юраги гупиллаб уриб кетди. Ахир мана шу машинада унинг хаёлини ўғирлаган санам келаяпти-да... У ўзгача жозиба маликаси бўлган Мавзуна тўғрисида ўша кундан бўён тинмай ўйларди. Хаёлан гаплашди. Хаёлан учрашди. Соат тугул, дақиқаларни ҳисоблаб, вақт ўтказди. Ўн кун унинг назарида асрларга тенглашиб кетгандай бўлди. Ҳали бирор марта бунақа аҳволга тушмаганди. Тўғри, саргузаштлари сабаб шаҳарда чиройли қизларга дуч келди. Лекин улар фақатгина чиройли эдилар. Мавзуна каби қалбнинг тўрига киролмас, ке-часи билан уйқу бермасликка қурблари етмасди.

Машина келиб тўхтагач, Фирдавснинг юраги орқасига тортиб кетди... У кутган қиз кўринмасди. «Наҳотки келмаган бўлса? Наҳотки ота-онаси унга тикилганимни сезиз қолиб, бу сафар ўзлари билан олиб келишмаган бўлса?» деб ўйлади у. Бироқ ҳаммадан кейин машинадан Мавзуна тушиб келаётганини кўриб, кўнгли ёришиб, дилини ғаш қилган ҳамма гумонлари тарқаб кетди. Қизни кўриши билан юрагини ҳаяжон қамради. Қизи курмагур ҳам машинадан тушар-тушмас, Фирдавсга кўз ташлади. Гарчи ораларидаги масофа бирмунча олис эса-да, нигоҳлари тўқнаш келганда, икки ёшнинг ҳам юраги ширин энтикли.

Меҳмонлар-у мезбонлар жамулжам бўлиб, Достон тузаган дастурхон атрофига ўтиришди. Дуо қилингач, катталар қолишиб, болалар ўринларидан туришди. Мавзуна Моҳина билан бирга ўчоқ бошига кетди.

Давра дилкаш эди. Шу боис ҳамма хушчақчақ ўтириди. Эркаклар дарров ичкиликни бошлишди. Аёллар бошдан ўтказганларини бир-бирига гапира кетдилар. Фирдавснинг ўй-хаёли Мавзунада эди. Гаплашиш иштиёқи шунақсанги кучли эдики, сабаб бўлса-бўлмаса, ўчоқ бошига бориб қолаверарди. У келиши билан қизнинг кўнгли ҳам шодликка тўлар, ҳар боқишида унга табассум ҳадя этар, Моҳинанинг борлигини унутиб, ҳар тўғрида Фирдавсга савол бераверарди.

— Сиз сентябрдан бошлаб бизницида тураркансиз, тўғрими? — сўради у Фирдавс ниманидир баҳона қилиб, ўчоқ бошига борганида.

— Ҳозирча билмадим. Илгари дадам амакингизида турасан, деганди...

Қизнинг бирдан киприклари пирпиради. Кўнглида қандайдир ғашлик аломатлари пайдо бўлди.

— Шаҳарда амакингиз борлигини билмаган эканман, — деди қовоғини уйиб.

Ҳолбуки, унинг ҳаммасидан хабари бор эди. Ойиси билан адаси йўлма-йўл, асосан, Достон ва унинг оиласи ҳақида гаплашиб келишганди. Мавзуна ойнадан атрофни томоша қилиб кетаётгандек кўринса-да, икки кулоги уларда эди. Оғизларидан чиқсан ҳар битта сўзни хотирасига михлаб бораради.

— Бор. Лекин у ёқда тургим йўқ. Уларга айтиб қўймангу, ўқишига топширганимдан кейин ётоқхонада турганман, — деди Фирдавс қизнинг саволига жавоб бермай.

Қизнинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Демак, бизникида туаркансиз, — деб юборди у кутилмаганда.

Шундай деди-ю, шу заҳоти қизариб кетди. Ўз-ўзидан бошини эгиб, нигоҳлари билан ер чизди. Гўё йигит унга муҳаббат изҳор этди-ю, жавоб беришдан уялан қиз қўзини олиб қочгандай.

Баногоҳ ўша лаҳзада Рухшонанинг қўзи йигит билан қизга тушди. Мавзуна бошини эгиб турибди, Фирдавс унга тикилган. Худди севишганлар учрашувига үхшайди. Аёлнинг жон-пони чиқиб кетди. Ошиначилик, борди-кељди ўз йўлига, бироқ куда-андачиликка келганда, икки оила мутлақо бир-бирига мос эмас. Мавзуна ўзига тўқ, обрули оила фарзанди. Фирдавс ашаддий жиноятчининг зурриёти. Устига-устак, ўгай отаси чўпон бўлса. У лабини тишлади. Ейиш учун қўлига олган кичкина нон бўлагини секин дастурхонга қўйди. «Бу савил қолгур, ҳали қизимнинг бошини айлантираяптими?» дея хаёлидан ўтказди ва қизини чақириб олиш учун баҳона қидира бошлади.

\* \* \*

Дилшод кўксига муштлаб, ҳаҳолаб, сакраб-сакраб кулди. Шунинг баробарида аллақачон жон таслим қилган Чапдастнинг жасадини бир неча марта тспди. Сўнг

устидан сакраб ўтиб, икки букилиб қолган Баханинг оч биқининг туфлисининг учи билан туширди.

— Ароқ! Ароқ опкел, тұнғиз! — дея ўқирди.

Баханинг юраги тамом бұлғанды. У дағ-дағ титраёт-ғанды. Янги хожасининг гапини эшитиши билан ташқа-рига югурди. Шу кетища у қочиши, бўлиши мумкин бўлган калтаклардан омон қолиши мумкин эди. Лекин эртасига ҳам бу ерга келиши бор. Келмаган тақдирда ҳам манави маҳлуқ қидириб боради. Топиб олса, соғ қўй-майди. У кўз очиб юмгунча бир шиша ароқ топиб келди. Қўли қалтираб, ичкиликни юзи моматалоқ бўлиб кетган, кўзи кўринмайдиган даражада шишган, лабининг икки чеккасида қон қотиб қолган, соchlари тўзғиган хўжайнинг узатди.

Дилшод шу ҳолида ҳам шиша оғзини тиши билан очди. Кейин хунук ҳиринглаганча тап тортмай, Чапдастнинг жасади устига ўтирди-да, шиша оғзидан қул-қуллатиб ароқ ичди.

— Сен остимдаги манави тұнғизни шаҳардан ташқа-рига ташлаб келасан! Лекин қўммайсан! — деди оғзи-ни қулининг орқаси билан артиб. — Оч итлар изғиб юрган жойга ташла, бир маза қилишсин.

Баха икки букилиб:

— Хўп бўлади, — деди.

Чапдастнинг мурдасини олиб кетгандаридан кейин Дилшод сўрига чиқиб ёнбошлади-да, чапак чалди. Унинг қандай қилиб тўдабошига айланганини шу ат-рофдаги буз-ғунчилар, йўлтўсар-у ўғрилар аллақачон эшитиб бўлғанди. Шунингдек, қора тўдага елиб-югуриб хизмат қилиб юрган ошпазлар ҳам. Ҳозир улар янги хўжайнинг кўнглини олиш, шу орқали обру топиб, ризқ-насиба териш учун эшик ортида туришарди. Чапак овозини эшитган кабобпаз бирдан ўзини ичкарига урди. Корнининг хўппа семизлиги чаққон ҳаракат қилишига халақит берди. Бироқ у бунга эътибор ҳам бермади. Кирди-ю, иржайганча икки букилмоқчи бўлди. Аммо қорин тушмагур бунга йўл қўймади. Бундан гўёки хижолат бўлган кабобпаз иржайишдан нарига ўтолмади.

— Ёмон очқадим, дарров шашлигингни опке, кейин ўғри-муттаҳамларнинг ҳаммасини бу ёқса чақир!..

Хабар зудлик билан чайқов бозорида кимларнидир қидириб юрганлар-у, вақт алламаҳал бўлиб қолгани боис тинкаси қуриб, уйига кетмоқчи бўлганларнинг қулоғига етиб борди. Дилшод икки сих кабоб еб ул-гурмасидан, ҳаммаси бирин-кетин у ўтирган ҳужрага етиб келишди.

Дилшод уларнинг ҳар бирига еб қўйгудек тикилди. Қош қорая бошлаган маҳал Дилшод бу болалар билан апоқ-чапоқ эди. Ҳар бири истаганча ҳазиллашарди, ҳаттоқи иш буюрарди. Ҳозир барининг оёғи қалтираяпти. Ахир кимсан, Чапдастдай маҳлуқсифатни топтаб ташлаган кимса ундан ҳам ваҳшийроқ бўлиши турган гап. Гарчи унинг бу даражада жоҳиллиги олдин сезилмаган эса-да, ҳар нарса бўлиши мумкин.

— Ҳозирдан бошлаб кимда-ким мен чизган чизиқдан чиқса, онасини учқўргондан қўрсатаман. Ҳамманг хизматимни қиласан. Мабодо бош тортадиганлар бўлса, ҳозир айтсин. Ҳозирнинг ўзида мажақлаб ташлайман. Чапдастнидан баттар аҳволга соламан!

Кўча безориларининг бари боши эгилган, бирори бир нарса дейишга ботинолмасди.

— Сиз бугундан бошлаб бизнинг қиролимизсиз! — деди Баха барадла.

Барча бирдан унга қаради.

Бири «Улоқ кетди», иккинчиси «Дарров пахта қўйди», учинчиси «Пасткаш», дея хаёлидан ўтказди. Бироқ бари бир овоздан Баханинг гапини қўллади. Шу ондаёқ ҳаммага шайтон суви қуйиб узатилди...

Дилшод ўзида йўқ хурсанд эди. Яна ўзига ўзи қойил қолаётганди ҳам. Ахир Чапдастнинг калтакларига чидади. Унга қарши тура олди. Ҳаттоқи зўравоннинг устидан кулди. Мана, қанча безори, кazzобларга хўжайнин бўлиб турибди. Худо бераман деса, бераверар экан.

Чапдаст қора «Жигули»да юрарди. Албатта, машина ўзиники эмас, қайсиdir танишиники эди. Ҳатто у машина ҳайдашни ҳам билмасди. Кўпинча Баха ҳайдарди. Ҳозир эса унга Дилшод эга чиқди. Ўзи рулга ўтирган

ди. Моторни ўт олдирди. Лекин буни қаранг-ки, жойидан силжитишга юраги дов бермади. Бахани чақириб: «Уйга обориб қўй», деди. Бу пайтда тонг астасекин ёришиб келаётганди. Бир кечада шунча иш қилди у. Бир кечада шунча бойликка эга чиқди. Энди бориб отасига ғўдаяди: «Кўриб қўйинг машинани! Бу нақасидан ўнтасини териб қўяман ҳали», — дейди. Лекин отасига бунақанги мақтаниш ўтмаслиги, у ҳаромдан ҳазар қилишини хәёлига ҳам келтирмасди. Қолаверса, Неъмат ака ҳозир уйида йўқ эди.

Дилшод қишлоқи болаларнинг орқасидан қувиб кетганидаёқ, ҳушидан кетганди.

\* \* \*

Неъмат аканинг яна юраги безовта қилди. Уйидагилари ўтган сафаргидай типирчилаб қолишли. Кичик ўғил «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Назокат билан хотини дарвозахонага қалин кўрпа ёзишли. Кейин учовлашиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан унинг устига оила бошлигини ётқизиб қўйишли. Ҳамманинг кўзидан дувдув ёш оқар, ҳамма бирдай изтиробда эди. Шу аҳволда тахминан ярим соатча ўтирганларидан кейин «Тез ёрдам» машинаси келди. Неъмат аканинг қўл томирига кетмакет иккита укол қилишли. «Олиб кетамиз», — дейишли.

\* \* \*

Дилшод «Жигули»дан тушгач, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, Бахага:

— Тушга яқин келасан, итдай чарчаганман, — деди.

Шуни кутиб турган Баҳа дарров газни босди. Дилшод эснади, сўнг гандираклаб бориб, дарвоза тугмачасини босди. Кутди. Ҳеч ким чиқиб, дарвозани очмади. Очмасди ҳам. Чунки уйда ҳеч ким йўқ эди. Дилшоднинг жаҳли чиқди. Дарвозани муштуми билан урди. Тағин жимжитлик, бирор келиб, дарчани очай демайди. Бир неча соат олдин зўравон деган унвонга сазовор бўлган йигитнинг қони қайнади. Аламидан сўқинди ва аямасдан, то оёғи зирқираб қолгунча дарвозани тепди. У «Энди менга мутлақо калтак ўтмайди. Сўйган тақдирларида ҳам, ҳеч нима бўлмагандай тиржайиб туравераман», деб ўйлаган эди. Лекин дарвозани жони борича тепганидан кейин бил-

дики, чучварани хом санабди. Оёғида шунақанги қаттиқ оғриқ турдики, чидолмай, энгашганча инграб юборди.

— Кимсан? Дилшодмисан? — деган овоз келди шу маҳал орқа томонидан.

— Бошқа ким бўлардим, овсар? — дея мингирилаган йигит афтини буриштирганча қаддини ростлади.

— Саҳармарданда дарвозани нимага тепасан? — деди унга яқинлашиб келган икки уй нарида яшовчи етмиш яшар бардам-бакувват Ҳаким бобо.

Унинг калта оппоқ соқоли ўзига ярашиб турарди.

— Сизга нима? Мен сиздан: «Саҳарлаб қўчада нима қип юрибсиз?» деб сўраётганим йўқ-ку, — деди зўрға кўзини очиб турган Дилшод.

— Сўра, айтаман. Масжиддан келаяпман... Менга қара, нега афт-башаранг моматалоқ бўп кетди? Тинчликми?

Дилшод безовталанди. Илгаридан шу одамни қўрса, ҳадиксирайди. Бир оғиз қаттиқ гапириб, уйига кеткашиб юбораман, деб ўйлаганди. Ўхшамади. Бу чолнинг кетадиган нияти йўқقا ўхшайди.

— Ҳаким ота, ҳамманинг ишига аралашавериб, жонга тегиб кетганингизни билмасангиз керак...

Ҳаким отанинг қошлари чимирилди. Дилшодга янам яқинроқ келди:

— Сен бола илгари бунақамасдинг, ўзгариб қопсан. Қани, гапир, қаердан келаяпсан? Нега дарвозани тепаяпсан? Башарангта одам қараб бўлмайдиган бўп қопти, сабаби нима?

— Уфф... Башара ўзимники, тушундингизми, ўзимники! Моматалоқ бўладими, бўлиниб ётадими, ишингиз бўлмасин. Уй ҳам ўзимники. Хоҳласам, дарвозани тепаман, хоҳласам, устидан ошиб ўтаман. Мен сизнинг дарвозангизни тепаётганим йўқми, тамом, кетаверинг, йўлингиздан қолмай.

— Ҳимм, сен ҳам анави безориларга қўшилибсан-да. Отанг ниҳоятда яхши одам. Этиқдўзлиги орқасидан тирноқлаб пул топиб, сизларни боқаяпти. Ҳализамон уйлантираман, деб юрибди. Сен бўлсанг...

— Менга қаранг, Ҳаким ота, — деб бирдан чолнинг гапини бўлди Дилшод, — отам этиқдўз эканлигини юзимга солаверманг. Бундан кейин ўша ишини қилмайди. Мен бунга вайда бераман, — деб кўксига урди

Дилшод. — Шундай боқиб күйманки, тагига шунақан-  
ги машиналарни күйиб күйманки, ҳасаддан юрагингиз  
ёрилиб кетади.

Ҳаким ота кулди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Самолёт оберсанг ҳам, дарвозани тепма, — деди  
кейин бирдан юзи жиддийлашиб. — Сени бу дарваза-  
га дахлинг йўқ! Уқдингми?!

Ҳаким отанинг кўзи чақнаб кетди. Дилшод беихти-  
ёр ортига тисарилди. Бир нималар демоқчи бўлди-ю,  
тили калимага келмади. Сўнг боши эгилди.

Ҳаким ота кетди. Дилшод унинг нима демоқчи бўлга-  
нини тушунолмай, қаққайганча қолаверди.

Қуёш энди бош кўтараётган маҳал Ботир билан Назокат  
таксида келишди. Икковининг ҳам қовоқлари ши-  
шиб кетганди. Улар гўё Дилшодни кўрмагандай ёни-  
дан ўтишди. Ботир чўнтағидан калит чиқариб, шақир-  
шукур бураб, дарвоза қулфини очди.

— Қаерда юрибсан? — деб сўради унга еб кўйгудек  
тикилган Дилшод.

Ботир акасига шартта ўгирилди. Нимадир демоқчи  
бўлди. Худди шу маҳал қўли мушт бўлиб тугилди. Ле-  
кин ҳеч нима демади. Лаблари титради унинг.

— Юринг, — деди дарвозанинг кичик табақасини  
ичкарига итариб очаркан.

— Мен сендан сўраяпман! — деди баттар жаҳли чиқ-  
қан Дилшод.

Бироқ бу сафар ҳам унинг саволи жавобсиз қолди.  
Опа-ука ичкарига кириб кетишли. Худди: «Йўқол, сен  
бу ернинг одами эмассан», деяётгандай, ортидан дар-  
возани қарсиллатиб ёпиб қўйишли. Бундан Дилшод-  
нинг жони чиқиб кетаёзди.

— Ўлдираман! — дея вишиллади у дарвозани қар-  
силлатиб тепаркан.

Ботир билан Назокат ошхонага киришганди. Бири  
дарров газни ёқди. Иккинчиси картошкаларни стол ус-  
тига қўйган ҳам эди, Дилшод пайдо бўлди.

— Сен бола кимга сакрадинг?! — деди у бирдан.

Ботирнинг бардоши тугади. Бирдан акасининг ёқаси-  
га ёпишли.

Үйларига келгүнича Рухшонанинг қовоғи очилмади. Мөхирүй безовта эди. «Уйимиз ёқмадимикан? Ё дастурхонимиз маъқул келмадими, ё бирор нотўғри гап айтиб кўйдими?» деб үйлар ва бир-биридан юмшоқ сўзлар айтиб, кўнглига йўл топишга ҳаракат қиласади. Йўқ, барибир, у ўзгармади. Ҳатто эртаси куни чошгоҳда тил учидага хайрлашиди. Мавзуна бўлса, Моҳирўйнинг бўйнига осилиб олди.

— Энди навбат сизларники. Ойижонимнинг шундай ўртоқлари меҳмон бўлмаса, хафа бўламиз. Моҳинаниям, албатта, оборинг, — деди хушчақчақ овозда.

Машинага ўтирганидан кейин ҳам: «Хайр, хайр!» деганча қўл силтади. Фирдавс ундан кўзини узолмасди. Ҳудди бир умрга хайрлашаётгандай, ички бир ўкиниш бор эди унинг қалбида.

Эр-хотин, болалар талай муддат жим кетиши. Мирализнинг хаёли ўтган икки кун билан банд эди. Чунки, мана, неча йилдирки, бундай дам олмаган, роҳатланмаганди. Яна шунақсанги бардамлашган эдикни, бешолти ёшга ёшарганга ўхшарди. У Рухшона томонга қараб қўйди. Энди ҳазиллашмоқ учун оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Рухшонанинг ўзи гап бошлаб қолди.

— Falati бўп қолишибди, — деди у эрига қараб қўйиб. — Firt қишлоқилар-да.

— Энди орадан шунча йил ўтиб кетди. Мослашиш керак-да. Агар мослашмаса, қишлоқнинг одамлари олдидаги сув юзидағи кўпикка ўшшаб юришади. Менга ёққани, Достон билан Моҳирўй самимий одам бўп қолишибди. Гапларида, ўзини тутишларида зигирча сохтатлик сезмайсан. Тўғриси, майшат қилдим. Айниқса, тоққа чиқиб, кабоб тайёрлаганимизда. Фирдавсни қаранг, хоним, бўйи-басти келишган, забардаст йигит. Насиб бўлса, ундан зўр юрист чиқади.

— Чиққанда-чиқмагандага, сизга нима? Отаси кazzоб, боласи ким бўларди?

— Рухшонахон, — деб жилмайди Миразиз, — кўнглингизни кенгроқ қилинг. Худо назар қилган бўлса, жуда катта олим бўлиб кетиши ҳам мумкин. Отасининг делосини ўрганиб чиққанман. У жиноий тўдага ўзи хоҳлаб кирмаган, мажбур қилишган.

— Лекин сиз битта-ю битта қызингизни ўша чўпоннинг ўғлига берармидингиз?

Миразизнинг қошлари чимирилди. Жаҳли чиқди. Шу боисдан ҳам индамай қўя қолди. Йўқса, оғзидан но-бопроқ сўз чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Мавзуна, — деб ортига ўгирилди Рухшона, — қи-зим, шу бола билан тўйиб-тўйиб гаплашиб олдингми? Сендан кутмаган эдим...

— Вой, ойи, — деди Мавзуна киприклари пирпираб, — нималар деяпсиз? Қанақа гаплашиш, шунчаки яқин-ларимиз деганларингта, у ёқдан-бу ёқдан бир-икки оғиз...

— Қўявер, қизим, — деди Миразиз унинг гапини бўлиб. — Ойингнинг феъли айниб қолганга ўхшайди. Бир пайтлар Моҳирўй учун ҳамма нарсага тайёр эди. Қаёнин дугона, сирдош эди. У энди фирт қишлоқи, ойи-нг бўлса, шаҳарлик. Фарқи — ер билан осмонча.

— Адаси! — деди Рухшона лаблари титраб. — У пайтлар ҳамма нарса бутунлай бошқача эди. Ҳозир замон ўзгарди. Сиз полковниксиз. Оғайнингиз чўпон. Наҳотки у билан...

— Хоним, тўхтанг, нега ҳе йўқ, бе йўқ, жанжал қила-япсиз? Моҳирўй қизингни келин қиласман, дедими?!

— Дейиши керакмиди? Сизга мендан ҳам улар яқин-роқми?!

— Ойи, ада, бас қилинглар! Нега мени бозорга со-ляяпсизлар?! — деб Мавзуна ҳўнграб, иккала қўли би-лан юзини бекитди.

Шундан кейингина эр-хотин баҳслашишни бас қилишди. Рухшонанинг ҳам кўзи намланганди. У қизи билан Фирдавс орасида нима бўлганини аниқ сезди: «Мавзуна-ни яхши биласман. Агар сұхбатдоши ёқмаса, у қариндоши бўладими ёки катта амалдорнинг ўғли бўладими, гапни қисқа қиласди-да, кетиб қолади. Фирдавс билан эса нафа-қаг сұхбатлашди, балки шунақангидекин муносабатга ки-ришдик, гўё севишганлардай тутди ўзини. Уйга борай-лик, гаплашиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман... Мен сени горкомнинг ўғлига беришни ният қиласман. Фақат бутун эмас, эртага ҳам керилиб юришни, кудам «фалон-чи» дейишни хоҳлайман. Сен бўлсанг, эртаси номаълум

болани ёқтириб ўтирибсан. Моҳирўйнинг гўзалиги чекчегарасиз эди, бунинг устига, у қули узун амалдор оиласида катта бўлган экан. Лекин бориб-бориб, чўпонга — ўғрибошига эрга тегди. Мана, охири нима билан тугади? Аҳмоқ, сен ҳам унинг йўлидан бормоқчимисан ҳали?.. Аданг... Адангнинг ҳеч вақодан хабари йўқ. У майшат қилди, ароқдан калла кўттармади. Ичолмай юрганди-да, бечора. Ҳали адангниям яхшилаб адабини бераман. Яхшилаб тушунтириб қўяман», дея хаёлидан ўтказди Рухшона.

Миразизнинг юраги сиқилди. У хотинидан бунақанги гапларни сира кутмаганди. Достоннинг ўйида илк маротаба меҳмон бўлган қунининг эртасига хаёлига бемаза ўйлар келганида, ўзини ўзи қанчалик ёмон қўриб кетган бўлса, ҳозир Рухшонани ҳам сира кўргиси келмаётган эди: «Ўзинг менга текканингда, оддийгина қиз эдинг-ку. Топгандарим сени шунчалик фудайтириб юбордими ҳали? Билсанг, менинг пулларим Достон чўпонникидай ҳалол, покиза эмас. Мен шунга маҳкумман, мажбурман. Демак, у болаларига сутдай оипоқ ризқ бераяпти, мен бўлсам... Йўқ, ўйламайман. Бас! Пешонада нимаики бўлса, қўраверамиз. Лекин сен дугонангдан воз кечмаслигинг, унинг ўғли ҳақида ёмон хаёлларга бормаслигинг керак эди, хотин...» У бир қули билан машина бошқараркан, иккинчи қули билан узалиб, бардачокни очди. Сигарет олди.

Тутуннинг бир қисми ташқарига чиқаётган бўлсада, анчагинаси салонда қолаётганди. Илгари Миразиз бирор марта бўлсин, фарзандлари ёнида сигарет чекмаган, бошқа бироннинг ҳам тутатишига йўл қўйманди. Эрининг файри одатини кўрган Рухшона унинг қаттиқ асабийлашаётганини англади. Бироқ ҳеч нима демади. Дея олмади ҳам. Индамай кетди.

Ҳатгоқи уйига етганларидан кейин ҳам кўнглидагини тўка олмади. Фақат эрини ишхонасидан чақириб қолишгач, қизини сиқувга олди. Аввал ошхонада қизининг кўз ўнгида атайлабдан бош оғриғи дорисини ичди. Сўнг хонасига кириб, диванга ястаниб ўтирди. Ундан кейингина Мавзунани чақириди.

— Келинг, қани, ойим қиз, — деди у Мавзунани кўриши билан кесатиб.

Мавзуна ойисидан уч қадам нарида тұхтади. Бегубор қарашларида бир олам ҳадик бор эди. Зеро, волидаси унинг күнглида кечәётган сөхрли туйғуларни англаб қолган, бу бевақт англаш қыз қалбини изтиробга солмоқда эди.

— Нечанчи синфда ўқишинг хотирамдан күтарилиб қопти, бир айтиб юбор... Шу қўни-қўшнилар сўраб қолса, айтольмай, қийналиб юрмай, — деди қизига бошдан-оёқ қараб чиққан Рухшона аччиқ жилмайиб.

— Бу йил ўнинчига ўтдим, — жавоб берди Мавзуна паст овозда.

— Яхши. Демак, мактабни битиришингга ҳали роппа-роса бир йил бор. Аданг полковник, фалон жойнинг бошлиғи. Қўлида юзлаб одамлар ишлайди. Шундай одамнинг яккаю ёлғиз эркатой қизи бирорта институтда ўқишини хоҳлар?..

— Ойи, нима демоқчисиз? Айтаверинг, гапни айлантирмай, жавоб беришга тайёрман, — деди икки юзи олмадай қизариб кетган Мавзуна киприкларини пирпиратиб.

— Саволимга жавоб бермадингиз, кичик хоним...

— Ойи, нима кераги бор?

— Керак-да! Мен қизимнинг хоҳишини билишим керак.

— Ҳа, ўқийман.

— Шунақами? Мен бошқача жавоб күтгандим.

—...

— Бугун сизни унаштириб, эртага узатсак, қозонтовоққа қоришиб юрсангиз, бола-чақа деганларидай...

— Ойи!.. — деб бақириб юборди кутилмаганда қўзидан дув-дув ёш оқизаётган Мавзуна.

— Нима ойи?! Чўпондан қўзингни ололмай қолганинг ёлғонми?! Ёнингдан кетолмай қолди-ку! Шунчалик ироданг бўшлигини онанг бўлатуриб, билмаган эканман!

Мавзуна ортига бурилди. Югуриб хонадан чиқиб кетмоқчи бўлганида, орқасидан ойиси бақирди:

— Иккала қулогиніта ҳам яхшилаб қўйиб ол! Яқин бир ой ичида сени унаштириб қўямиз. Тўйинг уч йилдан кейин бўлади. Институтнинг иккинчи курсида ўқиётганингда...

Мавзуна онасининг гаплари шу билан тугаган бўлса керак, деган хаёлда эшик томон юрди.

— Ҳали гапларимни охиригача айтганим йўқ. Асосийси қолди. Мен сени тошлар орасидаги кичкинагина қишлоқнинг кулбасига келин бўлсин, деб улфайтирганим йўқ! Сени горкомнинг ўғлига берамиз!

Мавзуна бирдан онаси тарафга ўгирилди. Ҳайратдан донг қотди: «Ахир бир ҳафта бурун шу аёл эмасмиди: «Ўқиши битириб, бирон касбнинг бошини тутмагунингча эрга бермайман», деган? «Бой бор жойда —вой бор, бадавлат одамларнинг кўнглини оламан деб, елиб-юргургандан кўра, оддийгина оиланинг маликаси бўлган минг марта афзал», деган гапни айтганига ҳам кўп бўлмадику. Нега энди бирданига бунақа ўзгариб қолади? Ахир ўzlари адам билан севишиб турмуш қуришган-ку. Нашотки муҳаббатларининг илк ҳосилини таҳқирлашни истасалар?..»

— Нега безрайиб қолдинг? Айтадиган гапинг йўқми?

— Ҳамма нарсани ҳал қилиб, гапиришимга ҳожат қолдирмадингиз, ойижон! Ўқимишли, обрў-эътиборли оиланинг фарзанди онасининг хоҳишидан қандай чиқсин? Энди рухсат берсангиз, дилимнинг вайронлигини ошхонада пичоқ билан қириб ташласам-да, ўрнини кир совунда яхшилаб ювиб, устидан дезодорант сепсам. Токи, ҳидини бирор сезмасин...

Рухшона қизи нима демоқчи бўлганига тушунмади. «Ўзимни ўзим пичоқлайман, демоқчими? Шу билан сиз ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам қутулади, демоқчими?» кўнглидан ўтказди у.

Мавзуна хонадан чиқди. Ошхонага бориб, пичоқни қўлига олди.

— Нима қилмоқчисан?! — бақирди Рухшона қизига унинг қўлидаги пичоқни кўриши билан капалаги учеб.

— Ойи, хавотир олманг, ўзини ўлдирадиган аҳмоқ йўқ. Фақат мен дилимни қидирайпман. Айтсангиз, топсам-да, устидаги губорларни сидириб...

— Бас қил майнавозчиликни! Мени ўзинг тенги қиласан, — жаҳл билан қизининг ёнига келган Рухшона унинг қўлидаги пичоқни тортиб олди ва стол устига улоқтириди. — Икки қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшишиб ол. Мени тириклайн гўрга тиқишини истасанг, хаёлингга келган ишни қил. Агар озгина бўлса ҳам ҳурмат қил-

санг, чизган чизигимдан бир қарич ҳам чиқма, — деди ва ортига бурилиб, хонасига кириб кетди.

Үша куни Миразиз ташвишли қиёфада уйига кириб келди. Келди-ю, музлаткичдан муздай пиво олиб, тик турган жойида қулкуллатиб ичди. У яқин вақт оралиғида уйига сира бунақанги кайфиятда келмаган эди. Шу боисдан Рухшона саросималанди.

— Тинчликми, адаси? — сўради охири сабри чидамай қўрқа-писа.

— Тинчликмас-да, — жавоб берди Миразиз бўшаган шишани музлаткич устига қўяркан, — бунақалардан қачон кутуламиз, билмайман. Яна қотиллик бўпти. Яна шаҳар ташқарисига ташлаб кетишибди. Тағин муштумзўрлар орасида келишмовчилик. Ростини айтсам, жонимга тегиб кетди. Бўпти, бунинг сизларга алоқаси йўқ. Менга овқатингизни аччиққина қилиб сузинг, хоним, — деб у ечиниш учун хонасига кириб кетди.

\* \* \*

Дугонасининг хушчақчақ кайфиятда келиб, бирдан феъли айнигани Моҳирўйни ўйлантириб қўиди. Машина кеттанидан кейин у бошини эгтанча олма остига ёзилган кўрпача устига ўтириди. Бир муддат ўтар-ўтмас, Достон ҳам унинг ёнига келди. У хотинидан фарқли ўлароқ, зўр кайфиятда эди.

— Очиги, — деди Достон дастурхоннинг Моҳирўйга қарама-қарши томонидаги кўрпачага ўтириб, қўлтигининг остига ёстиқ оларкан, — неча йиллардан бери бу ерда яшаб, шунақанги оромбахш жойни макон қилганимизни билмаган эканман. Худди биринчи марта келгандай маза қилдим. Ўзиям ўн саккиз ёшимга қайтиб қолганга үхшайман. Миразиз хўп ажойиб бола-да, одамнинг кўнглидаги ни топади доим. У билан сира зерикмайсан. Хаёлимда улар бугун келиб, икки соатча ўтириб кеттандай.

— Ҳа-а, — деб бошини қимирлатганча тасдиқлади Моҳирўй, — лекин шу Рухшона нимагадир сира очилмади. Келганда яхшийди. Кейин бирдан ўзгарди-қолди. Кетаётганида қўл учida, номигагина хайрлашди. Турмушимиз ёқмаганга үхшайди.

— Йўғ-э, бирон жойи оғриб қолгандир-да. Сенга айттолмагандир. Шундай жойга келади-ю... Биласанми, бу

ерга келган одамнинг хафа бўлишга ҳақи йўқ. Агар ярим давлатидан айрилган тақдиридаям... Балки, сенга шундай кўрингандир. Яхшиси, битта аччиқ чой дамла, кечадан бери ичавериб, бошнинг анча мазасини қочириб кўйибмиз.

Моҳирўй ҳовли томонга юзланди. Қизига қўзи тушди. Дарров эрининг буйругини унга етказиб қўйди.

Кунлар бир-бирини кувиб ўтаверди. Фирдавс ҳаловатини йўқотган, кун отиши-ю қўёш ботишини интизорлик билан кутадиган одат чиқарган эди. Тунни эса фақат Мавзуна ҳақидаги ўйлари билан ўтказарди. Қизнинг жилмайиб боқишлири, гоҳ-гоҳида икки юзининг қизариши кўз олдидан кетмас, кувноқ, ширали овози эса такрор-такрор қулоги остида янграгандай бўлаверарди. Яна ҳар оқшом у севиб қолган қизини тушида кўрарди.

Ниҳоят, ёз мавсуми поёнига етишга тайёргарлик кўра бошлади. Фирдавснинг шаҳарга бўлган интилиши икки карра ошди. Ҳали сочини эпақага келтириб келади, ҳали жомадонини очиб, ичидагиларни гилам устига сочиб, бир бошдан яна қайта кўриб чиқади-да, кейин тагин жойлайди.

— Ака, — деб қолди шундай кунларнинг бирида Моҳина, — Мавзуна опам келиб-кетганларидан кейин жуда ўзгариб кетдингиз-а?

Фирдавс синглисига юзланди. Аввал уни уришиб бермоқчиди. Моҳинанинг юзидағи табассумни кўргач, шаштидан қайтди. Ўзи ҳам илжайди.

— Нимага унақа деяпсан? — сўради гўё ўзини ҳайрон бўлган кўрсатиб.

— Улар келмасидан олдин фақат ўқишига кетаётганингизда соchlарингизни тарагандингиз. Энди бўлса, ҳар куни тарайсиз, қишлоқда юрсангиз ҳам шимингиз дазмолланган. Худди Мавзуна опа келиб қолади-ю, сиз чанг-чунг бўп кетган шимда, ювилмаган сочда унга кўринишни истамаётгандай, уялаётгандай бўлиб туйилаяпсиз менга.

— Туйилмасин, Моҳи, хўпми? — деди Фирдавс синглисинг бурнидан чимдиб кўйиб. — Илгари мен шаҳарда яшаб кўрмагандим. Одамларнинг юриш-туришини кўрмагандим. Бордим, кўрдим. Энди...

— Алладингиз, алдадингиз, ўқищдан келганингиздан кейин яна аввалги аҳволингизга тушгандингиз, Мавзуна опа келиб-кетганларидан кейин ўзгардингиз.

— Эй-й, жамалак соч, муштдай бошинг билан нималар деяпсан? Мен у билан ўртоқ бўлдим, — деди Фирдавс синглисини алдаган бўлиб.

Бироқ Моҳина унинг бирорта ҳам гапига ишонмаганини яхши биларди. Шунинг учун ҳам ичидা қандайдир севинишга ўхшаш бир нима бор эди. Албатта, Моҳирўй ҳам ўғлидаги ўзаришни сезмай қолмаганди. Бунинг боисини ҳам тахмин қилганди. Бундан аслида хурсанд бўлиши керак эса-да, у кувона олмаётганди. Боиси ўша Руҳшонанинг ўқишига кетадиган куни яқинлашгани сайин негалидир кучайиб кетаётган эди. Уйга кирсаям, ўй-хаёли шунда. «Ишқилиб, у боламга бирон зиён етказиб қўймасинда», дея ўйлагани-ўйлаган. Аслида, бунга унинг асоси ҳам йўқ эди. Тўғри, Фирдавс Мавзуна билан кўп гаплашди. Қизнинг ўзи ҳам Фирдавсни қўриши билан яйраб кетаверди. Лекин бу дегани уларнинг орасида нимадир бўлди дегани эмас... Аммо Руҳшона «Қизимнинг бошини айлантираяпти», деб тушунган, агар унинг ўйлагани тўғри чиқкан тақдирда ҳам, Мавзунани бериш нияти йўқ.

— Зор эмасман!

Кутилмаганда Моҳирўй хаёлидагини овоз чиқариб айтиб юборди. Ўзининг гапидан ўзи чўчиб тушди. Ёнверига қаради. Ҳартугул, ҳеч ким йўқ экан.

— Шундай боладан қизингни қизғанаяпсанми ҳали? Ақлли-хушли, ҳусндор, келишган йигитдан-а?.. Не-не қизлар жон-жон дейди. Ҳатто Мавзунанинг ўзиям.

— Нималар деяпсан? — деди кутилмаганда унинг ёнига келган Достон. — Ҳовлида турволиб, ўзингта ўзинг боядан бери гапирайпсан.

Моҳирўй унга ўқрайиб қаради. Шу билан дилидагини айтган бўлди. Хотинининг қилифи Достонга ёқмаган эди, аммо азбаройи Моҳирўйнинг соғлифини ўйлаб, ҳеч нима дея олмади. Бунинг ўрнига аччиқ жилмайди.

— Яхши ўргатдингиз, хоним, мен ҳам қўйларни боқиб юрганимда, қўшиқ хиргойи қилиш ўрнига сизга ўхшаб ўзим-

га ўзим гапириб юраман. Тоғу тошлар, даралар эшитади. Қолган-күтгани қўйларнинг насибаси, — деди кесатиб.

— Дадаси, — деб Моҳирўй эрига тикилиб қолди, зеро у умрида биринчи марта «дадаси» деган сўзни ишлататётган эди. Фалати туйилди. Киприкларини пирпиратди. Достоннинг кўнглида пайдо бўлган губор эскиришга улгурмай йўқолди. Эндиғи табассумида самимилик пайдо бўлган эди. — Баъзида ўйноқи гапларингизга тушунмай қоламан, — деди маълум танаффусдан сўнг.

— Менга, — дея «болалар йўқмикан?» деган ўйда атрофига қараб олди Достон, — гапларингизнинг ҳаммаси тушунарли. Гапирмасангиз ҳам, қовоқчангизнинг билинар-билинмас тундлашганидан нима демоқчилигингизни билволаман.

Шу билан эр-хотиннинг гаплари тўхтаб қолди. Чунки ёнларига Моҳина келганди. Охирги пайтларда ҳамма нарсаларни қизиқиш билан тинглайдиган одат чиқарган қиз келди-ю, аввал аясига, сўнгра дадасига қаради.

— Чой дамлаб қўйинг, томоғим қақраб кетди, — дея Достон қўра томонга йўналди.

Фирдавс ҳар ҳафта келиб тураман, дейишига қарамасдан, Моҳирўй ўғлини йиғлаб-сиқтаб шаҳарга кузатди. Унинг кўз ёшини кўрган Достоннинг ҳам ўпкаси тўлди. Бироқ тишини тишига босиб чидади. Фирдавсни маҳкам бағрига босаркан:

— Амакингникида яша, лекин бугуннинг ўзидаёқ Миразизга ҳам учрашиб қўй, адресини биласан, ёзиб берганман, — деди.

Шу пайт Достоннинг кўзи синглисига тушди. Қизча мийигида кулиб турарди.

Онасининг кўз ёши, қизчанинг мийигида кулиши, отасининг сўзларини хотирасига маҳкамлаб қўйган Фирдавс сумкасини елкага илиб, йўлга тушди. У амакисининг дарвозаси ёнига келди. Қўнғироқ тугмачасини босишга иккиланиб, бир муддат ўйланиб турди. Аввалги сафар келганида, кичик табақани очган аёл хаёлида гавдаланди. Бадқовоқ, қараашлари ўткир, соvuқмижоз аёл. Фирдавс билан гаплашишни истамади. Шундай муомала қилдики, умид билан борган йигит ортига бурилиб кетди. Булардан бехабар ота уни тағин шу ёққа жўнатаяпти.

Соч-соқоли ўсиб кетган, иккала кўзи ҳам қизарган, кўринишидан Фирдавснинг дадасига ўхшаб кетадиган, лекин юзининг сўлғинлиги, ажин босгани ёшининг анчага бориб қолганидан далолат бериб турувчи киши дарвозанинг кичик табақасини очиб, бир дақиқа елкасига сумка осган йигитга термилди.

«Дадамнинг акалари йўқ эди, шекилли. «Укам мендан икки синф пастда ўқиган», деганди. Бу одам... Балки, амакиваччаларидир ё тоғаларимикан?» хаёлидан ўтказди Фирдавс.

— Сенга ким керак? — сўради дарвозага суюнган киши дўрилдоқ овозда.

Шу заҳоти Фирдавснинг юзига гуп этиб ачимсиқ, одамнинг кўнглини бузувчи ароқ ҳиди урилди.

— Мен... — деди исга зўрға чидаган йигит, — мен Фирдавсман.

Унинг рўпарасидаги киши сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, хунук иржайди. Сунг:

— Достонбой акамизнинг эркатойиман, дегин, — деди.

— Ўғли бўламан.

— Ҳимм, ўғли. Кир уйга бўлмасам, ўғли, — дея Соҳиб эшикни кенгроқ очди.

Фирдавс ичкарига қадам қўйиши билан юзига қандайдир галати ҳид урилди. Бу ҳид унга танишдай эди. Қаердадир дуч келганини айни дақиқада эслаёлмади.

— Ақажонимиз, — деди йўл бошлаб кетаётган Соҳиб, — бизни вобше эсидан чиқариб юборган бўлса керак, деб ўйлаб юрувдим. Эсида эканмиз-да, ўзи келмасаям, боласини жўнатибди.

Фирдавс жавоб бермади. Олдида кетаётган одамни ёмон кўриб кетди. Ўқрайиб қараб қўйди.

— Сени, — гапида давом этди Соҳиб, — кичкиналигингда кўргандим. Катта бола бўп кетибсан. Чоғимда адангдан ҳам ўсиб кетганга ўхшайсан.

Шундай дея Соҳиб бирдан тўхтади. Ортига ўгирилди. Унинг кўзлари айёrona боқарди. Фирдавс ҳайрон бўлганча унга тикилиб қолди.

— Менга қара, жиян. Бу амакингни бир хурсанд қilmайсанми? — деб бурнини тортиб қўйди Соҳиб.

— Хурсанд... Қандай қилиб?

— Хе, бундан осони йўқ. Кўчанинг бошига борасан. Йўлнинг нарёғига ўтасан. Озиқ-овқат магазини бор. Кирасан-у, қулинг ўргилсин Водкавой Арафовдан биттасини сотовласан-да, изингта қайтасан. Олам гулистон.

Фирдавс амакисидан бундай гапни кутмаган эди. Шу боисдан нима деярини билмай, анграйиб қолди.

— Менга сумкангни бер. Келгунингча, ўзим яхшилаб закуска тайёрлаб тураман, шўр бодрингдан. Билсанг, шўр бодринг билан зўр кетади-да. Мойдай ўтади. Томоғингдан ўтаётганида, жонинг киради. Бор тезроқ, — деб Соҳиб жиянининг сумкасини қўлига олди-да, ошхона томонга кетаркан, хурсандлигидан қўшиқ кўйлаб юборди.

Фирдавс бир муддат қимиirlамай турди. Сўнг ортига бурилди-да, амакисининг илтимосга йўгрилган буйруфини адo этиш учун кетди.

Ароқни қўлига олиб, жаҳд билан дарвозага кириб келган Фирдавс ҳовлида сигарет чекканча у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган амакисини қўрди. Бечора шунақангни бетоқат эдики, ҳар қадам босганида, дарвоза томонга қаарди. Фирдавсга кўзи тушганида эса шодликдан қийқириб юбораёзди.

— Бунча тез юрма! — бақири у йигитга. — Қўлингдан тушиб кетади. Одам шунақаям бефаросат бўладими?! Силтаб олиб келаётганини қаранглар бунинг! Тўхта! Тўхта! Бошқа юрма, жойингдан қимиirlамай тур, ўзим, ха ўзим опкираман оғатижонни ошхонага!

Фирдавс қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, таққа тўхтади. Икки кўзи амакисида, киприкларини пирпиратади. Соҳиб чопқиллаганча унинг ёнига келди. Ўта эҳтиёткорлик билан шишани қўлига олди. Қўзлари чараклаб, уни томоша қилди.

— Бунинг тиниқлигига қара, — деди ютиниб қўйиб, — зилол, зилол! Ҳа-а, туришингга туришим. Вадат!

— Амаки...

Соҳиб чўчиб тушди ва Фирдавсга қарайман деб бехосдан қўлидаги шишани ерга тушириб юборди. «Жанг» деган товуш чиқиб, идиш чил-чил синди.

— Войдод! — деб бақириб юборди Соҳиб, сўнг титраганча энгашди. — Жоним, жаҳоним, нима қип қўйдим

сени? Сен сингандан күра мен синсам бўлмасмиди?  
Қандай кунларга қолдим? Жигардан айрилдим-ку!

У қўллари қалтираб, шиша синиқларини бир четга сураркан, ерга ёйилиб кетган суюқликка бармогининг учгинасини теккизди. Кейин нам бўлган бармоқни оғзи-га солди.

— Амаки, — деди бутунлай карахтиликдан эндинга чиққан Фирдавс.

Бироқ у бошқа гапиролмади. Соҳиб бақириб юборди.

— Ўл амаки! Қора мозор амаки! — деди у кўзидан ёшини дув-дув оқизиб. — Номард. Бирпасгина жим турсанг бўлмасмиди? Ошхонага кириб, пиёлага қуиб, икки қултумгина ютволсам бўлмасмиди? Ана ундан кейин нима гапинг бўлса, айтавергин эди. Эҳ, тарбия кўрмаган бола!..

— Амаки, бориб опкеламан яна, сиз кўп сиқилманг, — деди Фирдавс унга астойдил ачиниб.

Соҳиб галати бир чаққонлик билан ўрнидан сапчиб турди.

— Опкеласан. Ҳа-а, опкел, жиян, мен ўзим, — дея бир неча марта ютиниб олди Соҳиб, — дарвозахонада тураман. Кутволаман. Чироғим, амакингни қутқар!

Фирдавс ортига бурилди. Аламдан унинг лаблари титраб кетди. Югурганча бориб, дўкондан бирданига икки шиша ароқ сотиб олди. Дўкончи афтини бужмайтириб, унга қаараркан:

— Нима бало, шишаси билан кўтарадиганлар ўтирибдими? — деди.

Фирдавс унга жавоб бермади. Изига қайтди. Эҳтиёткорлик билан дарвозанинг кичик табақасини очди. Амакиси ўзи айтганидай, кираверишдан икки қадам нарида турган экан. Фирдавсни кўрди-ю, сапчиб тушди.

— Опкелдингми, бўталоғим? — деди яйраб.

Фирдавс шишанинг биттасини ортига бекитиб, иккинчисини амакисига узатди. Соҳиб бу сафар айлануб-ўргилмади. Шишани бағрига босганча эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб, уй тарафга кетди. Аммо зинадан кўтарилаётганида, яна битта фалокат рўй берди. Оёғи қоқилди.

— Эй-й! — дея бақириб юборган Соҳиб шишани қарсиллатиб бетонга уриб олди.

Бечоранинг жонини азроил сууриб олгандай бўлди гўё. У қўлидаги шиша синифини улоқтириб юбориб, ерда думалаб ўкирганча йиглай бошлади. Фирдавснинг қотиб-қотиб кулгиси келарди-ю, лекин тишини тишига босишга мажбур эди. Чунки амакиси унинг кулаётганини кўриб қолса борми, қўлига илинган нарсанни унга отиб, кувиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Тўрт-беш марта у ёқдан-бу ёқقا думалаган Соҳиб, ниҳоят, тинчиб қолди. Фирдавс унинг ёнига борди. Қўлидаги шишанинг оғзини очди.

— Амаки, ўтирилинг, ўзим оғзингизга қўйиб қўяман, — деди.

— А?! Нима дединг?! — дея бирдан бошини кўтарди Соҳиб ва кўзи Фирдавснинг қўлидаги шишага тушди-ю, лаблари титраб кетди. — Ҳе-ҳе-ҳе. Яхши. Майли, менинг қўлимга берма, озгинасини ичир, — деди ётган жойида.

Бир пиёлача суюқлик ичига кетганидан кейин Соҳиб ўрнидан туриб, оёгини чалиштирганча ерга ўтириб олди.

— Бай-бай-бай. Шу десанг, жоним кирди. Ўлиб қоламанми деб ўйлаётгандим. Қани энди менга бер-чи, — деб қўлини чўзди-ю, шу заҳоти яна тортиб олиб ўшшайди. — Йў-ў-ўқ, — деди чўзиб, — яна синдириб қўяман. Яххиси, ўзинг ошхонага опкириб, пиёлага қуй. Мен орқангдан секин бораман.

Фирдавс кулди ва «Хўп!» дегандай бошини қимирлатиб, тўзиб, ювиқсиз идишларга тўлиб кетган ошхонага кириб, бурнини жийирди. Қўлидаги шишани хона ўртасидаги стол устига қўйди. Сўнг қидириб, тозароқ пиёла топди.

Тўхтовсиз икки пиёла ароқ ичган Соҳибнинг юзи ёришди ва ликопчадаги шўр бодрингдан бирини қўлига олиб, фарч этказиб тишлади-да:

— Сен бола «Қаерга кеп қолдим? Амаким нега бунақа?» деб ўйлаётган бўлсанг керак, — деди оғзидагини чайнаркан.

Уни кузатиб ўтирган Фирдавс елка қисди.

— Падар лаънати ароққа ўрганиб қолганимга кўп бўп кетди. Аввал ойимдан айрилдим. Ҳа-а, ўшанда сени

кўргандим. Сен бизникига келувдинг. Ёш бола эдинг. Хуллас, сингил қарамай қўйди, опанинг мен билан иши йўқ. Ака тоғу тошлар орасида юрибди. Бу ёқда ишим юришмай қолди. Икки ўғил, бир қиз ейман дейди. Уларни боқиш керак. Бошқа томондан хотиннинг жағи очиқ. Аввал бир пиёла, кейин икки пиёла. Аста-секин шиша-лаб ичадиган одат чиқардим. Ҳар куни уйда жанжал.

— Хотин ичаяпсан дейди, менинг қўлим ишга тушади. Охири уям чидаёлмади. Кетворди... Ароқ куй, — деб Соҳиб сўзлашдан тўхтади. Навбатдаги пиёлани ҳам оқ қилганидан сўнг бутунлай бошқа нарсани гапиришга тушиб кетди.

— Одамлар ўзгариб кетди. Тунов куни магазинга амаллаб бир жойдан икки сўм топиб, вино олгани борсам, бермайман, дейди ит. Аввал қарзларингни тўла, дейди. Бўш келмадим, жанжаллашиб, шакар билан гуручнинг устига қўйиб сотаётганини бетига солиб, битта вино олиб чиқдим. Куй яна.

— Амаки, балки бўлар, маст бўп қоласиз. Қолганини кейинроқ ичарсиз, — деди Фирдавс куйинчаклик билан.

— Нима?! Ҳа-а, ҳиқ, ичмаса, ўзим сипқораман деб ўйладяпсан-да, бекор айтибсан! Қарзим бор менинг. Томдидан. Оғайним бўлади. Бечора неча кундан бери бўлмаганда бир қултум топиб беради. Охири, ҳиқ, уфф, қийналиб қолди. Ўғли пул бермай қўйибди. Хотинини алдаб, нон-понга деб бир-икки сўм олади... Ҳиқ, ҳиқ...

Соҳиб бошқа гапиролмай қолди. Унинг кўзи юмилиб кетаётган эди. Фирдавс эса енгил тортид. Ухлаб қолса, ортган ароқни яшириб қўяди.

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, Соҳиб бошини стол устига қўйганча хуррак тортиб юборди. Фирдавс ўрнидан турди. Ошхонага кираверишга қўйилган сумкасини қўлига олдида, уй хоналарини бирма-бир кўриб чиқмоқчи бўлди.

У дадаси бир пайтлар яйраб-яшнаб улгайган уйнинг шип-шийдамлигини кўриб, ҳайратдан қотиб қолди. Ҳаттоки ичиди қандайдир аламга ўхшаш бир нима пайдо бўлди. Йиғлагиси келди. Ва бошини ҳам қилганча ошхо-

нага қайтиб кирди. Соҳиб ҳамон ухларди. «Одамгарчилик-дан бутунлай чиқиб кетибди. Дадамга айтмасам бўлмайди. Бу аҳволда кўп яшолмасаям керак», дея кўнглидан ўтказди ва сумкасини ташлаб, ўзи ташқарига чиқди. Ва дарвоза томондан шошиб келаёттан одамга кўзи тушди. Унинг ҳам афти-башараси амакисиникидан қолишмасди. Фақат соқоли олинганди. У Фирдавсни кўрди-ю, таққа тўхтади.

- Сен кимсан? — дея сўради бирдан.
- Соҳиб амакимнинг жиянлари бўламан, — жавоб берди Фирдавс.
- Жиян? Ҳимм, аввал нега кўрмаганман?.. Соҳиб қани?
- Ошхонада.
- Калласи гаранг ўтиргандир-да. Келиб бирортанг юз грамм оберайн демайсан.
- Обердим. Ичиб ухлаб қолди.
- Менгаям қолдими? — деди рухсатсиз уйга кирган киши. Кейин қўлидаги «Портвейн» виноси эсига тушиб, уни орқасига яширди.
- Қолмади.
- Чатоқ бўпти.
- Сиз ким бўласиз?
- Мен амакингнинг оғайнисиман. Улфати. Отим Томди. Эй-й, Толиб.
- Бошқа пайт келинг.

— Ҳой, бола, сен менга бунақанги гапингни қилмагин. Улфатимни кўриб кетмасам, кўнглим жойига тушмайди, — деб Томди пиён Фирдавснинг ёнидан ўтиб, ошхона томонга юрди. Зина ёнидаги шиша синиқлари ёнида тўхтади. Икки букилиб, тўкилган ароқни ҳидлади. Сўнг қаддини ростлади-да:

- Сенинг ишингми? — дея сўради.
- Сўнг жавобни ҳам кутиб ўтирмай, ошхонага кириб кетди. Фирдавс аламидан ер тепди.

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, Томдининг бақиргани эшитилди.

- Оғайнимни ўлдиришибди!!! Соҳибни бўғишибди!!! — дея томоқ йильтарди у.

Фирдавснинг юраги увишиб, ҳовлиққанча ошхонага югуриб борди. Амакиси у чиқаётгандা, қандай ётган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ётар, фақат оғзининг

чеккасидан қон сизиб чиққанди. Йигитнинг капалаги учеб, ортида турган Томди пиёнга ўгирилиб қаради.

— Улфатим нима гуноҳ қилувди сенга?! — деди Томди афтини буриштириб. — Нега уни ўлдирдинг?! Мелисага бораман, умрингни қамоқда чиритаман. Шундай одамни...

Томдининг овози титраб, кўзи жиққа ёшга тўлди. Фирдавс бутунлай хушини йўқотаёзди. Аммо худди шу маҳал ширин тушлар кўраётган Соҳиб алланима деб гўлдиради. Томди билан Фирдавс турган жойларида қотиб қолиши. Фирдавснинг қовоги уюлиб, башара-си тундлашди. Ундаги ўзгаришни кўрган Томди беих-тиёр ҳиринглашга, мўлтониликка ўтди.

— Баччағар, одамни қўрқитди-я, мен ўйлабманки... Кўринишидан... Айтиб бўладими?! Ҳозир, куни кечаси... Майли, жиян... Бўлмаса, мен бораверайн-а? Ҳали оғайним ўзига келса, кайфи тарқаса келарман...

— Қайтиб келишни хаёлингизгаям келтирманг. Кетиб тўғри қиласпиз, бўлмаса, ўрнингизга амаким меслиса чақиради. Чунки мен сизни уриб, ўлдириб қўяман.

Томди йигитчадан тахминан шунга ўшшаган гапни кутганди. Секин ортига бурилди-да, жуфтакни ростлади.

Ёлғиз қолган Фирдавс ташқаридаги шиша синиқла-рини ахлатга ташлаб келди. Кейин қўлидан келганича уйни тозалади. Бунгача Соҳибининг кайфи тарқади. Лекин унинг боши шунаقا қаттиқ оғрирдики, сал бўлмаса, ёрилиб кетадиган чоғи бор эди.

— Жиян, — деди у гандираклаб ташқарига чиқаркан, — анавинингдан қолдими? Бўлса, озгина бер. Йўқса, ҳозир ўлиб қоламан.

— Амаки, қолмади. Лекин бош оғригини қолдиришнинг зўр йўли бор, — жавоб берди Фирдавс.

— Йўл-пўлингни қўй. Ўшандан бер, дарров отдаи бўп кетаман.

— Дадам келаяпти. Сизни бу ахволда кўрса, хафа бўлади.

— Даданг? — дея манглайини тириштириди Соҳиб. — Қанақасига даданг бўлсин? Сенга ўгай у. Билсанг, дадангни ойинг йўлдан урган. Агар ўша касофат бўлмаганида, даданг шаҳарда яшаётган бўларди, мен ёлғизланиб қолмасдим. Имм, бошим ёрилиб кетай деяпти. Физиллаб магазинга бориб кел.

Фирдавснинг ич-ичидан ғазаби қайнади. У онаси ҳақида ножӯя гапирган одамни аяб ўтирумасди.

Иккинчи синфда ўқиётганида, Норқул исмли синфдоши билан китоб талашиб уришиб қолнишди. Норқулнинг сўқингани Фирдавснинг қонини қайнатди. У бутунлай ўзини унутиб, яраланган шердай синфдошига ташланиб, тагига босиб олди-да, дуч келган жойига аямай мушт тушира кетди. Ўшанда уларни синф раҳбари зўрга ажратиб олганди. Ҳозир ҳам Фирдавснинг ич-ичидан титроқ туриб, икки ҳатлашда амакисининг ёнида пайдо бўлди ва ғайриихтиёрий қувват билан тўзиб кетган соchlарини ғижимлаб турган Соҳибнинг башарасига мушт тушириди. Амаки овоз ҳам чиқазмади. Фақат шилқ этиб Фирдавснинг оёғи остига қулади. Агар у йиқишимаганди, Фирдавс ҳали-бери тинчимас, амакисини ўласи қилиб урарди. Оёғи остида юзтубан ётган Соҳибга қараб туриб, Фирдавснинг юрагини кўркув эгаллади. Ранги оқариб, бирор кўрмадимикан, деган хаёлда шоша-пиша дарвоза тарафга кўз ташлаб олди. Сўнг амакисининг қўлтиғидан қўтариб, судраганча ошхонага олиб кирди. Жабрдийданинг лабидан қон сизиб оқмоқда эди. Фирдавс чўнтағидан дастрўмолини олиб ҳўллади-да, қонни артди. Кейин энгашиб, Соҳибнинг қўксига қулогини босди. «Худога шукур, ўлмабди. Дарров ўзига келтириб, жуфтакни ростлайман», қўнглидан ўтказди у ва пиёлада сув келтириб, амакисининг юзига сепди. Соҳибнинг қошлари чимирилди. Лекин қўзини очмади. Фирдавс тезда яна бир пиёла сув келтириб, амакисининг юзига сепди. Бу сафар шўринг қурғур жабрдийда кўзини очди. Очди-ю, бирдан йиғлаб юборди. Йиғлаганда ҳам, айтиб-айтиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлади.

— Акам сенга нон-туз берган, гўдаклигиндан опичлаб катта қилган. Уйдалигинда ўзим сени неча марта-лаб қўтарғанман. Керак бўлса, овқатингниям едириб қўйганман. Сен бўлсанг, мени урдинг-а? Менга кўл қўтардинг-а? Розимасман. Қилган меҳнатимга розимасман. Акамга айтаман, берган тузига норози бўлади. Оқ падарга...

— Шошманг, — деб Фирдавс қўлинни юқорига қўтарди-да, уни сўзлашдан тўхтатди. — Яримтангизнинг қолганини яшириб қўйибман. Агар бирорга бир нима демасангиз, бераман.

Соҳиб тили билан лабини ялаб, тамшаниб қўйди. Дарров юзи ёришди. Ахир сўнгги ойлар мобайнида бунақа калтаклардан қанчасини еди. Бирма-бир эсласа, юраги ўртанади, роппа-роса ўттиз беш кун олдин қайниси уриб кетди. У опаси билан бирга унинг нарсаларини йигиштиришга келганди. Соҳиб хотининиям, қайнисиниям аямай сўкди. «Менинг уйимда сенга пишириб қўйибдими? Уйдаги ҳеч нарсага тегинмайсан, бари ўзимни, қани, битта нинани олиб кўр-чи», деб дағдаға қилди. Қайниси жаҳл отини эгарлаб келган экан, бирдан поччасини тепкилашга киришиб кетди. Соҳибининг оғзи-бурни қора қонга тўлди. Яхшиям, хотини орага тушди. «Шу пиёниста, алкашга қўл кўтариб, қўлингни ҳаром қилма. Бунинг исқиртлигини қара, тегиниш туғул, ёнидан ўтиб кетсанг ҳам, кийимларингни ювишинг керак», деди у юз-хотир қилиб ўтирмай.

Соҳиб улар кетгандан кейин атиги ярим соатча хафа бўлиб ўтирди. Хотини бир умрга ташлаб кетганлиги учун озгина кўз ёши ҳам тўқди. Сўнг Томди икки шиша охирги навли вино кўтариб келди. Икки улфат ичишди. Устидан чекишли. Шу билан ҳаммаси жойига тушиб кетди. Ҳозир ҳам Фирдавс ичкилик тўғрисида оғиз очди-ю, Соҳиб айтиётган гапини ҳам унугди. Кўзларини жавдиратиб, ялинчоқлик билан йигитчага қаради.

Фирдавс яшириб қўйган жойидан ароқни олиб, унинг қўлига тутқазди.

Кейин сумкасини олиб, елкасига илди. Чиқиб кетаётганида, Соҳиб ароқни пиёлага қуиши билан овора эди. Унинг кайфияти шунчалик чоф эдики, хурсандлигидан маъносиз кўзлари чақнаб кетганди. У эшикдан чиқиб кетаётган Фирдавсга қараб ҳам қўймади.

Фирдавс тўғри ётоқхонага борди. Лекин жой олишга кеч бўлган эди. Бунинг учун аввал факультетдан рухсатнома олиши керак эди. Комендант ўша қоғозчани кўрмаса, ётоқ жой бермайди. Қўёш ботишига бир терак бўйи қолган, факультетда ҳеч ким қолмаган, айни чоғда комендант ҳам уйига кетиб бўлганди. Асқар Фирдавснинг жонига ора кирди. У икки кун олдин келган экан.

— Ошна, — деди у Фирдавс билан қўришиб бўлгач, — хонанинг ярмини сақлаб тургунча хит бўлиб кетдим.

Яхшиям, учинчи қават, катта курсдагиларнинг ҳаммаси биринчи-иккинчига жойлашган. Лекин уларнинг шериклари бор экан. Биз билан бирга ўқишга кирганлардан тўрттасини қайтардим. Агар бугун ҳам келмаганингда, бошқа хонага жойлашардинг.

Асқар гапириш асносида стол устига дастурхон ёзди. Уйидан олиб келган қанд-курс, туршак, нон ва яхна гўштни дастурхон устига қўйди. Фирдавс ҳам ўзининг сумкасини титкилаб, аяси бериб юборган егуликларни чиқарганди, Асқар уларни ошнасининг қўлидан олиб, шкафга тиқиб қўйди.

— Эртагаям кун бор, бугун ҳаммасини паққос туширсак, кейин тишимизнинг кирини сўриб кун кўрамизми?.. Шу десанг, қишлоққа борсам, ўқишга кирганимга бирор ишонмайди. Эшитганлар: «Вой, одам куриб кетгандек, манави юридическийга кирибди», дея қўлини бигиз қилади. Тўрт кундан кейин отамнинг узоқроқ битта қариндоши келди. «Акамдан қолган пулларнинг қолганини беринг», дейди. Ҳамма ҳайрон. Аям ёқасини ушлаган. «Ана, болангизнинг ўқишга ўтишига йигирма минг берибсиз. Биламан, акамизни яна бошқа яширган пуллариям бор, тўғрирофи, сиз яшириб қўйгансиз. Мендан саккиз минг қарз эди. Тириклигига ўзидан сўрагандим. Лекин пулим йўқ деб баҳона қилувди. Ўлганидан кейин болалари қийналмасин деб безовта қилмовдим. Ҳозир ўзимга зарур бўп турибди. Янга, болангизга йигирма минг берибсиз, энди бу ёғига қарзни ям қайтаринг», дейди. Аямнинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Йиғлаб юбормаслик учун лабларини маҳкам тишлаб олди.

— Мен билимим билан кирдим ўқишга. Ҳеч кимга пул берганимиз йўқ, — деб аямнинг ўрнига жавоб бердим мен.

Шунда узоқ қариндошимизнинг қовоғи осилиб кетди. Менга еб юборгудек тикилди.

— Еб кетмоқчимисизлар? — деди ғазаб билан.

— Қайним, — деди аям ортиқ унинг гапларига чидомлай, — акангиз бирордан бир сўм олсаям, менга айтарди. Худо ҳаққи, қўл учида кун кўраяпмиз. Агар тўрт-беш сўм орттирган пулимиз бўлганида, акангиз қарздор бўлмасаям, бериб юборардим.

— Янга, мени гүл ё аҳмоқ деб ҳисобласангиз, хато қиласиз. Ундан кейин мен бирорга ҳаққини едириб күядиганларданмасман. Берсангиз бердингиз, бўлмаса, мелисага бориб ўтирмайман. Шундай уйингизга ўт кўяман, шу билан тамом, ҳисоб-китоб тенг бўлади.

— Ёкинг! — деб бақирди аям қўзларидан ёши дувдув оқиб. — Кўнглингизда шу ниятингиз бўлса, ҳозир қилинг. Шу билан биз ҳам сизнинг дийдорингизни кўришдан қутуламиз.

Ошна, мен у ёғига чидаб туролмадим. Қандай қилиб зўравонларнинг пачагини чиқарганинг эсимга тушди. Шартта ўрнимдан турдим-да, ўша — дадамнинг узоқ қариндошининг ёқасидан олиб, икки силтадим. «Ўзинг кетасанми ё ўлигингни опчиқишинми?» дедим бақириб. Аям шу заҳоти қўлимга ёпишиб, бу билан тенг бўлма, деди. Лекин мен ўзимни босолмадим. Тиззалаб чунонам тепдимки, қўзидан ўт чиққудай бўлиб, икки букилиб қолди. Яна бир-икки марта тепмоқчийдим, аям қўймади. Бечоранинг юраги қуённикидан ҳам кичкинайкан, қушдай учиб чиқиб кетди.

— Шу куни қишлоқдошлардан ўша кимсанинг қандай одамлигини суриштирдим. Ошна, биласизми, ким экан у? Бизнинг оиласига ўхшаган суюнчиғи йўқларни топаркан-да, турли баҳоналар билан пул ундиришга уриниб юаркан. Кейин раисми, бухгалтерми, тракторчими, фарқи йўқ, устидан ёзавераркан. Битта-иккитасидан...

Фирдавс Асқарнинг гапларига қулоқ солмай қўйганди. Хаёли ўз оиласига кетган, амакисини урганидан негадир кўнгли хижил тортиб турарди. «Дадам нима деркан? Ҳали менинг укамга қўл кутарадиган бўлдингми? Аянгга қаттиқроқ гапириб юборсам, мениям саваларкансан-да, деса нима дейман?..» дея ўйлай бошлади у ва шу аснода бирдан уф тортиб юборди. Асқар сўзлашдан тўхтаб, унинг юзига термилди.

— Ўтиришмадими гапларим? — сўради бир лаҳзалик жимлиқдан сўнг.

— А-а, нима дедингиз? — сұхбатдошининг сўзларини тўла англамаган Фирдавс сергакланиб, унга тикилди.

Асқар жилмайди. Сўнг қўл силтаб:

— Айтарли гап эмас, — дея күшиб қўиди.

Эртасига Фирдавс тўла жойлашиб, шу хонанинг ҳақиқий эгаларидан бири бўлганида, дадаси кириб келди. Фирдавс отасининг келишини мутлақо кутмаган эди.

— Билувдим, — деди унга юзида табассум зоҳир бўлган дадаси, — ўжар бола тайёр жой туриб, ётоқхонага боради, деб ўйловдим. Адашмаган эканман. Мен ҳам тўғри шу ерга келаяпман.

Фирдавснинг ранги бироз оқариб, кўзи билан ер чизиб, дадасига салом берди. Достон уни бағрига босиб: «Қани, хонангга бошла», деди. Ичкарига кириб ўтиришгач, Достон асосан Асқар билан гаплашди. У орачора ўғлига луқма ташлаб қўярди. Орадан икки пиёла чой ичгулик вақт ўтганидан кейин:

— Хонадошинг ёмон бола эмаскан. Одамнинг эркин яшашига ҳеч нарса тўғри келмайди, майли, шу ерда туравер. Лекин қариндош-уругниям йўқлаб қўйиш керак. Шунинг учун дарров кийин-да, пастга туш. Биргалашиб амакингнигига борамиз. У ёқдан Миразиз амакингнигиаям обориб келаман, — деди Достон ўғлига.

Фирдавснинг ичидан зил кетди. Бормаслик учун баҳона қидирди, лекин тополмади. Сўнг ноилож отлашишга мажбур бўлди.

— Дада, — деди Фирдавс улар серқатнов йўл ёқасига чиққанларида, — балки бормаганингиз маъқулдир.

Достон юришдан тўхтаб, ўғлига ўгирилди.

— Нега? — сўради манглайи тиришиб.

— Амаким ўзгариб кетибди.

— Нима, бой бўлиб, одамни менсимайдиган бўптими?

— Агар шундай бўлганидаям, унчалик хафа бўлмасдим.

— Гапир.

— Сизга айтмоқчимасдим. Уфф. Хуллас, ичаверғанидан алкаш бўлиб қопти. Хотини, бола-чақалари ташлаб кетибди. Уй шип-шийдам.

Достоннинг ранги оқариб, киприклиари пирпиради. Соҳибнинг пиёниста бўлиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Шу боисдан ўғлига бир ишониб, бир ишонмай қараб турарди. Бу гапларни бошқа бирор айтганда-ку, сиражам ишонмасди-я. «Укамни фийбат

қилишга тузукроқ баҳона топмабсан-да», дея уришиб ҳам берарди. Энди нима десин? Ёки эшитаётган қулоқларини тешиб, ўглининг тилини сууриб олсинми?

Унинг оёқлари бўшаши. Нафас олиши қийинлашгандай бўлди назарида.

— Такси тўхтат, — деди ва йўл четидаги дарахтга қўлини тираб суюнди.

Ота-бола кириб боришганда, Соҳиб ошхона ўртасида оёқ-қўлларини икки томонга ёйиб, чалқанча ётганча хуррак отарди. Достоннинг қўли мушт бўлиб туғилди. Бир хаёли эти суюгига ёпишиб кетган укасининг оч биқинига тепмоқчи ҳам бўлди. Бироқ шу заҳоти шайтонга ҳай берди. Бунинг ўрнига Соҳибнинг ёнгинасида думалаб ётган шишани қўлига олди.

— Энг сассиқ вино. Бомжга айланган алкашларгина ичади буни, — деди ўзига-ўзи гапиргандай.

Унинг қўзларидан ёш оқа бошлиди ва укасининг ёнига тиз чўкиб, қалтираган қўллари билан унинг сочини силади.

— Укажон, нима қип қўйдим-а? Энди ойим билан адам гўрларида тик туришади-ку. Сен уларнинг уйини вайрон қилибсан. Нима жин урди сени, укажон? — деди уввос тортиб.

— Дада... — дея кўнгли бўшаб кетган Фирдавс ҳам унинг ёнига ўтириди.

Ана шу пайт мутлақо кутилмагандан Достон Соҳибнинг юзига қарсиллатиб шапалоқ тортиб юборди.

— Имм! Имм! — деб инқиллаган Соҳиб аранг кўзини очди.

— Тур, мараз! — бақирди Достон кўзи қонга тўлиб.

Соҳиб қуруқшаган лабини тили билан ялади ва тагин кўзини юмиб олди.

— Тур, деяпман, ҳайвон! — дея бўкириб юборди Достон. Кейин эса укасини аямай савалай кетди.

Фирдавснинг шу ердалиги Достонга қўл келди. Ҳатто бунинг учун худога шукр қилди у. Йўқса, ўзини босолмасди. Уравериб, укасини майиб қилиб қўярди.

— Дада, қўйинг, ўлдириб қўясиз! — деб ёлворди Фирдавс Достонни қучоқлаб.

— Ўлдириш ҳам кам буни. Тириклай ўтда ёқиш керак! — деб бақиради Достон.

— Дада, ўзингизни босинг.

Достон ўғлини силтаб ташлаб, юлқиниб ташқарига чиқиб кетди. Титраётган қўлини чўнтағига тиқиб, нос шишаchasини олди. Бир чимдим носвойни тилининг тагига ташлади-да, ерга ўтирганча юзини кафти билан бекитиб, йиглашга тушди.

Ярим соатлардан сўнггина ўзига келди. Ошхонага кириб, нима бўлганига ақли етиб-етмай ўтирган Соҳибнинг юзини яхшилаб ювиб қўйди. Бу орада Фирдавс «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди.

— Ака, — деб ялинди Достон «Тез ёрдам» машинасида келган врачга, — пиёнисталарни даволайдиган балнисага оборинглар.

Дўхтири шуни мўлжаллаб турган эди. Шу боисдан индамади. Бироқ Соҳиб ҳеч қаёққа бормайман деб оёқтираб туриб олди. «Мени ўлдиринглар, кейин остоная кўмиб ташланглар. Лекин ҳеч қаёққа опкетманглар!» деб бақиради у. Аммо унинг гапига бирор қулоқ солмади. Уч эркак бир бўлиб, оёқ-қўлларини чандиб боғлашди-да, машинага ортишиди.

— Сен ётоқхонангга кетавер, — деди Достон Фирдавсга икковлари қолишгач. — Мен қишлоққа қайтаман. Ҳамма нарсани саранжомлаб, эртага, узоги билан индинга келаман. Бундан бу ёғига шаҳарда яшаймиз. Шунча одам яшаб юрибди-ку, биз ҳам бир йўлини топармиз. Аянг билан синглинг ҳам келади.

У шунчалик жиддий оҳангда гапирдики, Фирдавс лом-мим деёлмай қолди. Ахир унинг ҳам қишлоққа кетгиси, дадасининг кўчиб келишига ёрдам бергиси келаётганди. Чунки ўқишига ҳали бутун бошли бир ҳафта бор. Бемалол бориб келса бўлади.

Достон яна нос чекди. Сўнг хўрсиниб қўйди-да, ўғлига юзланди.

— Хозмагга бориб, қулф-калит сотиб ол, ҳеч вақоси бўлмасаям, ҳар қалай, уй. Бирор бўлмагандан кейин қулфланиши керак-да, — деди.

Дўкондан қўлида қулф билан қайтган Фирдавс анча дадиллашиб қолганди. Шу боисдан дадаси дарвозани ёпиб, калитни чўнтағига солаётганда:

— Мен ҳам сиз билан кетаман. Бир ўзингизга қийин бўлади, — дея олди.

Ўғилга юзланган отанинг кўзида ёш кўринди.

— Ихтиёринг, — деди у паст, титроқ товушда.

Моҳирўй эри ўғлини етаклаб келишини сира хаёлига келтирмаганди. Ота-болани кўриши билан ҳайрон бўлиб, уларга тикилиб қолди.

— Тинчликми? — сўради уларга пешвоз чиқиб.

Илгари Достон ҳар қандай шароитда ҳам хотини сиқилмаслиги учун ўзида жилмайишга куч топа оларди. Бу сафар ожизлик қилди. Моҳирўйни кўриши билан негадир йиғлагиси келди. Уни маҳкам кучоқлаб, худди суюнган тогининг елкасига бошини қўйиб, ўкириб-ўкириб йиғлаган одамдай йиғлашни истади. Лекин униям эплаёлмади. Ўғли ва қизининг ёнида кўзидан ёш оқизолмади.

— Шаҳарга кўчамиз, йигиширинглар ҳамма нарсанни.Faқат ҳозир ҳеч қандай савол берма, — дея олди хотинига ва уйга кириб, шоша-пиша кийимларни алмаштириди-да, қир тарафга кетди.

Ичига йиғилган ҳамма қайгуларини тоғу тошларга тўкиш учун кетганди у.

Моҳирўй эридан тузук-қуруқ гап ололмагач, Фирдавснинг оғзига термилди.

— Ая, бормасак бўлмаскан. Дадамнинг уйида яшарканмиз. Борганингиздан кейин ҳаммасини ўзингиз билволасиз, — деб қўя қолди Фирдавс ҳам.

Қўйлар арzon-гаровга қишлоқ одамларига сотилди. Уй қўшнига берилди. Рўзгор анжомлари эса унчалик кўп эмасди. «ЗИЛ»нинг кузови ҳатто ярим ҳам бўлмади. Шу тахлит улар тоғли қишлоқни тарк этишди...

\* \* \*

Улар шаҳар ҳаётидан чиқиб кетишган, қишлоқда, эмин-эркин далаларда кезиб юришга одатланишганди. Кўп ўтмай, қишлоқни кўнгиллари тусаб қолди. Айниқса, Моҳина қийналди. Эшикка чиқади, уйга киради. Бир нималар қилгиси келади. Лекин ўзига мос юмуш тополмайди. Бир неча марта аяси билан дадасига шаҳар айланишни таклиф қилди, бироқ улар унашмади. «Қўни-қўшнилар чиқиб туришибди. Ҳали келмаганлари ҳам анча. Шунинг учун ҳозирча уйда бўлиб

турганимиз тузук», деган баҳонани рӯкач қилишди. Ваҳоланки, ён-атрофдагиларнинг ҳаммаси келиб бўлишганди. Фақат қизлардан дарак йўқ эди. Улар аканинг кўчиб келганидан ҳали бехабар эдилар. Фирдавс бўлса, эртадан кечгача ўқишида эди. У дарслари тугаши билан кутубхонага кирап, дуч келган романни ўқийверарди. У шу йўл билан кўнглидаги ўзига ҳам нотаниш бўлган фашликдан қутулмоқчи бўларди. Бироқ сирам қутулишнинг иложи йўққа ўхшарди. Шундай кунларнинг бирида кутубхонада берилиб китоб ўқиётганида, Асқар ҳовлиқканча келиб қолди. Унинг рангида ранг йўқ эди. Кўзлари атрофга олазарак боқарди.

— Фирдавс, иш чиқиб қолди, — деди у мутолаа билан машғул ошнасининг ёнига келиб, қулоғига шивирларкан.

Фирдавс китобдан бошини кўтарди. Савол назари билан унга қаради.

— Эсингизда бўлса, икковимиз чойхонада бир-иккитасининг бурнини ерга ишқаб кетгандик, — деди Асқар.

Фирдавс пешонасини тириштирди. Бутун ўй-хаёли ўқиш билан банд бўлганлиги сабабли тезда «бурни ерга ишқаланган»ларни эслаёлмади.

— Зўрга қочиб қутулгандик-ку!

Фирдавснинг хаёлига ўша қора кунлар лип этиб келди. Кўзларидан ўт чақнаб кетди. Буни кўрган Асқар беихтиёр ортига тисарилди. «Бургутникидай ўткир-а кўзлари?» деган ўй ўтди кўнглидан.

— Эсладим, — деди Фирдавс лаҳзалик жимликдан сўнг.

— Ўша болалардан иккитаси факультетда ўралашиб қолишибди. Биттасининг ётоқхона атрофида юрганини деразадан кўргандим, — дея киприкларини пирпиратди Ас-қар.

— Нима қилиб юрибдийкан?

Асқар лабини буриб, елка қисди.

Фирдавс ўрнидан турди. Сўнг китобни стол устидан олиб, кутубхоначига топширди-да, Асқар билан бирга ташқарига чиқди. Муздай ҳаво гуп этиб юзига урилди. Танаси яйради.

— Ҳов ана, — деб Асқар зувиллаб бир-бирини қувиб үтаётган машиналар қатнаётган катта йўлга ишора қилди.

Фирдавс қўзини қисиб, ўша тарафга қаради. Узокдан уларни таниб бўлмасди. Бироқ икки йигит бир қизни ўртага олиб, бир нималар деяётганини аниқ-тиник кўрса бўларди.

— Улар ўртага олган қиз танишимас. Ўша қизни мен сизнинг ёнингизга келаётганимда, кутубхона ҳовлисида, чинор остидаги ўринидек ўтирганини кўрувдим. Афтидан, у кимнидир кутаётганга ўхшарди. Жудаям чиройли қиз. Оғзимдан сувим оқиб, бошимда ташвишим борлигидан афсулланиб, ўтиб кетувдим, — деде изоҳ берди Асқар.

— Улар қизни ўраш билан овора бўлиб турганларида, секин суриб қолсак бўлади. Лекин шундай қилсак, эртагаям келишади... Агар бизни қидириб келишганида, қиз қанчалик чиройли бўлмасин, эътибор беришмасди. Демак, улар айни шу қизнинг дардидаги келишган. Сизнинг хотирангиз бўлса, сал ўтмаслашиб қопти, менга ўхшаб китоб ўқиганингизда, унча-мунча нарсани бемалол эслаб қололган бўлардингиз. Ҳозир икковининг яқинидан ўтамиз. Иккита арча бор экан, ўша арчаларнинг бу ёғидан ўтиб кетамиз. Мен яхшилаб қараб олайин. Кейин улар қизни авраш билан овора бўлиб турганларида бизга эътибор ҳам беришмайди, — деди Фирдавс қизга тегажоғлик қила бошлаган йигитлардан кўз узмай.

Унинг қарори Асқарга маъқул келмади. Лекин айни чоғда ундан-да яқинроқ одами йўқ эди. Шу боис бош иргаб, Фирдавснинг гапини тасдиқлади.

Икки ошна ёнма-ён, гўё бир-бири билан гаплашиб кетаётган одамлардай, қўзларига бало-қазодай кўрининган йигитлар томон кета бошлишди.

Улар йўл бўйига яқинлашганлари сайн гоҳ йигитларнинг унисига, гоҳ бунисига ўтирилиб, қўлларини юқорига қўтариб, бир нарсаларни тушунтиришга уринаётган қиз Фирдавснинг кўзига иссиқ кўрина бошлиди. Аста-секин уни таниди. У Мавзуна эди. Фирдавснинг бошидан капалаги учди. Елкаси билан Асқарни туртиб:

— Uriшамиз, тайёрланинг, — деди шивирлаб.

\* \* \*

Мавзуна онасининг гапларидан кейин ғалати кайфиятга тушиб қолди. Қалбига муштдай бир нима кириб олгану, кўксини тинмай пармалаётгандек туйиларди унга. Юраги ҳам ҳар қадамда ўзининг борлигини сездириб турар, қанча хўрсингасин, кўнглидаги ғашлик тарқамасди. Қўни-қўшнилардан тўртта ўзи тенги дугонаси бор эди. Илгари улар билан учрашиб қолса, соатлаб ажрашолмас, ахийри, укаларидан бири ёки онасининг ўзи чақириб кетарди. Чунки дугоналари билан гаплашиш унга ўзгача завқ берарди. Ҳозир эса ўша завқ йўқолди. Энди ўзини дугоналарига нисбатан анча улгайиб қолгандек ҳис этар, улар билан беш дақиқа гаплашар-гаплашмас, зерика бошларди.

У Фирдавсни қўмсар, уни кўришни истарди. Қўксини тушункисиз қийноқли оғриқ эгаллаб олган, йигитни эслаганда, бу оғриқ ажиб бир завққа айланар, бирордан сўнг қиз яна хомуш тортиб қоларди. У йигитни севиб қолганини ич-ичидан ҳис эта бошлади. Фирдавсни учратгунча, «Бирорта ҳам йигитни ёқтириб қолмасам керак. Эркак зоти аллақандай беўхшов ва қўпол бўлади», деган хаёлда юарди. Агар йигитлардан битта-яримтаси муҳаббат изҳорлари битилган номаларини қўлига беришса, ғазабланиб, айни чоғда ижирғаниб, мактубни майда-майда қилиб йиртиб ташларди. Энди эса ўзининг мактуб ёзгиси, юрагидан ўтаётган туйгуларини қоғозга тушириб, Фирдавсга етказгиси келяпти.

Қиз иккилана-иккилана мактуб ҳам ёзди. Бироқ оқ қоғозга кўнглидаги ғалаённи тўла-тўқис тўкиб сололмади ва уни ҳам йиртиб ташлади. Шундан сўнг Фирдавснинг уларнига келишини интизор бўлиб кутишдан бошқа чора тополмади.

У Фирдавснинг келишига ишонарди. Чунки тоққа боришганида, адаси: «Бизникига, албатта, боргин», деб Фирдавсга қайта-қайта тайинлаганини ўз қулоғи билан эшигтганди. Бироқ ундан дарак йўқ. «Балки, унинг ҳам онаси ойимга ўхшаб, Мавзуна билан учрашма, дарсларингни қил, деганмикан? — деб ўйлади қиз. — Йўқ, мен ортиқ чидолмайман. Ўқишига бораман, уни узоқдан бўлса ҳам кўриб, қайтиб келаман. Эҳтимол, шунда қалбимдаги олов тафти бироз совир».

Шундай қарорга келган қиз охирги дарсга кирмай, Фирдавснинг ўқишига борди ва йигитнинг дарсдан чиқишини кутиб, университет ҳовлисида айланиб юрди. Неча-неча талаба йигитлар қизнинг чиройига маҳлиё бўлиб гап отишди. Мавзуна уларга парво қилмади. У нигоҳлари билан Фирдавсни қидирарди. Ниҳоят, топди. Узоқдан кўриб, ёнига югуриб бормоқчи бўлди-ю, аммо... аммо ойисининг сўзларини эслаб, турган жойида таққа тўхтади. Шунда ҳам ич-ичидан «у мени кўриб қолсайди», деб умид қилди. Курсдошлари билан дарсдан чиққан Фирдавс эса ҳеч кимга эътибор бермай, кутубхонага кириб кетди.

Уч кун шу ҳол такрорланди. Тўртинчи куни Мавзуна чидаёлмади. «Келаман, кетаман. Лекин кўнглим жойига тушмайди. Бўлди, бас, шу сафар у билан, албатта, гаплашаман. Уйимизга бормагани учун ўпкалайман. Шунда маълум бўлади онасининг нима дегани», дея кўнглидан ўтказди у. Шу хаёл билан четдаги ўриндиқча ўтиб ўтириб, Фирдавснинг кутубхонадан чиқишини кута бошлади. Кўнглига Фирдавс ҳақидаги ширин хаёллар эндиғина ёпирилган маҳал қаердандир иккита шилқим пайдо бўлиб, унинг икки ёнига ўтириб олди. Бири у деди, бири бу деди. Икковининг ҳам оғзидан ароқ ҳиди анқийди. «Сенларга садқаи студентлик кетсин», дея хаёлидан ўтказган қиз бу тахлит Фирдавснинг кўзига кўриниши истамай, ўрнидан туриб кетди. Шилқимлар эса унинг ортидан изма-из таъқиб этишиди. Йўл бўйига етганида, бири қўлидан ушлаб тўхтади.

— Нима истайсанлар мендан? — деди Мавзуна қовоғини уйиб. Ажабки, хўмрайиш ҳам унга ярашар эди. Шу боисдан йигитлар ҳиринглашди.

— Танишайлик, биз ёмон болалармасмиз, бу ерда ўқийдиганлардан зўрмиз, — деди улардан бири.

Шундагина Мавзуна уларнинг талаба эмас, оддий кўча безорилари эканлигини англади.

— Мен прокурорнинг қизиман. Танишаман деб қамалиб кетманглар тағин, — деди у овозини бир парда кўтариб.

— У-у-у, омад деганлари мана бунаقا бўпти-да. Умримда прокурорнинг қизи билан юрганман. Буни қаранг-

лар-а, прокурорнинг қизи экан, қандай зўр! Балки, мен энди прокурорга күёв бўларман? — дея ўшшайди Мавзунани тўхтатган йўлтўсар.

— Бошқа нарсани кўнглингиз тусамайдими?

— Тусайди. Лекин унга сизга эришиб бўлганимдан кейин ҳаракат қиласиз-да, жонидан, — дея яна беўхшов ҳиринглади безори.

Икки шилқим ортидан эргашганда, Мавзуна аввалига қўрқкан эди. Энди бўлса, негадир сира чўчимаётганди.

— Келиб-келиб қиз болага кучларинг етаяптими? — деди у қўлини кўтариб.

— Биз уришмоқчимасмиз. Шунчаки прокурорнинг қизини қўлга киритамиз. У ёғига ошифимиз олчи. Хоним, сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг. Сизга фақат менинг ишқим тушган. Демакки, яхшигина воқеанинг қаҳрамонлари фақат иккимиз бўламиз. Ҳинд фильмни. Йўқ. Унақаси тўғри келмайди, яхшиси, Американини. Раз-раз, всё.

— Нима?! — деди газабдан қўзлари чақнаган Мавзуна. Шу асно рўпарасидаги йигитнинг юзига тарсаки тортиб юбориш учун қўлини юқорига кўтарди ва... шошганча уларга яқинлашиб келаётган Фирдавсга қўзи тушди-ю, юраги шувиллаб кетди.

— Ойимқиз, майдалашиб кетдик. Анави ерда, — деб қизнинг сўл тарафида турган йигит қайраоч остида турган кўкимтири «Жигули»ни кўрсатди, — машина турибди. Ўзинг бориб ўтирасанми ёки мажбурлаб оборайликми?!

— Қўлингдан келмайди, — деган овоз янгради йўлтўсарнинг орқа томонидан.

Фирдавсни кўриб, бир лаҳзагина бўшашган Мавзунанинг қўзи жиққа ёшга тўлди.

Ортига ўгирилиб, Фирдавсни кўрган зўравон совуқ тиржайди. Чунки у, аслида, айнан мана шу «қочоқ»ни излаб келганди. Аммо у Фирдавсга ҳамла қилишга ултурсолмади, чунки Фирдавс унга жуда яқин келиб қолганди. У кутимаганда муштумини ишга солди. Мувозанатини йўқотган зўравон йиқилаётиб, қўлини ерга тираб қолди-ю, Фирдавс учун яна яхшигина имкони-

ят пайдо бўлди. У яхшилаб бир тепса, тамом, безори қайтиб ўрнидан турмасди. Аммо Фирдавс кутди. Тоғлик эмасми, мардлиги тутиб кетди. Асқар эса ўзига тегишли бўлган рақиб билан ёқа йиртишга тушиб кетган эди. Улар ерда думалаб ётишар, дам униси, дам буниси рақибининг устига чиқиб олар ва душманинг юзига мушт тушириб қолишга ҳаракат қиласди. Фирдавс уриб ағдарган йигит амаллаб ўрнидан турган эса-да, ҳали ўзига келолмаган, унинг боши айланадиган эди. Шу боисдан маст кишилардек бир ёнига оғиб кетди. Агар яна битта зарба берилса, у қайта ўрнидан туролмасди. Буни Фирдавс яхши англаб турарди. Бироқ негадир ургиси келмаётганди. Гандираклаётган душманига тикилиб, бу ёфи нима бўларкан, деб кутарди. Ҳаёлига келтирмаган экан, ахир жанжал шундоқцина университетнинг ёнгинасида бўляпти-ку, бирорта домла кўриб қолса, нима бўлади? Тунни кунга улаб ўқиганлари ҳавога совурилмайдими? Йигитнинг кўнглидан шу ўтди-ю: «Қочиш керак. Эртароқ, токи бирорнинг нигоҳи тушмасин», деган қарорга келди.

Аммо у ҳаёлидагини амалга оширишга улгурмади. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, шундоқ ёнгинасига милиция машинаси келиб тўхтади. Фирдавс сеҳрлангандай жойида қотиб қолди.

— Қочдик! Ментлар! — деб бақирди безорилардан бири.

Асқар ва унинг рақиби эндиғина ўрнидан туриб, бирбирларини масофадан туриб тепа бошлашганди. Иккаласи ҳам «Ментлар!» деган овозни эшишишди ва жанжаллашишдан тўхтаб, бараварига йўл томонга ўгирилишиди.

Милиция ходимларини кўрганда, қочиб қолишнинг ҳадисини олган йўлтўсралар жуфтакни ростлашди. Асқар билан Фирдавс эса тинчлик посбонларининг қўлига тушиши. Улар икки жўжахурознинг қўлларини орқасига қайриб, машинага тикиши. Мавзуна ҳам улар билан бирга уловга миниб олди. Аввалига у «Тегинманглар, буларда гуноҳ йўқ», деб ялиниб кўрди. Бироқ унинг гапларига ҳеч ким эътибор бермагач, ўзини машина салонига уришдан ўзга чораси қолмади.

Бошқарма бор-йўғи бир чақирим нарида эди. Жанжал бўлган жойдан туриб, яхшилаб бақирсангиз, бош-

Қармага бемалол эшитилади. Етиб келгунларича Мавзуна милиционерларга: «Илтимос, қўйиб юборинглар, булар менинг тарафимни олиб жанжаллашишди. Буларда айб йўқ. Ҳамма жанжални анави безорилар бошлишди», деб кўп ялинди. Бироқ машинада савлат тўкиб ўтирган, ўзини худди катта қаҳрамонлик кўрсатган одамлардай тутаётганлардан бири — қирра бурни остига зодагонча мўйлов қўйиб олган, соқоли қиртишлаб олинган, фуқаро кийимидағи йигит унга ўгирилиб қаради-да, бардачок устига ёпишириб қўйилган «даҳо»нинг расмига имо қилиб:

— Ана шундан нечта бор? — деб сўради мийифида кулиб.

— Лениннинг расмиданми? — деди ҳайрон бўлган Мавзуна.

— Ҳа-а, худди шундан.

— Йўқ.

— Йўқ?! — деб қизга яна бир қараб қўйган йигит қошини учирди: — Унда отделда гаплашамиз.

Мана, ўша отдел деганларига ҳам етиб келишди. «Виллис»нинг эшиклари очилиб, йигитларни пастга туширишди ва уларни эшиги панжара билан тўсилган хонага киритиб, устидан қулфлаб қўйишишди. Шундагина Мавзуна отасини эслади. «Телефонни беринглар. Бекордан-бекорга иккита йигитни қамаб қўйдинглар!» деди шовқин солиб.

Ана шундан кейингина бошқарма бошлиғи: «Майли, майда безорилик экан. Бунинг устига, арз қилувчилар ҳам йўқ. Лекин бу дегани — мутлақо кечирдим, деганимас. Мабодо яна бир марта тушиб қолишиса, илтимосинг ўтмайди, қизим», деб Фирдавс билан Асқарни қўйиб юборишларини буюрди.

Мавзунанинг ичидаги кулгиси қистади. Бироқ ўзини босди. Бунинг ўрнига: «Раҳмат! Бошқа ҳечам бунаقا қилишмайди», дея йигитлар ўрнига жавоб берди.

Бошқармадан икки шоввоз билан бирга узоқлашгач эса қотиб-қотиб кулди.

— Биру бир бўлди! — деди сўнг анграйиб турган йигитларга қараб.

— Қанақасига биру бир бўларкан? — сўради ҳайрон бўлган Фирдавс.

— Аввал сизлар мени қутқардинглар, кейин мен сизларни.

Фирдавс қизни жудаям согинган эди. Кунини унинг хаёли билан ўтказарди. Кутубхонага кириб, китоб билан ошно бўлишининг сабабларидан биттаси ҳам, аслида, шу эди. Ҳозир рашки келди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деди қошлирини чимириб.

— Сиз ёлғончига адажонимнинг гапларини етказгани келувдим. Уйларингга борганимизда, нима деб ваъда берганингизни эсингииздан чиқазиб қўйдингизми?

— Қайси ваъда?

— Ана, эсингииздан чиқазибсиз. Шаҳарга келишим билан сизларнига бораман, керак бўлса, сизларнида яшайман дегандингиз. Адажоним сизни уйга етаклаб боришимни тайинладилар. Роса қидирдим. Тополмаганимдан кейин энди кетмоқчи бўлиб турганимда, шилқимларнинг қўлига тушдим. Аслида, яхшиям, безориларга йўлиқибман, йўқса, яна сизни тополмасдан кетарканман.

— Аввал ҳам келганмидингиз?

— Сиз нима деб ўйлагандингиз?

— Мен, — деди Асқар уларнинг гапини бўлиб, йигит билан қизга бир-бир қааркан, — сизларни нотаниш бўлса керак, деб ўйловдим. Фирдавс, — деб ошнасининг елкасига қўлини қўйиб, унга юзланди, — бунақа эмас-да энди. Агар сизга танишлигини билганимда, анавиilarни соғ қўймасдим. Яна шунча биз билан бирга юриди-ю, таништирумайсиз ҳам. Менинг исмим, — дея илжайгандча нигоҳини қизга қаратди у, — Асқар. Фирдавснинг курсдоши бўламан. Иккаламиз бирга ўқишга топшириб...

— Битта хонада яшаб, — деди Мавзуна унинг чўзилган гапини бўлиб, — тайёргарлик қўргансизлар. Фирдавс акам менга ҳаммасини гапириб берганлар. Тоқقا борганимизда. Энди ўзимни таништирайин, менинг исмим...

— Мавзуна, — деб бу сафар қизнинг гапини Фирдавс бўлди, — бу қизнинг исми шундай. Ёшлигимиздан танишмиз. Баъзида қулоқсизлик қилишини...

— Ошна, мен кетдим. Бу ерда абсолютна ортиқчаман. Бунинг устига, ётоқхонагача икки қадам қолди. Ўқийверганимдан пешонамнинг яғири чиқиб кетди. Бориб озгина дам олай, — деди Асқар Фирдавс билан қизнинг орасида нимадир борлигини англаб.

Мавзуна индамади. Фирдавс:

— Мен бозорга тушиб чиқишим керак. Уйдагилар бир-иккита нарса опкелишни тайинлашувди, — дея баҳона қилди.

— Келишдик. Бўпти, хайр, — деб Асқар Фирдавсга қўлини чўзди.

У кетгач, Фирдавс Мавзунага нима дейишини билмай, туриб қолди.

— Ўртоғингиз кетганидан кейин қўрқиб кетдингизми? — деди қиз ним табассум билан.

— Кимдан қўрқарканман?

— Мендан!

— Нега?

— Қўрқинчили-и-ма-ан! — деди қиз чўзиб.

— Тўғри. Қўрқинчили-и-сиз. Лекин сиздан қуён ботирроқ.

Мавзуна кулиб юборди.

— Шунақа қилиб тураверамиزمи?

— Кетдик. Аммо қаёққа?

— Билмадим. Ҳа. Бизникига борамиз. Биласизми, укаларим холамларникига кетишган. Адам билан ойим ўзларича келин-куёвларга ўхшаб ўтиришган бўлса кепрак. Бориб учрашувларини бузмаймизми?

— Ҳайдаворишиади. Яхиси, бизникига борайлик.

— Тоққами?

— Энди биз ҳам шаҳарликмиз.

— Эй, қанақа қилиб шаҳарлик бўп қоласизлар?

— Кўчиб келдик.

— Ҳали шунақами? Бизга бир оғиз айтмасдан...

— Ўзи яқинда келдик. Ҳали жойлашишгаям улгурганимиз йўқ, — деб ёлгон гапирди Фирдавс.

— Адамлар эшитсалар, хафа бўлади, — деди маъюсланиб қолган Мавзуна.

— Келаётган якшанба куни уларни уйга чақирамиз. Ҳозир бұлса, икковимиз морожнийхұрлик қиласыз. Мен куни кече зүр битта жойни күрдім. Мавзуна билан бирға үтирасқа бұларкан, деб күнглимдан үтказғандым.

— Нега мен билан? Үндан күра, курсдош қызларнинг бирортасини оборсанғыз бұларди-ку, — деди юзида ним қизариш пайдо бұлған Мавзуна.

— Бұлмайди. Бирортасиям менинг дидимга үтирамайди. Кейин уларни оборсам, мен пулині беришим керак.

— Ҳимм, тушунарлы. Агар мен билан борсанғыз, музқаймоққа мен пул тұларканман-да.

— Мен студентман. Сиз үқувчи. Үқувчилар студентларга нисбатан бойроқ бұлишади. Кетдикми?

— Майли, студент. Сизни үзим би-и-ир морожнийга түйдірай, — дея күлди Мавзуна.

Улар бекатда автобусни күп кутишмади. Бири қүйіб, бири сүзлаб, бекатта етишлари билан сап-сариқ «Икарус» етиб келди-да, тинка-мадори қуриган чолдай уф тортиб тұхтади. Кечки пайт бұлғанлығы сабаб йұловчилар кам әди. Йигит билан қызы орқа үриндиққа үтириб олишди.

— Мен ташқарини томоша қилишни яхши күраман, — деди Мавзуна.

— Бирортаси келиб, үрнимдан турғазиб юбормаслиги учун құзимни юми-и-иб, хаёл сури-и-иб кетиш жону дилим десам, барибир, ишонмасанғыз керак.

— Ишонмайман. Чунки сиз қўринишиңгиздан виж-донли йигиттеге үхшайсиз.

— Фақат қўринишишми? — деб күлди Фирдавс.

— Ҳозирча шундай. Ичингизни кейинроқ билволаман. Ёнимдаги жой бүшлигини қўриб турибсиз. Агар үтирмасанғыз, бирорта йигит келиб олиб қўяди. Кейин яна мелисага тушишингизга тұғри келади, — жилмайди қыз.

— Жойни бераман. Лекин сизни ёнимга турғазволаман.

— Оёғим оғриб қолса-чи.

— Оғримайди. Шоғёр тормозни босиб қолса, ушлаб қолсаммикан, йўқмикан?.. — дея Фирдавс үйланиб қолған киши қаби пешонасини тириштириди.

— Йиқилишимни кузатиб ўтирасизми?

— Нимага энди? Ўрнингиздан туриб, кийимларингизни қоқаётганингизда, сумкангизни ушлаб туришим мумкин.

— Унда сиздан ҳамроҳ чиқмаскан. Шунинг учун сиз жой берган йигитнинг ёнидан жилмайман.

— Эй, чуқур кетманг, хоним. Агар сиз турмасангиз, ўша йигит туришга мажбур бўлади-да.

Иккаласи ҳам енгил қулишди. Бу пайтда автобус кейинги бекатга етиб, нафас ростлаш учун тўхтаган эди. Ҳаш-паш дегунча салон йўловчиларга тўлди. Мавзунинг ёнига бир кампир келиб ўтириди-ю, уларнинг суҳбати узилиб қолди. Бироқ нигоҳлари тез-тез учрашар ва улар жилмайиб кўйишарди. Шундай қараашларнинг биррида Фирдавс қизнинг безовталанаётганини сезиб қолди. Ўзининг ҳам назарида кимдир уларни кузатиб кетаётганга ўхшаётганди. Шу боисдан автобус салонининг олд тарафига назар ташлади. Эшик ёнида уч-тўрт йигит бирбири билан гаплашиб, ҳаҳолашиб қулишар, ораларида биттаси Мавзуна тарафга кўз ташлаб қўярди. Қиз ҳам буни сезган ва безовталиги айнан мана шундан эди.

Навбатдаги бекатда тушганларга нисбатан автобусга чиқсанлар кўп бўлди. Фирдавс тиқилинчда янам орқароққа сурилиб, Мавзунадан узоқлашди. Эшик ёнидагилар эса айнан қизнинг рўпарасида туриб қолишиди. «Зўр қиз эканми?» «Асал-ку», «Шунақасига уйлансанг, бир умр азобланиб ўтасан», «Кўлидан бир ушласам, армоним йўқ эди», «Танишамиزم?» деган гаплар Мавзунанинг қулогига чалинар, у деразадан ташқарига қараб олган, икки юзи қизарганди.

Фирдавс гарчи йигитларнинг гапларини эшитмаётган эса-да, улар айнан Мавзуна тўғрисида сўзлашаётганини ич-ичидан сезиб турар ва тезроқ кейинги бекат келишини кутарди.

— Бас қылсаларингчи, — деб қолди йигитлардан бири, — бу қизни танийман. Сизларнинг кўлларинг етмайди унга.

— Энди сиз, оғайни, горкомнинг ўғли бўлсангиз. Сиздан бошқамизни конечно кўлимиздан ҳеч вақо келмайди-да. Лекин-чи, оғайни, омадинг келган сенинг, — деди унинг ёнида турган ўртоғи.

«Горком» деган сўзни эшитган Мавзуна сергакланиб, беихтиёр йигитлар тарафга юзланди. Шу заҳоти нигоҳи бир нечта иржайган башараларга тушди. Дарров кўзини олиб қочди.

— Кейинги сафар, болалар, шу қизга дуч келиб қолсак, гап отамиз, ҳозир анави ишни қилишимиз керак, келаётган бекат бизники, окалар кутиб туришибди, — деди ўша дасти узун йигит.

Нотаниш йигитларнинг автобусдан тушишга тайёрланадиганларини кўрган Фирдавснинг кўнгли хотиржам тортди. Туртниб-суртниб, яна Мавзунанинг яқинига келиб олди. Қиз ҳали-ҳануз деразадан кўзини узмаган эди. «Мени кўрмади, шунинг учун бу томонга қарамаяпти», деган хаёлга борди Фирдавс.

Автобусдан тушганларидан кейин қовоғини солиб олган қиз:

— Уйга кетаман, — деб қолди кутилмагандা.

— Нега? — сўради ҳайрон бўлган Фирдавс.

— Кетгим келаяпти, тамом-вассалом, — деди ўжарлик билан Мавзуна.

— Анави болалар бирон нима дейишдими?

— Билмайман. Ёнимдан кетмаслигингиз керагиди, ўтиринг десам, ўзингизча ноз қилдингиз.

— Барибир, туришга мажбур бўлардим... Шундай бўлсаям, мендан ўтди, бундан бу ёғига сира ёнингиздан кетмайман.

Бу гап Мавзунанинг қулогига севги изҳоридай эштилиб, дили яйради. Ичиди ширин энтикиш пайдо бўлди. Мийифида жилмайиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг табассуми йигитнинг кўнглидаги хавотирни ҳайдади.

— Мен бечора бир марта морожнийга тўярканман, деб умид қилувдим, шуниям Худо кўп кўрди, — деди дадилланган Фирдавс.

— Жинни, майли, юринг, — деб Мавзуна унинг қулидан ушлаб олди.

Музқаймоқ ейиш икки соатдан кўпга чўзилди. Уларнинг бир-биридан сира ажралгиси йўқ эди. Қўйиб берса, кун ботиб, тонг отгунчаям гаплашиб ўтираверишарди. Бироқ кетмасликнинг ҳам иложи йўқ. Мавзуна билагидаги жажигина соатига қаради.

— Войбұ, соат олтига яқинлашиб қопти, ойим үлдирадилар, — деди у бирдан қулига сумкачасини оларкан.

— Яна озгина үтирайлик. Ойингизга мени үлдириңг дейман.

— Ҳазиллашмаяпман, тұғриси, тезроқ уйга боришим керак. Мен борай, — ўрнидан құзғалды қыз.

Фирдавс ноилож күнди ва у ҳам ўрнидан турди.

\* \* \*

Мавзуна құрқа-писа уйга кирди. Секин ўзининг хонасига үтиб, шоша-пиша кийимларини алмаштирида, қўзини бир-икки ишқалаб қўйиб, айвон орқали ошхонага ўтди. У ойисига рўпара келишдан олдин «Қанақа баҳона ўйлаб топсан экан?» дея бош қотирав, аммо тузукроқ гап хаёлига келмасди. Лекин ошхонага бориб, ойисини учратмаганидан кейин аввалига ҳайрон бўлди, кейин ичига хурсандлик кириб, бошқа хоналарни ҳам кўриб чиқди. Уйда ҳеч ким йўқ эди.

Одатда, адаси ойда икки-уч марта ойиси билан ресторанга боради. «Ура, — хаёлидан ўтказди у, — яна кетишибди. Демак, дакки эшишидан кутулиб қолдим. Афсус, Фирдавс акамнинг уйларининг телефон номерини олмабман. «Яхши етволдингизми?» деб сўрардим».

У музлаткични очиб, у-бу егуликларни олиб, стол устига қўйди. Сўнг чойнак остига ўт ёқди. Худди шу пайт дарвоза эшиги очилиб, машина кириб келди. «Эрта қайтишибди», кўнглидан ўтказди Мавзуна ва деразадан ташқарига қаради. «Жигули»дан аввал ойиси, кейин адаси тушди. Бир-бирларига нимадир деб кулишди. Мавзуна-нинг уларга ҳаваси келди. Фирдавс иккаласининг ёнмаён юрганини кўз олдидан ўтказиб, мийигида кулиб қўйди.

Мавзуна чой дамлаб, телевизорни ёқди-да, юмшоқ креслога үтирди. Шу маҳал эшик очилиб:

— Мавзунахон! — деди Рухшона ичкарига қадам босаркан. — Адам билан ойим келди, деб бундоқ ҳовлига чиқиб, кутиб олмайсиз ҳам.

— Узр, ойи, — дея ўрнидан турди Мавзуна.

— Уйда дастёриңг бўлгани яхши-да, — деди хотинининг орқасидан ошхонага кирган Миразиз, — чой дамлаб қўяди. Уйдаги бир пиёла чойга етмайди ҳеч нарса.

— Қачон келдинг? — дея юмшоқ диванга ўтириди Рухшона қизига қараб қўйиб.

— Анча бўлди, — деб ёлғони ошкор бўлмаслиги учун телевизорга тикилди Мавзуна.

— Қизим, чойдан қуй, — буюрди қизига Миразиз.

— Ўртоғингиз жудаям камбағал бўп кетибди, — деди пиёлага чой қуяётган Мавзунага зимдан қараб қўйган Рухшона.

— Ҳали бой бўп кетади. Энди қўй боқиб, бой бўлиш ҳам қийин-да. Мана, кўчиб келволишибди, бу ёғига ҳаракат қилса, кўп нарса топади. Ўзиям меҳнаткаш йигит. Лекин укасининг алкаш бўп қолгани чатоқ бўпти. Ничего, уям даволанганидан кейин одам бўп қолади.

Мавзуна ота-онасининг гапларидан уларнинг қаерга бориб келганларини дарров англади.

— Менга қаранг, ўртоғингизга ҳеч нима демаганмидингиз? — дея киприкларини пирпиратди Рухшона.

— Нимайди? — деб чой ҳўплади Миразиз.

— Назаримда, уларнинг қизингизда кўнгли борга ўҳшайди. Шу... борди-келдини йифиштириб қўйсакмикан? Энди қўриб-билиб, — дея Рухшона қизига яна бир бор қараб олди, — яккаю ёлғиз қизингизни шуларга бериб қўймайсиз-ку.

— Қизиқсиз-а, хоним? Ҳали улар Мавзунани сўради-ю, сиз хавотирга тушдингизми?

— Бугун сўрамаса, эртага сўрайди. Ҳа-а, эсимдан чиқай дебди. Ҳимм, Мавзунахон, бориб машина багажидаги тарвузни олиб келинг, укаларингиз ҳам йўқ.

Қиз ойиси нима мақсадда уни чиқариб юбормоқчилигини яхши англаб туради. Бироқ иш буюрилдими, бажариш керак. Йўқса, одобсизлик бўлади. Узи Фирдавснинг оиласи ҳақида яна битта ғавфо бошланганидан жаҳли чиққанди.

— Горкомнинг хотини телефон қилди, — деди Рухшона қизи чиқиб кетгач, юзи ял-ял ёниб, — ўғли бугун автобусда Мавзунани кўрган экан. Уйига бориб, шу қизни эртароқ оберинглар, деганиш. Қизингиз бугун уйга кеч келган. Атайлабдан уни сўроққа тутмадим. Майли, яхши оиланинг боласи, бир-бирига кўни-киб олгани яхши.

Миразизнинг қовоғи осилди. Бироқ ҳеч нима демасдан, телевизорга тикилди.

— Ўзимиз ўқитиб оламиз. Мактабни битиргунча унаштириб қўйлиқ деб роса ялинди, — гапида давом этди Рухшона.

— Амалдор бўлса, бой бўлса, адаси бой. Ўғлимас. Мен бир-иккита шунаقا амалдорларнинг боласини биламан. Ундан кўра етим минг маротаба афзал.

— Кимсан, горком. Ўғлига ёмон тарбия бермагандир?.. Айтишича, ўғли Москвада ўқиётганмиш.

— Москвада ўқиётган бўлса, ўқиш пайтида бу ерда пишириб қўйибдими?

— Министрликда практикадаймиш-да... Горком Москва билан қалин эмиш, ўғли ўқишни битириши билан Францияга ишга жўнатармиш...

Ошхона эшиги очилиб, Рухшонанинг гапи бўлиниб қолди. Тарвуз қўтариб келган Мазунанинг икки юзи қизарган, йигламоқдан бери бўлиб турарди. Айни чоғда ойисини ёмон кўриб кетаётганди.

— Холодильникнинг ичига қўй, муздайгина бўлиб турсин, — деди унга Рухшона.

Шу маҳал ошхона эшигининг ёнидаги тумба устида турган телефон жиринглади. Мавзуна тарвузни полга қўйиб, гўшакни кўтарди-да:

— Алло, — деди.

— Вой, қизим, — деган шўх овоз келди нариги тарапдан, — ўзингизмисиз? Қандоқ яхши. Мен, София холангиз бўламан.

— Қайси София? — ҳайрон бўлиб киприкларини пирпиратди Мавзуна.

— Эй, менга бер! — деб Рухшона ўрнидан сапчиб турди ва гўшакни қўлига олиб, эрига юзланганча жилмайиб: — Горкомнинг аёллари, — деди пичирлаб.

Мавзунанинг икки юзи шолғомдай қизариб, ошхонадан юргилаб чиқиб кетди. Қизининг аҳволини кўрган Миразизнинг қўли мушт бўлиб тугилди. Шунга қарамай, ўша сабил қолгур горкомнинг Софияси билан гаплашаётган хотинини нокулай аҳволга туширмаслик учунгина ўзини босиб, жим ўтириди.

Рухшона гўшакдан овози келаётган аёл билан ёнмаён ӯтиргандай, ипакдек эшилиб, юзида бир олам табассум билан мулоим товушда сўзлашарди.

— Ҳали қизимиз ёш, — дерди у. — Устига-устак, сал эркароқ ўсан. Қолаверса, бизнинг оилада ҳар бир ишни адамизнинг ўзлари ҳал қиласди. У кишининг рухсатисиз уйимизга чумчук ҳам кирмайди.

Рухшона гапириш асносида Миразизга қараб, мамнун жилмайиб, кўз қисиб қўйди. «Ол-а, — дея кўнглидан ўтказди Миразиз, — лоф ҳам эви билан-да. Жиловимизни олдириб қўйганимизга анча бўп кетган-ку!» Кўнглидан ўтган бу ўй Миразизнинг ўзига ӯтиришмади: «Шошма, бу хоним қачондан бери ҳокимият тепасига келиб қолди ўзи?.. Илгари... ҳа-я, илгари бирорта гапимни икки қилмас, нима десам, айтганимни киприк қоқмай бажаарди. Қули кўксига, «Хўп бўлади!» деб турарди. Энди эса талашиб-тортишиб бўлса ҳам ўзининг фикрини ўтказишга ҳаракат қиласди. Тўғрида, ўзим ишлаб топиб, қўшқуллаб топширган пулларни бирор зарурат юзасидан оладиган бўлсам ҳам сўроққа тутади. «Нега керак бўп қолди? Бунча кўп пул оляйпсиз?» деб мингирилайди. Мен эса унинг сўроқларига жавоб бераман. Шунда... шунда унга мутедек ҳис этаман ўзимни...» Миразиз хаёлини охирлатолмади.

— Тўғрими, адаси? — сўраб қолди Рухшона.

— Нима тўғри? — пешонасини тириштириб, саволга савол билан жавоб қайтарди Миразиз.

— Ҳеч бўлмаганда, бир йил вақт беришсин. Кейин ҳаммамиз биргалашиб ӯтириб, келишиб оламиз. Қуда бўлсак, шунаقا тагли, зотли...

Миразиз қўлини юқорига қўтариб, хотинини гапиришдан тўхтатди-да, қўполлик билан:

— Майнавозчиликни йифиштиринг, хоним! Ҳаммаёқ бозор бўп кетди. Мен чарчадим. Бориб, бир-икки соат ухлаб олайн, — деб ўрнидан турди.

Рухшона қовогини осилтириб, эрига хўмрайиб қараб қолди.

— Кечирасиз, Софияхон, — деди сўнгра гўшакка, — қўшнилар чиқиб қолишибди. Кейинроқ гаплашамиз...

Фақат сиз хафа бўлманг, майлими?.. Ўзим телефон қиласман.

У гўшакни қўйиб, ўзини юмшоқ креслога ташладида, эри чиқиб кетган эшикка қараб:

— Ўлсам ўласман, ўша ялангоёқлар билан куда бўлмайман, — деди пичирлаб.

\* \* \*

Миразиз билан Рухшона келиб кетгач, Моҳирўйнинг қўнгли фаш тортиб қолди. У қаёққа қарамасин, нимага кўзи тушмасин, ўша жойда дугонаси пайдо бўлаётгандай, унга энсасини қотириб, кибр билан қараётгандай туйилаверарди. Агар Фирдавс ўқишдан қайтиб, Достон унга Миразиз ошнаси келганилигини, у билан анча вақт мириқиб гаплашганини айтмаганида, эҳтимол, Рухшонани унугтан бўларди. Аммо эрининг оғзидан бол томиб гапиришидан унинг баттар жаҳли чиқди.

— Балки, — деди ота-боланинг сұхбатини бўлиб, — улар билан бундан бу ёғига борди-келдини йиғишти-рармиз.

Ота-ўғил бараварига Моҳирўйга қарашди. Иккаласининг ҳам юзида ҳайронлик ифодаси акс этиб турарди.

— Улар жуда баландлаб кетишибди, — гапида давом этди Моҳирўй. — Рухшона икки гапининг бирида кесатишдан ортмади. Зўрға ўзимни босиб ўтирдим. Эри прокурор бўлса, нима қипти? Биз ҳам ерда қолганимиз йўқ. Мақсадлари бизнинг аҳволимизни кўриб, устимиздан кулиш бўлса, ана, етишли ўша мақсадларига.

Достон хотинининг гапига кулди.

— Овсин овсинга тош отади деган гап ҳақ экан, — деди у ўғлига қараб. — Аянг Рухшона холанг билан овсиндай бўп кетган-да. Мана, аҳволни кўриб турибсан. Бир пайтлар булар...

— Илтимос, — деб эрининг гапини бўлди Моҳирўй, — ўзимизга тенглар кўп. Уйимизга келиб-кетса, уларни ям, бизниям бошимиз осмонга етади. Достон ака, шу ошнангизни энди уйга чақирманг, жуда гаплашгингиз келса, бирорта чойхона-пойхонага оборинг.

Онасининг гапларини эшитиб, Фирдавс ич-ичидан эзилди. Лекин буни на онасига, на отасига билдириди.

Индамай ўрнидан туриб, ўзи учун ажратилган кунботар томондаги қўндаланг хона томонга кетди. «Аям билан Мавзунанинг ойиси келишмай қоптими, демак, менинг унга етишишим қийинлашади. Агар Мавзунага уйланиш ниятим бўлса, бой-бадавлат, амалдор бўлишм керак. Ҳозирданоқ ҳаракат қилишм керак. Мардикор ишласаммикан?.. Йўқ, буниси ярамайди. Топганим ўзимдан ортмай қолади. Студентнинг амалдорга айланиши фақат эртаклардагина бўлиши мумкин. Каллангни ишлат, Фирдавс, каллангни ишлат. Ўқишини битиргунча зўр пул топишни ўйлаб топ, ўйлаб топ, ўйлаб топ!..» У шу хаёллар билан ухлаб қолди. Тушига алламбалолар кирди. Кимdir уни қувди. Унинг қулида машъаласи бор эди. Юзи ҳам қандайдир чўтири, ўзи оқсоқ, оғзидан тушункисиз хириллаш эшишилади. Чап қулоғидан шилимшиқ қон оқиб ётиби. Уни қўрган Фирдавс сеҳрлангандай жойида қотиб қолди. Қимирлай деса, оёқлари ўзига бўйсунмайди. Махлуқсифат одам эса борган сари яқинлашиб келаяпти. Фирдавс беихтиёр ерга энгашди ва кутилмаганда бирдан қўлига ойболта илинди. Махлуқ тўхтаб, ҳиринглаб кулди. Шу пайт унинг қўзлари отилиб чиқиб кетди. Фирдавснинг юраги уришдан тўхтаганга ўхшарди гўё. Қулидаги ойболта билан махлуқни бир солса, у иккига бўлиниб кетиши аниқ. Бироқ унинг бунга сира қурби етмаётган эди. Махлуқ эса унга жуда яқин келиб қолганди...

\* \* \*

— Ит! — деди газаб билан Ботир. — Агар кўзимдан йўқолмасанг, қиймалаб ташлайман. Шундоғам қонимга ташна бўлиб турибман. Отамни нима аҳволга солганингни биласанми?!

У гапиргани сайин ёввойилашиб кетаётганди. Кўзларининг ичи қонга тўлди.

— Мен билан битта ота-онадан туғилганинг учунгина ўзимни босиб турибман! — дея акасига бақиришда давом этди Ботир. — Бўлмаса, аллақачон нариги дунёга жўнатиб юборардим!

Дилшод унга беписанд қараб турарди. Унинг руҳи баланд эди. Кимсан — Чапдастдай муштум-зўрнинг шўри-

ни куритиб келди. Бу жинқарча унинг олдида нима деган гап? Шуларни хаёлидан ўтказган күчанинг боласига алам қилиб кетди. «Укам бўлиб бурнимни бўшатиб қўйганмисан, абрах?» дея кўнглидан ўтказди ва Ботирга хезланди. У укасининг белидан ушлаб, кўтариб отиб юбормоқчи эди. Аммо қанча чиранмасин, кучи етмади. Бунинг устига, Ботир уни янада қаттикроқ бўғаётганлиги сабаб нафаси қайта бошлади. Агар укаси шу алпозда бўғишида давом этса, Дилшодни ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмасди. Борган сари унинг ранги оқариб, кўзи оляя бошлади.

— Қўйвор! — деди хириллаб.

Ботир эса ғазабдан ўзини тутолмасди. Шу пайт кўзида ёш билан уларга тикилиб турган Назокат:

— Бас! — дея бақириб юборди алам билан. — Бас қилинглар! Адажонимиз ўлим тўшагида ётганларида, бир-бирларингни чалажон қилмоқчимисизлар?

Унинг гаплари Дилшодга зигирча ҳам таъсир этмаган бўлса-да, Ботирнинг юрак-юрагига бориб қадалди ва акасини қўйиб юборди.

— Уҳ! — деб юборди бирдан Дилшод сув тубидан нафаси қайтиб чиқсан одамдай ва бўйнини уқалаб, алам билан четга «чирт» этказиб тупурди. Бу сафар ҳам унинг оғзидан сарғиш қон чиқди.

У Ботирга кучи етмаслигини англағанди. Шу боис ортига бурилиб, ошхонадан чиқиб, тўғри ўзининг хонасига кириб кетди. Кира-солиб симли каравотта ўзини ташлади ва орадан бирор ўн дақиқа ўтар-ўтмас, хуррак ота бошлади.

Акаси чиқиб кетгач, Ботирнинг кўзи ёшга тўлди. Бир неча марта бурнини тортиб қўйиб, ишини давом этказди. Назокат эса аввал ҳаммасини унугмоқчи бўлганди. Шу боис худди бирор шошираётгандек идишларни шошапиша юва бошлади. Бироқ отасининг аҳволи, ака-уканинг жанжали қайтадан кўз олдига келиб, пиқиллаб йифлай бошлади. Кўзи жиққа ёш Ботир опаси томонга ўғирилди. Иккала қўли билан юзини бекитиб олган Назокат ҳиқиллаб йигларди. Ботир ўзини босиб туролмади ва опасига яқинлашиб, уни маҳкам қулоқлаб олди.

— Нима кунларга қолдик, укажон? — деди Назокат йиғлаш баробарида.

— Яхши бўп кетади, опа. Мана қўрасиз. Ҳали адам оёққа туриб кетадилар. Илгаригидай яхши яшаймиз, яна ҳаммаси изига тушади, — деди Ботир опасига катта одамлардек тасалли бериб. — Фақат озгина чидайлик!

— Ишқилиб, акамга худонинг ўзи инсоф берсин-да. Адам иккинчи марта инфаркт бўлди. Кейингисини кўтаролмайдилар. Агар акам ўзгармасалар, адам келгунларича уйдан ҳайдаб юборамиз, — деб юзини укасининг елкасига босиб, кўз ёшини артди Назокат.

Овқат пишгунча опа-ука уйда бўлишди. Кейин яна қасалхонага кетишди. Дилшод эса кун пешиндан оққанда уйғонди. Ётган жойида керишиб, кеча бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Сўнг ўрнидан туриб, эндингина ювинганди ҳамки, дарвоза қўнғироғи жиринглади. Бориб очганди, икки қўли кўксида, Баҳа иржайиб турибди.

— Хўжайнин, — деди у ялтоқланиб, — сизни олиб кетгани келувдим.

— Кутиб тур, кийимларимни алмаштириб келайн.

У ортига бурилди. Қорни роса очиққанди, шу боис аввал ошхонага кириб, егулик қидирди. Лекин тузукроқ нарса топмай, бурнини жийирди. «Бурни осмонда-ю, уйларида ейишга ҳеч бало йўқ, — кўнглидан ўтказди у, — ҳали ҳаммасига кўрсатиб қўяман. Муллаҳирингларни оёқларининг тагига шунаقا сочиб ташлайманки, оғизлари ланг очилиб қолсин!» У мийигида кулиб, ошхонадан чиқди.

Дарвоза ёнида Баҳа машинани артиш билан овора эди. У Дилшодни кўриши билан қаддини ростлаб иржайди.

— Башарам қандай? — сўради ундан Дилшод.

— Шеф, озгина яхши, лекин у ер-бу ерида кўкарган жойлари бор. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.

— Бўпти, чойхонага ҳайда.

Баҳа чаққонлик билан машинага ўтириб, моторни ўт олдирди. «Жигули» секин-аста ортига юра бошлади.

— Ўзгаришни ҳаммага айтдингми?

— Бўлмасам-чи. Ҳамма хурсанд бўп қолди. Ўзи охирги пайтларда Чапдаст ҳаддидан ошиб кетганди. Норозилар кўпайганли. Уни мажақлаб ташлаб, зўр иш қилдингиз-да, — деб ҳиринглаб кулди Баҳа.

Сўнг машинани йўлга ўнглаб олгач, Дилшод тарафга қараб кўйиб, гапида давом этди:

— Нормат чўлоқ одам жўнатибди. Сизни кечга ёнига чақирибди.

— Ҳе, итдан тарқаган, қари чўлоқ, мени ким деб ўйлаяпти? Мен Чапдастга ўхшаб бировларнинг ялогига бурнимни тиқмайман! Мараз, керак бўлса, ўзи келсин. Ҳа-а, яна бирорта одам келса, олдимга опкирасан. Ўзим яхшилаб жавоб бераман.

Баха тахминан нима бўлишини биларди. Шу боис ҳам ич-ичидан хурсанд бўлди. Ахир Нормат чўлоқнинг Чапдаст эмаслиги ҳаммага беш қўлдек аён-ку. У бир ҳамлада аждарҳодай унча-мунча нарсани кўрдим демай ютиб юборади. Дилшод унинг олдида ким бўпти? Керак бўлса, шамоли билан учирив юборади. Ана ундан кейин Баханинг куни туғади. Чунки Дилшод кетгач, йигитларга Баха лидер бўлиб қолади. Бунинг учун яна озгина Дилшоднинг қитиқ-патига тегиш зарур.

— Сассиқ чолнинг шохини қайириб қўйсангиз, роса хурсанд бўлардик. Ярамас, топганимизни пашша қон сўргандай, сўриб опкетади, — деди хожаси томонга кўз ташлаб кўйиб.

Дилшод унинг гапига эътибор қилмади. Чунки ўзининг хаёли билан банд эди. У Нормат чўлоқни қандай қилиб синдириш мумкинлиги тўғрисида ўйларди.

У кетма-кет уч кун ишрат билан шуғулланди. Шу кичкинагина савдо маскани билан емакхонадаги юргурдаклари орқали унинг чўнтағига тушаётган пуллар кўзиға камдай кўриниб кетаверди. Ўйлай-ўйлай, беш йигитини ёнига чақириди. «Жувоз эски» бозорига борасанлар, чўнтак кесасанларми, зўравонлик қиласанларми, ошхоналар директорларининг юрагига фулгула соласанларми, нима қилсанглар ҳам соқقا йиғасанлар. Кечгача бешаланг уч юз сўм топиб келасан. Бўлмаса, каллангдан айриласан», деди у дағдаға билан.

Үйига бормай қўйган зўравоннинг бу қилифи ҳаддидан ошиш эди. У ўтирган тахтга неча йиллардан бери эгалик қилиб келган Чапдаст ҳам бундай ишдан ўзини тийганди. Ахир Нормат чўлоқдай одамга қарши чиқиши ўлим билан олишишдай бир нарса эди-да.

Топшириқ олган йигитларнинг кўнгилларида ҳам эътиroz бор эди. Бироқ бу эътиrozни юзага чиқариш учун уларда журъат етишмади. Дилшоднинг кўзидағи ғазаб уларнинг кўнглига фулгула солиб қўйганди.

Уч кундан кейин Норматнинг одами келди. Ҳе йўқ, бе йўқ, тўғри унинг хонасига бостириб кирди. Туш вақти эди. Дилшод аввал икки пиёла ароқни устма-уст бостириб ичиб, сўнг қип-қизил қилиб роса оби-тобида қовурилган жўжа гўштини ейиш билан овора эди. Бунақа пайтда Бахадан бошқа ҳар қандай одамнинг кириб келишини у тақиқлаб қўйганди. «Аяб ўтирмайман, бирдан сўйман-у, шашлик қип ташлайман. Болаларнинг ҳаммасига шу гапимни етказиб қўй!» деган эди у Бахага. Йигитлар унинг қоидасига бўйсунгандек здилар. Аммо манави нусха буйругини бир тиийнга олмай, кириб келиб, рўпарасида ўшшайиб турибди.

— Сен ит эмганга ким рухсат берди бу ерга киришга? — деб ўкирди Дилшод оғзидаги луқмасини чайнашдан тўхтаб.

— Ҳе, — деб афтини буришириб, истеҳзоли кулди чақирилмаган меҳмон, — ҳали бурнингдан шимилдиринг кетмасдан, қирол бўлиб олибсанми?!

Дилшод кўлидаги гўшт бўлагини дастурхонга ташлаб, шошилмасдан ёғли бармогини артди. Сўнг лаган ёнида турган ошпичоқни олиб, секин ўрнидан турмоқчи бўлганди, меҳмон чўнтағига қўлини тиқиб, Америкала ишлаб чиқарилган кичкинагина қоп-қора тўппончани чиқарди.

— Олдимга туш, сен билан бошқа жойда яхшилаб ҳисоб-китоб қиласиз, — деди у.

— Ўйинчоғинг билан мени қўрқитмоқчимисан?

— Мен қўрқитиб ўтирмайман. Мана бундай қиласман, — деб келгинди лаганни мўлжалга олиб, тепкини босди. Бирдан гумбурлаган овоз янграб, лаган иккига бўлинди. Баханинг ранги оқариб кетди ва орқаси билан деворга қапишиб олди. Дилшоднинг ҳам юраги орқасига тортиб кетганди. У Чапдастга қўрсатган кароматини бунга ҳам намойиш этмоқчийди-ю, аммо не-

гадир кўрқди. Бунинг ўрнига секин туриб, қуролли бойваччанинг амрига бўйсуниб, унинг олдига тушди.

Улар ташқарига чиқишлари билан Дилшоднинг кўзи чойхона эшигининг ёнгинасида турган иккита қоп-қора «Газ 24»га тушди. «Демак, бу ярамас ёлғиз келмаган эканда. Ҳар қалай, кўрқаркан-ку», кўнглидан ўтказди у.

— Орқадаги машинага ўтири! — амр қилди Дилшоднинг ортидаги йигит.

Дилшод бурнини тортиб қўйди-да, эшиги очиқ турган машинанинг орқа ўринидигига энгалиб кираётганида, орқа миясига қарсиллаб теккан зарбадан кейин бир марта «Иҳ!» деди-ю, хушидан кетди.

— Айтдим-ку, — дея мақтаниб, кўкрагини керди уни олиб келган йигит, — тош отадиган тўппонча билан ҳам сизлар «даҳшатли махлукдан баттар» деган манави нусхани олдимга солиб келаман деб.

— Таъриф бошқайди. Бўпти, ўтири, шеф кутиб қолди, — дея жавоб берди машинани бошқараётган хўппа семиз, мўйловли барзанги.

Дилшод Нормат чўлоқнинг ҳамомида ўзига келди. Шунда ҳам устига икки челак муздай сув қўйганларидан кейин. Аввал қаерда ётганини билолмай, кўзини йириб очганча атрофига аланглади. Бир-биридан хунук, қаҳрли ва иржайган башараларга кўзи тушди.

— Жанобни қийнаб қўйибсизлар-ку, — деди Нормат ёнидаги йигитга қараб қўяркан, — алоҳида фойтунда олиб келишларинг керагиди. Сизлар эса азиз жонига озор бериб қўйибсизлар.

Дилшод қўли билан юзини артди, одатига кўра бурнини тортиб қўйди-да, боши лўқиллаб оғриётганлиги боис соchlарини фижимлади.

— Қалайсан энди, бойвачча? — деди фавқулодда тезликда юзига ғазаб ифодаси қалқан Нормат.

Дилшод жавоб беролмади. Шу тобда тили калимага келмасди. Чунки қўрқув бутун танасини қамраб олганди. У Чапдастни ер тишлатган кунини эслади. Шу билан вужудини кувватлантирумокчи бўлди. Аммо шу заҳоти биқинига Нормат чўлоқнинг одамларидан бири шунаقا қаттиқ тепдики, кўзи отилиб кетай деди.

— Аввал гаплашиб олайлик, қолганига ҳали улгурамиз, — деди Нормат чўлоқ беруҳсат оёғини ишга солган шотирига хўмрайиб қааркаркан. — Сенинг фақат битта нарсангта қойил қолдим, — дея гапини давом этказди ўзига «қирол» деган лақабни кўйиб олган чўлоқ, — Чапдастни мажақлаганингта. Лекин қолган ишларга ўтириб қўйдинг. Атайлабдан кузатдим сени... Бўлмаса, болалар сени ўша куннинг ўзидаёқ еб қўйишишарди. Негалигини биласанми? Билмайсан. Чунки ўша Чапдаст менинг эркатоим эди. Шунинг учун ҳам унинг яқинига бирор йўлолмасди... Итларга ташлаб кепсан, шундайми?! — деди ғазабдан ранги гезариб кетган Нормат ўшқириб. — Шундайми?! Гапир!

Унинг дағдағасидан кейин Дилшоднинг бутун аъзойи бадани қалтирашга тушди. Ўзини ночор ва нотавон ҳис этиб, атрофга олазарак боқди.

— Энди сенинг ўзинигта Чапдастнинг куни рўпара бўлиб турибди, — гапида давом этди Нормат. — Отанг касалхонада экан. Иккинчи инфарктни олиб ётганини эшитдим. Бориб кўрдингми?! Мана! — Нормат кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасидан бошмалдоғини ўтказиб, Дилшоднинг тумшугига яқинлаштириди. Йигит қулт этказиб ютинди.

— Отасига вафо қилмаган бошқа бирорга вафо қилармиди?! Бизда сотиш йўқ. Биз ҳамма нарсани ўзимиз ҳал этамиз. Лекин сен маразни ментларга бериб юбораман. Чунки сен итнинг касофатинигта менинг йигитларим қолмаслиги керак. Бигта тиррақи бузоқ бутун подани бузади, деган гап бор. Сен ярамас ўша бузоқсан!

Норматнинг ортиқ гапиришга сабри етмади. У ғазабини вужудига жамлаб, Дилшоднинг кўксига тепиб юборди. «А-а-а!» деб ўкириб юборган йигит орқасига гурсиллаб қулади. Чўлоқ афтини бужмайтириб, унинг устига тупурди, сўнг шиддат билан юриб ташқарига чиқиб, сочларини қарийб ергача осилтириб турган мажнунтол остидаги стулга ўтириди-да, неча йиллардан бери садоқат билан унга хизмат қилиб келаётган ўрозни қўли билан имлаб ёнига чорлади. Элликка яқинлашиб, сочлари оқариб, юзидаги ажинлари кўпайиб қолган ўроз югуриб келди.

— Манавини ҳозироқ Чапдаст ётган жойга обориб ташланглар. Фақат тегманглар. Қолгани ўтирганларнинг ўлжаси. Оёқ-қўлини боғланглар, шунинг ўзи етади.

— Хўп, — деди Ўроз икки букилиб, сўнг орқаси билан юриб, унинг ёнидан узоқлашди.

Нормат стол устидаги сигаретдан бир дона олиб, лабига қистирди. Шу заҳоти йигитларидан бири гугурт чақиб тутди. Унга кўз ташлаб қўйган чўлоқ эринчоқлик билан тамакисини тутатди. Сўнг стул суюнчиғига яхшилаб суюниб олди-да, ўтган умрини хотирлай бошлиди.

У шу тахлит ярим соатча ўтиргач, телефонда рақам терди. Симнинг нариги учидан ўзи кутган одам гўшакни кўтаргач:

— Биродар, бормисиз? — деди ўшшайиб.

— Эй-й, қўёш бугун қаёқдан чиқди? Боягина эслагандим, бой ака! — деган овоз эшитилди гўшакдан.

— Биламан, қанақа эслашингизни. «Ўғри, муттаҳам, шаҳардаги бузғунчиликнинг ҳаммасини шу қиласди. Оёқ-қўлига кишан солиб, тикиб ташлашимиз керак», деган ўйдан бошқаси бекор сизларга, — деди Нормат ва ҳиринглаб кулди.

— Унчаликмас, бой ака. Сахийликларингизниям гапириб турамиз, — деди чўлоқ билан гаплашаётган одам.

— Хулас, гап бундай. Нимани гапирасан, нимани ўйлайсан, менга қизиги йўқ. Қўнғироқ қилишимдан мақсад, шаҳар ташқарисидан топган мурдаларинг масаласида айтиб қўймоқчи эдим. Аввал ҳам уларга менинг йигитларимнинг алоқаси йўқлигини айтгандим. Биламан, барибир, ишонмайсизлар... Лекин ҳозир айбор ӯша ерда ётиби.

— Тирикми?! Бирон...

— Биродар, хафа қиласяпсиз. Бошидан бир донаям туки тўкилмаган. Бус-бутун. Бундан кейин йигитларимни безовта қилманглар.

— Яхши... лекин...

Нормат тарақ этказиб гўшакни жойига қўйди. У сухбатдошининг гапларини эшитишни истамаганди. «Бошқаси гапимга ишонсаям, Миразиз деганлари ишонмайди. Илгари бир-икки марта тил топишгандай бўлгандим. Ле-

кин охирги пайтларда унинг феълига одам тушунмайдиган бўп қолган. Демак, иззати битибди. Икки ўғли, бир қизи етим қолса нима?! Кўрсатган каромати учун жазосини олиши керак!» дея кўнглидан ўтказиб, совуқ тиржайди у.

Дилшод қўлга тушди. Нормат чўлоқ айтганидай, унинг бошидан бир туки ҳам тўқилмаган бўлса-да, бироқ баданинг бир-икки жойи кўкарганди. Кўзлари олазарак боқар, бутун вужудини қамраб олган қўрқув ўрнини аста-секин газаб эталлаб бораётганди. Кўлига кишан солиб, олиб кетишаётганда, Дилшоднинг кўнглига: «Энди қўрқмасам ҳам бўлади, милиционерлар ҳеч қачон ўлдириб қўйишмайди», деган ўй келди-ю, юзига истехзоли табассум югурди.

— Мени, — деди у биринчи куни иржайиб, — ҳеч ким йўқ камерага тиқиб ташланглар. Бировни кўрмайин.

— Орзунгга эришасан. Лекин унгача ҳали кўп нарсалар учун жавоб беришингта тўғри келади, герой, — деди елкасида иккита юлдузчаси бўлган терговчи.

— Давай, сўранг. Мен унақа эзилиб ўтирадиганлар хилданмасман. Барини шартта бўйнимга оламан. Масалан, Чапдастни ўлдирганим рост. Баханинг башарасини буздим. Одамларнинг пулини зўравонлик билан тортиб олдим. Хуллас, ашаддий жиноятчиман. Агар обшийга қамасангиз, яна битта-иккитасининг бошига етишим мумкин, шунинг учун бир ўзимни битта хонага қамаб қўйинг.

Унинг гапларини сабр билан эшитиб ўтирган терговчи навбатчини чақириди.

— Камерага тиқиб қўйинг, мияси жойига келсин, — деди у тортмасидан сигарет олиб, лабига қистирапкан. Сўнг манглайнини тириштириб, хаёлга чўмди.

Миразиз унинг хонасига кириб келганда, терговчи та-макисини чекиб бўлиб, органини кулдонга эзаётганди. Терговчи уни кўриши билан беихтиёр ўрнидан туриб, шапкасини шоша-пиша кийишга тутинди. Полковник қўли билан унга ўтириш ишорасини қилди. Сўнг ўзи ҳам унинг рўпарасидан ҳоргин жой олди. Терговчи узатган бир пиёла чойни ичмасдан, стол устига қўйди-да:

— Бегуноҳлигини исботламоқчи бўляптими? — дея сўради.

— Қаёқда, ўртоқ полковник, сўрамасимдан аввал ҳаммасини бўйнига олди. Яна алоҳида камерага тиқиб қўйишимизни талаб қиласяпти, — жавоб берди терговчи.

— Шунақами? — деди Миразиз терговчига синчков тикилиб. — Демак, бу ерда бир гап бор. Кимдир унга: «Шунақа дейсан, ҳаммасини бўйнингга оласан», деб мажбур қилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ишга юзаки қарамай, чуқурроқ бориш керак. Илдизини топиш керак, — Миразиз столни бир маромда чертиб, озроқ ўланиб ўтириди-да, терговчига қаради: — Сен, саломалик деган ўтни биласанми?

— Йўқ, — бош чайқади терговчи. — Мен шаҳарликман...

— Мен ҳам шаҳарликман, — деб унинг гапини бўлди Миразиз, — лекин биламан. Ўзи бирор икки қарич ўсади. Бугун юлиб ташласонг, эртага эрталаб «ассалому алайкум» дегандек ўсиб чиқаверади. Қачонки илдизини ковлаб олиб, ёқиб ташласангтинга қутуласан. Буларнинг ҳам ўша ёввойи ўтдан фарқи йўқ.

— Ҳимм... — полковникнинг гапини маъқуллаб, бош иргади терговчи.

— Анави йигитни икки кун сўроққа чақирма. Ўз ҳолига қўй. Ана ундан кейин ўзини тутишига, нималар дейишига дикқат қил. Гапни қанақа оҳангда гапиришиям эътиборингдан четда қолмасин.

Икки кундан кейин сўроққа тутилган Дилшод яна ўша гаплардан нарисига ўтмади.

— Чапдастни мен ўлдириб, шаҳар ташқарисига ташлаб келганман, — деди у. Аммо бу сафар Баханинг исми у ёқда турсин, чойхоначининг номини ҳам тилга олмади. — Кўчада қоронгида, ҳеч ким йўқлигига ортидан пойлаб бориб, бошига бутилка билан урдим. Йиқилди. Кейин тўрт-беш марта уриб, бутунлай тинчитиб қўя қолдим. Машина ўғирладим: «Москвич», ранги олачипор. Шунинг бағажига ортдим. Мақсадим унинг ўрнига ўтириш эди. Лекин бунинг учун аввал бошқа жойда ўтириб келишим керак экан, — деб гапини тамомлади.

Терговчи эшитганларини Миразизга етказди.

— Бўпти, ҳамма нарсани ўзи қилган бўлса. Битта қотиллик ва яна ўгрилик, ҳа, талончилик ҳам бор дединг-а

фаолиятида? Яхши, ишини судга ошир. Умри қамоқда ўтади. Лекин ёшгина бола... Ортидан одам қўйишни эсингдан чиқазма, — деб кўрсатма берди полковник.

\* \* \*

Дилшод қамалиб кетгандан сўнг Чапдастнинг ўрнига Баха ўтириди. Нормат чўлоқнинг хоҳиши шундай бўлди. Шахсан унинг ўзи чойхонага келиб, ўғриларни йиғеди-да, Бахани бош қилиб тайинлаб кетди.

«Калламга гап йўқ. Нимақи хоҳласам, ими-жимида ҳал қиласман. Чапдаст ким эди? Дилшод-чи? Иккови-ям ҳовлиқма, босар-тусарини билмайдиган, фақат билагига ишонадиган болалар эди. Озгина ақлимни ишлатиб, икковиниям орадан суриб ташладим. Тўғри, Чапдастга қарши ҳеч нима қиласмадим. Умуман олганда, бирон нима қилиш ниятим ҳам йўқ эди. Эй, Бахабек, пешонанг ярқираган экан», кўнглидан ўтказди у Нормат чўлоқни кузатиб, изига қайтаётганда.

Шу куни чойхонада ҳамтвоқларига базм уюштириб берди. Эртасига эса Чапдастнинг битмай қолган ишини охирлатиб қўйишни, яъни ўшандаги чойхонадан қочиб кетишига улгурган иккита қишлоқи йигитни тутиб, таъзирини беришни кўнглига тугди. Йигитлардан иккитасини улар яшаши мумкин бўлган ётоқхоналар томонга жунатди. Учинчи куни янгилик топилди. Бироқ янгилик шунчалик ёмон эдик, бундан кўра бўлмагани минг марта афзал эди. «Прокурорнинг қизи, мелисалар... Ҳозирдан ишқалга бош тиқмаганим маъқул, улар мени эмас, Чапдаст билан Дилшодни тушириб кетишиди. Шундай экан, қасд қиласам ҳам бўлаверади», дега хаёлидан ўтказди Баха.

\* \* \*

Фирдавс чўчиб уйғониб кетди. Кафтинини орқаси билан кўзини ишқалаб, пешонасининг терини аргди ва чуқур нафас олиб, ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқди.

Анча вақтгача тушида кўрганларини унугомай юрди. Кейин эсидан чиқди.

Унинг ўқишилари яна бир зайдада кета бошлади. Одатига кўра дарсдан сўнг кутубхонага киради. Бир кун олдин

ўқиши учун олган китобини очиб, келган жойидан мутолаага берилади. Вақт ўтганини сезмай қолади. Кутубхоначининг иш вақти тугаб, унинг ёнига келади ва ўқишига муккасидан кетган йигитни безовта қилгиси келмай, бироз кутади. Йигит ҳали-бери туришни хәслига келтирмаётганини кўриб: «Қолганини эртага ўқирсиз, олиб кетсангиз ҳам майли, фақат эртага қайтариб беришни эсингидан чиқазмасангиз бўлгани», дейди. Фирдавс бошини кўтаради. Унинг кўзлари қизарип кетган бўлади. Кутубхоначини туман ичидаги кўради. Бир муддат жимликдан сўнг:

— Нима дедингиз? — деб сўрайди қиздан.

Қиз жилмаяди. Кейин гапини такрорлайди.

— Узр, — дейди Фирдавс ва китобни қўлтиқлаб ўрнидан туради, — раҳмат, зўр роман экан, маза қилиб ўқийдиган бўлдим.

— Йўқ, энди китобни бермайман, кўзингиз қизарип кетибди. Кўзга ичингиз ачисин, эртагача дам олсин бечора, — дея жилмаяди қиз.

— Оббо, айтаверарканам, қайтаверарканам-да, а? Бир ҳисобда шунисиям яхши. Эртани кутаман. Бир хил пайтларда кутиш ҳам лаззатли бўларкан, — деб Фирдавс китобни кутубхоначининг қўлига тутқазиб, эшик томонга юради.

Орадан роппа-роса бир ой ўтганидан сўнг, дарс тугаб, кутубхонага кетишни мўлжаллаб турган Фирдавснинг елкасига Асқар қўлини ташлади.

— Ошна, китоб ўқиши жонингизга тегиб кетмадими? Эртадан кечгача оқ қофозга термилиб ўтириш одамнинг тинкасини қуритиб юборади-ку. Ундан кўра, битта жойга борамиз. Зўр жой, маза қиласиз.

Фирдавс пешонасини тириштириб, Асқарга қўз ташлади.

— Қаерда экан ўша зўр жой? — деди.

— Борганда кўрасиз, юраверинг, — деб унинг қўлидан етаклади Асқар.

Автобусда бир нечта бекат юрилганидан кейин аввал Асқар, унинг ортидан Фирдавс тушди.

— Мактабда нима қиласиз? — сўради Фирдавс чоратрофда ундан каттароқ бинони кўрмагач.

Асқар илжайди.

— Юраверинг, күрасиз.

Улар мактаб спорт залига киришди. У ерда бир одам оёқларини чалиштириб, чордона қуриб ўтириб олган, құлларини икки тиззаси устига қўйиб, қўзини юмганча пичирларди. Асқар Фирдавсга юzlаниб, кўрсаткич бармогини лабига қўйганча, эшитилар-эшитилмас «Тисс!» деди. Фирдавс «тушундим», дегандек бош иргади.

Оппоқ кийимдаги одам бирор йигирма дақиқа қўзи-ни очмади. Шунинг билан бирга лаби қимиirlаб, пи-чиirlашдан ҳам тўхтамади. Фирдавснинг юраги сиқилди. Бир хаёли ортига бурилиб кетмоқчи ҳам бўлди. Ҳатто бетоқатланиб, бир-икки марта Асқарга қараб қўйди. Бироқ ошнаси ҳалиги кишидан кўз узмай ту-рарди.

— У нима деяпти ўзи? — деди Фирдавс сабри чида-май.

Асқар елка қисди, сўнг пичиirlаб: «Бошқа гапир-манг, уришиб беради», деб огоҳлантириди.

Худди шу пайт оқ яктакли киши қўлларини ёнига туши-риб, қўзини очиб, енгил ҳаракат билан ўрнидан турди.

— Уришиб бермайман, — деди йигитларга қарап-кан, мийифида кулиб, — келаверинглар. Асқар, икки минутга кечга қолдинг.

— Озгина дарс чўзилди, шунга... Яна ошнамга ту-шунтиришга ҳам вақт кетди, — деда чайналди Асқар.

— Ҳар нима булиши мумкин, лекин бир секунд ҳам кечга қолмаслик керак, — деди қўзларидан ўт чақна-ётган киши ва Фирдавснинг ёнига келиб, кўришиш учун қўлини узатаркан: — Баҳром ака деб чақирасиз мени, кичик дўстим, — деда жилмайиб қўйди.

— Менинг отим Фирдавс, — деда унга қўлини узатди йигит.

— Ана, танишиб олдик. Жуссангиз бақувват экан, қўзин-тиздаям ўт бор. Демак, сиз оддий одамларнинг боласи эмас-сиз. Асли суриштириб келса, уруғингиз тоза. Ҳар қандай олий наасабли кишилар маълум муддат адашиб юриши мумкин. Лекин вақти келиб, улар, барибир, йўлини топиб ке-тишади. Қаерга боришмасин, ўша жой гуллаб-яшнайди.

Хүш, баданни чиниқтиришга мойиллик қандай? — сұради Баҳром ака юзида ўша-ўша табассум билан.

— Билмадим. Ошнам бу ерга нега келаётганимизни айтганий үйк. Шунга...

— Футболға қизықасизми? Ўйинларни күриб тура-

сизми?

— Ҳа. Иложи борича.

— Яхши. Оёғига коптот тушган ўйинчи оний лаҳза-

да қарор чиқаришга маҳкум.

— Буни биламан, шуғулланман.

— Бу бошқа гап. Ҳозир спорт кийимингиз бўлмаса

керак. Ҳечқиси үйк, ўртоғингизнинг машғулотини то-

моша қиласиз.

Улар гаплашиб туришган пайт Асқар бориб, кийимла-

рини алмаштириб келди. У аввал спорт зал бўйлаб роса

йигирма дақиқача югурди. Баҳром ака уни ўз ҳолига таш-

лаб, ташқарига чиқиб кетганди. Пешонасидан реза-реза

тер оқаётган Асқар, ниҳоят, югуришдан тўхтади. Баҳром

ака ҳам қайтиб келди ва икки ошнани ёнига чақирди.

— Одам боласи учун ҳамма замонларда ҳам руҳий устунлик аввалиг ўринда турган, — деди у йигитлардан кўзини узмай. — Руҳий етуклик олдида тананинг жис-  
моний бақувватлиги ҳеч вақо қилолмай қолади. Шу боис югуришдан олдин яхшилаб унга ўзингизни тайёрланг.  
Биринчи навбатда югуришингиз керак бўлган масофа-  
ни онгингизга жойлаштиринг, аввалига тахминан бир  
километр. Оёқ, тана ва ҳаттоки бош қимирлашини ол-  
диндан режалаштириб олинг ҳамда ўша режангизга мут-  
лақо хиёнат қилмаган тарзда қадам ташланг. Асқарбек,  
нафас олишингиз пала-партиш юргурганингиздан дало-  
лат бериб турибди. Ҳозир сиз ҳеч қандай қўшимча ма-  
шғулотга тайёр эмассиз. Шунинг учун ҳозир жавоб бе-  
раман. Унгача бир-иккита машқларни кўрсатаман.

Икки ошна спорт зал девори ёнига бориб туришди.  
Баҳром ака эса худди қушлар каби ўта нозиклик билан  
олдинга, ёнига гоҳ оёқларини, гоҳ қўлларини чўзар,  
уларни ҳавода айлантириб, йигитлар назарида нақш  
ясарди. Кейин худди мультфильмда бирдан улғайиб  
қоладиган гуллар каби юқорига қўлларини чўзиб бо-  
рап ва шу аснода оёқлари ердан узилиб, у турган жой-

ида салта қиласы. У шундай сакрар эдики, ердан узилгани оёқ яна қайтиб жойига тушганида, мутлақо товуш чиқмасди. Фақат кийимлари ҳавони кесиб ўтганида, енгил шабаданинг шовқинингина эшитиларди.

Унга қараб туриб, икки ошнанинг оғзи очилиб қолганди. Иккови ҳам қимир этмай, ҳатто киприкларини пирпиратмай турарди. Шу лаҳзада уларнинг вужудини ҳавас, иштиёқ әгаллаб олганди.

Фирдавс Асқар билан бирга спорт залидан чиқиб, автобус бекатига боргунча миқ этмади. Ички ҳаяжон, орзу уни сұзлашга йўл қўймаётганди. Асқар эса булбулигүёга айлангандек жафи тинмасди.

— Кўрдингми сакрашини? Қўлларини айлантиришига гап йўқ. Ўзиям худди қаноти бор қушдай учди-я! — дерди у ҳаяжон билан.

Лекин унинг гаплари Фирдавснинг қулоғига кирмас, у ўз хаёллари билан банд эди. «Мен Баҳром агадан ҳам ўтиб кетаман. Ўтаман, барибир, ўтаман», дея қўнглига туғиб борарди у.

Фирдавс уйига борганда, аяси билан дадасининг ясан-тусан қилиб, пўрим кийиниб олганини кўрди. Синглиси ҳам улардан қолишмасди.

— Тинчликми? — сўради Фирдавс ҳайрон бўлиб.

— Болам, ҳеч бир жойда кун чиққандан ботгунча ўқитмаса керак?.. Шу пайтгача қаерда юрибсан, нега бунча кечга қолдинг? — деди унинг саволини жавобсиз қолдирган Достон.

Фирдавс деярли ҳар куни шу вақтда ўқишдан қайтарди. Шу пайтгача на дадаси, на аяси: «Нега кеч келяпсан?» демаган. Кутилмаганда сўроққа тутилиши уни баттар ажаблантирди.

— Кутубхонага киргандим, — деб ёлғонлади у.

— Дада, ая, акам-чи, кечаси билан китоб ўқияпти. Ўқитувчимиз: «Ҳамма нарсанинг меъёри яхши, уззукун китоб ўқиш ҳам соғлиққа зарар», деганди, — деди Моҳина ўзича билимдонлик қилиб.

— Ўқитувчинг тўғри айтиби, — унинг гапини маъқуллади Моҳирўй. — Аканг ҳам бундан кейин ҳар икки кунда кутубхонага киради. Бошқа кунлари дарси тугаши билан уйга етиб келади. Уйдаям қиласиган ишлар етарли.

— Шундай қиласиз, — деб Достон ўғлига қараб, күз қисиб қўйди-да: — Энди кетдик. Бу аҳволда ярим оқшомгачаям уйдан чиқолмаймиз, — деди.

— Қаерга бораяпсизлар? — сўради ҳалигача уларнинг кетар манзилини билолмаган Фирдавс.

— Бугун Миразининг туғилган куни, шунга: «Бутун оиласиг билан келасан», деб ўзиям уч-тўрт марта телефон қилди. Сени кутиб турувдик, кийимларингни алмаштириб ўтирма, юравер, — деди Достон.

Фирдавснинг кўз ўнгидан бирдан Мавзуна ўтиб, ширин этикди. Анчадан бери соғинч ич-ичини кемираётганди. Бир-икки марта уларникига боришга ҷоғланди. Лекин юраги дов бермади. Қизнинг ота-онасига кўринишни истамади.

— Мен дадангга: «Қўйинг, ўзингиз бориб келаверинг», дедим, — дея Моҳирўй ўглининг хаёлини бўлди. — Лекин даданг: «Улар бизникига кўп келишган, бормасак уят бўлади», деб қўнмаяпти. Шунга...

— Бўлди қилинглар, — дея хотинининг гапини кесди Достон, — майдалашмайлик. Арзимаган майда-чўйда қарашларни деб, яхши-ёмон бўп қолмайлик. Кетдик, олдимга тушинглар.

Йўл-йўлакай Достон гоҳ аёлига, гоҳ ўғлига хушомад қилиб борди. Аммо Миразиз ва унинг оиласи ҳақида бир оғиз ҳам ортиқча гап айтмади. Чунки сал мақтовни ошириб юборса ҳам ёки уларнинг камчилигини айтиб қолса ҳам, Моҳирўйнинг кайфияти бутунлай тушиб кетиши мумкин эди.

Бахтига, хотинларнинг ўзаро келишмовчиликларини сезгандай, Миразиз уларни дарвозаси ташқарисида кутиб олиб, бирдан қучоини очди ва Достонни маҳкам бағрига босди. Сўнг худди шу таҳлит Фирдавс билан кўришиб, Моҳинанинг юзидан ўпид қўйди-да, Моҳирўй билан қўл бериб саломлашди. Кейин ичкарига бошлади.

Фирдавс ҳовлига киргандан кейингина Мавзунани кўрди. Қиз бир олам табассум билан унга боқиб турарди. Йигитнинг юраги ўйнаб кетди. Шунга қарамай, оний лаҳзалик нигоҳлар тўқнашуви билан қаноатлашишга мажбур бўлди. Чунки қизга кўпроқ қараб қўйса

ҳам, улар ўртасидаги илиқликтин дадаси билан аяси сезиб қолиши мүмкін эди. Сезса тамом... «Нега бизнинг қизга қарайди? Мақсади нима? Йўлдан уришми? Уят деган нарсани ота-онаси ўргатмаганми, нима бало?» деган гап-сўз кўпаяди.

Фирдавснинг хаёлига негадир ўз-ўзидан шунақа ўйлар келди. Нега бундай бўлганига ўзи ҳам ҳайрон. Эҳтимол, Рухшона сергаклик билан уни кузатиб тургани сабаб бўлган-дир. Балки, Миразиз аканинг аёли билан келишмай қолга-ни сабабдир. Лекин ҳозир Фирдавс булар ҳақида ўйламас-ди. Шунчаки қизни кўрди, у билан нигоҳлари тўқнашди ва мана шу кўз илғамас лаҳзаларда у билан нималарнидир гаглашишга улгурди ва дарров Миразиз томонга ўтирилди. У меҳмонларни ичкарига таклиф қилиб турар эди.

Ичкарига кириб ўтиришгач, Достон билан Миразиз дарров гапга берилиб кетишиди. Рухшона ҳам гарчи узуқ-юлқ эса-да, Моҳирўйга гап ташлаб ўтиради. Моҳина ўтиrolмади. Ўзига узатилган чойдан бир марта ҳам ҳўпламай: «Мен Мавзуна опамга ёрдамлашаман», дея ташқарига чиқиб кетди. Фирдавс ҳали у, ҳали бу сух-батдошларнинг гапига қулоқ тутиб ўтириб зерикди. Бу ердаги гап-сўзлар унга ёқмас, икки хаёли ташқарига юрган Мавзунада эди. Шундоқ эшикдан чиқса бас, ҳов-лида Мавзуна билан кўришиши мүмкін. Аммо ташқа-рига чиқолмайди. Бу ерда эса юраги безовта уриб, нима қиларини билмай ўтиаркан, ўзи сезмаган ҳолда бар-моқларини тинимсиз қимирлатиб, бир-бирига уради. Табиийки, унинг бу хатти-ҳаракати иккала жувон-нинг ҳам эътиборини тортмасдан қолмади.

— Фирдавсжон, чой берайликми? — деди Моҳирўй ўғлининг хаёлини бўлиш учун.

Йигит чўчиб тушди. Бир Рухшонага, бир онасига қаради.

— Эндиғина ўқишдан келувди. Дадаси бир пиёлаям чой ичирмай, бу ёқقا етаклади. Кун бўйи...

— Қорним тўқ, ая, — онасининг гапини бўлди Фир-давс.

— Ҳозирги ёшларга бир гап бўлган, мана, Мавзуна, — деб Рухшона Фирдавсга кўз ташлаб қўйди. У атайин қизи-

нинг номини тилга олди. Азбаройи Фирдавсни текшириш, унинг қизига бўлган муносабатини билиш мақсадида шундай қилди. — На эрталаб бирор нима ейди, на гушда. Кечкурун-ку, қўяверасиз. Адаси иккимиз мажбуrlайверганимиздан кейин уни-буни чўқилаган бўлади...

Аёлнинг тахмини тўғри чиқди. Мавзуна ҳақида гапираётганда, Фирдавс киприк қоқмай, унинг оғзига қараб қолди. «Ҳа, сеними, шошмай тур, — кўнглидан ўтказди Рухшона ва ликопчадаги бодомни бармоқлари орасига олиб, эзғилай бошлади. — Мана шу бодомдай майдалаб ташлайман», деб ўйларди у. Бироқ бодом курғур майдаланиш тугул, ҳатто чақилмаётганди ҳам.

— Ассалому алайкум, хуш кепсизлар, — деб Мавзуна қўлида ликопча билан хонага кириб келди.

Ҳамма у томонга қаради. Қиз ҳар доимгидан-да очилиб кетганди. Фирдавснинг юраги шув этди. «Келин қилса арзийдиган қиз бўлти-да ўзиям», дея кўнглидан ўтказди Достон. «Намунча чиройли бўп кетибди бу қиз?» деб ўйла ди Моҳирўй ҳам. Рухшона эса қизига норози кўз ташлаб олди. Унинг нигоҳларида: «Сенга нима борили бу ерда? Болаларга айтсанг, опкиришарди-ку, қаёқдаги пастрларга ўзингни кўзкўзлашинг шартмиди?!» деган маломат йўқ эмасди. Миразиз қизига меҳр билан қараб олди-да:

— Амакингнинг олдига қўй, — деди.

— Хўп бўлали, — дея жавоб берган Мавзуна енгил қадам ташлаб, Достоннинг ёнига келди ва зимдан Фирдавсга кўз ташлаб олди. «Бесвафо, бир мартаям кўргани келмадингиз-а?» дея хаёлидан ўтказди у идишни отаси кўрсатган жойга қўяркан. Сўнг чаққон ҳаракат билан эшик гарафга юрди.

— Фирдавс, — деб йигитчани ўзига қаратди Миразиз, — миямга битта гап келди.

Унга бошқалар ҳам кўзини тикишиди.

— Аввал манавиндан битга-битта олайлик, — деб стол устида турган қадаҳни ушлаб, Достонга юзланди Миразиз.

— Биринчиси билан иккинчисининг ораси чўзилиб кетди, — дея кулди Достон.

«Савил қолгур, нималарни хаёл қилиб ўтирибди? Ҳали ҳе йўқ, бе йўқ, кула бўлайлик деб қолса-я? Уфф, тезроқ

бошқа меҳмонлар ҳам келишсайди. Горкомнинг хотини: «Ҳаммадан олдин борамиз», деганди. Менимча, эри ишида ушланиб қолган бўлса керак... Моҳирўйга ўзимни билмасликка олиб, улар билан қуда бўлмоқчилигигимзни айтаман. Ана ундан кейин не кўйга тушишини би-ир томоша қиласардим», ўйлади Рухшона.

— Сизлар гаплашиб ўтираверинглар, — дея ўрнидан қўзғалди Миразиз. — Овқатгача биз перикур қиласамиз, гапниям ҳовлида гаплашиб оламиз.

— Вой, ўтираверинглар, — дея ялтоқланди хаёли баттар бузилган Рухшона.

— Хонани тутунга тўлдирмайлик, — деди унга жавобан Достон.

Эркаклар ташқарига чиқиши. Миразиз билан Достон дарров лабларига сигарет қистириши. Фирдавс эса нигоҳи билан Мавзунани қидираради.

— Ўқишлар қалай? — сўради ундан Миразиз.

— Ёмонмас, -- жавоб берди Фирдавс.

— Сенга битта иш бор. Ҳар қалай, ҳозирдан тажриба ортгириб боришинг керак-ку.

— Қўлимдан келса...

— Келади. Биламан. Лекин ўзинг астойдил хоҳлашинг керак.

Достон ич-ичидан хурсанд эди. Шу боис тутунни чуқур-чуқур ичига ютарди.

— Ўгри, кazzоблар жонимизни ҳалқумимизга келтирди. Шуларнинг орасига би-ир тушиб кўрмайсанми?

— Ўгри! — дея бирдан кўзи чақчайиб, дўстига тикилди Достон.

— Ҳа-а, шу... Фирдавсни мафиозларнинг орасига кўшиб қўямиз.

Дўстидан бунақа таклифни мутлақо кутмаган Достон ҳайратдан донг қотиб қолди. Бармоқлари орасидаги сигаретни лабига яқинлаштирган кўйи «қулт» этказиб ютинди. Кўз олдида Фаррух пайдо бўлди. У қовоғини уйиб, фазаб билан тикилиб турар, «Менинг ўғлим сенларга ўйинчоқ бўп қолдими? Нега уни тўғри келган жойга тиқаяпсанлар?» деяётгандай эди гўё.

— Миразиз, — деди у чуқур хўрсиниб, сўнг худди ҳаво етишмаётгандай кўйлагининг юқори тугмаларидан бирини ечаркан, — менда...

Унинг гапи оғзида қолди. Чунки шу пайт дарвоза қўнғироғи жиринглаб, унинг кичик табақаси рухсатсиз очилган эди.

— Кейин гаплашиб оламиз, менда зўр фикр туғилди, — деб Миразиз Достоннинг елкасига қоқиб қўйди ва унинг ёнидан узоқлашаркан, қўлидаги сигаретни отиб юбориб, меҳмонларга пешвуз чиқди. — Бемалол келаверинглар, келаверинглар, — деди у юзида табассум билан.

Достон меҳмонлар келтирган қандайдир узун кути, бир даста гулни қўлига олаётган дўстини зимдан кузатди. Меҳмонларнинг эркаги пўрим костюм-шим кийиб, галстук таққан эди. Қорни хийла каттароқ бўлгани боис иккала қўлини ҳам орқароқقا ташлаб юарди. У билан бирга келган қалта қора сочли, оппоқ юзли аёлнинг кўкраги одатдагидан каттароқ очиқ, эгнидаги қўйлаги ўзига жуда ярашган, бир қарашда ҳар қандай одамнинг эътиборини ўзига тортарди. У қип-қизил атиргуллардан ҳафсала билан тайёрланган гулдастани Миразизнинг қўлига тутқазаркан, эридан тап тортмай, эркакнинг юзидан ўпид қўйди. Улар билан бирга қадди-қомати келишган, қора соchlарини силлиқ тараб, орқага ташлаб олган, лаблари фунчадай қип-қизил, қошлари ингичка бир қиз ҳам бор эдики, унинг юзидан табассум аrimасди. Яна унинг шу чиройига қўшимча кулгич ҳам ато этилган бўлиб, гўзаллигини икки ҳисса ошириб юборганди. У ҳам худди онаси каби Миразизнинг юзидан чўлпиллатиб ўпид қўйди ва эркакнинг юзида қолган лаб бўёғини узун, нозик бармоқлари билан нозланиб артди.

— Қани, ичкарига юринглар-чи, ўзиям роса куттиргинглар. Кўчага бир-икки марта чиқиб ҳам келдим, — деди Миразиз ялтоқланиб.

Уни сал нарида кузатиб, гапларини эшитиб турган Достоннинг ичидаги нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. «Сен мени эмас, мана шуларни кутиш учун чиқкан экансан-да, а? Шундай экан, нима қилардинг,

қулогимга лағмон осиб?.. Гарчи илгариgidай күдратға әга бўлмасам ҳам, ўзимга яраша фурурим бор», дея кўнглидан ўтказди у.

Шу маҳал ичкаридан чиқиб келган Рухшонанинг кўзи меҳмонларга тушди-ю, эридан-да баттар қувониб кетди.

Меҳмонлар олдида мезбонларнинг ошкора ялтоқла-наётганини кўрган Достон ўзини жуда ноқулай сеза бошлиди. У меҳмонлар билан зўрга сўрашди. Шу асно «Эртароқ кетаман. Бирорта баҳона топаман-у, сура-ман», дея кўнглидан ўтказди.

Фирдавс эса хурсанд эди. Чунки у энди ичкарига кир-майди. Катталар билан ёнма-ён ўтириш ноқулай, таш-қарида эса Мавзуна бор. «Яхши бўлди, энди иккаламиз гаплаши-и-иб ўтирамиз», дея хаёлидан ўтказди у. Шу маҳал меҳмон қизнинг ўзига зимдан қараётганига кўзи тушиб қолди. Қизнинг кўзларида ғалати чўф бор эди. Йигит дарров нигоҳини олиб қочди. Айни ҷоғда кўнгли-да шу қизга нисбатан милт этган қизиқиш пайдо бўлди.

Меҳмонлар ва уй эгалари билан бирга Достон ҳам ичка-рига кириб кетди. Фирдавс ҳовлида қолди ва эндинга атрофига аланглаётганида, тирсагига бирор туртди. Ўги-рилиб қараса, Мавзуна қошларини чимириб туриди.

— Нега кирмадингиз? — деди у кесатиб.

— Қўрқдим, — дея Фирдавс ҳам ҳўмрайиб жавоб берди.

— Кимдан?

— Сиздан.

Мавзуна пиқ этиб қулиб юборди-да:

— Жинни, — деди.

— Аввал мен жинни, кейин сиз жинни. Иккаламиз қўшилишиб, катта жиннимиз... Эртага шанба, дарсими-з бор-йўғи икки пара, бир музқаймоқхўрликка так-лиф қилишга ижозат этсангиз.

Мавзуна жавоб беришга улгурмади. Ичкаридан Рухшона чиқиб қолди. Қизининг Фирдавс билан гаплашиб турганини кўриб, унинг жони чиқиб кетди. «Бетинг қурсин иккалангният. Шу аҳволларингни горкомнинг хотини кўрса, нима деб ўйлайди?» дея кўнглидан ўтказди ва зўрма-зўраки иржайганча:

— Фирдавс, нима қилиб ташқарилда турибсан? Ичкарига кир. Сенинг хизматинг ичкарида, ҳеч бўлмаганда, чой-пой қуйиб турасан, — деди аламини ичиға ютиб.

Мавзунанинг ичида бир нима чирт этиб узилгандаи бўлди. Хўрлиги келди. Ахир у Фирдавсни жудаям соғинганди. Шу боис йигитнинг ёлғиз қолганидан фойдаланиб, унинг ёнига келганди. Қизнинг ёноқтари қизариб, ҳали Фирдавс жавоб беришга улгурмасидан, ошхона томонга кетди.

Меҳмонларга салом бериб, хонага кирган йигит пойгакдаги стулга ўтири. Аввал дадасига, сўнг яқиндагина келган уч меҳмонга ва Миразизга бирма-бир қўз ташлаб чиқди. Исми ҳали унинг учун нотаниш бўлган қизда нигоҳи бошқаларга нисбатан кўпроқ тўхтади. Қиз ҳам унга қараб қўйди ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ бир олам табассум ҳадя этди.

— Бу йигитча, — деб Миразиз меҳмонларга юзланиб, Фирдавсга ишора қилди, — дўстим, қадрдоним — Достонбекнинг ўғли. Ҳозир юридическийда ўқияпти.

Достон яна бир зумга каловланди. Ахир Миразиз унга ўзини жуда ҳам яқин олиб гапираётган эди-да. Очиги, Миразиздан бундай гап кутмаганди. «Балки, огайним тўғрисида нотўғри хаёлга боргандирман? Балки, у мени унақа ерга уриш нияти йўқдир? Балки, мениям ҳақиқатан кутгани чиққандир?.. Шошма, бунисига чидаш мумкин, лекин Фирдавсга қилган таклифи, барibir, одамни ўйлантириб қўяди. Ундан кейин бир мартағина қадрдоним дегани билан қўнглида нима борлигини маълум қилмайди-ку. Эҳтимол, мендай амалсиз одам билан ўтиргани учун атайн шундай деяётгандир. Ҳар қалай, бунақа одамлар бошқалар олдида кулгига қолишини исташмайди-ку», дея хаёлидан ўтказди у.

Фирдавс бироз нокулай аҳволга тушди. Негалигини эса ўзи ҳам билмас эди.

— Насиб бўлса, — гапини давом этказди Миразиз, — ўзимга шогирд бўлади-да.

— Кўринишидан зеҳни ўткир, ўзи пишиқцина болага ўҳшайди, — деди мийифида кулган горком. — Шогирд танлашда адашмаганлигингиз рост.

Ўтирганларнинг хаёlinи бўлиш учун Достон қўлига ароқ шишасини олиб:

— Юз-юздан олайлик, кейин Фирдавсни мақтайды, — деди.

— О-о-о, мана бу бошқа гап, қани, қўйинг! — деб дарров унинг гапини маъқуллади Миразиз.

Бу пайтда меҳмон қизнинг иккала кўзи ҳам Фирдавсда эди. У шунчалик ошкора боқардики, йигит нигоҳини қаерга олиб қочишни билмасди.

— Қизимни сизлар билан таниширишни унутибман, — деди горкомнинг хотини — Роза лабида табасум билан.

— Боядан бери бу ширин, асал қизнинг исми нимайкан, деб интиқ ўтиргандим, — деди унинг оғзидағи гапни илиб кетган Рухшона.

Роза бир муддатлик танаффус қилди. Шу орада ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Токи шу тўхталиш ҳамманинг эътиборига тушсин. Лекин бундай бўлмади. Чунки эркаклар ўзлари билан ўзлари бўлиб кетишганди. Нияти амалга ошмаганидан ҳафсаласи пир бўлган аёлнинг юзида жиндек хафалик аломатлари пайдо бўлди. Эри-ку, майли, унда фаросат деган нарса, кези келганд, оқсан туради. Аммо қолган икки эркак кимсан — горкомнинг хотини гапираётганида, бошқа нарсани унутиб, унинг оғзига қараашлари керак эмасмиди?..

— Исми Фарангиз, Москвада, консерваторияда ўқыйди! — деди Роза тантанали оҳангда.

У гапини тугатар-тугатмас, Рухшона ҳаммани ҳайрон қолдириб, иккала қўлини юқорига кутариб, қарсак чалиб юборди.

— Браво! — деди орқасидан.

Хотинининг қилиғи Миразизнинг ғашини келтирди. У тишларини бир-бирига босиб ғижирлатди-ю, бироқ ҳеч нима демади.

Моҳирўйнинг юзида эса бепарволик аломатлари бор эди. Роза ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Фирдавс бошини қашлади. «Менинг отимга яқинлиги бор экан», деда хаёлидан ўтказганди у.

Фарангиз эса ўрнидан туриб, нозик, оппоқ бармоқларини кўксига кўйганча гўё келинсалом қилаётгандай хиёл эгилди. Сўнг бошини кутариб, ҳаммага бир-

ма-бир табассум улашди. Айниқса, Фирдавсга юзланганда, ял-ял ёниб кетди.

Буни кузатиб турган Рухшонанинг ичига ёруғлик тушди. «Аҳа, — дея қўнглидан ўтказди у, — айни муддао-ку. Агар шу қизни манави турқи совук билан тошишириб қўйсам, зўр иш бўларди-да. Йигит ўлгур Мавзунага кўз ташламай қўярди. Қизим ҳам битта бош оғриғидан кутуларди».

Шу фикр хаёлига келиши билан:

— Буни қаранг, Фарангизхоннинг исми Фирдавсни-кига жуда ўхшаш экан, — деди Рухшона рўпарасидаги аёлга юzlаниб. — Моҳирўйхон, мабодо келишиб олмаганмисизлар?

Моҳирўй нима деярини билмай, кулимсираб елка қисди. Розага эса Рухшонанинг гапи ёқмади. Шу боисдан Фирдавснинг онаси сўзлашга улгурмасидан, гап ўзанини бошқа ёққа буриб юборди:

— Бизни эркаклардан нимамиз кам? Рухшонахон, улар ичишаяпти, ҳеч қурса, дастурхонда кўрк тўкиб турган қизил винонинг таъмини билиб қўяйлик.

— Вой, узр, — деди ялтоқланган Рухшона, — Фарангизхоннинг чирои ақлимни опкўйибди. Уч эркак ўзи билан ўзи овора бўп турган пайтда йигит хонимларга хизмат кўрсатади-да, — дея Фирдавсга ишора қилди.

Фирдавс умрида бунақа давраларда бўлмаганди. Шу боис винони очаётуб, аввалига довдиради. Кейин қадаҳларни эгаларига узатаётганда, шошиб қолди. Унинг ҳаракатларини кузатиб ўтирган Фарангиз пиқ этиб кулиб юборди. Унинг кулгиси йигитни баттар нокулай аҳволга солди.

— Ёрдам керак эмасми? — деди Фарангиз нозик овозда.

Фирдавс ер остидан қизга қаради. Уларнинг нигоҳлари учрашди. Ана шу лаҳзада Фарангиз ўзидаги бор макру жодуни ишга солиб, йигитга ишвали кўз ташлади. Буни қарангки, улар шу аҳволда турганларида, эшикдан Мавзуна чой кўтариб кириб келди. Фирдавснинг қадаҳ узатиб тургани, Фарангизнинг эса кўзлари чақнаб, унга қараб ўтиргани қизнинг жон-понини чиқариб юборди. Юраги гупиллаб уриб, шоша-пиша чойнакни стол устига қўйди-ю, ортига бурилиб кетди.

Моҳирўй Мавзуна билан ўғлини зимдан қузатаёт-ганди. Ўғлининг ноқулай аҳволда қолгани, Фарангизнинг айёрлиги, уларни кўрган Мавзунанинг ранги оқариб кетгани...

Моҳирўй шу пайтгача Мавзунани ёқтирамай келаёт-ганди. Ахир шу қизни деб дўст ва дугоналар орасига совуқлик тушаётган эди-да. Аммо шу тобда қизни ич-ичидан яхши кўриб кетди. Бунинг ўрнига, чиройини ҳаммага кўз-кўз қилаётган, ота-онасининг олдида беш-бегона йигитнинг бошини айлантириб олишга урина-ётган анави қиз кўзига хунук кўринди.

Мавзунанинг аччиғи чиққанини сезган Фирдавс ўрнидан қўзғалди.

— Мен курсдошимга қўнғироқ қилишим керак эди, — дея баҳона қилди у ноқулайликдан кутулиш учун. — Рухшона хола, майлими, телефонларингдан фойдалансам?

Фарангиз энди бу йигитчага канадай ёпишиб олишига юз фоиз ишончи комил бўлган Рухшона эътиroz билдирмади.

— Майли, ўғлим, истаганча фойдаланавер, — деди у бамайлихотир.

Фирдавс тумба устида турган телефон ёнида тўхтамай, тўғри ташқарига чиқиб кетди. Эшиқдан чиқиши билан бирдан кўксига муздай ҳаво урилгандай бўлиб, сенгил нафас олди.

— Ичкарида гаплашишнинг имкони бўлмадими? Ташқарига чақирган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой, — деган кинояли овоз келди шу пайт орқа томондан.

Йигит ортига ўгирилиб қараса, қовоқлари уйилган Мавзуна турибди.

— Тушунмадим, — деди Фирдавс ўзини ҳайрон кўрса-тиб.

— Нимани тушунмайсиз? — дея баттар зарда қилди Мавзуна. — Анави қизни ўпид олгудай бўлиб тургандингиз-ку ҳозир!

Фирдавс ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Ахир Мавзуна уни рашқ қилаётган эди. Бундан чиқди, бефарқ эмас. Демак, қиз ҳам уни ёқтиради. Фирдавс учун бундан ортиқ шодлик бўлиши мумкинми?

— Мәхмөнларга хизмат қилаётгандим. Ҳаммага вино...  
— Күрдим ҳаммасини, — унинг гапини бўлди қиз. —  
Лекин сиздан кутмагандим!

У шундай дея шартта ортига бурилди.

Шу маҳал Фарангиз ҳам ташқарига чиққанди. Вино ёқмаганини, озгина шамоллаб келишни ичкаридаги-ларга баҳона қилганди у. Аммо унинг нима мақсадда бундай қилаётганини учала аёл ҳам сезганди. Бири хурсанд бўлган бўлса, иккисининг кўнглига хуфтонлик кирганди.

— Яхши ўтирибсизми, хоним? — деди Мавзуна Фарангизга кесатиб.

— Раҳмат, уйинглар бирар шинам экан. Ҳамма дилкаш, лекин тенгдошларим бўлмагандан кейин катталар орасида ўтиромадим, — дея жавоб берди Фарангиз.

— Ўҳҳӯ, мана-да сизнинг тенгдошингиз, — деб бармоғи билан Фирдавсга ишора қилди Мавзуна. — Бирар дилкашки, бирар ширинсуханки, жонингизни олади. Майли, мен сизларга халақит бермайин. Ошхонада қиласидиган ишларим бор. Бунинг устига, адажоним бор-йўғи биттагина хизматкор айтган эканлар.

Фарангиз унинг кесатишларини муғлақо тушунмади. Тушунадиган аҳволда эмасди. Бир қаращаёқ юрагини ўргаб юборган манави барно йигиг турганда, Мавзунанинг гапини эшитадиган қулоқ бормиди?

— Ўқишингиз қийин эмасми? — деди Фарангиз Мавзуна уларнинг ёнидан узоқлашиши билан.

— Унчаликмас. Ўқиса бўлади, — жавоб берди Фирдавс истар-истамай.

— Бизда эса маза. Энг зўр артистлар келишади. Бир хил пайтлари студентлар тихирлик қилишиб: «Қўшиқ айтиб беринг», деб туриб олишади. Бечоралар нима қиласини билмай қолади... Москвада бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Маслаҳатим, албатта, боринг. Агар борадиган кунингизни аниқ айтсангиз, ўзим кутиб оламан. Шаҳарни айлантираман. Маза қиласиз.

— Билмадим. Ҳали-бери боролмасам керак. Ўқишилар кўп.

— Ўқишингиздан сира қайғурманг. Адажонимга айтаман. Шесть секундда тұғрилаб ташлайди. «Фирдавс-жоннинг ширали овози бор экан, менга дуэтдош керак. Ўрислар бұлмайды. Шунга икки ҳафтагагина жавоб оберинг», дейман. Адам сира менинг айтганимни икки қилмайды. Якка-ю ёлғиз қизлариман-да. Хүш, айтайнми?

— Ўзимниям бир-иккита ишларим бор. Шуларни қилиб олишим керак.

— Қанчада битади ўша ишларингиз?

— Билмадим.

— Чатоқ экан. Унда адажоним менинг ўқишимга құнғироқ қилиб құяркан-да. Ўзим сизни тезроқ ишингизни битиришингизга ундағы тураман, — деб Фарангиз қиқирлаб күлди.

Унинг овози құнғироқдай эди. Табассуми эса қулғанида янада мағтункор бўлиб кетарди. Шу боис оний лаҳзага Фирдавс ақлини йўқотди. У рўпарасидаги қизга мағтун бўлиб қолганди.

— Қанақа музикани яхши кўрасиз?

Фирдавс бирдан ўзига келди.

— Музика? Ўзимизники... Оғирроқларини...

— Шу масалада озгина ортда қолибсиз. Мен бўлсан, «Бонэм», «АББА»ни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Уйимда постаянно шуларнинг қўшиқлари янграб туради.

— Эй, эсимдан чиқибди. Мен шундай ўртоғимга құнғироқ қилволайин. Зарур ишим бор эди, — деб ўрнидан турди йигит.

Шу тобда Фирдавс манави қиздан узоқлашиш учун баҳона тополганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

— Сиз, — гапида давом этди у, — Мавзуна билан гаплашиб туринг.

— Ким у? Исли ғалати экан. Анави қизми? — деб афтини буриштириб, манглайини тириштириди Фарангиз.

Ажабо, унинг пешона тириштиришиям ўзига жуда ярашарди.

— Ҳа, ўша. Лекин жуда ўжар. Уям сизга ўхшаб отасининг эркатойи.

— Ҳимм, — деб лаб бурди Фарангиз.

Фирдавс телефон ёнига бориб, гўшакни кўтарди-да, таҳминан етти-саккиз рақам терган киши бўлди.

— Алло, — деди ўзига ўзи, — Асқар, қалайсиз? Ҳа, менман. Ошна, конспект қоп кетмасин. Ҳа, ҳа, ўша. Қизиқмисиз? Домла «сўрайман» деган. Бўпти, эртага кўришгунча.

У гўшакни қўйиб, мийифида кулди. «Бопладим. Шунақанги пайтларда каллам ишлаб қолади-да ўзи. Энди амаллаб Мавзунанинг кўнглини олиш керак. Бутунлай қовоғи осилиб кетди. Хў-ўш, ошхонага нима деб борсам экан?.. Ҳа-а, «Телефонларингнинг номери неча? Ўртоғим ярим соатда телефон қилиши керак», дейман. Қолганига яна гап топармиз», дея ўйлади у ва бошини қашлаган қўйи ташқари эшик томонга юрди.

Ҳовлида Мавзуна билан Фарангизни ёнма-ён кўрди. Икки қиз жанжаллашадиган ҳолатда туради.

\* \* \*

Фирдавс кетгандан кейин Фарангиз Мавзунанинг ёнига бормай, ҳовлини кузатди. Унақа зўр эмас. Уларники бу ердан бир неча марта катта ва қўркам эди. «Тавба, одамлар шунақа кўримсиз жойлардаям яшади-я. Миразиз амаким прокурор бўлсалар, уй-жойини даҳшат қилиб ташламайдими?.. Э-э... Менга нима қизифи бор? Шошма, Фирдавс мен билан гаплашишга ноз қилдими? Мен билан-а? Ўртогида зарур иши бормиш. Асли, уйдан ҳам қочиб чиққанди. Бирорта юрадиган қизи бордир-да. Лекин у менга ёқди. Демак, юрадиган қизи икки пул. Эртагаёқ унинг баҳридан ўтади. Беш-олти кун эрга тегиб чиққанимни айтмайман. Ўзиям мендан бир-икки ёш кичикка ўхшайди. Лекин агар шу болага тегсам, бошқалар билан юришни йиғишираман», дея хаёл суреб, ҳовлининг у ёғидан-бу ёғига кезина бошлади.

— Зерикиб қолган бўлсангиз, Фирдавсни чақириб бераман, — деб Фарангизнинг хаёлини бўлди бир маҳал ошхонадан чиқиб, унинг ёнига яқинлашган Мавзуна.

Фарангиз унга қараб жилмайиб:

— Сизда бир-иккита гап бор эди, — деди киприкларини пирпиратиб.

— Менимча, сизга маъқул келадиган гап айтолмасам керак, — дея кесатишда давом этди Мавзуна. — Фирдавс акам билан гаплашсангиз, бошқа масала... У жавоб беришга жуда уста...

— Йўқ. Сиз тушунмадингиз. Мен айни у ҳақда сиздан сўрамоқчидим.

— Хўш, унинг нималари қизиқтиради, хоним?

— Кўзимга жуда иссиқ кўринди ўша бола. Сизга ким бўлади?

— Менгами? — дея қошларини чимириди Мавзуна. — Менга-а-а... менга-а-а... туғишган акамдек десам ҳам бўлаверади. А так, ҳеч ким!

Фарангиз унинг ўйин қилаётганини энди тушуниб етган эди. Бирдан жаҳли чиқиб кетди. Одатда, бунақанги пайтда у бирорни аяб ўтирасди. Қалампирданда аччиқ гаплари билан узиб олар ёки бирдан юзига тарсаки тушириб қоларди.

— Менга ҳали сиз кеннойи бўласиз, — деди томдан тараша тушгандай Фарангиз.

Мавзунанинг юзидағи табассум бирдан йўқолди. Алами келди. Ичиди бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Ана шу маҳал кўзи Фирдавсга тушди.

— Ким айтди сизга бунақанги гапни? — деди «Фирдавс эшитсин» деб овозини бир парда кўтариб.

— Вой, ҳамма билади-ю.

Мавзуна уялган киши бўлиб, бирдан бошини эгди. Шу пайт унинг шумлик қилгиси келди.

— Акайиз келмабдилар-у? — деди овозини янада баландлатиб.

Фарангиз мийигида кулди. «Шунга телба-тескари гап қилаётган экансиз-да, хонимча», дея хаёлидан ўтказди у.

— Келганди. Уялиб кирмадилар. Ҳозир уйда бўлсалар керак. Телефон қилиб чақирайинми? Бирга айланниб келасизлар. Ёки бирорта ресторонда ўтирасизлар. Акам-чи, сизни зериктириб қўймайди, кеннойи.

Мавзуна секин бошини кўтариб, Фарангизга қарадида, ноз билан ўхшатиб, узун киприкларини пирпиратди.

— Бугун кеч бўп қолди. Қоронғиям тушаяпти, — деди.

Унинг гапларини тўла-тўқис эшитган Фирдавснинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди. Қулоқларига ишонгиси келмасди унинг.

«Тупурдим. Ҳаммасига тупурдим. Адаси дадам билан ўртоқ бўлса, ўзига. Мен бу ерда ортиқ туролмайман. Падарингга лаънат. Тўғри келганга рози бўп кетаваркансан-да. Садқайи қиз бола кет!» дея хаёлидан ўтказди ва шартта ортига бурилди-ю, дарвоза томонга шиддат билан юриб кетди.

Унинг кетаётганини кўрган Мавзунани ҳаяжон босди. У бир йигитнинг ортидан қараса, бир рўпарасида турган Фарангизга юзини буарди. Унинг бундай ҳаракатидан ҳайрон бўлган Фарангиз ортига бурилди.

— Фирдавс ака, — деди нозланиб.

Йигит тұхтади. Бир муддат жойидан қимирамади.

— Фирдавс ака, — такрорлади Фарангиз, — дарров келасизми??

— Кетмасам бўлмайди. Ишим чиқиб қолди, — деб дагал жавоб қайтарди Фирдавс ва яна йўлида давом этди.

Шундагина Мавзуна қовун туширганини англаб етди. Биринчидан, ўзи яхши кўрадиган йигитни хафа қилиб қўйган бўлса, иккинчи томондан, Фарангиздан акасини сўраганди. Демак, у Мавзунадан эшитганларини, албатта, онасига, акасига айтади. Кейин улар астойдил тогора кўтариб келишади. Шундоқ ҳам ҳоли-жонига қўймаётган ойиси унга ёпишади. «Ўзинг розилик берибсан, ўзинг тегаман, дебсан. Ўзинг нега келмади демаганингда, келишмасди. Энди майнавозчиликни йифиштир!..» деб ҳоли-жонига қўймай, розилигини олишга уринади. Мавзуна, нималар қилиб қўйдинг, жинни?» дея кўнглидан ўтказди қиз ва алам билан лабини тишлади.

\* \* \*

Кўнгли ғаш торптган Мавзуна Фирдавс кеттач, ўзини қаерга қўйишини билмай бироз туриб қолди. «Ота-онаси, синглиси шу ерда, дарров қайтиб келса керак», деган умид кўнглини сал ёритиб ўтди. Бироқ Фирдавснинг қайтиш нияти йўқ эди. У тўғри уйига бориб, ечинмасдан ўзини тўшакка ташлади. Қиз ҳақида бир муддат хаёл сурди. Бирдан зардаси қайнади, кўзини чирт юмиб, «Бўлди, эсламайман, хаёлимгаям келтири-

майман. Ким илтимос қилишидан қатыи назар, бормайман уларникига. Адаси боя аҳмоқона тақлиф айтганди. Жиноятчилар орасига киришим керакмиш. Бойтикларингтаям, амалларингтаям, ҳаммасига туптурдим», — деб ўйлади алам билан. Ухласа, ҳаммасини унугдигандек эди. Аммо кўзига сира уйку келмас, ичи ўт бўлиб ёнаётганди. У ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, ёта-ёта охири ўрнидан туриб, ухлатадиган доридан иккитасини ичди-ю, ярим соатдан кейин ухлаб қолди.

\* \* \*

Йигитнинг кетиб қолгани Фарангизга зифирча ҳам таъсир этмади. Аввалига ҳеч нима бўлмагандай уйга кирди. Уч аёлга сездирмай, икки қадаҳ вино ичди. Негадир ичимлик таъсир қиласкермади. Кейин пиёлани секингина конъякка тўлдирди. Чой ичган киши бўлиб, майда-майда ҳўплаганча тутатди. Ана шундан кейин кайфияти мутлақо кўтарилиб кетди.

— Ойижон, бўлажак кеннойим акажоним келмаганидан хафа бўлди, — деди ёнгинасида ўтирган онаси-нинг қулоғига шивирлаб.

— Йўғ-э?! — дея қизига ўгирилиб қаради Роза. — Ростданми?

— Ўз қулоғим билан эшитдим. Сиз бўлсангиз, ўзини тарозига солаяпти, деб юрибсиз, — дея қулди Фарангиз ва секин ўрнидан туришга чоғлана бошлади.

— Яна қаерга? — сўради онаси.

— Сиқилиб кетдим. Тоза ҳавога чиқайин.

У ўзи билан сумкачасини олди. У сигарета чекишни бошлаб юборганди. Лекин буни бировга билдирмас, яшириб чекарди. Конъякдан кейин хумори тутди. Шу боис дарров ўрнидан туриб, ҳожатхонага қараб юрди. Тамакини охиригача чекиб, хуморини босиб олгач, ҳовлига чиқди.

Бу пайтда Моҳина билан Мавзуна ҳалинчак ўриндиқда ёнма-ён ўтиришарди. Ҳар ким ўз хаёли билан андармон эди.

— Ташқарининг ҳавоси зўр бўпти, — деди бошқа гап тополмаганидан кейин.

Мавзуна унга ўқрайиб қараб қўйди-да:

— Чой сўрашаётганди ичкарига, — дея Моҳинага юзланди. — Сизлар гаплашиб туринглар, мен обориб берайин.

— Құяверинг, опажон, үзим бораман. Келганимдан бері бирортаям ишиңгизга қарашмадим. Зерикіб кетдім, — деб, Моҳина чаққонлик билан үрнидан турдида, ошхона тарафға пилдираб кетди.

— Ким у қиз? — сўради Моҳинанинг ортидан қараб қолган Фарангиз.

— Ким бўларди? Кўнглингизни овлаган йигитнинг синглиси-да, — дея кесатди Мавзуна.

— Вой, Фирдавс акамними? — сўради Фарангиз кўзи чақнаб.

— Сизга қанақа ака бўлишини билмайман. Эҳтимол, тенгдош бўлсанглар керак. Ҳа, шундай.

— Ўгил болани, агар у кичкина бўлса ҳам, ака дейиш керак. Дарвоқе, сизга айтиш эсимдан чиқай дебди. Акамнинг алоҳида уйи бор. Чилонзорда. Үзиям уч хонали. Кўпинча шу уйларида бўлади. Сиз уйга қўнғироқ қилишга тортисангиз, бемалол акамнинг үзларига телефон қилишингиз мумкин. Мана, ҳозир мен сизга ёзиб бераман, — деб Фарангиз сумкачасини очдида, кичкина ён дафтарча олди.

Сумкасини очганида, Мавзунанинг кўзи оқ кутили сигаретага тушди. Бу таннозхонимнинг оғзидан сигарета билан бирга ачимсиқ спирт ҳиди келаётганини сезган, «Озгина вино ичганга ўхшайди», деб ўйлаганди. Лекин унинг сигарета чекиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Фарангизни аввалгидан ҳам қўпроқ ёмон кўриб кетди. Афтини бужмайтириб, унинг қўлидан олган қоғозчани истар-истамас икки буқлади ва у билан гаплашиш иштиёқида келган қизга ҳеч нарса демай, үрнидан туриб, Моҳина кеттан тарафға йўл олди. Ошхонага кириб, қўлидаги қоғозчани ахлат челякка ташлади. Унинг рухи тушиб кетган, йиғлагиси келаётган эди. Юмшоқ оромкурсига ўтириб, лабини тишилади. Йиғлаб юбормаслик учун қўзини чирт юмиб олди.

Меҳмонларга чой бериб келган Моҳина унинг рўпапрасига, гилам устига ўтириб, кўзларига тикилди.

— Мавзуна опа, нега хомушсиз? — дея сўради у.

Мавзуна қаддини ростлади.

— Иккаламиз сирдош бўлоламиزمи? — деди Моҳинага ўйчан қараб.

Моҳина бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини берди.

— Раҳмат, — деб синик қулимсиради Мавзуна.

Юмшоқ ўриндиқдан тушиб, Моҳинанинг ёнидан жой олди-да, бир муддат гапни нимадан бошлишини билмай, иккиланиб қолди. Ахир Фирдавс билан бир-бирига зимдан муҳаббат изҳор этган эсалар-да, ҳали туйгуларини очиқ-ойдин айтишмаганди. Демак, бирорвга мен фалончини севаман, деб айтиб бўлмайди. Аслида, қизнинг табиатида дилидагини бирорвга айтиш ёт хислат эди. Аммо ҳозир кўнглида нимаки бўлса, ҳаммасини Моҳинага тўкиб-сочмоқчи эди. Зора шундан кейин енгил тортса.

— Биласанми? — деди бир муддат жимлиқдан сўнг. — Биз, аниқроғи, мен Фирдавс аканг билан қалин дўстмиз.

Мавзуна тин олди. Чунки гап тополганидан хурсанд эди.

— Лекин бугун негадир гапимиз келишмай қолди, — деди у оний лаҳзалик тўхталишдан сўнг гапини давом этказиб. — Аслида, келишарди. Аммо анави қиз... — ташқарига ишора қилди Мавзуна, — орамизга совуқчилик туширганга ўҳшайди.

Моҳина юзида табассум билан Мавзунанинг қўлидан ушлаб олди.

— Акам билан ўртоқ бўлганингизни тоғдаги уйимизга борганингиздаёқ сезгандим. Ўшанда кетганингиздан кейин акам ҳардамхаёл бўп қолувди. Ҳали ошхона деразасидан сизларни кузатиб тургандим. Сиз... оти нимайди, ҳа, анави Фарангиз опага: «Акангиз нега келмади?» — деб бекор айтдингиз, — Моҳина Мавзунанинг юзига қараб қўйди. — Менимча, акам сиздан аразлаб кетиб қолди.

— Ҳимм, ўзим ҳам шундан афсусдаман. Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйганга ўҳшайман. Ишқилиб, Фирдавс акам кек сақлаб юрадиганларданмасми?

— Билмадим. Илгари бирор билан аразлашиб қолганини сира кўрмаганман. Менимча, сизни дарров кечириб юборса керак. Кечирмаса, ўзиям қийналади.

— Тушунарли. Унда мен айтган жойларига бораман. Яна морожнийхўрлик қиласиз. Лекин битта нарса чатоқ-да...

Моҳина қошларини чимириди. Мавзунанинг юзига термилиб:

— Бирор халақит берадими? — деди.

— Йў-ў-ў-қ, — дея бош чайқаб кулди Мавзуна. — Музқаймоқни яна мен оберадиган бўлдим.

Моҳина кулиб юборди. Шу заҳоти иккала қиз ҳам бир-бирларини қучоқлаб олишиди.

Шу ерда иккала қизнинг сұхбати узиҳди. Чунки ҳовлида иккисининг отаси бир нималар деб гаплашганча хохолаб кулаётгани эшитилди. Моҳина аясини ҳам ташқарида кўрди.

— Бирга чиқишибди, кетсак керак, — деди Мавзунага юзланиб.

Мавзуна оғринди. Зеро, у Фирдавснинг ота-онаси бунчалик эрта туриб кетади, деб ўйламаганди.

Достоннинг кайфи ошиб қолганди. У бошқаларга нисбатан кўпроқ ичиб юборди. Чунки дўсти Миразиз ва горком бир-бирлари билан обдан гаплашишди. Достоннинг эса уларнинг иккиси билан ҳам гапи қовушмади. Четда қолиб кетгани унга алам қилди. Шунинг учун беихтиёр қадаҳига ароқ қуйиб, ичаверди. Эрининг маст бўлиб, бир нималарни фўлдираётганини сезган Моҳирўй Рухшонага: «Кетмасак бўлмайди», — деб шивирлаб, эрига ишора қилди. Дугонаси унга илтифот кўрсатиб, «Яна бироз ўтиргинглар. Борасизлар-да... Эндинга соат тўққиз бўлибди», — демади. Чунки унинг Роза опа билан эмин-эркин гаплашишига Моҳирўй халақит бераётган эдиди. Шу таклифни кутиб ўтиргандек, бошини қимирилатиб, «хўп» дегандек ишора қилди.

Эшикка чиқишигач, қизлар уларнинг ёнига югуриб келишди. «Агар горком билан хотини кетадиган бўлганида, Достон амаким кузатишга чиқарди. Моҳирўй холам ҳам. Лекин улар буларни кузатгани чиқишимабди», — хаёлидан ўтказди Мавзуна ва алам билан ойисига қараб қўйди.

Моҳирўй Фирдавснинг кетиб қолганини эшитиб, саросималанди. «Унинг бунақа одати йўқ эди. Ҳеч қурса, ташқарига чақириб, огоҳлантиради. Нима бўлдийкан?» — дея ўйлади у.

— Ўртоғи чақириб қолибди. Қандайдир дафтарни олиши керак экан. Сизларни безовта қилгиси келмади, шекилли.

Кайфи ошган ота Мавзуна томонидан тўқилган гапга қўл силтади. Моҳирўй эса, «Ишқилиб, уйга борган бўлсин,

бирон ёққа кетиб қолган бўлмасин. Отаси чўрткесар эди. Бир нарсани қилмоқчи бўлса, шунинг уддасидан чиқмагунча ҳаловат билмасди», — дея кўнглидан ўтказди. Уйига етгунча унинг кўнглидан хавотири аримади.

\* \* \*

Фирдавс ҳаммадан аввал уйғонди. Фира-шира тонг отаётган палла ҳар замонда у ер-бу ердан чумчукларнинг узуқ-юлуқ «чирқ-чирқ» этган товуши эшитилиб туради. Йигит ҳовлини айланиб, кечаги воқеаларни хаёлида тиклади. Қулоғи остида Мавзунанинг сўzlари жаранглади. Кўнглига гашлик оралаб, чукур хўрсинди.

Кўп ўтмай, Моҳирўй, кейин Достон билан Моҳина уйғонди. Оила нонуштага дастурхон атрофида жам бўлди. Лекин бирор бир нарса демади. Жимжитлик. Кечаги туғилган куннинг нохуш таассуроти ҳамманинг кўнглига ғашлик солган. Бир-бировларининг дилини оғритиб қўйишдан чўчиб, жимгина нонушта қилишиди.

Фирдавс наридан-бери нонушта қилиб, ўрнидан турди-да, хонасига кириб, кийиниб чиқди.

Достон эшикка яқинлашиб қолган ўғлини тўхтатди:

— Шошма, — деб юзига фотиҳа тортиб, эринмасдан чўнтагини кавлаб, нос шишасини олди.

Унинг бурама қопқоғини шунчалик бемалол очдики, Фирдавснинг жигибийрони чиқди.

Бир чимдим нос тилининг остига тушганидан кейин Достон ҳузур қилаётганини бошқаларга билдириб қўйиш учун қўзини юмиб очди.

— Ўқишига кечга қолаётгандим, — деди Фирдавс шошаётганини англатиш учун.

— Ҳимм, биламан, — деб Достон хотинига қараб қўйиб, ўрнидан турди.

Ота-бала ҳовлига чиқишиди. Достон бир муддат дилидагини тилига чиқаролмай, иккиланиб турди. Сўнг:

— Анавинга нима дейсан? — деди мавҳумроқ қилиб.

— Нимага? — сўради ҳеч нарсани англаёлмаган Фирдавс.

Достон ўғлининг юзига норози қиёфада қараб қўйди. Кейин:

— Миразизнинг таклифига-да.

— Ҳа-а, уми? Сиз нима десангиз шу. Лекин менга қолса, күнмайман.

Достон ўглиға зимдан қараб турди-да:

— Шу гапинг керагиди, болам. Раҳмат, энди ўқишининг га кетавер, — деб Фирдавснинг елкасига қоқиб қўйди.

У ҳар доимгидан-да хурсанд эди. «Хайрият, менинг тарбиямнинг таъсири бўлибди. Бекорга ўстирмаган эканман», — дея хаёлидан ўтказди у.

Фирдавс дарсда тишини тишига босиб ўтириди. Соатлар унинг учун гўё йиллардек чўзилаётганди. Бунинг устига, ҳаво ҳам ҳар доимгидан димга ўшарди, унинг назарида.

Ниҳоят, сўнгги дарс ҳам охирлади. У сумкасини қўлтиқлаб чиқиб кетаётган домла билан деярли ёнмаён дарсхонадан чиқди. Йўлакда кўйлагининг юқоридаги тугмасини ечиб, чуқур-чуқур нафас олди.

— Бугун устознинг ёнига боришимиз эсингиздан чиқмадими? — деди унинг ёнига келган Асқар.

— Қайси устоз? — ҳайрон бўлиб унга юзланди Фирдавс.

— Баҳром ака-чи?..

— Эй-й, эсимдан чиқиб кетибди. Кийимларимни олмабман. Югуришни ўрганинглар, деганими? Оббо, ҳеч вақо қилмабман. Балки, эртага... Бугун тайёргарлик кўрардик. У одамнинг ёнига қуруқдан-қуруқ бориш... Яна уялиб қоламизми, дейман-да.

— Бундай қиласиз. Бир-икки сўм кетса, кетсин, таксига ўтирамиз-да, зувиллаб уйларингизга бориб, кийимларингизни олиб, яна таксида устознинг олдига боррамиз. Барибир, автобусда имиллаб боргунимизча шунча вақт кетади.

— Менинг умуман пулим йўқ-да.

— Стипендия олмадингизми?

— Олмоқчийдим, дарс бошланиб қолди. Кейин борсам, кассир кетиб қопти.

— Бўпти, шу сафар менинг ҳисобимдан. Лекин, ошна, кейин қайтарасиз.

\* \* \*

Баҳром ака илгаригидай йигитларга синчиклаб қаради. Сўнг мийигида кулди.

— Сизлардай эринчоқ болаларни күрмаганман. Аммо бир сафар кечираман, фақат бир сафар. Иккинчи мартасида, яхшиси, менинг ёнимга келманглар, — деди.

Шунинг ўзи ҳар икки талабага ҳам мукофот эди. Шу гапнинг ўзиёқ уларнинг билагига куч, юрагига ишонч ҳадя этганди. Дарров иккаласи ҳам кийимларини алмаштириб, зал бўйлаб айланасига чопа бошлишди. Аввал секин, кейин тезлашишди. Охири, Баҳром аканинг талаби билан жонлари борича югуришди. Ниҳоят, иккисининг ҳам тили бир қарич осилиб, сулайгунча, дармонлари қуриб, тиззалиб ўтириб қолгунларича устоз уларни тиндирамади. У қўлларини чалиштирганча, залнинг кунботар томонида шоввозларни кузатиб турар, агар йигитлардан бири ҳолдан тойиб ўтириб қолса, хўмрайганча келиб:

— Тур! — дерди.

Буйруқ шунақсанги қатъий жаранглардики, йигитлар оёққа қалқанини ўzlари ҳам сезмай қолишарди.

— Хом!.. Иккаланг ҳам бир хилда хомсизлар! Энди ювиниб, уйларингга кетинглар. Эрталаб беш километрдан юурсанглар, бир ҳафтадан кейин келасанлар.

Унинг йигитлардан ҳафсаласи пир бўлгани шундоққина гапидан сезилиб турарди. Фирдавснинг табиатидагай сарлак бўлгани боис қовоғи уйилди. Асқар тусини ҳам ўзгартирамади. Баҳром aka бўлса, йигитларнинг ёнига келиб, Фирдавснинг елкасига қоқди. Кейин мийигида кулиб:

— Ишлаш керак, йигит, одам ўз устида ишлаши керак, — деб қўйди.

\* \* \*

Бир ҳафта кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Фирдавс устозининг айтганини қилди. Ҳар куни эрталаб маҳаллани икки марта айланиб югурди. Тўртинчи куни масофа унинг учун қисқалик қилаётгандай туюлди. Бешинчи куни ҳар доимгидан бир соат аввал уйғониб, маҳаллани уч марта айланиб югурди. Унчалик чарчамади, фақат оёғида билинг-билинмас оғриқ тўйди. Пешонасидан оқаётган реза реза терни артаркан, оёғини уқалаб: «Ҳали ўн марта айланаман», дея хаёлидан ўтказ-

ди. Бироқ ўша куни ҳам, эртасига ҳам дарсда уни жуда қаттиқ уйқу босди. Ухлаб қолиб, ҳамманинг олдида шарманда бўлмаслик учун бир неча марта ўзини-ўзи чимчиди. Буям фойда беравермагач, дафтарига домланинг маъruzасини оқизмай-томизмай ёзишга қарор қилди. Буни қарангки, уйқу қочди. Бориб-бориб у ёзишга шунчалик берилиб кетдики, ҳатто дарс қандай охирлаганини ҳам сезмай қоладиган бўлди.

Баҳром ака айтган фурSAT келган куни дарсдан сўнг Асқар билан бирга залга ошиқди. Кийимларини алмаштириб, елкама-елка турган йигитларнинг ёнига бир-бир қадам ташлаб келган устоз уларнинг билак томирларини ушлади.

— Ўзингга ортиқча жабр қилибсан, — деди у Фирдавсга қараб. — Ҳеч бир нарсада ўжарлик кетмайди. Тўғри, ўжарликнинг яхши томони ҳам бор. Бироқ меъёр керак. Меъёр. Энди менга сонингни кўрсат.

Фирдавс ҳайрон бўлди. Истар-истамас иштонини туширди.

Баҳром ака унинг танасидаги кўкарган жойларини кўргач, яна мийигида кулди-да:

— Дарсда уйқу босаяптими? — дея сўради.

— Сал-пал.

— Мен ҳам бошимдан ўтказганман. Ҳечқиси йўқ. Аста-секин бу ҳам ўтиб кетади. Қани, энди бадани қиздиринглар-чи.

Фирдавснинг оёқлари ердан енгил узиларди. У Баҳром ака етарли демагунча югурди. Бу пайтда Асқарнинг нафас олиши анча оғирлашганди. Унинг аҳволи Баҳром аканинг жаҳлинини чиқариб юборди. У шу дараҷага бориб етдики, ҳатто йигитчанинг юзига енгилги на шапалоқ тортишдан ҳам ўзини тийиб туролмади.

— Нега бажармадинг? Нега кун оралатиб югурдинг?! Ироданг борми ўзи?! — дея бақирди у.

Асқарнинг иккала юзи ҳам қизариб кетганди. Боши эгик, бир нарса дейишга тили бормайди.

— Сен югуришда давом этасан, — дея у Фирдавсга юзланди: — Сен бўлсанг, пахта терасан. Умрингда терганимисан ўзи?

— Йўқ, — деб Фирдавс елка учирив қўйди.

— Мана бунақа бўлади.

Баҳром ака ярим энгашди. Кейин гўё икки томонда пахта қаторлари тургандай, у чаман бўлиб очилиб ётгандай, қўлларини чаноқларга шунақа тез олиб борар ва шу тезликда пахталарни кафтига олиб, фартугига ташларди.

У спорт зал адогига шу тахлитда бориб келди. Шундада Фирдавс сездики, устоз қанчалик кўп ҳаракат қилмасин, мутлақо ҳансирамасди.

Уйига қайтиб келган Фирдавснинг аъзойи бадани зирқираб оғриди. У кечки овқатни зўрға еди. Сўнг дарс қилишга-да мадори етмай, хонасига кирди-ю, қотиб ухлаб қолди. Яхшиямки, ухлаш олдидан соатни ёнига қўйиб қўйганди. Агар у тинимсиз жиринглайвермаганида, эрталабки югуришдан қолиб кетиши аниқ эди.

Унинг кунлари шу зайлда ўтар, борган сари ўзини қандайдир енгил ҳис этарди. Шу билан бирга Мавзуна хаёлидан сира кетмасди. У неча марталаб қизни унутишга уринди. Барibir, фойдасиз. Қиз хаёлининг бир чеккасида ўзининг борлигини билдириб тураверди. Айниқса, зерикарли дарслар чоғида у фақат Мавзуна ҳақида ўйлади. Секин-аста қўнглида ўксик бир кайфият пайдо бўлди. «У қиз мени ўзига teng билмайди. Ҳақиқатан ҳам бойбадавлат оиласа келин бўлиш ярашади унга. Мен уйланганимда нима билан боқардим? Ўзи зўрға кун кўраётган бўлсан. Зўрға стипендиямни у ойдан-бу ойга учма-уч етказаётган бўлсан. Бунинг устига, ҳозир мутлақо тўй қилишнинг иложи йўқ. Рухшона хола бўлса, эртароқ на-бира кўришни истайди. Қолаверса, ҳализамон ўғиллари ҳам бирин-кетин вояга етади. Шундай экан, Фирдавс, умидингни уз», — деган қарорга келди охири у. Бироқ худди ўша куни кечки пайт Моҳина хонасига кириб:

— Ака, бугун Мавзуна опам қўнфироқ қилди, сизни сўради, — деб қолди.

Фирдавс китоб ўқиётганди. Гарчи нигоҳи китоб саҳифаларига қадалган эса-да, дарров хаёли бўлинди. Шу тахлит бир муддат ётгач, кўзини китобдан узмаган қўйи:

— Мени нима қиларкан? — деди.

— Айтдики, сиз бекорга хафа бўлиб юрган эмишсиз. Аслида, сизга аччиқ қилиб, дилингизни оғритиб қўй-

ган экан. Ўша туғилған күннинг эртасига қоронғи түшгүнча музқаймоқхонада сизни кутиб ўтирганмиш.

Фирдавс китобни ёпди. Секин қаддини ростлади.

— Биринчидан, сен нега маҳмадоналик қиласыпсан? Иккинчидан, унинг гаплари билан менинг неча пуллик ишим бор? Учинчидан...

Шу заҳоти қовоқларини уйиб олган Моҳина:

— Учинчидан, битта қизни бекордан-бекорга хафа қилиш йигит кишининг иши эмас, — дея гапни илиб кетди.

— Мен нима қилиб, уни хафа қилибман? Бир оғиз гапирмаган бўлсам...

— Ана шу сизнинг хафа қилганингиз. Худди қизларга ўхшаб, индамай сурвордингиз-ку. Агар менинг йигитим...

— Ни-ма?! — деб ўрнидан туриб, хўмрайди Фирдавс.

Моҳина каловланиб қолди:

— Ҳалиги... Мен... Агар Мавзуна опамнинг ўрнида бўлганимда, демоқчийдим.

— Агар бирор жойда битта-яримтаси билан гаплашганингни кўрсам ё эшитсан, тириклиайн терингни шилиб оламан! — деди Фирдавс кўрсаткич бармогини ўқталиб.

— Войбўй! — деб қовоғини баттар осилтириб олди Моҳина, лекин аччиқ қилиб хонадан чиқиб кетмади. — Намунча?.. Мен фақатгина Мавзуна опамнинг қийналиб юрганини айтмоқчийдим. Ҳаммаси ўзингиздан бўлди. Анави олифта қиз билан гаплашмаслигингиз керак эди!

Шу гапни айтиб бўлганидан кейингина қиз хонани тарқ этди. Фирдавснинг эса юзида табассум пайдо бўлганди. «Демак, у менга аччиқ қилган. Фарангиз билан гаплашганим унга ёқмаган. Демак, у мени ҳаммадан қизғанади. У билан гаплашишим керак», — кўнглидан ўтказди у ва шошганча бориб деразани очди-да, бошини ташқарига чиқарди. Синглиси ҳовлида эди. Худди акаси кўриниш беришини олдиндан сезгандай, узоқлашиб кетмаганди.

— Моҳи, — деди Фирдавс мулојим товушда.

— Нима?.. — жавоб берди синглиси араз оҳангига.

— Ҳалиги... Мавзуна опангга битта құнғироқ қилмайсанми?

Қизчанинг юзида бирдан табассум пайдо бүлди.

— Ҳо-о-о, боягина бурнингиз осмондайди-ку, энди құнғироқ қилишимни хоҳлаб қолдингизми?

— Битта морожний мендан, какраз, стипендия олганман. Бир сүм ортиқаси бор. Хүш телефон қиласанми?

— Морожнийни яхши күришимни биласиз-а?.. Майли, фақат шундаям Мавзуна опам учун. Агар бошқа бўлганида... Эй-й, аям билиб қолади-ку!

— Ҳозир ошхонада. Сен қилавер.

— Бўпти-и-и, — деди Моҳина чўзиб.

Яхшики, гўшакни Мавзунанинг ўзи қўтарди. Арази бор экан, дарровда Фирдавс билан гаплашишга кўнмади. Моҳина кетма-кет: «Илтимос, йўқ деманг, мен учун... Фақат «алло» десангиз, бўлди», — дея қайта-қайта ялинганидан кейингина кўнди.

— Бир қошиқ қонимдан кечмасангиз, мен шўрликнинг нариги дунёга равона бўлишдан ўзга чорам қолмайди, — деди Фирдавс гўшакни қулогига тутиши билан.

Мавзуна кулиб юборди, сўнг ортидан: «Жинни», — деди.

Фирдавс унинг шу бир оғизгина гапидан яйраб кетди.

— Қиз боласиз, — кўшимча қилди Мавзуна. — Шунинг учун аразлаб юрибсиз.

— Менми? Сираям-да. Мен сизни синаётгандим.

— Хўш. Кўнглингиздаги иш бўлдими? — дея кутилмаганда кесатди Мавзуна.

— Йўқ, сиз яна ўнқир-чўнқир йўлга кириб кетдингиз. Мен сиз ҳақингизда: «Аразласам, қидиармикан? Агар қидирса, ҳақиқий дўст бўлади. Мен учун куйибишишади, керак бўлса», деган ўйда эдим.

— Мен-ку, дўстлик қиласан. Сиз бўлсангиз... Ҳатто: «Бопладимми? Роса куттирдимми?..» — деб, устимдан кулиш ҳам қўлингиздан келмади.

— Келишдик. Эртага мен ўша барга дарсдан кейин бораман. Сиз келманг. Кутиб-кутиб, ярим оқшомгача ўтираман. Тўртта ё бешта музқаймоқ ейман. Лекин шу ўринда битта шартим бор. Мабодо шамоллаб қолсам-

у, касалхонага тушсам, ёнимдан бир қадам ҳам жилмай үтирасиз, токи соғайгунимча.

— Тушунарли, кейин сиз тузалишниям хаёлингизга келтирмайсиз. Камида бир ой ётасиз. Бундан чиқди, тағин мен ютқазар эканман-да, — деб кулиб юборди Мавзуна.

Уларнинг суҳбати шўх эди. Четдан қулоқ соглан одам, албатта, роҳатланарди. Шунинг учун ҳам Моҳинанинг кетгиси келмаётганди. У шундоққина эшик ёнида жилмайганча акасига термилиб туар, Мавзунага ҳаваси келаётганди. «Мен ҳам худди акамга ўхшаган йигит топаман», дея аллақачон хаёлидан ўтказиб ҳам қўйганди.

— Бўлди, иккала қўлимни ҳам кўтардим, худди асир тушган аскарлардай.

— Вой, мени фашист деб ўйлайпсизми?

— Ҳай-ҳай-ҳай. Сизни фашист деб, яна бир балога қолиб кетайинми? Сиз қаҳрамонсиз. Забардаст, бақувват!..

Моҳина қиқирлаб кулиб юборди. Кейин бирданига ортидан:

— Ака, «девсиз, девсиз», денг, — деди.

Фирдавснинг ҳам кулгиси қистади. Бироқ кулишдан ўзини тийиб, тишини тишига босди. Бунинг ўрнига:

— Менинг ёнимда ким қақиллаётганини биласизми? — деди гўшакка.

— Йўқ, — жавоб берди Мавзуна.

— Моҳина-да. Ўзи синглим-у, лекин нимагадир сиз томонга ўтиб олган. Эй-й, томоги оғриб турибди. Демак, мактабдан қайтаётганида, сиз билан учрашиб, обдан морожнийга тўйган, эвазига акасини ташлаб, сиз тарафга ўтиб олган.

— Ажаб қиласди. Агар ёнимда бўлганида, юзидан ўтиб қўярдим. Мукофот сифатида.

— Яхши, унга — мукофот, менга — жазо. Лекин келганидан кейин мукофотини олиб қўяман.

Мавзуна кулди-да, ортидан «жинни», деди эркалаб. Кейин гўшакдан қисқа «ту-ту»лаган товуш эшишилди. Фирдавс бир-икки марта, «алло, алло» деб, ҳайрон бўлган одамдай гўшакни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўргач, телефон устига қўйиб қўйди.

— Кимдир келиб қолган бұлса керак, — деди эшик ёнида ҳалигача жилмайиб турған Моҳина акасига далда бериб. — Балки, яна мен құнғироқ қилиб құрарман.

— Йүқ, етарли, — деб Фирдавс гүшакни жойига күйди, сұнг чуқур хұрсиниб, үрнидан турди.

Шу куни у ҳар доимгидан-да хушчақтақ әди. Мавзуна у билан гаплашишга үйндагиларидан құрқади. Буннинг сабаби аён. Оилалари мос әмас. Агар у бойроқ одамнинг боласи бұлғанда, Мавзуна бунчалик құрқиб кетмаган бўларди.

— Бизнинг ҳам күчамиздан бирорта арава-парава ўтиб, чанг-панг чиқариб қолар, ана шунда байрам құлармиз, — деди у ётар маҳалида одатдагидай китоб варактларкан.

Эртасига Баҳром ака қишлоғига кетишини ва машгулотлар бир кунга ортга қолдирилишини айтганди. Фирдавс бўш вақти борлигидан фойдаланиб, кутубхонага кирмоқчи бўлди. Шунда унинг хаёлига Мавзунага берган ваъдаси келиб, ниятидан қайтди. Ўзгача бир иштиёқ билан университетнинг сўл тарафидаги кутубхонага қаради. Стендалнинг «Қизил ва қора» романини ўқиётгани хаёлига келди. У аввал ҳам бу китобни ўқиганди. Лекин негадир тўла тушунмаганди, шу боис такрор ўқишга қарор қилди. Аммо ҳозир кутубхонага киромайди. Мавзунага ваъда бериб қўйган. Аслида-ку, қизнинг келиши ҳам но маълум әди. Ахир у бораман, демаганди-да. Фирдавснинг ўзи қоронги тушгунча ўтираман, деб қўйганди. Мабодо у бормаса-ю, Мавзуна атайлаб уни кузатиш учун борса, ана унда йигитлик гурури поймол бўлади. «Икки соатча бемалол у билан ўтирсам бўлади. Кейин бозор қилишим керак. Аям пиёз олиб кел, девди», — кўнглидан ўтказди йигит ва хаёл уммонига фарқ бўлғанча бекат тарафга кетди.

Мавзуна билан бир мартагина музқаймоқ еган қаҳважонадаги стулга бориб ўтири. «Бундай пайтда зерик-масликнинг энг яхши йўли — китоб ўқиш. Бошқа ҳамма нарса одамни бездириб юборади. Одамлар ҳеч нарса қилмай, қандай ўтираркан?» — дея хаёлидан ўтказган йигит ликопчадаги музқаймоқни қошиқча билан беихтиёр эза бошлади. Шунда бирдан кимдир ортидан

келиб, құли билан унинг күзларини бекитди. Фирдавснинг юраги ҳаприқиб кетди. «Мавзуна!» — күнглидан ўтказди у ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан күзларини бекитиб турган құл устидан құlinи қўйди. Қиз болани. Демак, у адашмаган. Мавзуна ҳақиқатан ҳам келган. Бундан ортиқ байрам бўлиши ҳам мумкинми?

«Бармоқлари узун. Нозиккина. Кейин... Кейин узуги ҳам бор экан. Кичкинагина узук. Яна... Вой-войвой, одамнинг жонини оладиган даражадаги хушбўйлик тарататётган атир. Бу, бу фақатгина...»

Қиз қиқирлаб кулиб юборди. Овоз бутунлай бошқа эди. Фирдавснинг юраги боя қанчалик тез уриб кетган бўлса, ҳозир шунчалик секинлашди. Бирдан кайфияти тушди.

— Айб мендамас, айб сизнинг сеҳрли сўзларингизда, — деди қиз қиқирлашда давом этиб ва шу аснода йигитнинг кўзидан кафтини олди.

Фирдавс ўрнидан турди-ю, ортига ўгирилди. Гумони тўғри эди: қархисида жилмайганча Фарангиз турарди.

— Сиз... Сиз қаердан келиб қолдингиз? — деди ҳалиҳамон кўзларига ишонмаган Фирдавс.

— Секрет. Сизни шунаقا қилиб ушламасам, бошқа иложи бўлмади.

Фирдавс атрофига аланглади. «Ишқилиб, Мавзуна келиб қолмасин», деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди.

— Танлаган жойингиз менга ёқди. Дидингиз чакки эмас, — деди қиз гапида давом этиб. — Лекин ҳозир бошқа жойда ўтирамиз.

— Қаерда? — сўради Фирдавс юрагида бир олам ҳадик билан.

— Ресторанда. Сиз билан менга бу ерда ўтириш уят!

— Шошманг. Менинг морожнийим бор, аввал шуни...

— Мана бундай қиласиз, — деб ликопчани қўлига олди Фарангиз ва қошиқчага бир чимдим музқаймоқ илдириб эзаркан, кўзни олар даражада ялади. Сўнг илжайди-да, ликопчани қайтариб, стол устига қўйди.

«Даф бўлиш керак! Токи, Мавзуна қўриб қолмасин. Қўриб қолса, аҳвол чатоқ! Ўзи зўрга у билан қайта яра-

шиб олгандим». Шу гапларни күнглидан ўтказган Фирдавс шундай деди:

— Унда мен уйга физиллаб бориб келаман. Сиз ресторанда ўтириб турасиз. «Бирга уйингизга борамиз», деманг. Уйимдагилар кўриб қолишса, менга ноқулай бўлади. Келишдикими?

— Киз боланинг таклифига рад жавоб берган йигитни биринчи кўришим, — деб афтини буриштириди Фарангиз.

— Йўқ, унақа деманг, сиздай соҳибжамоннинг ҳар қандай истаги йигитлар учун буйруқ. Хўш. Майли, мен кетдим, — деб Фирдавс қизнинг қўлини ушлаб, сиқиб кўйди ва уни лол қолдирап даражада юргурганча қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Фирдавс енгил тортган эди. Ичиди: «Яхшики, Мавзуна келиб қолмади. Яхшики, осон қутулдим. Энди бозорга тушиб, пиёз сотовлишим керак. Кейин уйга. Дам оламан. Ўқиш ҳам, югуришлар ҳам чарчатди», — деб ўйларди у.

Бозор дарвозасидан ичкарига кириши билан сўл томондаги растанинг нариги тарафида турган «КАМАЗ»-нинг ортида тўдалашган одамларга кўзи тушди. «Картошкамикан, пиёзмикан?.. Энди туширишаяпти. Демак, янги. Нима бўлсаям, ҳеч қурса, бир килогина оламан. Аямга янгисидан олиб келдим, деб айтаман», — дея күнглидан ўтказган Фирдавс шу томонга қараб юрди.

Борди. Одамлар орасига қўшилди. Бир муддат турди. Сўнг бўйинини чўзиб, олд томонга қаради. Шунда кўзи бирдан дадасига тушиб қолди. У машинадаги қопни орқалаб, растанинг остига олиб келиб жойлаштиради. Йигитнинг юраги орқага тортиб кетди. «Нега, нега?..» — дея пичирлади унинг лаблари. Ана шу пайт бўйи узун, елкалари кенг, қориндор бир киши унинг дадасини туртди. Ортидан:

— Намунча имиллайсан, ифлос?.. Текинга ишлаётганинг йўқ-ку! — дея бақирди.

Сўнг тутишга-да қониқмасдан, ортига тепиб юборди.

Фирдавснинг кўзлари олайиб, томирида қони кўпира бошлади. Боши қизиб, юзи шолғомдай қизарди.

\* \* \*

Мавзуна чўчиб тушди ва қўлидаги гўшакни тортиб олган онасига киприкларини пирпиратиб қаради.

Рухшонанинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Ким у?! — деди ғазаб билан.

— Ҳалиги... — деди қўрқиб кетган қиз талмовсираб, — ойи, синфдош дугонам...

— Ҳимм. Ҳали синфдош дугонам, дегин. Бу дейман, дугонангнинг овози ўғил болаларникига ўхшаркан-да, а? — Рухшона истеҳзоли кулиб, гўшакни жойига қўйди ва кўрсаткич бармогини қизининг тумшуғига тиради. — Икки қулогингга ҳам қўйиб ол. Фирдавс деган болани бутунлай эсингдан чиқарасан. Мен сени деб Розияхоннинг олдидга уятли бўп қолишни истамайман. Энди кўнглимга келган ишни қиласман, деб ўйлама. Ёш бола эмассан! Ҳадемай, келин бўласан! Биз Розияхон билан аллақачон келишиб олганмиз.

Мавзуна онасига тикилиб турар, бирон нима дейишга тили ожиз эди. Рухшона қизига ғолибона назар ташлади, сўнг муҳим янгиликни айтиётгандек, кулимсираб гапида давом этди:

— Розияхоннинг эркатой қизи сенинг ўша йигитингни ёқтириб қопти. Бу — Фирдавсингнинг бошига офтоб чиқди, дегани. Ҳимм, билдингми?

— Ойи, — деди қулоқларига ишонмаган Мавзуна, — сиз нега менга душманлик қиласяпсиз?!

— Душманлик?.. Вой ўлмасам, — Рухшонанинг қўзлари чақчайиб кетди. — Бу яшшамагур сенинг бутунлай бошингни айлантириб олибди-ку. Ҳали мактабни битирмасдан, она сутинг оғзингдан кетмасдан, эрсираб қолдингми?!

Кутилмаганда қизнинг юзига шапалоқ тушди.

\* \* \*

У беихтиёр дадаси томонга қараб отилди. Анавининг дадасига қилган муомаласи унинг суяқ-суягигача сирқиратиб юборганди. Шу пайтгача Баҳром акадан жуда кўп руҳий тарбия олган бўлса-да, айни пайтда ичидан тошиб келаётган ғазабини жиловлай олмасди.

Бир сафар машғулотдан кейин мат устида қўзларини юмиб ўтиришганда, Баҳром aka шундай деганди:

«Мана, сенинг битта бармоғингни қайириб, майиштириб, узид олаяпман. Агар чидасанг, ҳамма аламингни, қайғунгни, оғриқни енгиб ўтсанг, ёруғликка чиқасан. Маза қилиб яшайсан. Мабодо менга қаршилик күрсатадиган бўлсанг, сени зулмат кутиб турибди. Бир умрлик зулмат. Чида!.. Чида!.. Чидашинг керак...»

Фирдавс устозининг гапларини тасаввурида жонлантириб, хаёлан азоб чеккан, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетганди ўшанда. Сўнг чуқур нафас олди. Устози уни ўрнидан турғазиб, елкасига қоқиб:

— Ҳали кўникасан. Унча-мунча дард сен учун чикора бўлиб қолади. Ҳатто битта тукингни қилт этказмай, қайғуларнинг ҳаммасини ўтказиб юборасан, — деди.

Фирдавс кейинчалик уйга боргандা, кучада юргандва ҳатто дарсда ўтирганда ҳам, Баҳром аканинг гапларини эслаб, хаёлан ўша азобларни танасидан ўтказиб кўрди. Бора-бора ҳеч нарса таъсир этмайдиган бўлди. «Этим ўлиби. Демак, бундан қаттиқроқ азоб керак», деган ўйга бориб, моддий дардларни огираштириди.

Лекин буларнинг бари ўзига нисбатан эди. Қариндошлари, яқинларининг ташвишларини, дардларини кўриш, танасида, руҳида ҳис этишга эса у ҳали тайёр эмасди. Бунинг учун ҳали вақт бор эди.

Фирдавс ўзини тутиб туролмай, чаққон ҳаракат билан зўравоннинг қаршисида пайдо бўлди. Қолганини томошаталаблар ҳам кўрмай қолишиди...

Достон ўғлини маҳкам кучоклади.

— Болам! Болам! Бўлди, бошқа тегинма! Бошқа урма уни! Ҳаётингни барбод қилма, болам! Аянг билан синглингни ўйла! Бунақа гўрсўхталар билан тенглашма!

Отанинг кўз ёшлари ўғилни ўзига келтириди. Зўриққанидан пешонасидан реза-реза тер оқарди. Отасининг гапларини ҳам элас-элас эшилди. Падари бўйнига осилиб олганидан кейингина ўзига келди. Бўлмаса, калтаги зарбидан хириллаётган кимсани бир ёқли қилиб қўйиши мумкин эди.

Уларни ўраб олган томошаталаблар бир-бирларини туртиб, жонли жангари фильмни муҳокама қилишга тушиб кетишганди.

Фирдавс тиз чўкди. Отасининг оёқларини маҳкам қучоқлади. Кўзидан дув-дув оқаётган ёшни тиззасига артди.

— Нега бундай қилдингиз, дада? — деди бўғиқ ва тушуниксиз товушда.

— Тур, болам, тур, — дея Достон ўғлининг қўлтиғидан ушлаб кўтарди.

— Туrolмайман, дада. Сизни бу аҳволда кўрган кўзларим ситилиб тушсин, дада. Нега бундай қилиб юрибсиз?! — дея Фирдавс Достоннинг оёқларини янада маҳкамроқ қучоқлади.

— Одамларга шунча томоша бўлдик, тур энди. Кетамиз.

Фирдавс бўшашибди. Сўнг энкайиб, дадасининг оёқларини упди.

\* \* \*

Фарангиз йигитдан асло хафа бўлмади. Мийифида кулиб, қора кўзойнагини тақди ва машинасининг калитини айлантириб ўйнаб, Фирдавснинг ортидан кузатди. Сўнг шундоққина йўл бўйида турган ҳаво ранг «Жигули»сининг ёнига бориб, кўнглини мафтун этган, тунлари уни ўтранишга мажбур қилган йигитнинг қайси йўналишга кетишини кутди. Лекин Фирдавс йўналиш танламади. Биринчи келган автобусга чиқиб олди. Шуни кутиб турган Фарангиз ҳам машинасига ўтиреди. «Йигитча, сени, барибир, ўзимники қилволаман. Айланиб-айланиб, охири тўримга илинасан!» дея кўнглидан ўтказди у. Ўйи ўзига нашъя қилиб, ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди. Гўзал, мафтункор юзида табассум ўйнади. Шундан кейингина машина моторини ўт олдирди. Машина жойидан қимиirlади. Шунда уни йўл бўйида кимдир кузатаётгандай туйилди. Вақт тифиз эди. Шу боис кузатаётгандинг кимлигини билишга қизиқаётган бўлса-да, бунга эътибор бермасликка мажбур бўлди.

Навбатдаги бекатдаёқ автоуловдан тушган Фирдавсни кўргач, Фарангиз мийифида кулди ва «Шумтака, ўзимнинг ёлғончигинам. Биламан, нега ёнимдан қочиб юрганингни. Лекин сен юрагингта қулоқ солишинг керак. Фақат менгина сени баҳтли қила олишим, истаганингни бера олишим мумкин», дея кўнглидан ўтказди.

Фирдавс бозорга кириб кетаётгандан, қиз машинасидан тушиб, уловиничг эшигини қулфлади. Ёнидан ўтиб

кетаётган йигитлар: «Рулни бошқарган құлларинг юзими-ни силаса, жонимни бериб юборган бұлардим», дея гап отищди. Қиз йигитларга юзланиб, «Шириң гапнинг учун табассумидан бебаҳра қолма», дегандек жилмайиб қўйди. Шу заҳоти уч йигит ҳам таққа тұхтади. Учови ҳам бир хилда иржайиб туришарди.

— Мен қотиллик қилишни истамайман, — деди Фарангиз мулойим овозини янада майнинлаштириб, — шуннинг учун йўлларингдан қолманглар.

Бу гапни эшилтгач, йигитлар йўлида давом этишади, деб ўйлаганди. Бироқ аксинча бўлди.

— Иложи йўқ, — деди улардан бири шериклари билан бирга изига қайтаётиб, — барибир, иккимиз курбон бўламиз.

— Йўқол! — бақириб юборди Фарангиз. — Бир оғиз юмшоқ гапирса, илондай тебраниб, одамнинг нафратини қўзитиб юборасанлар!

Йигитлар бирдан қотиб қолищди. Улар машина мингандан, бунинг устига, ниҳоятда ўзига оро берган қизлардан илиқ гап чиқишига ишонишмасди. Лекин, шунга қарамай, азбаройи қизнинг мафтункорлиги боис гап отишдан ўзларини тия олишмаганди. Эвазига дарров табассум олишди... Маккора табассумнинг тарсакиси эса ёмон бўлди.

Фарангиз ичида маза қилди. У бозор ичкарисига кириб кетаркан, мийигида кулиб қўйди.

Фирдавснинг ҳаммоллик қилаётгани қизни қанчалик ажаблантирган бўлса, ўзини эркин тутиши, чаққон ҳаракати ва отасининг оёғига бош қўйиши кўнглида шунчалик меҳр уйғотди.

Ота-бала бир-бириннинг елкасидан қучиб, одамлар орасини ёриб ўтаётгандариди, дарров уларнинг ёнига борди.

— Фирдавс ака, — деди юзига қайгули тус бериб, — дарров машинага чиқинглар. Шундоққина бозор дарвозаси ёнида турибди.

Фирдавс юришдан тўхтаб, қизга тикилди.

— Сиз? — деди ҳайрон бўлиб. — Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Фарангизнинг бир лаҳза тили боғланди.

— Менми? Мен шунчаки... Ҳа-а, бозорга келувдим. Бир-иккита нарса олмоқчийдим. Кутилмаганда сизни кўриб...

— Илтифотингиз учун раҳмат.

Фирдавснинг гапи қизнинг кўксига гўё ханжар бўлиб санчилди. У ҳеч қачон бунақа аҳволга тушмаганди. Қаерга борса, нима қилса, ошиғи олчи эди. Бирор гапини икки қилмас, ҳатто олдидан кесиб ўтмасди. Албатта, қўча-кўйда битта-яримта йигитларнинг адашиб гай отиб қўйишини инобатга олмаганда. Аслида, йигитларнинг эътибори Фарангизга завқ-шавқ бағишларди. Беш-бегона йигитнинг уни танимасдан, чиройига маҳлиё бўлиб, тилёғламалик қилишини кўрганда, гўё еттинчи осмонга кўтарилиб кетарди. Наздида, ҳамма ундан пастда, ҳамма унга сажда қилаётгандай туйилаверарди.

Фирдавс бўлса, уни сўроққа тутаяпти. Кўполлик қилаяпти. Шу камбағалгина оиланинг боласи Фарангиздай олий мартабали қизнинг юзига оёқ босяпти. Фарангиз эса унинг қошида ожиз. Гоҳида ҳаяжон босади уни. Гоҳида тили калимага келмай қолади. Мана, ҳозир ҳам нима қиларини билмай турибди.

Ота-бала қизнинг ёнидан узоқлашди. Уларнинг ортидан кузатиб қолаётган одамлар кутилмаганда пайдо бўлган соҳибжамолнинг аҳволини томоша қилишаяпти. Бундан ортиқ камситилиш, бундан ортиқ шармандалик борми? Йўқ, бунга чидаш мушкул. Ҳозироқ ота-боланинг ортидан етиб олади-ю, оғзига келган гап билан ҳақоратлайди. Шунда, балки кўнгли хотиржам тортар. Фурури таскин топар. Мана шу ўйлар гирдобида Фарангиз бир-икки қадам босди-ю, кутилмаганда оёқлари юришдан тўхтаб қолди. «Менга нима бўляяпти? — ўйлади қиз. — Қани илгариги довюраклигим, қани ушлаган жойимни узиб олишим?.. Наҳотки, наҳотки севиб қолган бўлсан?» Унинг йиғлагиси келди. Бироқ бу ерда, ҳамманинг кўз ўнгидаги ожизлиги ни намойиш этиш унинг обрўсига тўғри келмасди.

Қиз бошини эгиб, бозордан чиқа бошлади. Аммо бироздан кейин бу қилиги негадир ўзига оғир ботди.

«Кимнинг олдида бошимни эгдим? Нега бунча паст кетаяпман?» дея ўзини сўроққа тутди. Сўнг қаддини ғоз тутганча шиддат билан машинаси ёнига бориб, эшигини очаётганида, қўллари қалтираб кетди. Ана шундагина жуда ожиз бўлиб қолганини ҳис қилди.

Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмай, доимий дилхушлик қиласиган ресторанига етиб борди. Рақс томоша қилиб ўтирадиган одатий жойидан алоҳида хонани афзал билди. Кирибоқ ортидан келган официант қизга:

— Менга ўзимнинг арогимни газаги билан қўшиб келтириңг, — деди-да, стулга ўтириб, соч тўғноғичини ечиб юборди. Қизилтоб, ялтироқ соchlари ёйилиб, қизнинг ҳуснини икки ҳисса ошириб юборди. У нозик, узун бармоқларини силлиқ пешонасига тираб, бошини хиёл эгди. Шунда шаҳло қўзларида билурдай икки томчи ёш пайдо бўлди. Қиз сўлғин кайфиятда чуқур хўрсинди. Сўнг бошини кўтариб, оппоққина, жажжи сумкаласидан сигарет чиқазди. Сигаретта термилиб тураркан: «Бадбаҳтлик, — дея хаёлидан ўтказди, — қачондан бери чекадиган бўлдим? Ҳа, эсладим, Лена. Ўша мени чекишга ўргатиб қўйди. Биринчи марта тутунни ичимга ютганимда, ўлиб қолай девдим. Юрагим оғзимдан чиқиб кетса керак, деб ўйловдим. Йўқ, унақа бўлмади. Орадан бир ҳафта ўтиб, яна чекиб кўрдим. Бу сафар олдингидай йўталиб қолмадим. Бошим айланди. Маст одамдек ҳис этдим ўзимни. Кейин ўрганиб кетдим. Падарингга лаънат, Лена. Сен менга ичишни ҳам ўргатиб қўйгандинг-а?!»

Қўз олдида яна Фирдавснинг қиёфаси намоён бўлди. У бармоқлари орасидаги сигаретни кулдонга эзғилади.

«Агар шундай қилмасам, икки дунёда ҳам Фирдавснинг ёнига яқинлашолмайман. Адам бир марта кўриб қолди. Лекин кенглик қилди. Тўғрироғи, ойижоним: «Сикилиб кетганидан, яшшамагур эрининг куракда турмайдиган қилиқларидан кейин чекишга мажбур бўлган», деб ёнимни олди. Шундан кейингина адам ҳовуридан тушиб: «Агар яна шундай қилганингни кўрсам, кечирмайман», деди. Лекин мен чекишда давом этдим. Ўрганиб қолгандим-да. Мана, бугундан бошлаб ичишниям, чекишниям фақат сени деб ташлайман. Ўғил болалик қил-

ганинг учун. Бошқаларнинг ҳадди сиғмаган нарсани қилолганинг учун. Менга мана шунаقا сўзини ўтказа оладиган, кези келганда, йиғлата оладиган йигит керак».

Қиз хаёл суриндан тўхтаб, ароқ шишиасини қўлига олди ва яна ўзига ўзи гапиришда давом этди.

— Сигарет эзилди. Ароқ ҳам тўкилиши керак, — деди.

Қилган иши ўзига завқ бағишлади. Шу боисдан овоз чиқариб қулиб қўйди.

Сўнг яна ўз хаёлларига берилди. Шу маҳал эшик очилиб, озғин, соchlари ҳурпайган бир йигит кириб келди-да, Фарангизга қараб ўшшайди.

— Кун бўйи қидиравериб, оёғимда оёқ қолмади. Шу ернинг ўзига икки марта келиб кетдим, — деб ўқловдай қошларини учирди.

Фарангиз унга қараб қўзини бироз қисди-да:

— Кўзим учиб турганди, айни вақтида кўриниш бердинг, — деб пешонасига тушиб турган сочини тўғрилаб қўйди.

Йигит унинг столи ёнига келди ва энгашиб қизни ўпроқчи бўлди. Фарангиз эса юзини олиб қочиб:

— Лазиз, керакмас, — деди.

Йигит ҳайрон бўлди.

— Тинчликми? — дея сўради.

— Шунга яқинроқ. Ундан кўра кел, менга улфатчилик қил, — деб қадаҳни ароққа тўлдириб, рўпарасидағи йигитга узатди.

Лазиз қизнинг қўлидан қадаҳни олиб, стол устига қўйди, сўнг чўнтағидан «Родопи» сигарети қутисини чиқариб, бир донасини лабига қистирди. Тутатиб, ҳузур қилганча аччиқ тутунни ичига ютди-да:

— Кимнинг ҳадди сиғди сенинг кайфиятингни бузишга? — деди дағалроқ овозда.

— Нега бузаркан? Аксинча, хурсанд қилди. Шунинг учун ичиб ўтирибман. Жудаям қувониб кетсам, бир ўзим ўтирволиб ичишимни эсингдан чиқардингми?

— Алдама. Ҳеч нима буюрмабсан ҳам.

— Егим йўқ.

Лазиз тутаётган сигаретини кулдонга суяб қўйиб, ароқни қўлига олди ва қизга қўзини қисиб, бир кўтаришда идишни бўшатиб, Фарангизга қараб тиржайди.

— Лазиз, очигини айтсам, масхарабозга ўхшайсан. Қилиқларинг ғалати. Қачон жиддийлашасан?

— Бир пайтлар сочимни нозик бармоқларинг билан силаб: «Мана шу ҳолингдан сира ўзгарма», деб илтимос қилувдинг, — дея ароқ шишиасини кўлига олди йигит.

— Содда бўлган эканман. Ёки нормальний йигитларни учратмаганим учун шундай деган бўлсам керак. Энди қарасам, ёш боладан фарқинг йўқ.

— Шунаقا дегин. Демак, биздақа қўлқоп ечилибдида. Энди янгисини топибсиз-да. Яхши, айтдим, кўри нишинг бошқача.

— Бас қил. Ундан кўра официанткани чақир, рости ни айтсам, тушлик ҳам қилмагандим. Озгина ароқ кайфимни ошириб юборди.

Лазиз кулди. Сўнг бурнини сиқиб:

— Шиша яримлаган бўлсаем, негадир кайфинг ошгани билинмаяпти. Бу ёқда пол ҳам ҳўл бўлган. Бундан кейин ишонтириб алдашни ўргангин, — дея ўрнидан турди.

Фарангиз иштача билан овқатланди. Ароқ ичиб қўймаслик учун қалампирни тишлаб-тишлаб еди. Оғзи гувиллаб кетди. Ҳатто қўзидан ёш чиқди. Шунда ҳам чидади. Лазиз унинг устидан ошкора кулди.

— Менга аччиққина суюқлик маъқул, — деб қадаҳни қайта-қайта тўлдириб ичди. Кейин Фарангизга сўйкалди. — Соғиндим, жоним қийналаяпти. Эркалашларингни қўмсаяпман, — деди у.

Фарангизнинг жаҳли чиқиб, шартта ўрнидан турди-да:

— Бошқа менга суюқлик қилма, ўзингга жабр қиласан, — дея сумкачасини елкасига илиб, кетиб қолди.

Тўғри уйига борди. Онаси отаси билан гаплашиб ўтирган экан.

— Ҳўш, — деди горком унга бошдан-оёқ қараб, — қаерлардан келаяпсиз, кичик хоним?

— Шунчаки айланиб, дугоналарим билан чақчақлашиб, маза қилиб морожний еб, яна... яна машинани секин ҳайдаб, қизил чироқларга тўхтаб...

— Бу қизга, — дея бирдан унинг гапини бўлди отаси, — бир нима дегин-у, дарров қулоғингни бекит. Йўқса, кар бўп қоласан.

— Эркалиги бор бўлсин, — деб кулди Розия эрининг гапидан кейин.

— Нима қилиб бу ерда ўтирибсизлар? Хонангларга кирсаларинг, биروف халақит бермасди, — деди Фарангиз уларнинг орасига ўтиаркан.

Аввал Розия опа, кейин хонадон бошлиғи қизни ўпид қўйди.

— Онаси, бошланг, — деди горком завжасига қараб, кўзини қисиб қўяркан.

— Сиздан ўтиб, бир нарса дейишим қийин. Ота-бона жуда қадрдонсизлар. Ораларингдан қил ҳам ўтмайди. Баъзи пайтлари шунаقا шивирлашиб сирлашасизларки, мен ҳеч нарсадан бехабар, бегонадай четда қолиб кетаман. Шунинг учун, адаси, ўзингиз бошлаб қўяқолинг.

— Вой, нега бунаقا деяпсизлар? Қани, бараварига гапиринглар-чи, — деди Фарангиз эркаланиб, уларнинг иккисини ҳам қучоқлаб олди.

— Ҳар доимгида яна мен крайний бўп қолдим-да, — деди бошини қашлади ота. Сўнг қизига юзланди: — Шу десанг... ҳа, нима дерди, анави кинода, онаси?

— Қайси кинода? — қошларини чимириб, эрига қарди аёл.

— Хоним, баъзан хотирангиз меникига ўхшаб, панд бериб қўйгани чатоқ-да. Буни қаранг, яна ўзим топиб қўйдим, — деб горком қизига юзланиб, жилмайди. — Қизим, сизнинг устингизда бир иш қилиб қўйдик.

Фарангиз ялт этиб отасига қаради. Унинг юзидаги кулги бирдан йўқолди.

— Нима иш экан, ада? — деди гапи зўрга оғзидан чиқиб.

— Сизни турмушга берадиган бўлдик.

— Кимга?

— Кимга бўларди, ўша сен ёқтириб қолган йигиттада! — деди Розия опа.

— Фирдавсгами?! — деди бирдан кўзлари чарақлаб кетган қиз.

\* \* \*

Фирдавс отаси билан бирга уйига боргач, хонасига кириб, ўзини тўшакка ташлади. Шу ондаёқ кўз ўнгиди

қоп орқалаган дадаси намоён бўлди. Аламдан кўзлари ёшга тўлиб, тишини тишига босди. «Қандай фарзанд бўлдим? Едириб, ичириб, авайлаб катта қилган одамни шу кўйга солиб қўйдимми?! Бўлди, ҳаммасини йиғиштираман, дарсдан кейин камида икки соат ишлайман. Энди уйимдагиларни мен боқаман!» деб ўлади ва девор тарафга ўгирилиб олди.

Эшик очилди. Фирдавс бошини кўтармай ётаверди.

— Ўғлим, — деди хаста товушда Достон эшик қиррасини бир қули билан ушлаб, — мени кечир.

Отасининг гапи Фирдавснинг суюгидан ўтиб кетди. У шартта ўрнидан турди-да:

— Нега кечирим сўрайсиз, дада? Мен сиздан сўрашим керак ўша кечиримни. Лекин илтимос, бошқа сирам унақа ишни қилманг. Мен кўтаролмайман, дада, — деди аламли, ялинчоқ овозда.

Достон бир-бир босиб, ўғлининг ёнига келди-да, уни маҳкам кучоқлади.

— Хўп, болам. Сен ўксимаслигинг учун нима десанг қиласман. Фақат аянг ҳеч нимани билмагани маъқул.

— Хавотир олманг, дада.

— Унда юр, чой ичамиз. Бўлмаса, аянгнинг партизани келиб қолади.

Улар енгил кулишиб, олдинма-кейин хонадан чиқишли.

Бозорда пайдо бўлган кайфият ота-болада йўқолгандай эди. Ҳар қалай, Моҳирўй билан Моҳинага улар шундай кўринишнинг уддасидан чиқишли. Достон ҳатто ҳазил гап ҳам топди. Фирдавсдан бошқаларни кулдирди. Сўнг носвойини тилининг остига ташлаб, ҳузур қилганча кўзини юмди.

Ана шу маҳал дарвоза қўнғироғи жиринглади.

— Ким келдийкан? — сўради кўнгли қандайдир ноҳушликни сезган Моҳирўй.

Ота-бала бир-бирларига қарашди. Фирдавснинг ҳам, Достоннинг ҳам юраги шув этиб кетди. Бироқ уларнинг шубҳаси бекор бўлиб чиқди. Дарвоза ортида Миразиз турарди.

— Дўстим, — дея қучоғини очди у Достонни кўриши билан.

Достон у билан қўришаркан, оғзидан ароқ ҳиди ан-қиётганини дарров сезди.

— Мен сендан кечирим сўрагани келдим, — деди Миразиз қадрдонининг елкасига бош қўйиб. — Сени бекордан-бекорга хафа қилиб қўйдим.

— Нималар деяпсан? Ичкарига кир, чой ичиб гаплашамиз, — деб Достон ён-верига қараб қўйди.

Миразиз ортига ўгирилди. Сал наридаги «Виллис» ёнида турган ҳайдовчисига юзланиб:

— Олиб кел анави нарсаларни, — деди у.

Ҳайдовчи айни шуни кутиб турган экан, дарров эшикни очди-да, қофоз пакетни қўлига олди.

— Нималар кўтариб юрибсан? — дея ноқулай аҳволга тушди Достон.

— Эй, қўявер, арзимаган нарсалар. Сен билан ўтиргим келди, ошна. Атрофимдагиларнинг бари... Эй, шуларни гапириб, одам обрў топмайди... Менга қара, ўйингга киргизиш ниятинг йўқми?

— Кир. Вой, каллани чалғитасан.

Фирдавс отасининг ёнида туар, икки ошнанинг бири қўйиб иккинчиси гапираётгани учун Миразизга салом беролмай турганди. Иккинчи томони, Миразиз амакисини ёқтиромай қолгани эди. Айни шу ҳам салом беришига тўсқинлик қиласарди.

— Ҳой бола, — деди Достон унга қараб, — эсингни еб қўйдингми?

Фирдавс салом берди. Миразиз уни ҳам бағрига босди.

Бошида суҳбат сира қовушмади. Икки ошнанинг ўртасида қандайдир масофа бордай туйилаверарди. Шу боисдан Миразиз дарров пиёлаларни лиммо-лим қилиб ароқка тўлдирди.

Унинг ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган Достон:

— Мен овқат еганман. Негадир хоҳишим йўқ, — дея баҳона қилди.

— Кўй шу гапни. Овқат еган бўлсанг, яна яхши, ҳазм қиласди. Менделеевнинг ўзи шундай деган.

— У овқатдан кейинмас, олдин ичиш керак деган, — дея кулди Достон.

— Нима фарқи бор? Қани, олдик.

Достон ҳалигача ўзига келолмаганди. Бозорда ҳаммолик қилиши, ўғлининг кўриб қолиши, кейин қисқа муддатли муштлашув кўз ўнгидан кетмаётганди. Шунинг учун ҳам ичкиликка мойиллиги бор эди. Лекин тезда боши қизийвермади. Аммо Миразизнинг анча кайфи ошиб қолди.

— Ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди. Бугун тушдан кейин битта «Москвич»нинг орқасидаги ёзувни ўқиб қолдим. «Хотин билан тормозга ишонма!» деб ёзиб қўйишган экан. Аввалига роса қотиб-қотиб кулдим. Кейин ўйга толдим, ошнажон. Қани, ароқдан қуй. Ҳа, айтганча, Моҳирўйни чақир. Сизларни биргаликда кўрсам, яйрайман.

— Мен ҳам озгина кайф олайн, кейин гап қизииди.

— Ошна, ўзингга қуй. Мен умуман ўтиrolмайин ҳам қоламан.

— Бўпти.

Достон ўзининг пиёласини тўлдирди. Бу боягиси билан бирга ярим шиша ароқ дегани эди. Миразиз шунчаки кўчадаги магазинларда сотиладиган ароқлардан ичмасди. Унга тозасидан олиб келишарди. Шу боисдан иккинчи пиёла Достоннинг ҳам бошини яхшигина қизитди.

Моҳирўй келганидан кейин Миразиз баттар яйраб кетди.

— Сизнинг муомалангизга, юриш-туришингизга гап йўқ. Лекин битта нарсада адашгансиз, — деди унга Миразиз.

Моҳирўй ҳайрон бўлиб, эрига қараб қўйди.

— Эсингизда бўлса, — дея гапига аниқлик кирита бошлади Миразиз, — Рухшонани сиз танлаб бергансиз. Ўшанда сиз унинг келажакда ўзгариб кетишини билмаган экансиз. Менимча, сезмаган бўлсангиз керак.

— Қўйинг, Миразиз ака, Рухшона яхши аёл, уйимжойим дейдиган. Мана, шунча йилдан бери...

— Мен одамларни сўроқ қилиб келганман шу кунгача, — дея аёлнинг гапини бўлди Миразиз. — Аммо ўзим камдан-кам бировларга отчёт бераман. Шунда ҳам фақат раҳбарларга. Аммо уларнинг қаторига ҳозир Рухшонахоним ҳам қўшилган. Тўғри, мен унга отчёт бермайман. Лекин сезиб юрибман, унинг таъсирига тушиб қолганга ўхшайман.

— Қизиқсиз-а? — деб кулди Моҳирўй. — Эр-хотин бўлганларингдан кейин бир-бирларингга маслаҳат соласизлар.

— Шошманг, хоним, — дея гапга аралашди Достон. — Унда мен ҳам сизнинг таъсириңгизга тушиб қолиб... Ҳа, энди культурний тилда айтганда, шунаقا бўлади. Ўзимизнинг жайдаримизга ўгирсак, хотин кули бўп қопмиз-да, а?

Эр-хотин кулишди. Миразиз ҳам озгина уларга қўшилди-ю, кейин бирдан жиддийлашди.

— Эртадан бошлаб бутунлай бошқа нарса бўлади. Лекин бугун... Достон, нега тўхтаб қолдинг, ошна? Куй жоннинг роҳатидан, бўкиб қолгунча ичайлик.

— Шуни эртароқ айтмайсанми? Моҳирўйдан қўрқиб, дардим ичимда ўтирувдим.

— Қўйинглар. Шундоғам кўп ичиб юбординглар. Суҳбат ароқ ичиш деганимас-ку... Агар шунаقا ичаверсанглар, мен кетаман.

Икки эркак ҳам унинг гапига қулоқ солмади. Тўқиширишди-ю, бир кўтаришда пиёлаларини бўшатишиди. Моҳирўйнинг жаҳли чиқди. У ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди.

— Ошна, — деди кўзлари сузилиб қолган Миразиз, — мени кечир. Тўгриси, бу ерга келишимдан мақсад кечирим сўраш эди. Сиқилиб кетдим.

— Кечиришим учун бирорта гуноҳ иш қилишинг керак-ку. Нега энди кечиришим керак экан?

Миразиз кўрсаткич бармогини юқорига кўтариб, эътиroz оҳангига деди:

— Мени алдаёлмайсан. Одамлар билан гаплашавериб, профессионал бўп кетганман. Нима дейишингни фирт маст бўлиб, думалаб қолсан ҳам биламан. Сенга менинг таклифим ёқмади. Мен Фирдавсни жиноятчилар орасига қўшиб, ундан маълумот олиб туришни мўлжаллагандим. Энди ўйлаб қарасам, чучварани хом санаган эканман. Бутун бошли ақлли, зийрак болани нобуд қилиб қўйиш ҳеч гап эмаскан. Шунинг учун мени кечир. Бошқаси бари майда-чуйда гаплар. Хотинларнинг гапи.

— Мен бу гапларни эсимдан чиқарганман. Ниятинг яхшилигини билганман ўшандаям. Битта-битта олайлик.

Иккала ошна маст бўлиб, ётиб қолгунча ичишди. Ниҳоят, ўтирган жойларига ёнбошлаганча ухлаб қолишиди. Моҳирўй бир келиб хабар олди. Безовта қилгиси келмади. Устиларига кўрпа ёпиб, чиқиб кетди.

\* \* \*

Фирдавс алламаҳалгача бедор ўтирги. Аввалига китоб ўқиди. Кўзи ачишавергач, ўрнига ётди. Лекин унинг уйқуси тезда келавермади. Бир дадасининг бозордаги аҳволи хаёлини банд этса, бир Мавзуна унинг ўрнини эгаллади. Ҳар иккисида ҳам унинг юраги сиқилади. Нимадир қилиш учун зўр бериб ўйламасин, барибир, тузукроқ чора тополмайди. Мардикор ишламоқчи эди, энди унинг ҳам имкони йўқ. Тўгрироги, уйларига яқин бўлган бозорга боролмайди. Ишкал чиқариб қўйди.

Эртасига у ҳаммадан аввал уйғонди. Ҳовлига сув сепди. Тупроқ ҳиди димогига урилиб, ўзгача бир роҳатни ҳис этди. Ҳар кун тонгда югуришга ўрганиб қолган экан, шунинг учун ўз-ўзидан оёғи кўчага тортаверди. «Йўқ, бугун югурмайман. Кун бўйи бўладиган ишларга куч сақлашим керак», хаёлидан ўтказди у. Бироқ ташқарига чиқиш истаги тинч қўявермагач, ҳеч курса, дарвоза ортига чиқиб, ён-атрофга қараб олмоқчи бўлди. Аммо дарвоза ёнида ерда ётган бир даста пулни кўриб, қотиб қолди. «Бу қаёқдан пайдо бўлди? Ҳа-а, Миразиз амакининг пули тушган бўлса керак. Лекин унинг ортидан келувдим, агар бирон нимаси тушиб қолганда, кўрадим. Қолаверса, чўнтагини ковламаганди. Қизиқ, ким ташлаб кетган бўлиши мумкин?» дея хаёлидан ўтказди у ва энгашиб пулни қўлига олди. Ҳаммаси қип-қизил ўн сўмликлар. Фирдавс санади. Нақд юзта чиқди. «Войбў, минг сўм», хаёлидан ўтказди у ва секин ортига бурилган эди ҳамки, дарвоза қўнгириғи жиринглади. У тутгачани ким босганилигини сўраб ҳам ўтирамади. Кичкина табақани очди-ю, бирдан қизариб бўзарган, сочлари тўзғиган Рухшонага кўзи тушиди.

— Шу ердами?! — сўради Рухшона Фирдавснинг саломига алик ҳам олмасдан.

— Ким? — деди беихтиёр Фирдавс.

— Ким бўларди?! Миразиз амакинг-да! — деди Рухшона ва жавобини кутиб ҳам ўтирмай, Фирдавсни четга суриб, ўзини ичкарига урди. Кетаётуб:

— Ялангоёқлар жонга тегиб кетди! — деди.

Фирдавс жойида қотди. Құли мушт бўлиб туғилди. Бироқ унинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Шу боисдан аламини ичига ютишга мажбур эди у.

Моҳирўй Рухшонани ҳовлига кирганидаёқ кўрганмиди ё ўзи ташқарига чиқиб қолдими, ҳар қалай, бир пайтлардаги қалин дугонасининг ташрифини хушламайгина қарши олди. Шундай эса-да, ўзини ҳеч нарса билмаган, кўрмаганга солди.

— Рухшонахон, нечук? — деди лабида табассум билан.

— Моҳирўй, телефон ҳам қилиб қўймайсиз, кечаси билан ухлаёлмай, юриб чиқдим, — дея бирдан дийдиёсини бошлади Рухшона.

Моҳирўйнинг тили калимага келмай, ҳайрон бўлганча оний лаҳза Рухшонага тикилди. Сўнг:

— Мен сизни тушунмадим, — деди.

— Нимасини тушунмайсиз? Миразиз акам сизларникига келибди. Шу ерда қопти. Телефон қилиб, шуни айтиб қўйсангиз, камайиб қолмасдингиз.

— Узр. Хаёлимга келмабди. У ошнаси билан ичиб, маст бўлиб, ухлаб қолган экан, — деди қалтираб кетган Моҳирўй. Кейин ўғлига юзланиб: — Кириб, айтиб чиқ, — деди.

Фирдавс Рухшонанинг аччиқ гапларига тишини тишига босиб чидади. Зеро, онаси номига айтилган ҳар қандай оғирроқ сўз унинг юрагига ханжардай санчиларди.

Миразиз ўрнидан туриб, эндингина ташқарига чиқаётган экан. Уни кўриши билан Фирдавс ҳеч нима демай, ортига қайтди.

Ичкилик, уйқудан кейин Миразизнинг қовоғи шишиб кетганди. Хотинига кўзи тушгач, ундан-да баттар бўлди. Моҳирўй Рухшона бирдан эрига ёпишиб кетса керак, деб ўйлаган эди. Бироқ Рухшона:

— Машина кўчада, — деди-ю, тўзғиган соchlарини силкитиб, дарвозахона томонга кетди.

Эр-хотин хонадонни тарқ этишлари билан Моҳирўйнинг кўзидан дув-дув ёш оқа бошлади.

— Ая, нега йиғлаяпсиз? — деди Фирдавс ҳайрон бўлиб.

Моҳирўй қўлини силтади.

— Кўявер. Ҳам уйингда меҳмон қиласан, ҳам гапга қоласан. Дадангаям ҳайронман, — деб Моҳирўй кўзидаги ёшни артди ва ошхона томонга юраётиб, ўғлининг қўлидаги пулга кўзи тушди.

— Анавини қаердан олдинг? — деди йигитнинг қўлига ишора қилиб.

Фирдавс худди ўғрилик устида қўлга тушган одамдай бир муддат довдиради.

— Ҳалиги, ая... Нима десам экан? Дарвоза ёнидан топиб олдим. Кимdir ташлаб кетганга ўхшайди.

— Қани, менга бер-чи.

Фирдавс истар-истамай, пулни аясига узатди.

— Кўп-ку. Шунча пулни ким бизнинг дарвозахонага... Шошма, Миразиз амакингники тушиб қолган бўлмасин тағин.

— Тушганда, мен кеча кўрган бўлардим.

— Бошқа ким ҳам бизнинг уйга пул ташлаб кетарди? Ҳозир дарров кийин-да, ортларидан бор. Уйда биринчи дуч келган одамнинг қўлига тутқазиб, орқангга қайт. Яна бир балонинг тагида қолиб кетмайлик. Бўл тез.

— Хўп, — деди Фирдавс бошини қимирилатиб ва шошиб уйга кирди. Шу пайт телефон жиринглади. У гўшакни кўтарди.

— Алло, — деган товуш келди нариги тарафдан.

Мавзунанинг овозини Фирдавс дарров таниди.

— Эшиштаман, — деди кўнгли алланечук бўлиб.

— Фирдавс ака, ассалому алайкум, яхшиям сиз олдингиз. Адам сизларнида қолганмиди?

— Ҳа.

— Ойим бордими?

— Келди, кетишгаям улгурди.

— Фирдавс ака, холам билан амакимдан кечирим сўранг, менинг номимдан, илтимос! — дея қиз пиқпиқ йиғлай бошлади.

— Нима гап ўзи? Тинчликми? — сўради Фирдавс хавотир олиб.

— Тинчликмас-да, Фирдавс ака. Ойим...

У бошқа гапиролмади. Гүшакдан қисқа товуш келиб қолди. Йигит пешонасини қашлаб, секин юриб, хонасига кирди. Сүнг кийимини алмаштириб, йўлга отланди.

Унинг назаридан кун эрталабдан исиб кетаётганга ўхшарди. Бўлмаса, қишига ҳам бир қадам қолган. Унинг пешонасидан эса реза-реза тер оқарди. Бир хаёли такси тутиб, тез амакисиникига бормоқчи бўлди. Чўнтагини ковлаб кўрса, минг сўм турибди. Бу ёғи жуда нозик.

Йигит Мавзуналарникига автобусда боришга қарор қилди. Автобусга чиқиб, ўриндиқча ўтириди-ю, бошини деразага қўйди. Шунда бирдан хаёлига Фарангиз келди. «Унинг иши», — деб бирдан ўзи гапириб юборди. Автобусда ундан бошқа яна иккитагина йўловчи бор эди. Иккаласи ҳам унга ўтирилиб қараб қўйишиди. Фирдавс дув қизарди. Бир муддат шу тахлит ўтиргач, навбатдаги бекатда тушиб қолди-да, пою пиёда ортига қайтди. «Кеча дадамнинг ишлаётганини кўрганди. Хотамтойлик қилмоқчи бўлган, шу йўл билан... Шошма, у мени ёқтириши мумкинми? Тўсатдан пайдо бўлиб қолишлар, хушомад...»

Йигит ўйлаб, ўйига етолмасди.

\* \* \*

Аслида ҳам шундай эди. Фарангиз уйидагилардан хушхабарни эшигчач, юргургилаб хонасига кирди. Кийимларини ечиб отди. Ички кийимда хонани гир айланаб ўйнади. Кейин тошойна қархисига бориб, қаддиқоматини томоша қиласкан, нозик, узун бармоғини аксига кўрсатиб, пичирлай бошлади.

«Хоним, бахтингиз кулди. Энди сиз севган йигитнингизга турмушга чиқасиз. Адажоним узоқни кўзлаб иш қиласиган одамлар хилидан. Фирдавс акамда нималардир борлигини англаған. Шунингдек, менинг шу бола билан бахтли бўлишимни ҳам сезган... Шошма, унинг адасининг бозорда юк тушириб юрганини кўрдим. Демак, камбағал оила. Бизникилар боришса, олдилариға тузукроқ нарса қўйишига ҳам қурби етмаса керак. Бундан чиқди, ёрдам беришим керак. Шундай ёрдам берайки, уларнинг ўзлари билишмасин... Йиғиб қўйган пулларим йигирма мингдан ошиб кетди. Де-

мак, минг сўмини оламан-да... Шошма, уйининг қаердалигини билмайман-ку. Адажонимдан ойим орқали сўрайман...»

У шоша-пиша устига халатини илиб, тугмаларини қадар-қадамас йўлакка чиқди.

Бахтига, ойисининг ёлғиз ўзи ўтирган экан.

— Ойижон, — деди у Розия опани қучоқлаб, юзидан ўпид қўяркан.

— Нима гап, эрка қизим?

— Битта нарса сўрасам майлими?

— Бемалол. Биттамас, ўнта сўра.

— Ўзимнинг ойижонимдан, — деб Розия опанинг иккала юзидан ҳам чўлпиллатиб ўпган қиз секин унинг қулоғига: — Фирдавс акамларнинг уйлари қаердалиги-ни адажонимдан сўраб беринг, — дея шивирлади.

— Нима қиласан, қизим? — деди ҳайрон бўлган Розия опа.

— Керак-да.

— Адангдан сўрашим шарт эмас. Ўша Миразиз амакингнинг туғилган кунида Моҳирўй айтувди. Эслаб қолганман. Лекин сенга нима кераги бор?

— Ойижон, керак. Ҳозироқ бормасам бўлмайди.

— Жинни бўп қолдингми? Қоронги тушди-ку.

— Ойижон, бораман-у, қайтаман. Фақат сиз адажонимга айтиб қўйманг. Дугонасилинига кетди, денг. Энди адресини беринг.

— Сен қиз...

— Сирам хавотир олманг. Ҳаммаси жойида бўлади, бундан бу ёғига фақат сизларни хурсанд қиласман. Адрес...

— Бўпти, сен кийиниб чиқавер, мен қофозга ёзиб қўяман.

— Ўзимнинг ойим ҳамманикидан зўр! — деб яна бир марта Розия опанинг юзига лаб босган Фарангиз ўз хонаси томон югуриб кетди.

Фирдавсларнинг уйини топиш унга қийин бўлмади. Шу томонларга илгари ҳам уч-тўрт марта борганди. «Бир ўзимдан кўра икки кишилашиб борганимиз яхши», дея Олия исмли рус дугонасини ҳам етаклаб олди. «Сен жиннисан, — деди Олия унинг ниятини билгач. — Йигитингга яширинча пул бериб... фалатисан-да».

— У менинг қўлимдан ҳеч қачон олмайди. Фуури жуда баланд. Шунинг учун уйига ташлаб кетаман... Йигит кишининг чўнтағида доим пул бўлиши керак. Мен унинг ёнида сумкамни ковласам, ёмон аҳволга тушиби мумкин.

— Камбағалми?

— У ёғи билан ишинг бўлмасин. Муҳими, студент, юридическийда ўқийди. Вақти келса, мен берган пулларни ўн баробар қилиб қайтаради.

\* \* \*

Лазиз Фарангиз кеттанидан кейин стол устида турган рюмкани қўлига олди-да, қарсиллатиб полга уриб, чил-чил синдириди. «Ярамас, ҳали сен отангга ишониб, менинг фууримни топтамоқчи бўлдингми? Кўрсатиб қўяман. Ўша йигитчангнинг ҳолига маймунлар йиғламаса, отимни бошқа қўяман!» дея кўнглидан ўтказди.

Шовқинни эшитган официант қиз дарров шошганча у ўтирган кабинага кирди. Бу пайтда Лазизнинг кўзи қонга тўлган эди.

— Бомба портладими? Ҳовлиқиб келдинг, ярамас. Бориб ароқ опкел. Кейин телефонингниям кўтариб кел! — деб бақирди у хизматчи қизга.

Қиз кўрқиб кетди ва озгина орқасига тисарилиб, узун киприкларини пирпиратганча:

— Телефоннинг сими бу ергача етмайди, — деди.

— Ниманинг сими етади? Етмаса, ула! — деб Лазиз ўрнидан турди.

Унинг важоҳатини кўрган қиз баттар кўрқиб кетди ва дарров хонани тарқ этди. Унинг ортидан йигит ҳам чиқди. Тўғри барменнинг ёнига бориб, телефон сўради. Бармен унга бошдан-оёқ назар солиб чиққач, бурнини тортиб қўйиб, стол тагида турган телефон курилмасини чиқариб, олдига қўйди.

Рақам тераётган Лазизнинг бармоқлари ўта асабийлашаётганидан қалтираб кетди.

— Ал-л-ло! — деди у чўзиб. — Федя, ўзингмисан? Мен доим ўтирадиган ресторандаман. Болалардан яна

иккитасини опкел. Ўзим бугун сизларни яхшилаб су-  
гораман. Ха-ха-ха!

— Бўлди, шесть секундда етиб бораман, — деб жа-  
воб қилди симнинг нариги учидаги гўшакни қулогига  
қўйиб турган йигит.

У гўшакни қарсиллатиб телефон устига ташлаб, аф-  
тини бужмайтирганча барменга қаради-да:

— Ока, юзта қўйинг. Бу қўлингиздан юзта олайлик, —  
деди.

Бармен шунга ўхшаш гапларни ҳар куни эшитади.  
Кўнишиб ҳам кетган. Шу боисдан пинагини ҳам буз-  
май, унинг айтганини бажарди.

Рестораннинг умумий зали анча гавжумлашган, му-  
сиқа янграмоқда эди. хўранда эркакларнинг асосий қисми  
дугоналари билан келишган. Бир нималарни улар билан  
гаплашишар, баъзилари ора-чора кулиб қўйишарди.

Лазизнинг уларга ҳаваси келди. Айни чогда Фаран-  
гизнинг кетиб қолгани учун уни ичида яниб қўйди.  
«Бизниям кўнглилизни овлаб қўядиганлар тиқилиб  
ётибди. Бугун ўшаларнинг ёнига бораман», деб хаёли-  
дан ўтказди у.

Ишрат орзусидаги йигит оғайнилари келгунча хиз-  
матчи қиз стол устига қўйиб кетган ароқдан икки рюмка  
ичди. Сўнг столга суюнганча бошини орқага ташлаб,  
сигарет чекиб ўтириди.

Федя исмли йигит ва бошқа ошналар уни кўп кут-  
тириб қўйишмади. Лазизнинг бармоқлари орасидаги  
сигарет охиригача тутаб, тамом бўлмасдан, узун-қисқа  
бўлишиб, олдинма-кейин кириб келишиди.

Айш-ишрат узоқча чўзилмади. Бир соат нари-бери-  
сида давом этди. Шу вақт ичида икки шиша ароқ туга-  
ди. Ана шундан кейингина Лазиз кўнглидагини ўртоқ-  
ларига айтди.

— Оғанини, — деб унинг елкасига қўлини ташлади  
Федя, — сенинг дўстинг бизниям дўстимиз, душма-  
нинг душманимиз. Ўша чувакни эртагаёқ топиб, ях-  
шилаб ақлини киритиб қўямиз, токи умрининг охи-  
ригача эслаб юрсин.

*Учинчи китоб тугади.*

*Адабий-бадиий нашр*

**Нуриддин Исмоилов**

**БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**Учинчи китоб**

*Мұхаррір Аҳмад Отабой*

*Дизайнер Акбар Исмоилов*

*Техник мұхаррір Зокиржон Алибеков*

*Мусаққызы Фотима Ортиқова*

*Саҳифаловчы Ақмал Сулаймонов*

Нашр. лиц.№154. 14.08.09. Босишга 16.08.2012 йилда рухсат  
этилди. Бичими 84x108 1/32. 13,44 босма табоқ.  
13,7 шартли босма табоқ. Адади 3000 нұсха.  
291 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур күчаси, 86.

Мурожаат учун телефонлар:  
Маркетинг бўлими — (+99871) 241-83-29, (+99871) 241-48-67  
факс — 241-82-69; e-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)  
[www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)